

А.РАСУЛОВ
А.ИСОҚБОВ
Д.НАСРЕТДИНОВА

ТУРКИСТОН ИЖТИМОЙИ-СИЁСИЙ, МАДАНИЙ ҲАЁТИДА ТАТАРЛАР



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

**А. РАСУЛОВ
А. ИСОҚБОЕВ
Д. НАСРЕТДИНОВА**

**ТУРКИСТОН
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ,
МАДАНИЙ ҲАЁТИДА
ТАТАРЛАР**

**ТОШКЕНТ
“TURON-IQBOL”
2019**

УЎК: 94(470:575).1

КБК: 63.5(54)

Т 89

Туркистон ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида татарлар [матн]: монография. А. Расулов [ва бошқ.]. – Тошкент: “TURON-IQBOL”, 2019. – 192 б.

Масъул муҳаррирлар:

Р.Ҳ. Муртазаева – тарих фанлари доктори, профессор

С.С. Аъзамхўжаев – тарих фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Қ.К. Ражабов – тарих фанлари доктори, профессор

С.Б. Шодмонова – тарих фанлари доктори, профессор


А.А. Эркўзиев – тарих фанлари номзоди, доцент

М. Алихонов – тарих фанлари номзоди, доцент

Мазкур монографияда Туркистонда XIX аср охири – XX аср биринчи чорагида татарларни ўлкадаги ижтимоий-сиёсий, маданий, ҳаётда: матбаа ишларида, ижтимоий-сиёсий ҳаракатларда, Туркистон Мухторияти миллий давлатчилигини тузиш ва уни қўллаб-қувватлашда, даврий матбуот тараққиётида, театр санъати ривожидида туган ўрни очиб берилган. Китобдан татар сиёсий етакчиларини Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ҳам ўрин олган. Татарларни “янги жамият” куриш ишларида, тарғибот ва ташвиқотдаги олиб борган фаолияти ҳам ёритиб берилган.

Ушбу китоб тарихчи – тадқиқотчиларга, ватанимиз тарихига, миллатлараро муносабатларга қизиққан кўп сонли китобхонларга мўлжалланган.

ISBN 978-9943-14-643-3



© “TURON-IQBOL”, 2019

МУНДАРИЖА

Кириш	4
-------------	---

I боб. ТУРКИСТОН ИЖТИМОЙИ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА ТАТАРЛАР

1.1. Ижтимоий-сиёсий жараёнлар	7
1.2. Туркистон Мухторияти учун кураш: муаммо ва зиддиятлар ..	34
1.3. Туркистон ва Мирсаид Султон-Ғолиев	59

II боб. ТУРКИСТОН МАДАНИЙ ҲАЁТИДА ТАТАРЛАР

2.1. Театр санъати ривожланишида саъй-ҳаракатлар	76
2.2. Вақтли матбуот, матбаа ишларини йўлга қўйилиши	101
2.3. Тарғибот-ташвиқотда татарлар	135
Хулоса	171
Атама ва қисқартмалар изохи	175
Илова	177

*Устоз Татаристон ФА академиги,
тарих фанлари доктори, профессор
Риф Галютдинович Хайрутдинов-
нинг порлоқ хотирасига бағишланади.*

КИРИШ

Тарихий жараёнларда халқларнинг тутган ўрни, у ёки бу миллатни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётдаги эгаллаган мавқеи муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ҳар бир миллатга хос, аммо бошқа бир миллатга яқин бўлса-да, қайтарилмайдиган ўзига хос хусусиятлари, фазилати ва камчиликлари, ютуқлари ҳамда йўқотишлари бор. У ёки бу миллатнинг тарихда тутган ўрни, жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси... ўша миллатнинг етакчиларига, географик жойлашган ҳудудига, кўни-қўшниси ёки бошқа миллатлар билан ўзаро муносабатлари, ўз фазилати ёки камчилигини “намоён” қилишга туртки берган ички ва ташқи омилларга, тарихий даврга боғлиқлик томонлари бор. Шундай нуктаи назардан қараганда, Туркистон ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида нафақат ерли аҳоли, балки татарлар ҳам муҳим роль ўйнаган.

Татарларни Туркистон ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётидаги фаол иштироки XIX асрнинг иккинчи ярмидан яққол кўзга ташланади. Хусусан, дастлаб татарлар Ўрта Осиё хонлиқларига савдо-сотик ишлари билан ташриф буюрган бўлсалар, кейинчалик, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, улардан Россия империяси ҳарбий маъмурлари Туркистонни забт этишда тилмоч ва таржимон, зарур ҳолларда ҳарбий зобит сифатида ҳам фойдаланган. Хусусан, XIX аср татарлар учун Ўрта Осиё бозорларини ўрганиш ва эгаллашга имконият яратди¹.

Татарлар Туркистонда ўз фаолиятларини юритар экан, аввал империя манфаатларига бўйсунган ҳолда фаолият юрит-

¹ Қаранг: Ислам в татарском мире: история и современность (Материалы международного симпозиума. Казань, 29 апреля – 1 мая 1996 г.). Казань, 1997. – С. 75.

ган бўлса, XX аср бошлари, аниқроғи 1917 йил Февраль инкилобидан кейин ўлканинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий жараёнларида ҳам фаол иштирок эта бошлади.

Россия империяси таркибига бошқа турк-мусулмон халқларига нисбатан анчагина аввалроқ киритилган татарлар... Нисбатан аввалроқ рус маданияти, тили, урф-одати, руҳияти, саноати, ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалиги, ҳарбий имконияти, матбаачилиги, газета-журналлари, китоблари, театри билан яқиндан танишишга ва ҳатто айримларини ўзлаштиришга муваффақ ҳам бўлдилар.

Тил ва руҳиятга кўра татарлар Туркистоннинг туркийзабон халқларига яқинлиги, диний ва миллий қарашига кўра муштараклиги билан муҳим аҳамият касб этади. Боз устига, 1917 йил Февраль инкилоби, Октябрь (1917) давлат тўнтариши Россия империяси таркибига киритилган, амалда мустамлакачилик азоб-уқубатларини бошидан ўтказиб келаётган халқларни, хусусан турк-мусулмон халқларини “озодлик” ҳиссиётини яхши ҳис қилишига олиб келди.

Февраль (1917) инкилобидан кейинги ижтимоий-сиёсий, ҳарбий, маданий-маърифий жараёнлар ривожда татарлар фаоллик намуналарини кўрсатдилар. Ҳақли равишда турк-мусулмон халқлари ичида “байроқдорлик” кайфиятини, “инкилоб яловбардорлиги”ни ўз зиммасига олган татарлар ижтимоий-сиёсий жараёнларда, маданий-маърифий йўналишларда ўз фаолликлари билан ажралиб турди. Бу фаоллик замирида... ўн йиллар, юз йиллар давомида бўлиб келаётган ноҳақликларга, камситишларга, четлатишларга ва умумлаштириб ифодалаганда: мустамлакачилик зулмига қарши акс-садо бор эди.

Татарлар инкилоб берган “имконият”дан фойдаланиб, асосий эътиборни турк-мусулмон халқларини “уйғотиш”га, уларнинг сиёсий фаоллигини оширишга, ўзаро ҳамкорлигини уйғунлаштиришга, маданиятини юксалтиришга, дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлишга қаратди. Бу борада туркий халқлар ҳамкорлиги, Марказ манфаатларига зид эканлигини ҳис этган ҳолда, ўзаро таяниб ва бир-бирига суянган ҳолда фаолият олиб бориши лозим деб топди. Албатта, бундай вази-

фани амалга оширишда, татарлар сидқидилдан, ўзлари ҳам алданаётганлигини билиб-билмаган ҳолда, ич-ичидан ишонган ҳолда демократик жараёнларни амалга ошириш ва “социалистик ғоя”ни ҳаётга татбиқ этишга киришиб кетди.

Татарларни “ўта фаоллиги”дан Марказ манфаатларида фойдаланилди. Амалда, чоризм ҳам, ... большевиклар ҳам татарлар орқали Туркистондаги ҳолатга, ўз манфаатларига асосланган сиёсатни сингдиришга ҳаракат қилдилар ва бунга маълум маънода эришдилар. Бу ҳолатларнинг ҳаммасига бир томонлама: салбий ёки фақат ижобий деб баҳо бериш мақсадга мувофиқ эмас. Салбий томонларини инкор этмаган ҳолда ижобий томонлари, шунингдек, тегишли оқибатларидан ҳам кўз юмиш адолатдан эмас. Зеро, тарихий жараёнлар...ёзилишидан аввал... бўлиб ўтади. Ҳар қандай бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларнинг ўз қонунияти, объектив ва субъектив томонлари бор... Тарих ўйлашга, мушоҳада қилишга, сабоқ чиқаришга ундайди. Шу маънода, Туркистон ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида татарларнинг тутган ўрни муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бу туркий халқлар ҳамкорлигига муҳим далолат ҳисобланади.

Ўзаро муносабатлардан сабоқ олиш, тегишли хулосалар чиқариш, кечаги тарихимизни унутмасликка, келажакда кўядиган “қадамларимиз”ни ўйлаб амалга оширишга ундайди. Албатта, бўлиб ўтган тарихий жараёнларга баҳо беришдан аввал, ўша воқеа-ҳодисалар содир бўлган даврдаги ҳолатни, ижтимоий-иқтисодий, ҳарбий-сиёсий аҳволни ҳисобга олиш зарур. Ўша саъй-ҳаракатлардан мақсад нима эди-ю, уни амалга ошириш қандай кечди? Буларнинг ҳаммаси ўз таҳлилига ва шундан келиб чиққан ҳолисона талқинига эга бўлиши лозим.

Муаллифлар

I боб. ТУРКИСТОН ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИДА ТАТАРЛАР

1.1. Ижтимоий-сиёсий жараёнлар

Маълумки, Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаёти ХХ аср бошларида ўзига хос ривож ва зиддиятли ҳолатлари билан намоён бўлади. Айниқса, бундай ҳолат Россия империяси барҳам топиш арафаси ва айниқса, Февраль (1917) инқилобидан кейин ўлкадаги ижтимоий-сиёсий, маданий жараёнларда турк-мусулмон халқлари орасида ўзликни англаш, сиёсий фаоллик, ўзаро бирдамлик ва ҳамкорлик ҳиссиётини кучайтириб юборди. Агар бу ҳиссиёт Россия Давлат думаси фаолиятида яққол кўзга ташланган бўлса, Февраль (1917) инқилобидан кейин янада жадаллашиб, сиёсий фаолликнинг борган сари ортиб боришига олиб келди.

Айтиш мумкинки, Февраль (1917) инқилоби Россия империясига барҳам бериб, салтанат таркибига хоҳиший-мажбурий киритилган халқлар учун кенг миқёсдаги сиёсий ва иқтисодий озодлик имкониятини вужудга келтирди. Йиллар давомида Россия империяси зулми остида ўз тили, дини, маданиятини тўла ҳимоя қила олмай келаётган турк-мусулмон халқлари учун бу вужудга келган имкониятдан унумли фойдаланиш муҳим ва аҳамиятга молик долзарб вазифалар қаторида турарди. Айнан Февраль (1917) инқилоби Россия империяси таркибидаги турк-мусулмон халқларини ҳам мустамлакачилик руҳиятидан қутулишга, жамиятнинг турли сиёсий кучларини бирлашиб ҳаракат қилишига олиб келди. Хусусан, 1917 йил Февраль инқилоби натижасида Россиянинг мустамлака – чекка ўлкаларида Октябрь давлат тўнтариши (1917)гача Муваққат ҳукумат томонидан барча табақа, диний ва маҳаллий чекланишларнинг бекор қилинганлиги ҳамда умумий, тенг, тўғридан-тўғри, яширин овоз бериш асосида маҳаллий органларга сайлов ўтказиш, сиёсий амнистия (умумий авф) эълон қилиниши лозимлигини ҳам маълум қилди.

Бу ўзгаришлар рус бўлмаган миллатларни, хусусан, империя таркибидаги турк-мусулмон халқларини ҳам четлаб ўтмади. Чунки турк-мусулмон халқлари ҳам Россия империясига хоҳиший-мажбурий тарзда киритилган, қайсидир бири ўн йиллар, бошқа бирлари юз йиллар давомида ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қила олмай, ўз миллий озодликларини орзу қилиб, тили, дини, маданияти, ишлаб чиқариши ривожини ўйлаб, тараққиёт тамойилида саъй-ҳаракат қилиб келганлар. Эндиликда Россиянинг йиллар давомида ҳўрланган халқлари ўз сиёсий партияларини тузишга, турли профессионал ташкилотларини, маданий-маърифий муносабатларини йўлга қўйишга муваффақ бўлди. Тузилаётган сиёсий партия ва бошқа ташкилотларнинг кўпи айрим синфлар манфаати, ижтимоий қатламларга хизматга чорлангани билан ажралиб туради. Ўз навбатида, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Россия салтанати таркибида бўлган ҳудудлардаги барча халқлар қатори турк-мусулмонлар ҳам бир неча ой давомида умид ва яқин келажакда бўлиш мумкин бўлган “эркинлик”, “тенглик”, “қардошлик” ҳиссиёти билан яшадилар. Аммо бу турк-мусулмон халқлари, бутун Россия халқлари каби орзу-умидларга бой бу кунлардан воз кечишга мажбур бўлишларини, янги ҳокимият олдида турган мураккаб, зиддиятли жараёнлар ечимида ожизлик қилишларидан беҳабар эдилар. Лекин Февраль (1917) инқилобидан кейинги дастлабки пайтларда, бошқалар қатори, мусулмон аҳолиси монархиянинг қулаганидан беҳад хурсанд эдилар. Бу хурсандчиликлар аксадоси мусулмонлар Давлат думасига, Муваққат ҳукуматга, Петроград ишчи ва солдат депутатлари Кенгашига, газета ва журналлар таҳририятига юборилган телеграммаларда ўз ифодасини топган. Подшо ҳукумати ағдарилгани муносабати билан мусулмонлар жума намозидан кейин янги ҳокимиятни қўллаб-қувватловчи митинг ва мажлислар ўтказишган. Барча телеграммаларда мусулмонлар янги ҳокимиятни қўллаб-қувватлаб, унда давом этаётган жаҳон урушига, ер масаласига, озиқ-овқат таъминотига, демократик ўзгаришларга, миллатлар тақдири масалаларига муносабат билдирганлар. Масалан, 1917 йил 10 мар-

тида Семипалатинскдан юборилган телеграммада “Озодлик байрами катта халқ юриши билан нишонланди... мусулмон рухонийлари Муваққат хукуматга тўла бўйсунамиз, умумий иш йўлида курбонлар беришга тайёрмиз”, – дейилган. Шуниси борки, Февраль (1917) инқилоби эълон қилган “миллий чеклашларга барҳам бериш”, “табақавий, диний чеклашларни кафолатли бекор қилиш”, “адолат ва тенглик” каби ғоялар мусулмон аҳолини ўзининг домига тортган эди. Мусулмон аҳоли учун ўзларини “ўғай”, “қувғиндаги”, “ўз юртига бегона” каби ҳис қилмаслик муҳим аҳамиятга эга эди. Бокудаги 30 та мусулмон ташкилотларидан юборилган телеграммада “Муваққат хукумат томонидан эълон қилинган фуқаролик, сиёсий ва миллий-диний озодлик асосларида, Россия давлатининг барча фуқаролари тенглиги қатори мусулмонларники ҳам бир хил...” – дейилади¹.

Шуни таъкидлаш жоизки, телеграммаларда мусулмонлар демократик, федератив, халқ республикаси бўлишига мойилликларини билдириб, энг асосийси урушни муваффақиятли тугатиш, тезроқ аграр ва ер масалаларини ҳал қилиш, диний ва маданий тараққиёт, ўз тақдирини ўзи белгилаш, мазкур инқилобга XX асрнинг буюк воқеаси тариқасида қараш акс этганини кўриш мумкин. Телеграммаларда энг асосий ечимини кўрсатилаётган ва кутилаётган вазифалардан бири, бу миллий масала эканлиги, ушбу муаммо ечимида оғриқ нукталар борлиги қайд этилган. Турк-мусулмон халқлари подшо хукумати ағдарилганлигига бефарқлик билан қарамаганлар. Хусусан, Саратов, Челябинск, Қўқон, Оренбург, Казалинск, Белеевск, Уфа, Бугуруслан, Бирск худудларида яшовчи татарлар подшоликни ағдарилиши ва Муваққат хукумат тузилгани билан кутлаб, Петроградга телеграмма юборганлар. Уфа губерниясидан И. Шахлев, Оренбургдан И. Бузикаев, Қўқондан Тазиев, Казалинскдан Сейфульмулюков, Абубакиров, Сабаев, Сейфутдинов, Челябинскдан Салимов, Ибрагимов, Бугурусландан Ахун Амирханов ва бошқалар қатори Туркистон шахридан

¹ Февраль 17-го в телеграммах от мусулманского населения // “Гасырлар авазы – Эхо веков”. – Казань (татар ва рус тилларида), №1/2, 1997. – С. 164, 166.

Содик Ўтганиев – Россия Давлат думаси раиси, Министрлар Совети Раиси, Давлат думаси мусулмонлар фракцияси раиси номига юборган телеграммасида “...барча мусулмонлар хурмати ва тўла ишончига эга бўлган янги ҳукумат (Муваққат ҳукумат назарда тутилган – *муаллифлар*) ... мусулмонларни чеклашни тўхтатишини оллохдан сўраймиз”, дейди ва “эски ҳукумат томонидан [мусулмонларни] буюк Россия хизматкори” тариқасидаги қарашлар ўзгариб, “умид қиламизки, янги ҳукумат Туркистон ўлкасида, кирғиз (қозоқ) чўлларида, Кавказда “мусулмонларга етказган озори”ни тўғрилашга ҳаракат қилади, деб қайд этади. Қўқондан татарлар жамияти раиси Тазиев Муваққат ҳукуматни қутлаган бўлса, Казалинск татар жамияти номидан Сейфульмулюков, Абубакиров, Сабаев, Сейфутдиновлар томонидан миллий ва диний чекловларга барҳам берилишини хурсандчилик билан қаршилаганликларини изҳор этганлар¹.

Февраль инқилоби (1917) Россия империясида истиқомат қилаётган барча халқлар, айниқса турк-мусулмон халқларида озодлик, миллий ўзлигини англаш, ўз ҳақ-ҳуқуқига эга бўлиш ва катта ўзгаришларга умид уйғотди. Самарқанднинг “Хуррият” газетасида Россияда узоқ қутилган ўзгаришлар ҳақиқатга айланаётгани, эндиликда ўз она тилларида эркин гапириш ва ёзиш имконияти вужудга келиши, ерли турк-мусулмон халқлари истак ва талабларига қулоқ солишларига умид қилинган бўлса, “Алаш” газетасида “хар бир халқ суверен, демократик мамлакатда яшаш ҳуқуқига эга” деб таъкидланган².

Аммо Февраль (1917) инқилобидан кейин ҳам Туркистонда генерал-губернатор А.Н.Куропаткин ўлкани бошқаришда давом этарди. Ҳатто 1917 йил 4 мартада Муваққат ҳукумат Россиянинг барча халқларига “фуқаролик тенг ҳуқуқларини тақдим этиш” тўғрисида фармонини эълон қилган бўлишига қара-

¹ Февраль 17-го в телеграммах от мусульманского населения // “Гасырлар авазы – Эхо веков”. – Казань журнал (татар ва рус тилларида), №1/2, 1997. – С. 168–170.

² Қаранг: Абдуллаев Р. Национальные политические организации Туркестана в 1917–1918-годы. – Т.: “Adabiyot uchqunlari”. – С. 75.

масдан, А.Н. Куропаткин ҳарбий мажбурияти бўлмаган мусулмонларга нисбатан “тенглик тамойилини тўлалигича қўллаш мумкин эмас, акс ҳолда Туркистон ортга қайтади: овознинг аксарияти туземликларда бўлиб қолади ва улар ҳамма нарсани ўз қўлларига олиб қўяди, бу қўллар эса ишончли эмас-ку”, деб ҳисоблаган бўлса-да¹, Туркистондаги ҳаёт, ўлкадаги мусулмонлар жамоатчилиги рус аҳолиси ҳуқуқларини камситмаслиги бўйича ишонтиришга ҳаракат қилдилар.

Февраль инқилобидан сўнг аста-секин Туркистон бўйлаб Муваққат ҳукумат томонидан тугатилган подшо маъмурияти ўрнига жойларда жамоат ташкилотларининг ижроия комитетлари, яъни жамоат хавфсизлиги деб номланган комитетлар ташкил топа бошлади. 1917 йил 6 мартда 19 аъзодан иборат Тошкент ижроия комитети сайланиб, унинг таркибида маҳаллий аҳоли вакиллари озчиликни ташкил қиларди. Яна бир вақтнинг ўзида Тошкент ва бошқа айрим шаҳарларда ишчи депутатлари советлари ва солдат депутатлари ташкил топа бошлади. 1917 йил 28 мартда Тошкент солдат депутатлари Совети ва Тошкент ишчи депутатлари Совети қўшилиб, 7 апрелда ишчи ва солдат депутатлари Советининг ўлка съездини чақиришга қарор қилди. Аммо бу сиёсий жараёнларда ўлка турк-мусулмон халқлари вакиллари фаолиштирок этмади. Воқеалар ривожига ҳолатдан келиб чиқиб, Муваққат ҳукумат 1917 йил апрель ойи бошларида собиқ генерал-губернатор А.Н. Куропаткинни Петроград шахрига чақириб олди. Айни пайтда, 7 апрелда, ўлкада вужудга келаётган сиёсий вазиятдан келиб чиқиб, Муваққат ҳукумат томонидан Н.Н. Шчепкин раислигида “Туркистонни бошқариш Муваққат кўмитаси” тузилиб, унинг таркиби 9 кишидан иборат этиб белгиланди. “Туркистонни бошқариш Муваққат кўмитаси”нинг 9 нафар аъзоларидан 4 нафари турк-мусулмон халқларига тааллуқли эди. Хусусан, унинг таркибида Букейханов Алихон Нурмахаметович (1866/70–1937) ҳам бўлиб,

¹ Қаранг: Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Биринчи китоб. 1917–1939 йиллар. – Т.: “O‘zbekiston”, 2019. – Б. 24.

қозоқ миллатига мансуб эди¹. Шунингдек, Тинишпаев Муҳаммаджон Танишпаевич (1879/80–1937), қозоқ миллатига мансуб². Мақсудов (Мақсуди) Садретдин (Садри) Низамитдинович (1879–1957), татар миллатига мансуб³.

¹ Букейханов А.Н. – 1905 йил Қирғиз (Қозоқ) конституцион – демократик партияси тузиш тарафдорларидан бири. I чақирик Давлат думаси депутаты. 1908–1917 йилларда Самарада сургунда бўлиб, илмий фаолият билан шуғулланган. 1917 йил мартада Муваққат ҳукумат томонидан Тўрғай вилояти комиссари этиб тайинланган. 1917 йил апрелидан “Туркистонни бошқариш Муваққат қўмитаси” аъзоси. 1917 йил майида кадетлар партияси марказий қўмита аъзолигига сайланган. 1917 йил 21–26 июлида Оренбургда бўлиб ўтган I Умумқирғиз (Умумқозоқ) съездида кадетлар партиясидан чиқиб, “Алаш” сиёсий партиясига аъзо бўлиб, 1917 йил 31 октябрида Тўрғай вилоят “Алаш” партияси раислигига сайланган. 1917 йил Октябрь давлат тўнтаришига салбий муносабатда бўлган. II Умумқирғиз (Умумқозоқ) съезди (Оренбург, 1917 йил 5–13 декабрь) ташкилотчиси. Умумқирғиз (Умумқозоқ) халқ кенгаши – “Алаш-Ўрда” раиси. 1919 йили совет ҳокимияти томонига ўтган. Қаранг: Мусульманские депутаты Государственной думы России. 1906–1917 гг. Сборник документов и материалов. – Уфа: “Китап”, 1998. – С. 284–286.

² Тинишпаев М.Т. – II чақирик Давлат думаси депутаты. 1917 йил апрелидан “Туркистонни бошқариш Муваққат қўмитаси” аъзоси. 1917 йил августда мазкур қўмитанинг Еттисув вилоятига жазо экспедициясини юбориш қароридан норози бўлиб истеъфога чиққан. 1917 йил Октябрь давлат тўнтаришига салбий муносабат билдирган. IV Фавқуллодда ўлка мусулмонлари съезди (Қўқон, 26–29 ноябрь, 1917)да Туркистон Мухторияти бош вазири, ички ишлар вазири, II Умумқирғиз (Умумқозоқ) съезди (Оренбург, 1917 йил 5–13 декабрь)да “Алаш-Ўрда” аъзоси. 1919 йил совет ҳокимияти томонига ўтган. 1932 йили антисовет фаолияти учун 5 йилга қамалган. Кейинчалик қамок жазосини Марказий-Қоратупроқ районига сургунга алмаштирилган. 1958 йил оқланган. Қаранг: Мусульманские депутаты Государственной думы России. 1906–1917 гг. Сборник документов и материалов. – Уфа: “Китап”, 1998. – С. 303–304.

³ Мақсудов С.Н. – 1888 йилда Қозон мадрасасида ўқиган, кейин Боқчасаройда И.Гаспирали мактабида таълим олган. 1897 йил яна Қозонга қайтади ва кейин 1901 йилга қадар Туркияда кўзга кўринган жамоат арбоблари билан ҳамкорлик қилади. 1901–1906 йиллари Париж университети ҳуқуқшунослик факультетида ўқийди. III Бутун Россия мусулмонлар съезди (август 1906)да “Иттифоқ ал-муслимин” партияси Марказий қўмитаси аъзоси. II–III Давлат думалари депутаты. 1917 йил апрелидан “Туркистонни бошқариш Муваққат қўмитаси” аъзоси. II ва II Бутун Россия мусулмонлари съезди делегати. 1917 йил Октябрь давлат тўнтаришини қабул қилмади. Россия ва Сибирь ички мусулмонлари Миллий Мажлиси (Миллий Мажлис)нинг (1917 йил 22 ноябрь – 1918 йил 11 январь. Уфа) раиси. 1925 йилдан оиласи билан Туркияга кўчиб кетган. Икки марта Туркия парламенти депутаты бўлган. 1957 йил Истанбулда вафот этган. Қаранг: Мусульманские депутаты Государственной думы России. 1906–1917 гг. Сборник документов и материалов. – Уфа: “Китап”, 1998. – С. 293–295.

“Туркистонни бошқариш Муваққат қўмитаси”да татар миллатига мансуб, генерал-майор Абдулазиз Давлетшин ҳам бор эди. Россия Муваққат ҳукумати бу шахсларни “Туркистонни бошқариш Муваққат қўмитаси” таркибига киритиб, гўёки туркий халқлар вакиллари бошқарув тизимида иштирок этишга жалб қилинганини намойиш этгандек... Аммо шуниси борки, дастлабки таркибда бўлган Алихон Букейханов Туркистонга келмади. Садри Мақсудий ва Абдулазиз Давлетшинларни қўмитаси аъзоси бўлишларини Туркистон солдат ва ишчилар совети хоҳламади. Охир-оқибат 4 нафар вакилдан фақатгина М. Тинишпаев қолди. Туркистон Марказий “Шўро Исломия” жамияти томонидан С. Мақсудов ва А. Давлетшинлар ўрнига козок Мустафо Чўқаев ва Қозон мусулмонларининг қўмита раиси, татар Муҳаммаджон Тўхторовлар номзоди кўрсатилди. “Туркистонни бошқариш Муваққат қўмитаси”нинг раиси Н.Н. Шчепкиннинг ўзи ҳам Туркистонни яхши билмас эди. Қолган 5 нафар рус аъзоларидан 2 нафари бир оз ишламай, Тошкент ишчи солдат депутатлари билан келиша олмай, Петроградга қайтиб кетишга мажбур бўлди. Умуман олганда, Н.Н. Шчепкин бошчилигидаги қўмита аъзолари, Маҳмудхўжа Бехбудий таъкидлаганидек, “... бизнинг ҳаётимизни билмаганлари ҳолда, идора қилиш учун йўриқнома чиқарармишлар”, – деб уларга нисбатан ўз муносабатини норозилик ила билдирган¹.

Ўлкадаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар таранглашиб бораётган бир вазиятда “Туркистонни бошқариш Муваққат қўмита”си билан маҳаллий жамоат ташкилотлари ўртасида қарама-қаршилик, келишмовчиликлар юзага келган эди.

Туркистонда вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазият янги сиёсий партия, сиёсий ҳаракат ва гуруҳлар пайдо бўлишига туртки берди. Янги миллий ташкилотлар: “Озод халқ”,

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: “Шарқ”, 2000. – Б. 30–31; Мингнарлов А. Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни миллий матбуотда ёритилиши (1917–1918 йиллар). – Т.: “Истиқлол нури”, 2013. – Б. 36–37.

“Мифтоҳ ул-маориф”, “Хуррият”, “Маърифат ва шариат”, “Иттифоқи Исломия”, “Тижорат ул-ислом”, “Равнақ ул-ислом”, “Гулистон”, “Муаййин ат-толибин”, “Жамияти Исломия” каби ташкилотлар тузилди. Шунингдек, “Турон” ташкилоти фаоллашуви ҳам шу даврда бўлиб, унинг ишида турк-мусулмон ҳамкорлиги кўзга ташланиб, унда: Муҳаммадамин Афандизода, Низомиддин афанди (Низомиддин Хўжаев), Абдулла Толиб Орифжонов, Абдулла Авлоний, Убайдуллахўжа Турсунхўжа ўғли (Убайдулла Хўжаев), Исроилжон Иброҳимжон ўғли, Абдулқосим Аминзода, Муҳаммаджон Пошоҳўжаев, Мусихон Мирзахоновлар иштирок этган¹.

Юқорида қайд этилган миллий ташкилотлар қаторида, “Шўрои Ислом” ташкилоти муҳим аҳамият касб этган. Мазкур миллий жамиятни 1917 йил марти бошларида сиёсий майдонга чиқишига сабаб шу бўлдики, собиқ Россия империяси худудида сиёсий ўзгариш содир бўлган бўлса-да, аммо амалда ҳокимиятни тўнини ўзгартирган мустамлакачилар томонидан бошқарилди. “Шўрои Ислом” жамияти ислом мафқураси асосида тузилган эди. Воқеаларнинг кутилмаган бурилиш олиши Ўрта Осиё, Кавказ, Татаристон, Бошқирдистон халқларини ўз тақдирларига сиёсий томондан назар ташлашга, қуллик занжирини узиш учун сиёсий шароит етилаётганини тушунишга олиб келди. “Шўрои Ислом” ҳам шунинг ҳосиласи эди².

Албатта, Туркистондаги сиёсий уйғониш Россия таркибидаги турк-мусулмон халқлари ҳаётида бўлаётган сиёсий фаоллик билан уйғунлашган ҳолда давом этарди. Хусусан, Февраль (1917) инқилобидан кейин вужудга келган демократик вазиятдан фойдаланган турк-мусулмон халқлари, хусусан, татар сиёсий доиралари томонидан Қозонда Мусулмонлар қўмитаси ташкил топди. Айни пайтда Петроградда Давлат думасидаги мусулмонлар фракцияси ўз фаолиятини фаоллаштирди ва уларнинг ташаббуси билан 1917 йил апрелида Москвада “Россия

¹ Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Биринчи китоб. 1917–1939 йиллар. – Т.: “O‘zbekiston”, 2019. – Б. 28.

² Абдурашидхонов М. Танланган асарлар. – Т.: “Маънавият”, 2003. – Б. 41.

мусулмонлари муваққат марказий бюроси (РМММБ)” ташкил топди. РМММБ томонидан “Россиянинг барча мусулмонларига” мурожаат қабул қилиниб, унда мусулмонларнинг аксарият қисми ўрта ҳол бўлиб, озгинагина қисмигина маблағ ҳамда йирик ер эгаси дейиш билан бирга, мусулмонлар синфий ажралиши жуда суст деб, бу бизнинг ҳам ютук, ҳам камчилигимиз, зеро синфийликка эътибор бермай, умуммиллий вазифалар йўлида бирлашишгина сиёсий ҳаётда ўзгаришга олиб келишига эътибор қаратилган. Мазкур мурожаатномани таниқли мусулмон сиёсий арбоблари: РМММБ раиси С.Г. Алкин (Қозон), Н. Курбонғалиев (Троицк), З. Валидов (Уфа), Ш. Муҳаммадёр, К. Ҳасанов (Оренбург), Мавлонбердиев (Астрахань), И. Биккулов (Симбирск), У. Терегулов (Уфа), М. Бегиев (Петроград), С.Н. Мақсудов (Қозон) ва бошқалар имзолаган эдилар. РМММБ ташаббуси билан 1917 йил 1–11 май кунлари Москвада I Бутун Россия мусулмонлари съезди бўлиб, унда мусулмон халқининг миллий онгини ривожлантириш, урушга муносабат, аёллар, ишчилар ва аграр масалаларни кўриш билан бирга, 900 нафар делегатлар ихтиёрида давлат бошқарув тизими муаммоси ҳам кўриб чиқилди. Гаяз Исҳоқий (Исҳоқов) томонидан “Барча Россия мусулмонлари ягона сиёсий байроқ остида бирлашиши” таклифи ва уларнинг саъй-ҳаракатлари ҳамкорлик ғоялари билан озуқаланиши таъкидлаб ўтилди. Съездда қабул қилинган қарорларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича 31 кишидан иборат Марказий Миллий Кенгаш ташкил этилиб, унда Туркистондан 7 нафар, Кавказдан 6 нафар, Қозоғистондан 5 нафар, Қримдан 2 нафар, Литвадан 1 нафар ва Марказий Россиядан 10 нафар вакиллар учун жой ажратилди. Бундан ташқари, Хива ва Бухородан ҳам вакиллар жўнатишлари белгиланди. Марказий Миллий Кенгаш номини Бутун Россия Мусулмонлар Кенгаши (Миллий Шўро) деб ўзгартирилиб, уни ижроия қўмитасига 9 кишидан иборат этиб сайланди. Ўз навбатида, Бутун Россия мусулмонлар Кенгаши (Миллий Шўро)га Аҳмад Цаликов (Москва), Фотих Каримов (Оренбург), Иброҳим Ахтамов (Уфа), Зоҳид Шомил (Петроград), Илёс Алкин (Қозон), Садри Мақсудов (Қозон), Муса Бегиев (Петроград), Мустафа Тюменов (Петропавловск),

Шокир Муҳаммадёр (Оренбург), Гаяз Исҳоков (Москва) каби кадет, меньшевик, эсерлар партиясига мансуб руҳонийлар сайланди. Айни пайтда Туркистон, Қозоғистон, Қримдан ўз аъзоларини жойлардан сайлашга келишилиб, вақтинча Туркистондан вакил бўлиб, бошқирд Аҳмад Заки Валидий, Қозоғистон вакили бўлиб эса татар Валихон Таначевлар тайинланди. Миллий Шўро (Мусулмонлар Кенгаши) ўша пайтдаги “катта аҳамиятга молик мавқеи” ўрнига кўра, ўзига Петрограддаги Бухоро амирига тегишли саройни беришларини сўраб, амир Саид Олимхонга мурожаат қилди¹.

Таъкидлаб ўтилганидек, Февраль (1917) инқилоби турк-мусулмон халқларини ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун фаолликка ундади. Россия ички турк-мусулмонлари инқилоб (1917) берган имкониятлардан унумли фойдаланиш йўлида саъй-ҳаракат қилдилар. 1917 йил февралидан кейин мусулмонларни турли йўналишдаги кенгаш ва съездларини ўтказиш ҳамда бунга сиёсий тус бериш, буни Муваққат ҳукуматдан қўллаб-қувватлашини сўрашни талаб қилиш одатдаги ҳол бўлиб қолди. Чунки янги ҳокимият ўзини “мустаҳкамлаб” улгурмасидан, демократик жараёнлар орқага чекиниб улгурмасидан, инқилоб шиорлари кун тартибидан олинмасдан аввал, ўн-юз йиллар давомида ўз ҳақ-ҳуқуқи оёқ-ости қилинган турк-мусулмон халқлари “озодлик неъматлари”дан баҳраманд бўлишга, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилганлар. Турк-мусулмон халқларидаги тил, дин, маданият ва урф-одатлар бирлиги ҳамда яқинлиги маълум даражада уларни умумий мақсад йўлида бирлашиб, ҳаммаслаҳат бўлиб йўл тутишига ундади. Хусусан, бунга 1917 йил 22 июлида Қозонда бўлиб ўтган мусулмон съездлари: Бутун Россия мусулмонлари; Бутун Россия ҳарбийлари; Бутун Россия мусулмон руҳонийларининг бирлашган мажлисини мисол тариқасида келтириш мумкин. Ушбу мажлис Бутун Россия мусулмонлари Кенгаши ташаббуси билан ўтказилиб, мазкур бирлашган мажлисга Россия

¹ Хайрутдинов Р.Г. Трудное возрождение (февраль 1917–1920 гг.) – Казань: Татарское книжное издательство, 1992. – С. 9–11.

Давлат думаси депутаты И.А. Ахтямов раислик килди¹. Мажлисида сўз олган С. Максудов ёрқин мисоллар билан Европадаги сиёсий ҳаракат, ҳозирги пайтда Россиядаги ижтимоий-сиёсий аҳвол, Волгабўйи, Уралолди ва Сибирь мусулмонларига маданий-миллий ва диний ишларида тўлақонли автономия бериш зарурияти тўғрисида гапирди. Кейинги сўзни Россия мусулмон дунёсида таникли арбоб, халқ таълимида кўзга кўринган Т. Терегулов олиб, айнан шу пайтда мусулмонларни маданий-миллий автономияни қўлга киритиш вақти эканлигига эътибор қаратди. Умуман олганда, мусулмонларнинг бирлашган мажлисида кейинги сўзга чиққанлар ҳам ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга, автономия ҳуқуқини қўлга киритишга ундадилар ва айрим чекка ҳудуд вакиллари нафақат марказий минтақалардагилар, балки чекка минтақадаги мусулмонлар ҳам ўз автономияларини ўрнатишига умид билдирдилар. Мазкур мажлис қуйидаги мазмунда қарор қабул қилди:


1. Таъсис мажлисини кутмасдан, мусулмонларнинг миллий-маданий автономиясини амалга оширишга киришилсин.

2. Мусулмонларни ўз тақдирини ўзи белгилаш тузилмасини ишлаб чиқиш Бутун Россия мусулмонларининг II съезидига юклансин².

Мавжуд тарихий манбалар шундан далолат берадики, ҳақиқатан ҳам, 1917 йил февралидан кейин Россиянинг мусулмонлари ҳаётида жиддий умуммиллий ва сиёсий ўзгаришлар кўзга ташланади. Жойларда кўп соҳаларда умуммусулмон ва умум-

¹ Ахтямов И.А. – (1877–?) Уфадан IV Давлат думаси депутаты. Давлат думасида “Мусулмонлар фракцияси” котиби. 1913–1916 йиллари Петербургда чоп этилган “Миллат” газетаси асосчиларидан бири. “Ҳарбийлар ва уларнинг оилаларига ёрдам Муваққат мусулмонлар қўмитаси” аъзоси. 1916 йил Туркистондаги кўзғолон иштирокчилари ҳимоясида фаол иштирок этган. Россия турк-мусулмон халқларининг маданий-миллий автономиясининг фаол тарафдори. Совет ҳокимиятини тан олмаган. XX аср 20 йилларида Қозонда яшаб, туркий халқлар ёзувида лотин алфавити қўлланишига қарши чиққанлардан бири. Қаранг: Мусулманские депутаты Государственной думы России. 1906–1917 гг. Сборник документов и материалов. – Уфа: “Китап”, 1998. – С. 280–281.

² Мирсаид Султан-Галиев. Избранные труды. – Казань: Издательство “Гасыр”, 1998. – С. 99



миллий съездлар, турли қурултойлар ўтказилиб, унда ўн-юз йиллар давомида эътибор ва эътирофдан четлатилган, камситиб келинган, ҳуқуқлари чекланган турк-мусулмон халқларининг ҳақ-ҳуқуқларини тиклашга қаратилган тадбирлар амалга оширила бошлади. Февраль инқилоби бу тадбирларни ўтказишга тўртки берди. Агар турли соҳалардаги съезд ва қурултойларда турк-мусулмон халқлари ўз ҳақ-ҳуқуқлари, сиёсий жараёнларда, бошқарув тизимида фаол иштирок этиш масалаларини кўриб чиққан бўлса, бундай ҳолатдан мусулмон зобит-аскарлари ҳам четда қолмади. Хусусан, жамиятни демократлаштириш, тенглик, озодлик ғоялари армияга ҳам кириб борди. Эндиликда миллий ҳарбий қисмлар, хусусан, татар, бошқирд ва бошқа мусулмон ҳарбий қисмларини тузиш масаласи ҳам кун тартибига қўйила бошлади. Худди шу мақсадда, Москва ва Қозон ҳарбий округ мусулмон аскарлари мажлисида Бутун Россия мусулмонлар ҳарбий съездини ўтказиш масаласи қўйилди ва ҳокимиятнинг тақиқларига қарамасдан, ушбу съезд 1917 йил 17 июлда очилди. Ушбу съезд 200 нафардан кўпроқ делегатлар – турли қўшин, фронторти ва ҳаракатдаги армия ва флот вакиллари билан ўз фаолиятини бошлади. Бутун Россия мусулмонлар ҳарбий съезди кун тартибида миллий масалани кўриб чиқиб, “Таъсис мажлиси”ни кутиб ўтирмай, “маданий-миллий ўз-ўзини аниқлаш”га киришишни зарур деб топди. Съездда “Бутун Россия мусулмонлар ҳарбий – Шўро (Ҳарбий Шўро)” сайланди. Ҳарбий Шўрога ўз фаолиятини Қозон ва Петроградда юритиши ва Миллат Мажлиси қошида ўз бўлими бўлиши белгиланди. 1917 йил 22 июлига келганда Қозонда бир пайтнинг ўзида учта съезд:

1) мусулмон руҳонийлари;

2) I ҳарбий мусулмонлар;

3) II Бутун Россия мусулмонлари фаолият юритиб, мазкур съездлар делегатларининг бирлашган тантанали съезди ўтказилди. Бирлашган съезд томонидан “маданий миллий мухторият” ғояси қўллаб-қувватланди. Таъкидлаш жоизки, Қозон шаҳри, хусусан, татарлар саъй-ҳаракати турк-мусулмон халқлари учун турли съездлар ўтказишда ўзига хос марказ ролини ўйнай

бошлади. Бунга турк-мусулмон халклари ўртасида татар миллати зиёлиларининг фаоллиги муҳим аҳамият касб этган. Бу борада татар аёллари ҳам ўз фаолликлари билан ажралиб турарди. 1917 йил апрель ойи охирларида Бутун Россия мусулмон аёллари съездининг ўтказилгани ҳам фикримизнинг далили ҳисобланади. Мусулмон аёллар съездида “Муваккат мусулмон аёллари ташкилий бюроси” ташкил этилиб, ўз фаолиятини бошлаган¹.

II Бутун Россия мусулмонлар съезди 1917 йил 21 июлидан 2 августига қадар бўлиб ўтди. Съездда Туркистон ва Кавказдан вакиллар қатнашмади. Мазкур съездда асосий масала Таъсис мажлисига тайёргарлик бўлиб, унда куйидаги талаблар лойиҳасига эътибор бериш сўралди:

– Марказий ҳукумат мусулмонларнинг диний ишларига аралашмаслиги керак. Тили, ўқитиш тартиби, тарбияси ва миллий маданиятига ҳам аралашмаслик керак;

– Министрлар кабинетида вазир мақомида мусулмон ишлари бўйича котиб лавозими ташкил этилиши керак;

– Таъсис мажлиси томонидан Россия Ички мусулмонларининг фаолияти учун Миллий Мажлис (Миллат Мажлиси) ташкил этади;

– Миллат Мажлиси, Россия умумий конституция доирасида, Россия Ички мусулмонлари миллий ҳаётини тартибга солувчи қонун чиқарувчи орган ҳисобланади;

– Миллат Мажлисига мусулмонлардан миллий жамғармага махсус солиқ олиш ҳуқуқи бериш керак;

– Миллат Мажлисининг ижро органи этиб Миллий Бошқарув (“Миллий Идора”) ҳисобланади ва бу учта бўлимдан иборат бўлади:

1. Маънавий ва диний ишлар бўйича.
2. Халқ таълими.
3. Молия ишлари.

Мазкур лойиҳани амалга оширишда доимий тарзда ўз-ўзини бошқаришга учта комиссия тузилди. Шунингдек, барча мусулмон ташкилотларини мувофиқлаштириш ва Таъсис Мажлисига

¹ Хайрутдиннов Р. Трудное возрождение (февраль 1917–1920 гг.). – Казань: Татарское книжное изд-во, 1992. – С. 13–14.

мусулмонларни тайёрлаш ҳамда миллий парламент тузишга тайёрлаш ишлари билан шуғулланишига “Миллий Шўро” (“Миллий Кенгаш”) сайланган¹.

Россия марказий губернияларидаги турк-мусулмонлар сиёсий фаоллиги Туркистонда ҳам ўз аксини топа бошлади. Хусусан, бу ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётида бошқа туркийзабон халқларга нисбатан уюшганлиги, янгиликка интилиш, ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаоллиги, маданий-маърифий фаолиятда жонкуярлиги, турк-мусулмон халқларини бирлаштириш тарафдорлиги билан ажралиб турган татарлар мисолида яққол кўзга ташланади. Масалан, Бутун Туркистон мусулмонларининг 1917 йил 13–20 апрелда Тошкентда бўлиб ўтган съездида қуйидаги мазмунда қарор қабул қилган:

1. Бутун Туркистон татар уюшмаларини бирлаштириб, уларнинг сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий ишларида етакчилик қилиш учун Тошкентда “Туркистондаги турк-татарларининг Марказий бюроси” тузилсин.

2. Москвадаги Бутун Россия мусулмонлари I съездига юбориладиган делегатларга маърузалар тайёрлансин.

3. Туркистондаги ерли халқлар билан ўлкадаги татарларнинг эҳтиёжларини қондирадиган биргаликда ўз уюшмаларини ташкил этилсин.

4. Туркистоннинг барча ҳудудларида сиёсий, иқтисодий, илмий жиҳатдан татарларнинг ўсишига ёрдам бериб турадиган уюшмалар тузиш ва уларни Тошкентдаги Умум Туркистон татарлари Марказий бюросига бўйсундиришни илгари сурилсин.

5. Умум Туркистон татарлари Марказий бюроси номидан Тошкентда “Улуғ Туркистон” номида газета чиқаришга қарор қилинсин². Таъкидлаш жоизки, ушбу газета ўзининг илк сонидакёк, “Улуғ Туркистон” газетаси ўз олдида бирор-бир синф ва/ёки тор гуруҳдаги одамлар учун нашр қилинмаётгани, билъақс бу “янги маданиятни ва билимни, Туркистонда яшаётган татар,

¹ Хайрутдиннов Р. Трудное возрождение (февраль 1917–1920 гг.). – Казань: Татарское книжное изд-во, 1992. – С. 12–13

² Минуллин З.С. Общественно-политическое движение татар Средней Азии в начале XX века // “Tatarica”, №2, 2017. – Казань (татар ва рус тилларида). – С. 107.

қозоқ, туркман, ўзбек ва бошқа халқлар учун тарғиб қилишни ўзининг бош вазифаси деб билади”, – дейди¹. Дарҳақиқат, мазкур газета ўлка ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. Мазкур газета саҳифаларида Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, татарларнинг ундаги фаолиятига оид материаллар ҳамкенг ёритилган².

1917 йилги ижтимоий-сиёсий жараёнлар шунчалик тез ва айрим ҳолларда пала-партиш равишда ривожланганки, буни Февраль инқилоби (1917)дан кейинги сиёсий жараёнлар шиддати билан изоҳлаш мумкин. Қабул қилинган қарорлар, мурожаатлар, ёзишмалар, ўтказилаётган қурултойлар мазмун-моҳиятига кўра реал ҳаётдан узоқлиги, шундай вазиятда йиллар давомида ўкситилиб, хўрланиб, камситилиб келинган миллатлар ўз ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатлари учун кескин курашга тайёрлигини билдириб келганлар. Ана шу ўз ҳақ-ҳуқуқини кенгайтиришга уринганлар, миллати, дини, маданияти – урф-одати, анъанавий ишлаб чиқариши ҳамда ундан келадиган фойдадан салмоқли улуш олишдан манфаат олишга, керак бўлса миллий манфаатларини ҳимоя қилишга саъй-ҳаракат қилаётганлар орасида, ҳақли равишда, турк-мусулмон халқлари етакчи ўринлардан бирида турарди. Россия империяси таркибида бўлган турк-мусулмон халқлари Февраль (1917) инқилобидан кейин, вужудга келган сиёсий эркинликлар туфайли Тошкент, Боку, Қозон, Уфа, Москва ва бошқа жойларда турли қатлам ва даражадаги, баъзан деярли кетма-кет ўтказилган съезд ва конференциялари билан ажралиб туради. Жойларда ва Москвадаги қурултой ва анжуманлардаги турк-мусулмон халқлари ҳаётида йиғилиб қолган муаммолар, уларнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий фаолияти турли даражадаги минбарлардан аҳолига етказишга ҳаракат қилингани билан ажралиб туради. Масалан, 1917 йилнинг 13–15 июль кунлари Туркистондаги турк-татарларнинг Марказий бюроси Кенгаши йиғилиши бўлиб, унда Қозонда бўладиган II Бутун Россия мусулмонлари

¹ Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Биринчи китоб. 1917–1939 йиллар. – Т.: “O‘zbekiston”, 2019. – Б. 31.

² Мингнарлов А. Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг миллий матбуотда ёритилиши. (1917–1918 йиллар). – Т.: “Истиқлол нури”, 2013. – Б. 24.

қурултойида қатнашиш учун делегат этиб Х. Янгулатов ва яна Таъсис мажлисига сайловларда: Туркистон хотин-қизларининг қатнашув шарт-шароитлари; Мусулмонларнинг манфаати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи мусулмон фракцияси тузиш масалалари бўйича нақазлар кўриб чиқилди. Аммо шуни қайд этиш лозимки, Марказий бюро Кенгаши фаолияти, яъни татарлар ҳам ўз сиёсий фаолиятларида тизимли фаолият юрига олмаган. Хусусан, Марказий бюро Кенгаши аъзоларининг бир нечтаси турли сабаблар туфайли мавжуд таркибдан чиққан бўлсалар, бошқа бирлари ишсизлиги ва бюронинг ишларида тегишли даражада иштирок этмай келаётганликлари учун таркибдан чиқарилган. Натижада Туркистон турк-татарлари Марказий бюроси Кенгаши таркибига А. Диваев, Кабир Бакир, Рахим Тюминов, Г. Сафаргереевлар киритилган¹.

Аҳолида сиёсий фаоллик даражаси шу даражада ўсдики, баъзан кун ора, ойма-ой съездлар бўлиб ўта бошлади. Масалан, худди шу апрель ойининг 1917 йил 17 апрелидан то 21 апрелигача Тошкентда мусулмонларнинг I Бутун Туркистон съезди бўлиб ўтди². “Ушбу съезд “Шўрои Исломи” ташкилотининг ташаббуси билан чақирилган бўлиб, унда 150 делегат қатнашиб, кун тартибига: Муваққат ҳукуматга муносабат; Россияда идора қилиш шакли тўғрисида; Таъсис мажлисига тайёргарлик кўриш ҳақида; Туркистондаги маҳаллий фуқаролар муассасалари; Туркистонда диний-шариат муассасалари; Озиқ-овқат масаласи; Урушга муносабат; Россия умуммусулмонлар съездига делегатлар сайлаш ва бошқа масалалар бор эди. Съездда асосий масала бўлиб Туркистон мусулмонларининг ташкилий жиҳатдан бирлашуви бўлган бўлса, съезднинг сўнгги мажлисида марказий раҳбарлик органи – Туркистон ўлка мусулмонлар Шўроси

¹ Минуллин З.С. Общественно-политическое движение татар Средней Азии в начале XX века // “Tatarica”, №2, 2017. – Казань (татар ва рус тилларида). – С. 108.

² Мазкур съездни бир китобда 1917 йил 16–21 апрелида, бошқа бир китобда 1917 йил 16–23 апрелда бўлиб ўтган деб берилади. Тегишли тарзда қаранг: Туркистан в начале XX веков к истории истоков национальной независимости. – Т.: “Шарк”, 2000. – С. 30; Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Биринчи китоб. 1917–1939 йиллар. – Т.: “O‘zbekiston”, 2019. – Б. 31.

(Ўлкамусшўро)ни тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўлкамусшўрони тузиш бу миллий ҳаракатга уюшган ва унга марказлашган тус бағишлаш учун барча тарқоқ, ўзаро бир-бири билан боғланмаган мусулмон жамиятлари, кўмиталари ва иттифокларини бирлаштиришни кўзда тутарди. Натижада 1917 йил 12 июнда Ўлкамусшўронинг мажлиси бўлиб, унда Низом қабул қилинди ва мазкур Низомга мувофиқ ўлкадаги барча шаҳар, уезд, волост, мусулмон советлари ва “Шўрои Ислому”, “Равнақ ул-ислом”, “Мирвож ул-ислом”, “Муаллимлар жамияти”, “Талабалар жамияти” миллий ҳамда синфий тафовутларига қарамай, мусулмон депутатлари Туркистон Марказий Шўросига бўйсунушлари лозим эди. Ўлкамусшўронинг ташкилий бўлими таркибига Заки Валиди, Фарид Тоҳирий, Толибжон Мусабой, Муҳаммадамин Афандизода, Шокиржон Раҳимий, Абдулла Авлоний, Салоҳиддин Муфтизода, Низомиддин Асомий, Абдусами Қори Зиёбой, Муродхўжа Солихўжа, Тузел Жонбой, Пири Мурзилзода ва Муҳаммадхон Пошшахўжаевлар кирди. Айтиш мумкинки, 1917 йил илк бор ўлка тарихида халқлар мухторият сари, урф-одатларини, турмуш тарзини ҳимоя қилишга қатъий интилаётгани қайд этилди ва мусулмон депутатларининг ўлка Шўроси ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилди¹.

Февраль (1917) инқилобидан кейин турк-мусулмон халқлари сиёсий ташкилотлари кун тартибига мухторият масаласини кўйишди. Ушбу масала илк бор 1917 йили апрель ойида, Бутун Туркистон мусулмонларининг I съездида кўйилди. Мазкур масала “Шўрои Ислому” Марказий Кўмитаси доирасида ҳам муҳокама қилинган эди. Мухторият масаласи мусулмонлар орасида 1917 йил май ойининг бошида Москвада бўлиб ўтган Бутун Россия мусулмонларининг I съезидан кейин янада фаолроқ кўйила бошлади. Съезд делегатлари турк-мусулмонлари бўлишига қарамасдан, бошқарув тизими – мухторият масаласида муносабатлар турли хилда эканликлари билан ажралиб, ягона фикрга келиш ниҳоятда оғир бўлди. Хусусан, мух-

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: “Шарқ”. – Б. 31–33.

торият тўғрисидаги тортишувлар, баҳс ва мунозаралар охи-рокибатда съезд делегатларини иккига бўлиб юборди. Натижада Россиянинг Туркистон, Қирғизистон (Қозоғистон), Кавказ, Крим ва бошқа худудларидан келган вакиллари федератив республика тарафдори бўлганликлари учун ўзларини “федералистлар”, Россиянинг ички губерниялари, Волгабўйи мусулмонлари вакиллари эса унитар (бир бутун, қўшма) республика тарафдори бўлгани учун ўзларини “унитаристлар” деб атадилар¹.

“Федералистлар” ва “унитаристлар” ўртасида ғоявий жиҳатдан муросасиз кураш авж олди. Хусусан, Туркистон ўлкаси ижроия кўмиталари съезди (1917 йил 6–9 апрель)да Россияда давлатчиликни келгусидаги шакли тўғрисида масалалар муҳокамаси турлича баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Аслида сўзга чиққанларнинг маълум бир қисми томонидан ўлканинг ерли аҳолисига нисбатан менсимаслик, камситиш руҳияти сезилиб турарди. Масалан, уларнинг фикрича: “Россияда федератив республика жорий қилинган чоғда мусулмонлар фақат ютқазади, чунки улар мухторият асосида ўзини-ўзи идора қилишга ҳам тайёр эмаслар... эшонлар ва муллалар қўлига тушиб қолишлари мумкин, улар ҳамма вақт тараққиётга қарши бўлиб келганлар”². Мазкур съездда сўз олган Маҳмудхўжа Бехбудий ўлка халқи манфаатларини ҳимоя қилиб, халқнинг бугунги ночорлиги, ожизлиги, жаҳолатпарастлиги ва нодонлиги учун чоризм айбдорлигини билдирди. Съезддаги баҳс-мунозараларда мусулмонлар манфаати бўйича фаол иштирок этган Аҳмад Заки Валиди Тўғон томонидан Н.Т.Маллицкийнинг “Россия фақат демократик республика бўлиши керак” деган унитаризм ғоясига қарши чиқишда Маҳмудхўжа Бехбудий, Вадим Чайкин ва шарқшунос Лев Зиминлар қўллаб-қувватлаганини қайд этиш билан бирга, ўлка бошқарув тизими-вакиллик органларига сайлов жараёнида “туркистонликлар кўпчилигини ташкил этишидан кўрқмаслик керак. Маҳаллий аёл-

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: “Шарқ”, – Б. 33–34.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: “Шарқ”, – Б. 28.

лар ҳам сайловда рус аёллари катори қатнашиши керак. Бу ерда ҳеч қанақа хавф ва чекловлар йўқ”, – деб таъкидлаганини қайд этади. Аммо З.В.Тўғоннинг бу фикрларига қарши сўз олган Н.Т.Маллицкий: “Ерли аҳолининг сон жиҳатдан кўплиги ҳозир ҳам, кейин ҳам вилоят вакиллик органларига сайлов тизимини мураккаблаштиради, бу аниқ”, – дейди. Унинг бу фикрига З.В.Тўғон қуйидагича жавоб беради: “Озодлик вақти келди, шу сабабдан ҳам ҳеч ким ва ҳеч қанақа мулоҳазадан келиб чиқиб... миллатларни сайлов ҳуқуқидан маҳрум қила олмайди... Давлат бошқаруви ишлари саводсиз кишилар қўлига тушиб қолади деб хавфсираш асоссиз, чунки бошқарув ташкилотларига тай-ёрлаш учун тегишли шарт-шароитлар яратилса, мазкур масала ўз-ўзидан ечимини топади... Яхши бўларди... ҳукмрон ва мутеъ миллатлар бир хил сайлов ҳуқуқига эга бўлса ва тенглик шарт-шароитида яшаса”. Охир-оқибатда съездда федерализм ғояси тарафдорлари ютиб чиқди. Съезднинг аксарият делегатлари томонидан вакиллик органларига маҳаллий миллат вакиллари ва руслар ягона тизим асосида, яъни аҳолининг умумий сонидан келиб чиқиб қатнашадиган бўлди¹.

Большевикларнинг ҳокимиятни қўлга киритиши, Октябрь (1917) давлат тўнтаришининг энг муҳим ютуғи ҳисобланади. Ўз навбатида, Туркистонда ҳам ҳокимият большевиклар қўлига ўтди. Аммо шуниси борки, Туркистонда совет ҳокимиятини мустақкамлашда большевиклар олдида мураккаб, зиддиятли вазифалар турарди. Чунки, “совет ҳокимияти андозаси”га тушадиган, партия ва совет кадрлари, “инқилобда чиниққан” ҳарбий-сиёсий ходимлар, Марказ хоҳиш-иродасини сўзсиз ҳаётга татбиқ этадиган, яхши ғояларни ўз ичига олган, аммо қурилажак янги ва айни пайтда мавҳум “социалистик жамият” учун жон олиб, жон берадиган кадрларни ерли аҳоли орасидан топиш ва уларни жойларга тайинлаш имконияти йўқ эди. Рус кадрларига келганда ... улар ўзларига, тепадан туриб бошқаришдек, “муҳим ваколатли

¹ Тоған Заки Валиди. Воспоминание Борьба народов Туркестана и других восточных мусульман тюрок за национальное бытие и сохранение культуры. Книга I. – Уфа: “Китап”, 1994. – С. 174–177.

вазифа”ни бажаришни зиммаларига олган ҳолда, Марказ қабул қиладиган қарор ва декретларни “социалистик ҳаётга татбиқ этишдек мураккаб ва айрим ҳолатларда зиддиятли вазифаларни бажаришга, совет ҳокимиятининг дастлабки йилларда, рус бўлмаган, аммо рус тили ва руҳиятини ўзбек, қозоқ, туркман, тожик ва бошқа ерли аҳоли вакилларига нисбатан яхшироқ “тушунадиган”, айти пайтда турк-мусулмон халқлари тили, дини, руҳияти, маданиятини яхшигина биладиган татарлардан “фойдаланиш” мақсадга мувофиқ деб топилди. Айнан татарлар совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, Шарқда “Октябрь инқилоби” ғояларига ерли халқни ишонтиришда, аҳоли ўртасида “социалистик ғоялар”га содиқ қилиб тарбиявий ишларни олиб боришда энг “яловбардор” куч сифатида танланган. Чунки татарлар анчагина аввалроқ Россия тасарруфига ўтган бўлиб, бошқа турк-мусулмон халқларига нисбатан бирмунча олдин рус маданияти, рус “цивилизацияси” билан танишишга улгурган эди. Ўз навбатида, татарлар рус тилини ҳам бошқа туркий халқлардан аввалроқ ўзлаштиришга эришган эди.

1917 йил Февраль инқилоби ва орадан кўп ўтмай Октябрь давлат тўнтариши совет ҳокимияти олдида большевиклар олиб бораётган сиёсатни тарғибот-ташвиқот қилиш, улар қўлга киритган ҳокимиятни мустаҳкамлашдек мураккаб ва айти пайтда “нозик” вазифани бажаришда татарлардан фойдаланишни энг мақбул вазифа деб топдилар. Ўз навбатида татар етакчилари ҳам большевиклар илгари сурган ғояларига, ижтимоий-сиёсий инқилоб вазифаларига астойдил ишондилар. Боз устига Россия Федерацияси ва унинг субъектларида истиқомат қилувчи турк-мусулмон халқлари ҳам “озодлик нашидаси”ни таътиб кўришни жуда хоҳладилар. Бундай кенг қамровли вазифаларни бажаришда татарларнинг ўзлари ҳам ... туркий халқлар ичида яловбардор, энг илғорлармиз деб ишондилар ва “порлок келажак” иштиёқида саъй-ҳаракат қилдилар.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, Марказ олдида ўлкани “инқилоблаштириш” вазифаси турар ва шунинг учун ҳам большевиклар ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун Туркистонга кўлаб партия ва совет ходимларини сафарбар қилишга кири-

шиб, уларни орасида “татарлар сафарбарлиги”га эътибор билан қаратди. Чунки, ўлкани “содик кадрлар” орқали бошқариш Россиянинг узоқни мўлжаллаган сиёсатига мос келарди.

Туркистонда миллий давлатчилик қурилиши, ижтимоий-сиёсий жараёнларда Россиянинг Волгабўйи, Уралолди худудлари, хусусан татарларнинг илғор намояндалари-маърифатпарварлари, ҳарбий-сиёсий вакиллари, қолаверса, Татар-Бошқирд Марказий комиссарлиги фаол қатнашган¹. Бошқачароқ ифодаланганда, туркий халқлар ўртасидаги ўзаро яқинлик, руҳан бир-бирини тушуниш имкониятининг кенглиги совет ҳокимияти манфаатларига бўйсундирилди. Дастлабки кўрилган чоратadbирлардан бири Туркистонда совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, ўлкани большевиклар андозасида ушлаб туриб, кенг имкониятларга эга бу худудни “қўлдан чиқармаслик” ҳаракатида Марказ ўнлаб–юзлаб “содик” кадрларни ҳокимиятни мустаҳкамлашга сафарбар қилди. Марказ томонидан Туркистон АССРда ҳокимият тизимини мустаҳкамлаш борасида, юқорида қайд этилганидек, Татар-Бошқирд Марказий комиссарлигидан фойдаланди. Татар-Бошқирд Марказий комиссарлиги зиммасида Россиянинг хўрланган халқларига “социалистик жамият қуриш”да ёрдам кўрсатиш бор эди².

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Татар-Бошқирд Марказий комиссарлиги ўз номида акс этган татар ва бошқирдлар масаласи билангина эмас, балки зиммасига бошқа турк-мусулмон халқлари муаммосини ҳам ўрганиш ва унинг ечимида фаол қатнашишни хоҳлаган. Бошқачароқ айтганда, Татар-Бошқирд Марказий комиссарлиги Россия Федерациясида истиқомат қилаётган барча турк-мусулмонларни “социалистик жамият” қуришда, таълим-тарбия тизимида, ҳарбий-сиёсий йўналишларда етакчи ташкилот – уларни мувофиқлаштирувчи бўлиб хизмат қилишни хоҳларди ва бундай фаолият

¹ 1918 йил 17 январда дастлаб Ички Россия мусулмонлар иши бўйича комиссарлик деб ташкил топган бўлса, кейинчалик марказий мусулмон ҳамда Татар-Бошқирд Марказий комиссарлиги деб алмаштирилган.

² Қаранг: Хайрутдинов Р.Г. На путях к советской автономии. – Казань: издательство Казанского университета, 1972. – С. 21–22.

олиб боришдан раҳбарият, яъни Россия миллатлар иши бўйича халқ комиссарлиги ҳам манфаатдор эди. Ўз навбатида, Туркистон, Кавказорти, Қрим ва бошқа худудлардаги турк-мусулмон халқларининг илғор намояндalари ҳам Татар-Бошқирд Марказий комиссарлиги билан яқиндан алоқа ўрнатишга, хусусан, ноширлик, матбуот, адабиёт, ҳарбий-сиёсий соҳада кадрлар масаласида ёрдам сўраб мурожаат қилардилар.

Татар-Бошқирд Марказий комиссарлиги ўз фаолияти давомида бир неча марта Туркистон, Кавказорти, Қримга оид масалаларни муҳокама қилган. Мавжуд манбалар шундан далолат берадики, турк-мусулмон халқларига оид масалалар кун тартибидан тушмай, муҳокама қилиб борилган. 1918 йил 14 июлда Татар-Бошқирд Марказий комиссарлиги Туркистон ва Кавказортидаги аҳволни муҳокама қилиб, ушбу масалада Туркистон вакили С. Юсупов ва Кавказорти вакили Ахундовлар ҳисобот-маърузаси тингланди. 1918 йил 21 августда Татар-Бошқирд Марказий комиссарлиги Бош коллегияси томонидан ёш Туркистон Республикасидаги иқтисодий, ҳарбий-сиёсий аҳвол, ўзаро темир йўл алоқаларини узилиб қолиши (“Оренбург тикини” – *муаллифлар*), большевиклар ҳокимиятини мустаҳкамлашда кадрлар заруриятидан келиб чиқиб, Туркистонга фавқулодда делегация юборишни мақсадга мувофиқ деб топиб, унинг таркибига турк коммунистлари марказий коллегияси раиси, Татар-Бошқирд Марказий комиссарлиги халқаро тарғибот бўлими мудирини Мустафо Субхей, Уфа ижроия қўмитаси ҳайъати аъзоси Олимжон Аминов, Россия ва Сибирь ички мусулмонлари миллий бошқарувидан комиссар Исмаил Рамиев, турк социалист-коммунистлар партияси делегати Махмет Нозмий киритилади¹.

Ўзаро муносабатларга расмий тус бериш ва алоқаларни мустаҳкамлаш, Татар-Бошқирд Марказий комиссарлиги таркибида инкилоб ишларини ташкил қилиш учун... Туркистон бўлимини жорий қилишга қарор қилинган. Мазкур бўлим вазифаси этиб, Марказ ва Туркистон ўртасидаги алоқаларга ёрдам бериш, Тур-

¹ Хайрутдинов Р.Г. На путях к советской автономии. – Казань: изд-во Казанского университета, 1972. – С. 129–130.

кистон ва Хива, Бухородаги мусулмон аҳоли орасида сиёсий тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш юклатилган эди. Татар-Бошқирд Марказий комиссарлиги қошидаги Туркистон бўлимига Собиржон Юсупов мудир этиб тайинланди. 1918 йил август ойи охирида Татар-Бошқирд Марказий комиссарлиги Тошкентга совет ҳокимияти манфаатлари йўлида миллий ҳарбий қисмлар ташкил этишни уюштириш бўйича тарғибот учун делегация юборишга қарор қилди¹.

Бундан кўриниб турибдики, Татар-Бошқирд Марказий комиссарлиги Туркистондаги ҳарбий-сиёсий аҳволни назоратдан қочирмасликка ҳаракат қилган. Масалан, ўз пайтида Татар-Бошқирд Марказий комиссарлиги ҳарбий бўлим мудирини Юсуф Иброҳимов² ва мазкур комиссарлик ходими бўлмиш Ориф

¹ Хайрутдинов Р.Г. На путях к советской автономии. – Казань: изд-во Казанского университета, 1972. – С. 129–130; Қаранг: Государственный архив Российской Федерации (ГАРФ), ф. 1318, оп. 1, д. 48, лл. 11, 15.

² Айрим тадқиқот ва манбаларда РСФСР Миллатлар иши бўйича халқ комиссарлигидан Х. Ибрагимов юборилган деб қайд этилади. Қаранг: Салахутдинов Х. История образования и первые годы деятельности компартии Туркестана. – Т.: “Фан”, 1966. – С. 47; Турсунов Х. Национальная политика коммунистической партии в Туркестане. – Т.: “Узбекистан”, 1971 – С. 132–133; Шамсутдинов Р.Т. Деятельность Туркестана на Всероссийских и Всесоюзных съездах // История СССР. – М., 1987, №1. – С. 117; Унинг ўзи: Становление и развитие советов в Средней Азии (1917–1925 гг.): проблема общего и особенного: дисс. ... докт. истор. наук. – М., 1987. – л. 87; Ороңку Б., Темирходжаев П. Центр – Туркестану. – Т.: “Узбекистан”, 1989. – С. 19; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. – Т.: “Шарк”, 2000. – С. 114; Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида... – Б. 72. Бизнинг маълумотимизга кўра, Х. Иброгимов 1917 йил ёзида қозоқ меҳнаткашлари Кенгаши раиси ва Ўлка мусулмонлари бюросининг Москвадаги вакили бўлиб ишлаган. Қаранг: Торжество ленинских идей пролетарского интернационализма. – М.: “Наука”, 1974. – С. 157; ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 1070-иш, 66-варақ. Бошқа манба ва адабиётларда эса РСФСР Миллатлараро иши бўйича халқ комиссарлиги томонидан Тошкентга Ю. Ибрагимов юборилган: Қаранг: Хайрутдинов Р.Г. На путях к советской автономии. – Казань: КГУ, 1972; Шарафутдинов Д.Р. Комбриг Ю. Ибрагимов. – Казань: Татарское книжное издательство, 1990; РГАСПИ, ф. 583, оп. 1, д. 41, л.л. 234–243; Центральный государственный архив историко-политической документации Республики Татарстан (ЦГА ИПДРТ), ф. 30, оп. 3, д. 382А; ф. 868, оп. 1, д. 218, л. 313; Борцы за счастья народное. – Казань: Таткнигоиздат, 1988. – С. 174–180.

Клевлеев¹ларни катта ваколатлар билан Туркистонга юборилиши, Марказ хоҳиш-иродасига кўра маҳаллий кенгашлар билан алоқа ўрнатиш, маҳаллий комиссарликларни ташкил этиш, совет андозасидаги мухториятни тайёрлашлари керак эди. Айнан татар миллатига мансуб Ю.Иброҳимов ва О.Клевлеевлар Туркистонга келишига туртки бўлган воқеа-ҳодисалар, чунончи, 1918 йил март ойида “Татар-Бошқирд Мухторияти” Низоми лойиҳасини эълон қилиниши, Туркистон Мухториятининг барҳам топиши ва И.О.Тоболинни РСФСР миллатлар иши бўйича халқ комиссарлигидан 1918 йил 25 мартда “махсус тарзда... ички Россия мусулмон ишлари юзасидан битта комиссарни юбориш, уни тўлиқ йўл-йўриқлар билан таъминлаш” бўйича қилган илтимосли телеграммаси эди².

Кўриниб турибдики, Марказ томонидан Туркистон халқлари тили, дини, руҳиятини, рус ва русийзабонларга нисбатан, яқиндан биладиган татар миллатига мансуб Ю.Иброҳимов, О.Клевлеевни бежиз ўлкага юбормаган. Марказ Туркистонда совет андозаларига мос мухторият тузишида Ю.Иброҳимов ва О.Клевлеевларга суянганлиги аниқ. Шу сабабдан бўлса керак, Россия ҳукумати номидан В.И. Ленин ва И.В. Сталин томонидан 1918 йил 22 апрелида Туркистон ўлкаси советлари съездига, Туркистон ХККга ва айнан Ю.Иброҳимов ва О.Клевлеевлар номига юборилган телеграммада: “Халқ комиссарлар совети ўлкангизнинг совет тартиблари асосида автономия бўлишини қўллаб-қувватлайди... шунга қаттиқ ишонамизки, сизлар бутун ўлкада Советларнинг кенг тармоғини вужудга келтирасиз, мавжуд Советлар билан тўла ҳамкорликда иш олиб борасиз... сиз-

¹ Ориф Клевлеевни туркистонлик деб хатоликка йўл қўйилган. Қаранг: Хайрутдинов Р.Г. На путях к советской автономии. – Казань: изд-во Казанского университета, 1972. – С. 130; У Тамбовда туғилиб, 1915 йилдан Туркистонда ҳарбий хизматда бўлган. Қаранг: Шигабдинов Р.Н. “Исламский социализм” в Туркестане: борьба идей и политика / Востоковедческие чтения о памяти Н.П. Остроумова. – Т., 2012. – С. 184–185; Бошқа бир тадқиқотда уни Ашур Клевлеев деб нотўғри номлашади. Қаранг: Акрамов А. Полпред республики. – Т.: “Узбекистан”, 1987. – С. 59.

² Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сборник документов. Т. 2. – Т.: “Фан”, 1972. – С. 199.

лар тарих томонидан съездга юкланган вазифаларни шараф билан бажарасизлар, деб ишонамиз”, – дейилади¹. Агар телеграмма мазмун-моҳиятига эътибор қаратилса, Ю.Иброҳимов ва О.Клевлеевларга амалда кўрсатма бериб, қайси тартиб автономияни қўллаб-қувватланишини билдириб ўтилади. Таъкидлаш жоизки, Марказ топшириғи асосида Туркистонга юборилган Ю.Иброҳимов О.Клевлеевлар, тили ва дини билан муштарак бўлган Туркистонда, оғишмасдан, топшириқни ҳаётга татбиқ этмасдан иложлари йўқ эди. Айтиш мумкинки, Марказ томонидан Туркистонга юборилган “махсус кадрлар” ўлкада совет ҳокимияти тузилиши, большевиклар берган андозага йўлга қўйиш, керак жойларда, ерли халқ вакиллари томонидан йўл қўйиш мумкин бўлган “мустақил саъй-ҳаракат”ларнинг олдини олиш, зарурат бўлса миллий кадрларни “кулоғидан тортиб” қўйиш билан шуғулланишлари ва ўлкада сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ҳолатлар тўғрисида Марказни мунтазам хабардор қилиб туриш керак эди. Кейинчалик, Ю.Иброҳимов ўз хотираларида Туркистонга юборилгани тўғрисида эслаб, унинг зиммасида “**мунтазам равишда РКП(б) МК ва совет ҳукуматида Туркистондаги аҳвол тўғрисида маълумот бериб туриш** (таъкид бизники – *муаллифлар*) ва Туркистон Совет Республикасини тузилишида ҳамкорлик қилиш” бўлган, – дейди².

Бундан кўриниб турибдики, Марказ татарлардан, уларни ўлка халқи тили, дини, маданиятига яқин бўлган Туркистонда совет андозасидаги мухторият ташкил этишда ва ўлкадаги ижтимоий-сиёсий, ҳарбий-иқтисодий аҳволдан бохабар бўлиб туришда фойдаланган. Умуман олганда, ички Россия мусулмонлари юзасидан комиссарлик, яъни Татар-Бошқирд Марказий комиссарлиги ўзининг Қозон, Симбирск, Самара, Пенза, Тамбов, Оренбург, Уфа каби маҳаллий бўлимлари орқали юритган сиёсатида Туркистонда совет ҳокимиятини мустаҳкамлашга фаол жалб

¹ Ленин В.И. Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1984. – Б. 318.

² Ибрагимов Ю. Боевые действия Татарской бригады / Октябрьская социалистическая революция и гражданская война в Туркестане. Воспоминания участников. – Т.: Госиздат, УзССР, 1957. – С. 237.

килинган. Татарлар ўзларини Россиядаги барча мусулмонларнинг “инкилоб яловбардорлари” деб ҳисоблаб, Шарқда социализм ғалабасини мустаҳкамлашга бағишлаганлар. Масалан, Татар-Бошқирд Марказий комиссарлигининг Самара бўлими томонидан 1920 йили Тарпищев, Халимов, З.Маликов, Г.Сайфутдиновлар Туркистонга совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш йўлида сафарбар қилинган¹.

Мавжуд тарихий тадқиқотлар таҳлили яна шундан далolat берадики, Туркистонда большевиклар ҳокимиятини мустаҳкамлашда Татар-Бошқирд Марказий комиссарлиги ўзининг Туркистон бўлими ва Москвадаги Туркистон МИҚ ваколатли вакили орқали ҳам турли йўналишларда, хусусан, маҳаллий тилларда адабиётлар билан таъминлашда ёрдам кўрсатиб борганлар. Масалан, 1918 йил 23 ноябрда Татар-Бошқирд Марказий комиссарлиги ноширлик бўлими томонидан маҳаллий тилларга таржима қилинган ва чоп этилган газета ҳамда рисоаларни Туркистонга ажратган. Хусусан, 1918 йил январидан ноябрига қадар, яъни 10 ой давомида Татар-Бошқирд Марказий комиссарлигида ўзбек, қозоқ, татар, турк тилларида 4 миллион нусхадан ортиқ газета, рисола ва варақалар чоп этилган. Тарғибот ва ташвиқотга қаратилган, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий йўналишлардаги адабиётларни чоп этиш Шарқ халқлари коммунистик ташкилоти (ШХКТ) марказий бюроси ташкил топганидан кейин янада кўпайди. Хусусан, 1918 йил декабри ва 1919 йил январи оралиғидаги қисқа муддатда араб, форс, татар, ўзбек, тожик, қозоқ, қалмиқ ва бошқа тилларда 2 миллион нусхадан ортиқ газета, рисола, мурожаат ва бошқа адабиётлар чоп этилган².

Татар-Бошқирд Марказий комиссарлиги ўз фаолияти доирасини муттасил кенгайтириб боришга, турк-мусулмон халқларини “инкилоблаштириш”га, улар ўртасида “порлоқ келажак” учун ҳамкорликда фаолият юритишга интилганлар. Ушбу комиссарлик номига кўра Татар-Бошқирд бўлишига қарамаздан, ама-

¹ Самарской областной государственной архив социально-политической истории (СОГАСПИ), ф. 3500, оп. 1, д. 305, л.

² Хайрутдинов Р.Г. На путях к советской автономии. – Казань: изд-во Казанского университета, 1972. – С. 131–132.

лий фаолиятига кўра бошқа турк-мусулмон халқларини ҳам “янги – инкилобий жамият” куриш йўлида ўз домига тортганлар. Ўз навбатида, большевиклар раҳбарияти татарларнинг “ўта фаоллиги”дан ўз манфаатларида, ҳокимиятни мустаҳкамлашда унумли фойдаланганлар.

XX аср бошларида вужудга келган ижтимоий-сиёсий, ҳарбий-сиёсий вазият, айниқса Октябрь (1917) давлат тўнтаришидан кейинги “инкилобий кўтаринки кайфият” большевиклар саъй-ҳаракатида “жаҳон инкилоби” ғалабаси йўлида руҳиятни вужудга келтирди. Ўз навбатида, “жаҳон инкилоби” руҳияти Шарқ халқлари, хусусан, нафақат собиқ Россия империяси, балки халқаро миқёсда – Шарқдаги турк-мусулмон халқлари орасида ҳам “социалистик-коммунистик инкилоб” ғоясини илгари сурди. Бу борада, айниқса Татар-Бошқирд Марказий комиссарлиги катта фаоллик намуналарини кўрсатди. Хусусан, Татар-Бошқирд Марказий комиссарлиги ўз фаолияти давомида Шарқ турк-мусулмон халқларига “янги ҳаёт куриш”ни мақсад қилиб, 1918 йил апрелида Қрим, Кавказ, Туркистон, Озарбайжон, Қозоғистон меҳнаткаш мусулмонларига мурожаат қилиб, ўзларининг Россия пойтахтида ваколатхоналарини очиш зарурлигига эътибор қаратган¹.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, совет ҳокимияти, хусусан, Марказ илк йилларданок, турк-мусулмон халқларини “социалистик жамият” барпо этишга жалб қилишда, совет андозасидаги мухториятнинг тузилишида татар-бошқирдларнинг сиёсий фаоллиги ҳамда “порлоқ келажагига”, бошқа туркий халқларга нисбатан, кўпроқ ишонганидан унумли фойдаланган. Шу борада Г. Губайдуллин томонидан “Миллатчиликнинг айрим принциплари” (1918) асарида келтирилган қуйидаги фикри аҳамиятга молик: “... қозонлик татарларнинг тарихий вазифаси шундан иборатки, [ўзининг] мусулмон Шарқидаги географик ва маданий алоқаларига кўра, шунингдек, бу дунёни (Шарқ халқларини – *муаллифлар*) бутун Шарқни,

¹ Хайрутдинов Р.Г. На путях к советской автономии. – Казань: изд-во Казанского университета, 1972. – С. 133–134.

Ўрта Осиёни ҳам қўшиб, иқтисодий, маданий ва маърифий уйғотишда етакчилик қилиш керак”¹.

Албатта, татарлар ўзларига-ўзлари юқори баҳо берганлари... Берилган “баҳо” замирида маълум бир асослар: бошқа туркий халқларга нисбатан олдинроқ Россия тасарруфига кирганлиги, рус тили, маданияти, руҳияти, ишлаб чиқариши, матбуоти, ҳарбий имконияти, ижтимоий-сиёсий аҳволи, иқтисоди билан у ёки бу даражада танишлиги роль ўйнаган дейиш мумкин. Бу ишонч .., айниқса Февраль (1917) инқилоби ва Октябрь (1917) давлат тўнтаришидан кейин янада фаолроқ намоён бўла бошлади. Бу ерда яна таассуфли томони шундаки, татарларни “социалистик жамият” қуришдаги бу фаол саъй-ҳаракатига бошқа туркий халқлар ҳам ишонч билан қарай бошлаган... Фаровон ҳаётга умид уйғонган.

1.2. Туркистон Мухторияти учун кураш: муаммо ва зиддиятлар

Туркистон татарлари ҳам барча ўлка аҳолиси каби Февраль инқилобини сал кечикиброқ эшитди. Аниқроғи, Россиядаги инқилоб ҳақидаги хабар Туркистонда 3 мартга қадар аҳолидан яшириб турилди. Бу билан Туркистоннинг сўнгги генерал-губернатори А.Н. Куропаткин (1916–1917) император ҳокимиятининг тикланишига умид боғлаган эди. Бироқ 3 март куни Россия императори Николай II нинг тахтдан воз кечганлиги тўғрисидаги Манифестнинг эълон қилиниши, унинг барча умидларини пучга чиқарди.

Февраль (1917) инқилоби Туркистонда маҳаллий аҳоли қатори татарлар томонидан ҳам катта қувонч билан кутиб олинди. 1917 йил 14 мартда Тошкентда “Шўрои Исломи” жамиятининг биринчи ташкилий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 48 нафар маҳаллий аҳоли вакиллари қатори 13 нафар татар ва қозоқлардан ҳам қўшимча сайланган ҳамда бу умумий ҳисобда 61 кишидан иборат эди. Мазкур жамият ўз олдида Туркистон мусулмонлари орасида сиёсий, илмий ва ижтимоий жиҳатдан

¹ Қаранг: “Гасырлар авазы – Эхо веков” (Казань, журнал) // №1/2, 2002.

замонга мос ислохотларни олиб бориш, ўлкадаги турли миллатлар орасида бўлган ва бўлиши мумкин бўлган ихтилофларга ҳамда шубҳаларга барҳам бериш, миллатларни бир-бирига яқинлаштириш вазифаларини кўйди. Фаолият жараёнида “Шўрои Исломи” жамияти фаолият даражасини кенгайтириш мақсадида номини “Туркистон Шўрои исломия жамияти” деб ўзгартирди. Мазкур жамият ўз фаолиятини ўлка миқёсида олиб бориш билангина “кифояланмай, “Алаш”, Марказий Россия татар-бошқирд жамиятлари “Иттифоқ” (татарларники, раҳбари Б.Шараф) жамиятлари билан алоқа ўрнатган эди”¹. 1917 йил 4 апрелда Тошкентдаги рус-татар мактаби биносида бўлган йиғилишда, татар зиёлиларининг Туркистонда фуқаролик мавқеларини кўтариш мақсадида “Иттифоқ” жамияти тузилди².

Мазкур жамиятнинг 1917 йил 14 майдаги умумий мажлисида Низоми қабул қилинди ва яширин овоз бериш йўли билан Хайрулла Раҳматуллин, Абдурашидов, Халил Ширинский, Абдуллажон Сафагиров, Иброҳим Тоҳирий, Раҳим Нуъмонов, С.Нуриддин, Собиржон Юсупов, Раҳимжон Худойберганов, Искандар Чанишев, Абдурахим Абдуҳолиқов, Содик Абдусатторов, Қодир Бўлатов, Искандар Шамсуддинов, Ғози Юнусов ва бошқалар, жами 21 киши идора аъзолигига сайландилар³.

1917 йил 7 апрелда Муваққат ҳукумат “Туркистонни бошқариш Муваққат қўмитаси”ни тузиб, Тошкентга юборди⁴. “Туркистонни бошқариш Муваққат қўмитаси” аъзоси С.Н.Максу-

¹ Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. – Т.: “Шарқ”, 2000. – С. 21–22; Қаранг: Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида... – Б. 24; Абдурашидханов М. Танланган асарлар. – Т.: “Маънавият”, 2003. – Б. 43–44.

² Иттифоқ жамияти // “Улуғ Туркистон”, 1917 йил 25 апрель.

³ Мингнарлов А. Туркистонда 1917–1918 йиллардаги миллий сиёсий ташкилотлар (Миллий матбуот материаллари асосида). – Т.: “Маънавият”, 2002. – Б. 7–8.

⁴ Мазкур Муваққат қўмита тўғрисида 1.1.га қаранг. Яна: Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида ... – Б. 30; Мингнарлов А.Т. Туркистонда миллий озодлик масалалари... – Б. 44; Абдурахимова Н, Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими... – Б. 154. Togan Z.V. Natiralar. Türkistan ve diğer Müslüman doğu Türklerinin milli varlık ve kültür mücadeleleri. – Istanbul, 1969. – Б. 152.

дов Халк маорифи ва маданияти масалалари, А.А. Давлетшин эса Туркистон ўлкаси билан чегара жойларга оид ишлар, маҳаллий вилоятларда ер тузиш ишлари, вилоят ҳарбий идоралари масалаларига масъул этиб белгиланган эдилар. Аммо бу амалда рўёбга чиқмади¹.

Масалан, ўша юқорида қайд этилган “Туркистонни бошқариш Муваққат кўмитаси” ўз амалий фаолиятида тўлақонли ишлаш имкониятига эга бўлмади. Бунга унинг Н.Н. Шчепкин бошчилигидаги 9 кишилиқ аъзонинг бир мақсад сари фаолият олиб бора олмагани, аъзоларнинг ўз олдига қўйган мақсадлари бир-биридан фарқ қилиши, татар, қозоқ миллатига мансуб кўмита аъзолари саъй-ҳаракати билан рус аъзолар ҳаракатида тушунмовчиликлар борлиги мавжуд сабаблар қаторига киради. Ўз навбатида, “Туркистонни бошқариш Муваққат кўмитаси” аъзолари билан маҳаллий сиёсий етакчилар ўртасида ҳам яхши алоқа ўрнатилмаган эди.

“Туркистонни бошқариш Муваққат кўмитаси” раиси Н.Н. Шчепкин 13 майда Муваққат ҳукумат бошлиғи князь Львов номига ёзган мактубида, кўмита таркибидаги мусулмонларнинг (С. Мақсудов, А. Давлетшин, А. Букейхонов, М. Тинишпаев – *муаллифлар*) зарарли ҳаракатлари ҳақида маълумот берган эди². Бундан маълум бўладики, кўмита таркибидаги мусулмонлар Муваққат ҳукумат фойдасига эмас, балки ўлка мусулмонлари шўроси манфаатлари йўлида ишлаганлар. “Туркистонни бошқариш Муваққат кўмитаси” ўлкадаги уҳқимиятчилик шароитида маҳаллий сиёсий арбоблар томонидан қўллаб-қувватланмагани боис, кўмита 1 июлга бориб ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди.

1917 йил 7 апрелдан 15 апрелгача Тошкентда ишчи ва солдат депутатларининг I қурултойи бўлиб ўтди. Унда қатнашган 263 нафар депутатнинг деярли барчаси европа миллатларига мансуб вакиллар эди. Қурултойда солдат кўмитасидан вакил бўлиб қатнашган С. Юсупов ушбу йиғинга туб аҳоли вакил-

¹ Togan Z.V. Hatiralari. Türkistan ve diğer Müslüman doğu Türklerinin millî varlık ve kültür mücadeleleri. – İstanbul, 1969. – Б. 152.

² Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. – Т.: “Маънавият”, 2000. – Б. 50.

лари таклиф этилмаганлигидан афсусланиб, ҳокимиятни бўлиш ҳақидаги таклифга қарши чиққан. У қандай шаклда бўлмасин, Туркистонда рус ва мусулмон назорати остида ягона ҳокимият тузиш таклифини илгари сурган¹. Туркистонда ўзини-ўзи идора қилиш масаласида Н.Маллицкий европалик ва туб аҳоли учун алоҳида органга бўлиш ҳақидаги таклифни киритган. 4 апрель куни Тошкентга етиб келган Аҳмад Заки Валидийга бу таклиф ёқмади. Мазкур масалада татар ҳуқуқшуноси С.И.Шоаҳмедов (Шағиаҳмедов) ва козоқ Мустафо Чўқаев даставвал қўшилмаган бўлсалар-да, кейинроқ федерализм ғоясига мойиллик билдирдилар. Маҳмудхўжа Бехбудий, Обиджон Маҳмуд, Берди Хўжа, Ашур Али Зоҳирий, Муҳаммаджон Танишпаев, Абдурахмон Уразаев, З.В.Тўғонлар федерация ғоясини илгари сурган бўлсалар, давлат бошқарувининг бу турига татарлардан Садри Мақсудий, Кабир Бакир, Давлетшин ва бошқалар қарши бўлишди. “Туркистонни бошқариш Муваққат қўмитаси” ва унинг мусулмон аъзоларидан Садри Мақсудий ва Давлетшин ҳамда “Кабир Бакир атрофида бирлашган Қозон зиёлилари... федерализмга қарши” турдилар. Аммо бу қарши туришлик замирида русларни маҳаллий аҳолидан ажратиб қўйиш, амалда мустамлакачилик сиёсатини давом эттириш йўли эди².

1917 йил 16–17 апрель кунлари Тошкентда – Туркистон генерал-губернаторлиги биносида бўлиб ўтган Туркистон мусулмонларининг I қурултойида Содиқ Абдусатторов, Заки Валиди Тўғон, И.Шоаҳмедов (Шағиаҳмедов) ва Собиржон Юсупов 13 кишилиқ мажлис ҳайъатига сайландилар. Мунавварқори Абдурашидхонов раислик қилган қурултой ишига Заки Валиди Тўғон ва Содиқ Абдусатторов мусулмон саркотиблари этиб сайландилар³.

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: “Шарқ” – Б. 27.

² Тоған Заки Валиди. Воспоминания. Борьба народов Туркестана и других восточных мусульман-тюрков за национальное бытие и сохранение культуры. Книга I. – Уфа: “Китап”, 1994. – С. 173–174, 178–179.

³ Мингаров А. Туркистонда 1917–1918 йиллардаги миллий сиёсий ташкилотлар (Миллий матбуот материаллари асосида). – Т.: “Маънавият”, 2002. – Б. 15; Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи. – Т.: “Университет”, 2002. – Б. 6.

3. Валиди Тўғон “Хотиралар”ида ёзилишича, қурултой ўтказилиши режалаштирилган бўлса-да, унинг дастури мавжуд бўлмаган. У 15 апрель куни кечқурун дастурни ёзиб тайёрлаган ва “Туркестанские ведомости” газетаси тахририятига топширган¹.

Қурултойнинг биринчи кунда Кабир Бакир Бухородаги сўнги воқеалар ҳақида ахборот берган. Қурултойнинг иккинчи кунда янги ҳукумат тўғрисидаги масала муҳокамаси 2 соатга чўзилган. Ниҳоят С. Мақсудий минбарга чиқиб: “Ҳеч бир мамлакат ҳукуматсиз яшай олмайди. Солдат ва ишчилар ўзлари ишонган 9–10 кишига мамлакат идорасини топширадилар. Уларнинг бу ҳукумати Таъсис мажлисигача давом этади”, – дея фикр билдирган. “Россиянинг идора усули қандай бўлади?” деган масалада Мунаввар Қори, М. Беҳбудий, Ш. Лапин билан бир қаторда З.В. Тўғон ва Кабир Бакир ҳам сўзга чиқиб, алоҳида идоралар, уларнинг тутган йўллари, улардан қайси бири Туркистон учун манфаатли эканлигини мажлис аҳлига тушунтирганлар².

Қурултойда сўз олган З.В. Тўғон Туркистоннинг қурилажак идора усули ҳақида сўз юритиб, федерал мухторият ғоясини илгари сурди. Бироқ, М. Чўкаев, И. Шоаҳмедов (Шагиаҳмедов), Кабир Бакир ва С. Мақсудий бу фикрга қарши чиққанлар. Кабир Бакир “Демократик Россия жумҳурияти” тузиш фикрини илгари сурган. Унинг фикрини А. Давлетшин ва С. Мақсудийлар қўллаб-қувватлаганлар. Лекин, охир-оқибат, қурултойда “Россиянинг идора усули (федератив ва демократик республика) принциплари асосида чекка ўлкаларга кенг мухторият берилиши лозим”, деган фикрга келинган³.

Шундай қилиб, Туркистонга миллий-худудий мухторият берилиши масаласи дастлаб ўлка мусулмонларининг I қурултойида илгари сурилганди. Бу ғоянинг вужудга келиши бево-

¹ Тоған Заки Валиди. Воспоминания. Борьба народов Туркестана и других восточных мусульман-тюрков за национальное бытие и сохранение культуры. Книга I. – Уфа: “Китап”, 1994. – С. 152.

² Мингнарлов А. Туркистонда 1917–1918 йиллардаги миллий сиёсий ташкилотлар (Миллий матбуот материаллари асосида). – Т.: “Маънавият”, 2002. – Б. 16.

³ Мингнарлов А. Туркистонда 1917–1918 йиллардаги миллий сиёсий ташкилотлар (Миллий матбуот материаллари асосида). – Т.: “Маънавият”, 2002. – Б. 16.

сита тараққийпарвар зиёлилар ва “Шўрои Исломия” ташкилоти номи билан боғлиқ эди.

Таъкидлаш жоизки, татар ва бошқирдлар Туркистонга мухторият берилиши масаласида маҳаллий зиёлилар билан сиёсий курашларнинг олдинги сафларда турдилар ҳамда биринчилардан бўлиб ушбу ғоя ташаббускорларидан бўлдилар. Жумладан, машҳур татар зиёлиси Нўширвон Явушев ўзининг “Улуғ Туркистон” газетасидаги мақоласида собиқ Россия империяси ҳудудида маданий жиҳатдан бир-бирига жуда яқин бўлган 30 миллионли турк-татар халқлари борлиги, Туркистон уларнинг асл ватани эканлиги, Туркистонга автономия берилган тақдирда Россия ҳудудидаги бошқа туркий халқлар туркистонлик қардошларига ёрдамга келишлари хусусида фикр билдирган. У миллий мухторият қўлга киритилгандан кейин, бошқариш масаласи ҳам юзага келиши, бунинг учун моддий ва маънавий куч керак бўлишини таъкидлаган. Айрим ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларни назарда тутган ҳолда мухториятга қарши турган кучларни қаттиқ қоралаган. Туркистонда миллий мухторият олинган тақдирда уни мустақкамлаш йўлида ёш тараққийпарварлар кучига қаттиқ ишонч билдирган¹.

1917 йил 20 апрелда Таъсис Мажлисига вакиллар сайлаш масаласида М.Беҳбудийнинг сайланувчилар рус тилини билишлари шарт эмас, деган фикрига, татар жамоати арбоби Кабир Бакир қарши чиқиб, сайланажак вакиллар рус тилини билиши мажбурий бўлсин, деган таклифни билдирган. Унинг нуктаи назарича, иккинчи Давлат думасида мусулмон фракцияси аъзолари фаолияти бунинг ўта зарурлигини кўрсатган².

Туркистонда йирик сиёсий кучга эга бўлган “Уламо” жамияти дастлабки даврда ёш тараққийпарварлар билан ҳамкорликда фаолият олиб борди. Айниқса, Туркистон мусулмонлари I курултойида уламочилар ва тараққийпарварларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши, ҳамжиҳатликда мустақилликни қўлга киритиш учун ҳаракатлари рус сиёсатчилари, айниқса большевикларни чўчитиш қўйди. Аммо кейинчалик европаликлар

¹ Туркистонга автономия олув ҳақида // “Улуғ Туркистон”, 1917. 5 май.

² Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. – Т.: “Маънавият”, 2000. – Б. 97.

томонидан “бўлиб ташла, ҳукмронлик қил” ақидаси асосида олиб борилган сиёсат туфайли улар ўртасида бўлиниш юзага келди. Эндиликда уламочилар “Шўрои Исломия” ташкилотига қарама-қарши ҳаракатлар қила бошладилар. 1917 йил 22 майда “Кўкалдош” мадрасаси олдида уламочилар, тараққийпарварлар томонидан уюштирилаётган намойиш вақтида аҳолини уларга қарши гиж-гижладилар. Намойишга йиғилган аҳоли сиёсий онги заифлиги оқибатида тараққийпарварларни лаънатлаб, уларга қарши чикдилар. “Шўрои Исломия” ташкилоти идораси эса мусодара этилди. Уламочилар “Шўрои Исломия”дан ажралиб, алоҳида “Уламо” жамиятини туздилар¹.

1917 йил 17–20 сентябрь кунлари “Уламо” жамиятининг ташаббуси билан Тошкентда Туркистон мусулмонларининг III курултойи бўлиб ўтди. Тараққийпарварлар сафида турган татар зиёлилари ушбу курултойда деярли иштирок этмадилар.

1917 йил 24 майда Тошкентда “Иттифоқ” жамияти аъзоларининг йиғилиши ўтказилди. Унда Москвада бўлиб ўтган умуммусулмон съездида қатнашиб келган Кабир Бакир маъруза қилиб, мамлакатдаги умумий сиёсий аҳвол билан таништирди².

1917 йил 27 июнь кунни Заки Валиди Тўғон раислигида Туркистон мусулмонлари марказий шўросининг ташкилий ва маориф бўлимлари тузилди. Ташкилий ишлар бўлими аъзолигига татар-бошқирдлардан З.В. Тўғон, Ф. Тоҳирий, И. Ёнбоев, маориф бўлимига эса яна З.В. Тўғон, Б. Ҳабиб, С. Абдусатторов ва И. Тоҳирий сайландилар³.

1917 йил 1 июлда Н.Н. Шчепкин бошлиқ Туркистон қўмитасининг истеъфога чиқиши муносабати билан ўлка мусулмонлари шўроси раисининг ўринбосари И. Шоаҳмедов (Шагиаҳмедов), Муваққат ҳукумат Вазирлар кенгаши Раиси князь Львовга юборган хатида тузилажак янги қўмита аъзоларининг

¹ Мингнарлов А. Туркистонда 1917–1918 йиллардаги миллий сиёсий ташкилотлар (Миллий матбуот материаллари асосида). – Т.: “Маънавият”, 2002. – Б. 28.

² “Иттифоқ” аъзолари // “Улуғ Туркистон”, 1917. 31 май.

³ Мингнарлов А. Туркистонда 1917–1918 йиллардаги миллий сиёсий ташкилотлар (Миллий матбуот материаллари асосида). – Т.: “Маънавият”, 2002. – Б. 24–25.

камида ярми мусулмонлардан бўлиши, Туркистонда барқарорликни таъминлашга хизмат қилишини таъкидлаб ўтган эди¹.

1917 йил июль ойи охирларида Тошкент шаҳар думасига сайловлар “Шўрои Исломия” ташкилотига нисбатан “Уламо” жамиятининг тазйиқи билан ўтди. Сайловда мусулмонлар ғалаба қозониб, 76 ўринни эгалладилар. Шундан 62 та ўрин “Уламо” жамияти ва 14 та ўрин “Шўрои Исломия” ташкилоти вакилларига тегишли эди. Сайлов жараёни даврида Тошкентдаги татар зиёлилари “Шўрои Исломия” ташкилоти томонида турдилар. “Шўрои Исломия” ташкилоти номидан татарбошқирд зиёлилари – И. Ёнбоев, З.В. Тўғон ва С. Абдусатторов Тошкент шаҳар думасига депутат этиб сайландилар².

Туркистон мусулмонларининг II курултойи 1917 йил 8 сентябрь куни ўлка мусулмонлари марказий шўроси томонидан ташкил этилди. Курултой кун тартибида муҳокама учун 11 та масала қўйилган эди. Курултой иштирокчиларини Петроград Марказий мусулмон шўроси номидан У. Хўжаев, Ишчи ва солдатлар шўроси номидан В. Чайкин, Туркистон татарлари Марказий бюроси номидан Кабир Бакир, Кавказ ҳайъати номидан Муҳаммад Амин Афандизода ва Бухоро мусулмонлари номидан Усмонхўжа Муродхўжа ўғли табрикладилар. Курултойда сўз олган “Улуғ Туркистон” газетасининг муҳаррири Кабир Бакир “Уламо” жамияти томонидан тараккийпарварларга нисбатан уюштирилаётган турли хил фитналарга норозилик билдирди³. Ушбу курултойда ҳам С. Абдусатторов саркотибликка сайланди. И. Шоаҳмедов (Шагиаҳмедов) ҳам ҳайъатдан жой олди.

Бу пайтда Туркистонда очарчилик хавфи юзага келганлиги муносабати билан курултой аъзоларининг диққат-эътибори кўпроқ озиқ-овқат масаласига қаратилди⁴.

¹ Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти – Т.: “Маънавият”, 2000. – Б. 51.

² Шўрои Ислам спискасидан сайланган гласныйлар // “Улуғ Туркистон”, 1917. 4 август.

³ Туркистон мусулмонларининг иккинчи курултойи // “Улуғ Туркистон”, 1917. 10 сентябрь.

⁴ Мингнарлов А. Туркистонда 1917–1918 йиллардаги миллий сиёсий ташкилотлар (Миллий матбуот материаллари асосида). – Т.: “Маънавият”, 2002. – Б. 20.

1917 йил 12 ноябрда Россия ва унинг мустамлака ўлкаларида Таъсис мажлисини ўтказиш кўзда тутилган эди. Шу муносабат билан Туркистон мусулмонларининг I, II, III курултойлари, 1917 йил 20 июль куни Қозон шаҳрида ўтказилган Бутун Россия мусулмонларининг I курултойи ва бошқа анжуманларда бу жараёнга тайёргарлик ишлари олиб борилди. Бутун Россия мусулмонларининг II курултойида Таъсис мажлиси ҳақида нутқ сўзлаган Шокир Муҳаммадёроев сайловда ҳар бир вилоят бир округ бўлиб, 200 минг кишидан бир вакил сайланишини маълум қилди. Таъсис мажлисига номзодлар кўрсатиш учун М. Чўқаев, “Иттифоқ” жамиятидан И. Ёнбоев, “Уламо” жамияти номидан А. Тўпчибошевлардан иборат комиссия тузилди¹.

Туркистонда Таъсис мажлисини ўтказиш учун номзодлар кўрсатилишидаги кечикишлар туфайли у 1917 йил 28 ноябрга қолдирилди. Кейинчалик Туркистон Мухторияти эълон қилинган, мухторият ҳукумати Таъсис мажлисини 1918 йил 10 мартга белгилади.

1917 йил 26–28 ноябрь кунлари Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган Туркистон мусулмонлари IV курултойи Туркистон Мухториятини эълон қилди. Унда Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Еттисув ва Каспийорти вилоятларидан 250 вакил иштирок этди².

Туркистон Мухториятининг парламенти – Халқ мажлисига татар ва бошқирдлардан Исматулла Убайдуллин, Исломо Шохмедов (Шағиахмедов), Абайдулла Дорбисалин, Мусо Окчурин, Мустафо Мансуров, Иброҳим Давлетшин, Халил Ширинский ва Собиржон Юсупов сайландилар. Туркистон Мухторияти Муваққат ҳукумати таркибида бош вазир ўринбосари сифатида Туркистон Мусулмонлари шўроси марказий кўмитасининг раиси Исломо Шохмедов (Шағиахмедов) бор эди³. Орадан бир оз вақт ўтиб, мухторият ҳукумати таркибида

¹ Мингнароев А. Туркистонда 1917–1918 йиллардаги миллий сиёсий ташкилотлар (Миллий матбуот материаллари асосида). – Т.: “Маънавият”, 2002. – Б. 39.

² Агзамходжаев С. История Туркестанской Автономии (Туркистон Мухторияти). – Т.: Тошкент ислом университети, 2006. – С. 189.

³ Агзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. – Т.: “Маънавият”, 2000. – Б. 130; Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида... – Б. 53–54.

Ўзгариш бўлгач, И.Шоаҳмедов (Шагиаҳмедов) С.Герцфельд ўрнига молия вазири этиб сайланди¹. Абдулла Гайнуллин эса, сўнгра мухториятнинг ҳарбий бўлимида иш юритувчи бўлиб ишлаган².

Шу ерда И.С.Шоаҳмедов (Шагиаҳмедов)нинг Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрнига эътибор қаратиш лозим. Ислом Султон Шоаҳмедов (Шагиаҳмедов) эса татар³ миллатига мансуб бўлган. У 1886 йил 21 ноябрида Оренбургдаги татар миллатига мансуб, ҳуқуқшунос Ислом Султон Шоаҳмедов (Шагиаҳмедов) оиласида туғилиб, унинг отаси турли юридик мансабларда ишлаган. 1916 йилдан Қўқондаги профессионал юридик амалиёт ва ижтимоий фаолият билан шуғулланиб, “Ғайрат” номли маърифат жамияти котиби ҳамда “Русские ведомости” газетасининг Туркистондаги мухбири вази-фаларида фаолият юритган. Ислом Султон Шоаҳмедов (Шагиаҳмедов) турк-мусулмонлари ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаоллик кўрсатиб, хусусан, туркий халқлар орасида миллий-ҳудудий мухторият ва диний-маданий мухторият шаклланаётган бир пайтда, у сиёсатчи сифатида федералист бўлгани сабабли мил-

¹ Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917–1924 йиллар). – Т.: “Университет”, 2002. – Б. 21.

² Убайдуллаев Ў.К. Ўзбекистонда 20–30 йилларда мустабид тузумга қарши миллий муҳолифат ҳаракати (маҳаллий зиёлилар фаолияти мисолида): тарих фан. номз. ... дисс. – Андижон, 2004. – Б. 62.

³ Р.Х. Акбаров томонидан Султон Шоаҳмедов (Шагиаҳмедов)га нисбатан “... келиб чиқишига [қўра] татар–бошқирд миллатига мансуб бўлган” деб маълумот берилади. Қаранг: Акбаров Р.Х. Ислом Султон Шоаҳмедов сиёсий фаолиятига доир айрим мулоҳазалар / “Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда” мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари V. Фарғона шаҳри, 2019 йил 26 апрель. – Б. 253; Ҳолбуки, тарихда Татар-Бошқирд Республикаси тузиш саъй-ҳаракати бўлган бўлса-да, татар-бошқирд миллати бўлмаган. Бу ерда Ислом Султон Шоаҳмедов (Шагиаҳмедов)га нисбатан Д.М. Усманова фикрига қўра, мавжуд ҳужжатларда уни, акасини, отасини “бошқирд” деб ёзилса-да, у “бошқирд стипендиати” бўлган бўлса-да, “аслида у дунёвий рус таълимини олган татар... Туркистонда уни 1917 йил воқеаларида айнан шундай деб қабул қилишган. Эҳтимолдан холи эмаски, унинг онаси татар бўлгани учун ҳам... [У] она тилим деб татар тилини кўрсатган”. Қаранг: Усманова Д.М. Ислам Шагиаҳмедов: Забытые герои 1917 г. “Гасырлар авазы – Эхо веков”. // №3/4, 2017. – С. 168.

лий-маданий мухторият тарафдори бўлган. Таъкидлаш жоизки, Ислом Султон Шоаҳмедов (Шағиаҳмедов)нинг умуммусулмон сиёсий ҳаётидаги фаол даври 1917 йил баҳоридан яққол кўзга ташланади. Хусусан, 1917 йил март ойи ўрталарида у Санкт-Петербургдаги Бутун Россия мусулмонлари ҳаракатида қатнашган бўлса, апрель–июнь ойларида Туркистон ўлка мусулмонлари кенгаши ишида қатнашиб, Умум Туркистон мусулмонларининг I курултойида президиумга, курултой якунидаги қарорга кўра эса, Мустафо Чўқаев бошчилигидаги тузилган Туркистон ўлкаси мусулмонлари кенгашига сайланади. Шунингдек, 1917 йил июль ойида Қозонда бўлиб ўтган Бутун Россия мусулмонлари II курултойига Туркистондан вакил этиб сайланган ва яна июль–август ойларида Бутун Россия мусулмонлари Миллий Шўроси ишларида дастлаб котиб, кейинчалик раис сифатида фаол иштирок этган¹.

И.С. Шоаҳмедов (Шағиаҳмедов) Туркистондаги ижтимоий-сиёсий фаолияти давомида ўлкада мусулмон жамияти сиёсий трансформациясини амалга ошириш ғоясини илгари суришда тушунтириш ва тарғиб қуроли сифатида “Туркетанские ведомости” ва “Туркестанский край” (1917) газеталаридан фойдаланган. Хусусан, мазкур газеталари орқали кўплаб мақолалар бериб, турк-мусулмон дунёси сиёсий жараёнларига тарғибот ва ташвиқотли ўз муносабатларини бериб борган. Хусусан, И.С. Шоаҳмедов (Шағиаҳмедов) “Туркестанский край” газетасининг расмий ношири сифатида кўплаб мақолаларида мусулмон дунёсининг сиёсий қарашларига эътибор қаратган. Фарғона вилояти ҳарбий губернатори томонидан мазкур газетага 1916 йилда Қўқонда кундалик газета сифатида чоп этишга рухсат берилган. Газетага И.С. Шоаҳмедов (Шағиаҳмедов) муҳаррирлик қилган. Газета 1916 йил 5 апрелидан 1 июнигача чиқиб турган. Шу йилнинг 16 октябридан газета яна чоп этила бошланган. Туркистон “Охранка”си муҳолифат сифатида қаранган ушбу газета муҳаррири И.С. Шоаҳмедов (Шағиаҳмедов)ни

¹ Акбаров Р.Х. Ислом Султон Шоаҳмедов сиёсий фаолиятига доир айрим мулоҳазалар / “Фарғона водийси тарихи янги гадқиқотларда” мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. – Фарғона, 2019. – Б. 253–254.

доимий равишда назорат қилиб борилган. Ушбу махфий ташкилот хабарига кўра, И.С.Шоаҳмедов (Шағиаҳмедов) Петроградда нашр қилинган “Могометанская газета”нинг муҳаррири – ноширларидан бири бўлган ва 1915 йилда “Утро Ферғаны” газетасининг ишида фаол иштирок этган ҳамда “Русские ведомости” газетасига мухбирлик қилган¹.

Мазкур газета мазмун-моҳиятига кўра, Туркистон ўлка мусулмон кенгашининг нашри мақомига мос эди. Яна И.С.Шоаҳмедов (Шағиаҳмедов) Таъсис Мажлисига сайлов қоидаларини муҳокама этиш ишларида фаол қатнашиб, 1917 йилнинг кузида Фарғона вилоятидан Таъсис Мажлисига делегат этиб сайланган. Айнан 1917 йил кузидан бошлаб у сиёсий жараёнда Туркистонга федератив мухторият олиш лойиҳасининг фаол тарафдорларидан бирига айланди. 1917 йил 8–11 сентябрь кунлари бўлиб ўтган Туркистон мусулмонлари II қурултойида Бутун Россия Таъсис мажлиси муҳокамасига тақдим этиш учун “Туркистон федерацияси лойиҳаси” гоҳсини илгари суради. Мазкур лойиҳа Туркистон Мухториятининг илк “Конституция лойиҳаси” бўлиб, 27 моддадан иборат бўлган. Туркистон мусулмонларининг II қурултойида И.С.Шоаҳмедов (Шағиаҳмедов) президиум аъзолигига сайланади².

И.С.Шоаҳмедов (Шағиаҳмедов) Туркистондаги мусулмонлар ҳаётида сиёсий онгни ўстириш йўлида даврий матбуотдан ҳам унумли фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб топган. Чунки, XX аср бошларидан Туркистонда матбуот ўлка зиёлилари ҳаётида муҳим аҳамият касб эта бошлаган эди. Газеталарда босилган мақолаларда турк-мусулмон халқлари ҳаёти, турмуш тарзи, тарихи, иқтисодий аҳволи маълум даражада ёритиб борилган. Масалан, И.С.Шоаҳмедов (Шағиаҳмедов) томо-

¹ Шадманова С.Б. Фарғона вилояти матбуоти: вужудга келиши, йўналиши ва фаолияти (XX аср бошлари) / “Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда” мавзусидаги IV республика илмий-назарий конференция материаллари. – Фарғона, 2017 йил 25 май. – Б. 172.

² Акбаров Р.Х. Ислоҳ Султон Шоаҳмедов сиёсий фаолиятига доир айрим мулоҳазалар / “Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда” мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. – Фарғона, 2019. – Б. 254.

нидан 1917 йил 18 ноябрида, ҳали Туркистон Мухторияти эълон қилинмасдан бир неча кун аввал, унинг “Улуғ Туркистон” газетасида “Туркистон мухторияти ва иқтисодий автономия” номли мақоласи чоп этилиб, унда ўлкада Мухторият ҳукумати тузиш учун барча шарт-шароитлар етилгани асослаб берилган. У 1917 йил Қўқонда бўлиб ўтган Бутун Туркистон мусулмонларининг фавкулудда IV қурултойида фаол иштирок этиб, 28 ноябрда тузилган Туркистон Мухторияти ҳукуматининг бош вазир ўринбосари лавозимига тайинланган. Туркистон Мухторияти ҳукумати фаолиятида яна 1917 йил декабридан бошлаб молия ишлари вазири ўринбосари лавозимига ҳам тайинланиб, Мухторият ҳукумати томонидан 30 миллион сўмлик заём чиқаради ва мазкур заёмнинг 10 миллион сўми Қўқондаги банклар томонидан қопланади. Таъкидлаш керакки, айнан мана шу заёмлар ўз вақтида Туркистон Мухторияти молиявий масалалари ечимида муҳим роль ўйнаган¹.

И.С. Шоаҳмедов (Шағиаҳмедов)ни кейинги ҳаёти тўғрисида тўлақонли маълумотлар йўқ ҳисоби. Хусусан, у Туркистон Мухторияти ағдарилгандан (1918 йил февраль) кейин большевиклар томонидан қамоққа олингани, касалликка чалингани, ўз жонига суиқасд қилгани, 1918 йил майида қамокдан озод қилингани, кейин Ҳиндистонга кетиб, яна касалхонага тушиб қолгани (1920), кейинчалик Владивостокка қайтгани тўғрисида, 1922 йилда Парижда яшаётган Мустафо Чўқаев томонидан унинг ачинарли аҳволи тўғрисида маълумот бор бўлса-да, унинг кейинги ҳаёти ва фаолияти тўғрисида бошқа маълумотлар йўқ².

Туркистон мусулмонлари Марказий шўросининг аъзоси И. Шоаҳмедов (Шағиаҳмедов)нинг Туркистон мусулмонлари II қурултойига тайёрлаган 27 моддадан иборат “Туркистон федерация лойиҳаси”ни Мухторият тўғрисида ташланган дадил

¹ Акбаров Р.Х. Ислоҳ Султон Шоаҳмедов сиёсий фаолиятига доир айрим мулоҳазалар / “Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда” мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. – Фарғона, 2019. – Б. 254.

² Акбаров Р.Х. Ислоҳ Султон Шоаҳмедов сиёсий фаолиятига доир айрим мулоҳазалар / “Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда” мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. – Фарғона, 2019. – Б. 254.

кадамлардан бири сифатида баҳолаш мумкин¹. Мазкур лойиҳада Туркистон ўлкаси Россия жумҳуриятига маҳаллий ва миллий мухторият асосида қўшилиши, барча миллатлар, эр ва хотинлар барчаси қонун олдида тенг бўлиши, ҳар бир фуқарога виждон эркинлиги ҳуқуқи берилиши кўрсатиб ўтилган эди².

Туркистон Мухториятининг эълон қилиниши ўлкадаги барча маҳаллий аҳоли билан бир қаторда татар миллатига мансуб маърифатпарвар илғор зиёлилар ҳам ҳурсандчилик билан қарши олишига олиб келди. Андижон шаҳрида истиқомат қилувчи татарлар 1917 йил 3–4 декабрь кунлари Туркистон Мухторияти байрамини нишонлаб, бу билан мухториятга турк-мусулмон халқлари хайрихоҳлигини билдирдилар. Айни пайтда, 4 декабрь куни нафақат қатта ёшдаги татарлар, балки мактаб ёшидаги болалар ҳам “Иттифок” жамияти идорасида байрам уюштирдилар. Шунингдек, 4 декабрь куни “Иттифок” жамияти аъзолари, мактаб ўқувчилари ва мусулмон аскарлари биргаликда, мусиқа садолари остида, Эски шаҳарга бориб, маҳаллий аҳолини Андижон татарлари номидан Мухторият эълон қилинганлиги муносабати билан қутладилар. Бу воқеа-ҳодисалар шундан далолат берадики, ўлкада яшаётган, унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашаётган, ҳарбий хизмат ўтаётган татарлар Туркистонда Мухторият эълон қилинганлиги шоду хуррамлик билан қутиб олганлар. 1917 йил 25 декабрида Туркистон Мусулмонлари шўроси томонидан мусулмон аскар ва ишчилари фавқуллода қурултойи бўлиб, унда татарлардан Туркистон Мухторияти бош вазир ўринбосари Ислоҳ Шоаҳмедов (Шағнаҳмедов), Марказий мусулмон ҳарбий шўроси номидан Исмаилов Убайдуллин, Самарқандда мусулмон аскарлар номидан Оқчурунлар фаол қатнашдилар. Ўз навбатида, Мухториятни қўллаб-қувватлаб Туркистон ҳарбий шўро раиси О.Клевлеев

¹ Мингнарлов А. Туркистонда 1917–1918 йиллардаги миллий сиёсий ташкилотлар (Миллий матбуот материаллари асосида). – Т.: “Маънавият”, 2002. – Б. 44.

² Акбаров Р. Туркистон миллий ташкилотларининг дастурларида миллий масаланинг ақс этиши / Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар: тарих ва ҳозирги замон. – Т., 2003. – Б. 96.

томонидан 1917 йил 26 декабрда Петроградга юборган телеграммасида: “Туркистон халқи бир овоздан Туркистон Мухториятини эълон қилиб, ўлканинг бошқарув усулини Туркистон Таъсис Мажлиси томонидан ишлаб чиқишни таклиф қилди. Руслар ва европаликлар ўлканинг 2 фоизини ташкил қилса-да, халқ шўрога сайланганларнинг 33 фоизини эгаллади. Бироқ, Россия комиссарлари томонидан Туркистон Мухториятини тугатиш йўлида тадбирлар қилинмоқда. Мусулмон ишчи ва аскарларнинг I қурултойи қарорларини маълум қилиб, сизни Россия демократик жумҳуриятининг олий идораси эканлигингиздан бошқарувни Тошкентдаги комиссарлар советидан Туркистон Мухторияти ҳукуматига топширишга буйруқ беришингизни илтимос қиламан. Токи орада тортишув бошланиб, Туркистон мамлакати ҳалокатга дучор бўлмасин”, – дейди¹.

Мухторият эълон қилиниши муносабати билан Жалолобод волости, Хонобод қишлоғида 6 декабрда ўтказилган митингда Абдулла эшон ва Ҳусайн Валидий нутқ сўзлаб, аҳолига мухториятнинг ташкил этилиши ва мақсадларини тушунтирдилар². Туркистон Мухторияти ҳукумати аъзоси И. Шоаҳмедов (Шагиаҳмедов) ва Туркистон татарлари Марказий бюроси раиси Кабир Бакир жойларда аҳолини мухторият эълон қилиниши билан қутладилар. Аҳолини Туркистон Мухториятини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга чақирдилар³.

Туркистон Мухторияти эълон қилинганидан икки ҳафта ўтиб, татар шоири Саид Сунчалайнинг “Мухторият садоси” номли озодлик мадҳияси “Улуғ Туркистон” газетасида чоп этилди⁴.

Туркистон Мухторияти эълон қилинганлигини рус инқилобчиларидан фақатгина социал-революционерларгина қўллаб-

¹ Мингнарлов А. Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг миллий матбуотда ёритилиши 1917–1918 йиллар). – Т.: “Истиқлол нури”, 2013. – Б. 105–111; Андижонда Мухторият намойиши // “Улуғ Туркистон”, 1917. 16 декабрь.

² Агзамходжаев С. История Туркестанской автономии (Туркистон Мухторияти). – Т.: Тошкент ислом университети, 2006. – С. 197.

³ Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917–1924 йиллар). – Т.: “Университет”, 2002. – Б. 23.

⁴ “Мухторият садоси” // “Улуғ Туркистон”, 1917. 16 декабрь.

куватладилар. Бу борада социал-демократлар билан тортишувга ҳам бордилар. Мухториятнинг эълон қилиниши большевикларга мутлако ёкмади. Бирок улар юзаки равишда Туркистон Мухториятига хайрихоҳ эканликларини билдирдилар. Таникли татар зиёлиси Ибнъямин Ёнбоев бунга жавобан: “...большевиклар ҳақиқатан бизнинг мухторият олишимизни хоҳласалар қуролларини янги ҳукуматга топширсинлар, шундай қилмасалар биз уларнинг самимийликларига ишонмаймиз”, – дея ўз нуктаи назарини билдирган эди¹.

Шунингдек, у Тошкент шаҳар думаси сўнгги мажлисида: “Ҳозирги ҳокимиятнинг (Ф. Колесов ва бошқалар – *муаллифлар*) тан олинган демократиялиги даргумон. Ушбу ҳокимиятнинг мусулмонлар номидан гапириши эса қип-қизил ёлғон... Мазкур ҳокимиятнинг асл кучи – тўп ва пулемётлардир, лекин биз, мусулмонлар, бу кучдан кўркмаймиз. Бизда ўзга куч мавжудким – ул куч руҳимиздир. Тарих ушбу сохта ҳокимиятни қоралайдиган вақт, албатта келажак!” – деган эди².

1917 йил 10 декабрда Тошкентдаги татарларнинг “Иттифок” жамияти умумий йиғилиши бўлиб, унда дастлаб Қўқон шаҳрида 26–28 ноябрь кунлари бўлиб ўтган ўлка мусулмонлари фавқулодда IV қурултойида қатнашиб келган Кабир Бакирнинг маърузаси тингланди. Сўнг жамият аъзолари сўзга чиқиб, Туркистон Мухториятини шодлик билан қарши олганликларини баён этдилар. “Иттифок” жамияти аъзолари мухторият ҳукуматини табриклар, имкон қадар моддий ва маънавий ёрдамга тайёр эканликларини билдириш билан биргаликда, 13 декабрда бўладиган Мухторият намоёишига махсус миллий байроқ билан иштирок этишга қарор қилдилар. Намоёишга мусулмон аскарлари ва мактаб ўқувчиларини ҳам жалб этиш лозим деб топилди. Аскарларни намоёишга жалб этиш вази-

¹ Мингнарлов А. Туркистонда 1917–1918 йиллардаги миллий сиёсий ташкилотлар (Миллий матбуот материаллари асосида). – Т.: “Маънавият”, 2002. – Б. 47.

² Қосимов Й. Қора кўзойнак билан ёзилган тарих. – Наманган, 1993. – Б. 23; Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар Андижон: “Andijon nashriyot-matbaa” ОАЖ, 2000. – Б. 141.

фаси имом Ҳабибраҳмон Файзий ва Алисафар Сутушов зим-масига юкланди. Сўнгра Қўқондаги ўлка мусулмонларининг фавқулудда IV курултойида Марказий татар бюроси вакили сифатида қатнашган Кабир Бакир томонидан ушбу курултойда иштирок этган Туркистондаги татар жамиятлари вакиллари-нинг қарорлари муҳокама этилди¹.

Мухторият Муваққат ҳукумати 13 декабрни “Туркистон Мухториятининг миллий жамғармасига пул йиғиш куни” деб эълон қилди². Шу муносабат билан уни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш йўлида татарлар ҳам фаол ҳаракат қилганлар. Туркистон Мухториятига нафақат маънавий, балки моддий жиҳатдан ҳам ёрдам бермоқ “... ҳар бир мусулмон ва турк боласининг бурчи” эканлиги хусусидаги даъватлар “Улуғ Туркистон” газетаси саҳифаларида тез-тез учрай бошлаган. Марказий татар шўроси ва жойлардаги маҳаллий татар жамиятлари мухторият фойдасига маблағ тўплаш масаласини ўзлари учун *буюк бир вазифа* (курсив бизники – *муаллифлар*) деб билдилар ва ушбу мақсадни амалга ошириш учун жиддий ҳаракат бошлаб юбордилар³.

Мухторият фойдасига маблағ тўплаш мақсадида жойлардаги маҳаллий татар жамиятларидан ҳайъат аъзолари ҳам сайланади. Жумладан, Муҳаммадраҳим Туминов, Муҳаммаджон Муродов, Муҳаммад Содик Тозиев, Ибодулла Ғозин, Муҳаммадшариф Кошоев, Латиф Бурнашев, Ғози Юнусов, Маҳди Чанишев ва Абдуллажон Сафагиров юқоридаги ҳайъатнинг аъзолари эдилар.

Юқоридаги чақирикқа биринчилардан бўлиб Қўқондаги татар жамияти аъзолари фаоллик билан киришдилар. Қўқондаги татарлардан ака-ука Ғозинлар – 500 сўм, Содик Тозиев, Муҳаммад Гирей Юздинаков, Шариф Кошоев ва Ниматулла Мифтоҳиддинов 300 сўмдан, Латиф ва Муҳаммад Бурнашев 200 сўмдан, Ҳамза Кошоев ва Али Раҳмонқулов 100 сўмдан,

¹ “Иттифоқ” жамиятининг умумий живилиши // “Улуғ Туркистон”, 1917. 13 декабрь.

² Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. – Т.: “Маънавият”, 2000. – Б. 143.

³ “Улуғ Туркистон”, 1917. 20 декабрь.

Абдулла Муҳаммаджонов, Содик Халилов, Ҳасан Қримов, Ҳофиз Муҳаммадий ва Карим Абубакиров 25 сўмдан Марказий татар шўросига жами 2425 сўм маблағ йиғиб жўнатдилар¹. Бошқа ҳудудлардаги татар жамиятлари томонидан ҳам маблағ йиғилиб, Мухторият фойдасига бетўхтов жўнатилган.

Большевиклар мусулмонлар томонидан 1917 йил 13 декабрда Туркистон Мухториятини қўллаб-қувватлаб ўтказган намоёйишларини *европалик аҳолини ўлдириш учун уюштирилган ҳаракат* (курсив бизники – *муаллифлар*) дея иғво ва миш-миш тарқатганлар. Улар шу кунлари Тошкентдаги европалик аҳолига қурол тарқатиб, Қизил армия қисмлари сонини кўпайтиришга киришганлар².

1917 йил декабрь бошларида Тошкентда татар жамиятларининг Кенгаш мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қўқон, Каттакўрғон, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Намангандаги татар жамиятлари вакиллари ва аскарлар иштирок этдилар. Кабир Бакир раислик қилган кенгаш мажлисида 26–28 ноябрь кунлари Қўқонда бўлиб ўтган Туркистон мусулмонларининг фавқулодда IV қурултойида кўрилган масалалар муҳокама қилинди. Дастлаб Кабир Бакир Марказий татар шўросининг амалга оширган ишлари ва умумий сиёсий аҳвол ҳақида маълумот берди. Аҳволнинг ниҳоятда жиддийлигини эътиборга олиб Туркистондаги татар жамиятлари зиммасига яна масъулият юкланиши эътироф этилди. Масалалар муҳокамасидан сўнг қуйидагича қарор қабул қилинди:

1. Туркистондаги татарларнинг шаҳар ва қишлоқларда диний, миллий ва маиший аҳволларини яхшилаш учун маҳаллий жамиятлар тузиш ёки тузилган жамиятларни моддий жиҳатдан таъминлашни йўлга солиш.

2. Туркистон ўлкасида мавжуд татар жамиятлари ўртасида алоқаларни ривожтириш, Марказий татар шўросининг маориф ва молия ишларига раҳбарлик фаолиятини кучайтириш.

¹ Ҳўқанд тоторларининг ҳимматлари // “Улуғ Туркистон”, 1917. 24 декабрь.

² Hayit B. “Basmaçılar”. Turkistan Milli Muçadele Tarihi (1917–1934). – Ankara: “Turkiye diyanet vakfi”, 1997. – Б. 27–28.

3. Марказий татар шўроси қошида дин ва маориф шуъбаси ташкил этиш, Туркистондаги татар маҳаллаларига қўйилган имом, муаззин, муаллим ва муаллималарни ушбу шуъбада имтиҳон қилиб, уларга махсус шаҳодатнома беришни йўлга қўйиш.

4. Марказий татар шўроси томонидан чиқарилаётган “Улуғ Туркистон” газетасини моддий жиҳатдан яхши таъминлаб, ҳафтада камида тўрт марта чиқаришни йўлга қўйиш.

5. Марказий татар шўроси ташаббуси билан “Иттифок” жамияти томонидан очилган ўқитувчилар тайёрлаш мактаби фаолиятини янада кучайтириб, Туркистон мусулмонлари учун муаллимлар тайёрлайдиган умумий ва доимий муассасага айлантириш.

6. Юқоридаги ишларни амалга ошириш учун жойларда аҳоли бошига 1 сўмдан солиқ солиш. Солиқлар маҳаллий татар жамиятлари томонидан йиғилгач, унинг ярми шу жамиятлар ихтиёрида қолдирилиб, қолган қисмини Марказий татар шўросига юбориш¹.

1917 йил 30 декабрда Қўкон татарлари “Жамияти исломия”-сининг ҳайъат аъзолари йиғилиши бўлиб, унда:

1. Масжид-мадрасалардаги эрлар мактабини “Жамияти исломия” идорасига кўчириш.

2. Мактаб учун смета тузиб, шаҳар думасидан маблағ сўраш.

3. Озиқ-овқат кўмитасига В. Воҳидов, Ота-оналар кўмитасига И. Тухватуллин, Ўқитувчилар иттифоқига А. Исомиддиновни жамият номидан вакил қилиб сайлаш.

4. Мактаб кутубхонасига жамият ҳисобидан қироат китоблар ва газеталар сотиб олиш учун 100 рубль пул ажратиш.

5. “Жамияти исломия” ҳайъат йиғилишини ҳар ҳафтада бир марта – жума куни ўтказиб туриш каби қарорлар қабул қилинди².

Туркистон Мухторияти ҳукуматига большевиклар томонидан бўлаётган тазйиқлар миллий зиёлиларни жиддий ташвишга солди. Мухториятни сақлаб қолиш учун кучли армиянинг зарур

¹ Туркистон тоторларининг қарорлари // “Улуғ Туркистон”, 1917. 20 декабрь.

² Ҳўқанд тоторларининг жамиятида // “Улуғ Туркистон”, 1918. 11 январь.

эканлиги маълум бўлди. Бу масала мухторият эълон қилингандан сўнг “Улуғ Туркистон” газетаси саҳифаларида долзарб муаммо сифатида кўтарилган. Масалан, таниқли татар маърифатчиси Мухтор Бакир ўзининг “Туркистон Мухторияти ва туркистонлилар”¹, “Туркистон Мухториятини барпо бўлишига куч керак”² номли мақолаларида мухторият ҳукумати олдида турган асосий вазибалар сифатида молияни ислоҳ қилиш, қонунларни тартибга келтириш, ер-сув масалалари, диний, ижтимоий, маориф масалаларини ҳал этиш, ҳарбий маҳкама, ташкилотлар ва Туркистон Мухторияти учун асосий қонун (конституция)ни тузиш ҳамда энг асосийси мухториятнинг миллий армиясини шакллантириш лозим, деб ҳисоблаган.

1918 йил январь оyi бошларида Туркистон татарлари Марказий бюроси раиси Кабир Бакир иштирокида Каттақўрғондаги татар жамиятининг умумий мажлиси ўтказилди. Мажлисида шаҳарнинг деярли барча зиёли ёшлари қатнашдилар. Жамият раиси Имод Бекбулатов мажлисни очиб, сўзни Кабир Бакирга берди. Кабир Бакир Туркистон татарлари Марказий бюроси томонидан амалга оширилаётган ишлар, “Улуғ Туркистон” газетаси, “Умид” матбааси, муаллимлар тайёрлаш мактаби фаолияти, айни пайтдаги сиёсий аҳвол, большевикларнинг Оренбургга ҳужуми ва унинг натижаси ҳақида гапирди.

Кабир Бакир Қўқонда ташкил этилган Туркистон Мухториятини сақлаб қолиш йўлида пул жамғариш масаласига алоҳида тўхталди. Бу борада каттақўрғонлик мусулмонларни ҳам саховатли бўлишга чақирди. Бу масалада қўқонлик татарларнинг ҳимматларини мисол қилиб кўрсатди. Мажлисида собиқ Россия империяси ҳудудида яшаган *турк-татар халқларини ягона мухториятга бирлашиш йўлида кураш олиб борилаётган бир пайтда, бошқирлар ва Сирдарё, Еттисув вилоятларида яшовчи қozoқларнинг Туркистон Мухториятидан ажралган ҳолда мухторият тузишга интилишлари қаттиқ қораланди (курсив бизники – муаллифлар)*. Ҳатто Туркистондаги татарлар

¹ “Улуғ Туркистон”, 1917. 20 декабрь.

² “Улуғ Туркистон”, 1917. 24 декабрь.

номидан Оренбургдаги марказий бошқирд шўроси ва Уфадаги миллат мажлисига турк-татар халқларини ягона мухториятга бирлашиш йўлидаги курашларидан четга чиқмасликка ҳамда ягона ғоя атрофида бирлашишга чақириш мазмунида телеграмма юборишга қарор қилинди¹.

Туркистонда Мухториятнинг эълон қилиниши аввал бошданок большевиклар ҳукуматига ёқмаган эди. Мухториятни тугатиш йўлидаги очикдан-очик сиёсат 1918 йил январь ойининг иккинчи ярмидан, аниқроғи 19–26 январь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон ўлкаси советларининг IV съезидан сўнг бошлаб юборилди. Съезд қабул қилган қарорларда уларнинг шовинистик сиёсатлари ўз ифодасини топган эди².

1918 йил 17–18 февраль кунлари Мухторият Муваққат ҳукумати таркибида ўзгариш бўлган. Бош вазир М. Чўқаев ўз лавозимидан истеъфо беришни маъқул кўргач, унинг ўрнига Махди Чанишев тайинланган³.

Бироқ имконият большевиклар томонига оғиб бораётган эди. Шу пайтда Тошкентдан Туркистон ҳарбий комиссари Е.Л.Перфильев бошчилигидаги пиёда, отлик ва артиллерия қисмларидан иборат 11 эшелон кўшин етиб келди. 19 февралда Туркистон Мухторияти қонга ботирилиб, тор-мор келтирилди ва Қўқон шаҳри уч кун давомида қирғин, талон-тарож ҳамда олов ичида қолди. Манбаларда келтирилишича, шу кунларда Қўқонда 10 000 киши ўлдирилган⁴.

Туркистон Мухториятининг Қизил Армия қисмлари ва арман дашноқлари томонидан тор-мор келтирилиб, Қўқон шаҳрида даҳшатли қирғин ва талон-тарож ўтказилганлиги “Улуғ Тур-

¹ Каттақўрғонда марказий тотор бюросининг доклади // “Улуғ Туркистон”, 1918. 11 январь.

² Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. – Андижон: “Andijon nashriyot-matbaa” ОАЖ, 2000. – Б. 87; Сиёсий аҳвол // “Улуғ Туркистон”, 1918. 28 январь.

³ Мингнарлов А.Т. Туркистонда миллий озодлик масалалари давр миллий матбуотида (1917 йил февраль – 1918 йил ўрталари): тарих фан. номз. дисс. – Т., 2000. – Б. 45

⁴ Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. – Т.: “Маънавият”. 2000. – Б. 148–149.

кистон”нинг шу йил февраль, март ойидаги сонларида “Хўқанд фожеалари” номи билан туркум мақолалар тарзида очик-ойдин баён этиб борилди. Туркистон Мухториятининг тор-мор этилиши жараёни шундай баён этилган: “11 кун бутун жон ва танлари ила қарши турғондин сўнг Туркистон Мухториятининг аскарлари шаҳардан чиқурга мажбур бўлғонлар. Рус шаҳрида, мусулмон шаҳрида (Кўқоннинг Янги ва Эски шаҳар қисмлари назарда тутилмоқда – *муаллифлар*) тўб ва тўфангдан бийк ёмон зарарланган. Большевик ҳукумати тарафиндин отилғон кучли ва зўр тўблар шаҳарни билхоса мусулмон тарафин бийк ёмон ҳароб қилғонлар... Охирида мусулмонлар газовот эълон қилғонлар. Бу ҳолнинг натижаси ёмон бўлажағи онглашилғоч, большевик аскарининг бошлиғи Перфилюф Хўқанддан аскарини чиқорарға тивишли топқон...”¹.

Кўқондаги “Саодат” номли китоб дўкони соҳиби Абдулла Айнуллиннинг “Улуғ Туркистон” газетасига юборган мактуби ҳам эътиборга молик. Унда, жумладан, шундай дейилади: “Хўқанд бутунлай ёнуб тамом бўлғонликдин мундағи китобхоналардан “Ғайрат”, “Саодат”, “Бирлик” ва “Маърифат” дегон мағазинларнинг ёлғиз исмларигина қолди. Жисмлари йўқ. Шу сабабли бизга юборилатурғон ғазиталар юборилмасун. Бунда ғазита ўқийтурғон, сотатурғон ҳам олатурғон китобхоналар ва ўқийтурғон зотлар қолмади”². Маълумотдан большевикларнинг Кўқон шаҳри ва унинг аҳолиси бошига қандай кунларни солганлигини англаб олиш қийин эмас.

Туркистон Мухторияти тор-мор келтирилгандан кейин большевиклар ҳукумати Мухторият ҳукумати аъзоларидан аёвсиз ўч олдилар. Жумладан, Мухторият ҳукумати ҳарбий кенгаши раиси, полковник Маҳди Чанишевнинг қисмати фожеали яқунланди. У Скобелев шаҳрида большевиклар томонидан қўлга олинди ва қатл этилди³. Бош вазир ўринбосари И. Шоахмедов (Шагиахмедов) шу пайтда Кўқон шаҳрида бўлганлиги учун

¹ Туркистон Мухториятининг фожеаси // “Улуғ Туркистон”, 1918. 26 февраль.

² Хўқанддан мактуб // “Улуғ Туркистон”, 1918. 6 март.

³ Маҳди Чанишев // “Улуғ Туркистон”, 1918. 21 март.

Қизил аскарлар томонидан асир қилиб олинди¹. Қўқон фожеалари вақтида большевиклар томонидан қўқонлик машҳур савдогар Абдулла Газин ҳам ҳибсга олинди².

1918 йил 28 апрелда Москвадан келган мусулмон комиссар иштирокида бўлган мажлисда, Тошкент татарларининг “Иттифоқ” жамияти совет ҳокимиятининг манфаатларига тўғри келмаганлиги учун тугатилди ва унинг ўрнига “Татар социалист ишчилари комитети” тузилди, дейилади³. Мазкур йиғилиш ўтказилаётган пайтда кимдир Тошкент шаҳар бошлиғига бориб, “Иттифоқ” жамияти аъзолари яширин мажлис ўтказиб, Туркистонда эълон қилиниши кўзда тутилган пролетариат мухториятига қарши кенгаш ўтказмоқда”, дея ёлғон хабар берган. Шундан сўнг йигирма нафар казак аскарлари йиғилишга бостириб кириб, 15 кишини қўлга олиб, Тупроққўрғонга қамоққа ташлаган. Бу хабар тезда “Хуррият уйи”да большевиклар йиғилишида қатнашаётган мусулмон комиссарларга ҳам етиб боради. Шундан сўнг комиссар Ориф Клевлеевнинг аралашуви ва кафилигида маҳбуслар қамокдан озод қилинган⁴.

Сўзи билан амалдаги фаолияти бир-бирига тўғри келмаган большевиклар Туркистон Мухториятини йўқ қилиш билан асл қиёфаларини кўрсатишга улгурган эдилар. Ҳолбуки, большевикларнинг етакчиси бўлган Ленин ва Сталин 1917 йил 20 ноябрда “Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига” мурожаат қилиб, унда Туркистон, Волгабўйи, Қрим, Сибирь, Кавказ-орти мусулмонларига “Сизнинг дин ва урф-одатларингиз, сизнинг миллий ва маданий муассасаларингиз бундан буён эркин ва даҳлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий турмушингизни эркинлик билан ва баҳузур туза берингиз. Шундай қилишга ҳақлисиз”, – деган эди⁵. Аммо амалда “доҳийлар” етакчилиги-

¹ Ражабов Қ. Жадидлар – истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамолари // Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. – Т.: “Эльдинур”, 1998. – Б. 12.

² Абдулла Ғозин // “Улуғ Туркистон”, 1918. 21 март.

³ Мухтарам тотор қардошлар // “Улуғ Туркистон”, 1918. 30 апрель.

⁴ “Иттифоқ” аъзоларина тақуф // “Улуғ Туркистон”, 1918. 30 апрель.

⁵ Ленин В.И. Ўрта Осиё ва Қозоғистон тўғрисида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1984. – Б. 493.

даги совет ҳукумати ҳар қандай ҳурфикрлиликка, миллатлар ўз тақдирини ўзи белгилашига қарши чиқдилар. Большевиклар томонидан Туркистон Мухторияти бадном қилинганига 1918 йил 1 июнида Заки Валиди Тўғон ўз муносабатини билдириб, “... мухториятчиларни ҳибсга олиб, кўпчилигини ўлдирдилар. Кўплаб уй-жойларга ўт қўйиб, минглаб одамларни совуқ Сибирга сургун қилдилар... Большевиклар ўз амалий фаолиятларида ҳар қандай ифлосликдан қайтмадилар”, – дейди. Шунингдек, З.В.Тўғон Кўқон, Марғилон, Қува ва бошқа шаҳарларда ўт қўйиш, қирғин бўлгани, мусулмонларнинг айримлари “соқолини олдиришга ва бўйнига хоч осгандагина қутулиб қолишга” эришганликларини таъкидлайди¹.

Шундай қилиб, совет ҳукумати фақат ўзига, яъни советларга мос мухториятни тан олиш мумкинлигини эътироф этди. 1918 йил 30 апрелда советларнинг V ўлка съезди “Туркистон Совет Федератив Республикаси тўғрисидаги Низом”ни қабул қилди. Съезд 36 кишидан иборат Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Кўмитаси (ТуркМИК) ва 16 кишидан иборат халқ комиссарлар кенгаши (ХКК)ни сайлаган бўлса-да, туб аҳоли вакиллари бўлган кишилар МИК раҳбарлари орасидан ўрин олмади. Холбуки, маҳаллий аҳоли ўлкада истиқомат қиладиган аҳолининг 95 фоизини ташкил қиларди².

Туркистон Мухторияти тор-мор этилгандан кейин ўлкада, хусусан, Фарғона вилоятида ижроия кўмита руҳсатисиз ҳар қандай йиғин ва мажлислар ўтказиш қатъий ман этилди. Эндиликда фақатгина расман рўйхатдан ўтган демократик ва жамоа ташкилотлари аввалдан кун тартибинини кўрсатиб, ижроия кўмитадан руҳсат олгандан кейингина ўз тадбирларини ўтказишлари мум-

¹ Ахмет Заки Валиди Тоған. Не сочтите за пророчество (бошқирд ва рус тилларида). – Уфа: “Китап”: 1998. – С. 108–109.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: “Шарқ”. – Б. 74–75; Ата-Мирзаев О., Генштке В., Муртазаева Р. Межнациональная толерантность в Узбекистане: история и современность. – Т.: “Университет”, 2004. – С. 92–93; Хотамов Н. Новый взгляд на историю установления советской власти в Туркестане и Бухарском эмирате / Новая история Центральной Азии. Переоценка истории, современные проблемы и подходы. – Т., 2004. – С. 37.

кин бўлиб қолди. Ўзбошимчалик билан йиғин ва мажлислар ўтказиш ташкилотчилари инқилобий трибунал ихтиёрига топшириладиган бўлди¹.

Совет ҳукумати Туркистон Мухториятини тор-мор этгандан кейин ҳам ҳокимиятни мустаҳкамлаш йўлидаги беҳаловатлигини йўқотмаган. Совет ҳокимиятининг турли комиссарлари ўз лавозимларини суниестемол қилиб, маҳаллий аҳолига нисбатан ҳеч қандай асоссиз равишда террор ишларини бошлаб юборишган. Натижада гуноҳсиз кишилар ҳам ҳеч қандай суд қарорисиз озодликдан маҳрум қилинар ва бу, ўз навбатида, норозиликни янада кучайтирар эди. Шу сабабдан Туркистон адлия комиссарлиги ўзининг 1918 йил 15 июлдаги қарорига мувофиқ, фуқароларни судсиз жавобгарликка, ҳибсга олишни тақиқлаган эди². Аммо айти пайтда терроризм бари бир давом этаверган. Туркистондаги демократик кучларни тағтомири билан йўқ қилиш ва ҳар қандай йўл билан бўлса-да совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш большевикларнинг асосий мақсади эди. Туркистонда ижтимоий-сиёсий барқарорликка эришиш ва совет ҳокимияти манфаатларига зид фаолиятларни амалга оширмаслик учун Туркистон МИҚ 1918 йил 18 декабрда ўлканинг ҳамма вилоятлари учун бажарилиши шарт бўлган қарор қабул қилди. Ушбу қарорга мувофиқ, совет ҳокимиятига қарши тарғибот-ташвиқот ишлари масжидларда, черковларда, синагогларда олиб борилса ҳамда шу мазмунда адабиётлар тарқатилса, уларни ким бўлишидан қатъи назар, отиб ташлашга рухсат берилган³.

Ҳар қандай ҳокимият давлатни бошқаришга киришар экан, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазият билан бирга иқтисодий вазифаларни ҳам ўрганиши ва халқ фаровонлиги йўлида фаолият кўрсатиши керак. Бундай ҳолат, айниқса халққа тинчлик, ер, тенглик, фаровон ҳаётни ваъда қилган большевиклар ҳокимияти учун ҳам бегона эмасди. Чунки ижтимоий-сиёсий

¹ Фарғона вилоят давлат архиви (ФВДА), 8-фонд, 1-рўйхат, 8^а-иш, 8-варақ.

² ФВДА, 8-фонд, 1-рўйхат, 37-иш, 15-варақ.

³ ФВДА, 8-фонд, 1-рўйхат, 27-иш, 208–209-варақлар.

баркарорлик учун иктисодий муаммолар ҳам ўз ечимини топаётган бўлиши керак эди. Марказ Октябрь (1917) давлат тўнтаришидан кейин ҳам Туркистон халқларига бўлган муносабатини тубдан ўзгартирмади. Илгари подшо Россияси манфаатлари учун ўлка талон-тарож қилинган бўлса, эндиликда “социалистик суғуриш-юлиб олиш” тажрибаси қизил шиорлар остида олиб бориладиган бўлди.

Туркистон Мухторияти учун курашда татарлар иштироки, уларни мазкур миллий ҳукуматни қўллаб-қувватлаши турк-мусулмон халқлари ҳамкорлик ва бирдамлик алоқаларидан далолат беради. Татарларни Туркистон Мухторияти учун курашда иштироки, амалда ўлка турк-мусулмон халқларининг ҳар қандай вазиятда ҳам елкама-елка туриб, мустақиллик ва озодлик учун кураша олишга қодир эканликларини кўрсатди. Бу кураш дастлабки жараёнда маданий-маърифий тараққиёт йўлида амалга оширилган бўлса, 1917 йил Февраль инқилобидан сўнг сиёсий тус олди. Айни пайтда татар-бошқирд зиёлиларининг мураккаб вазиятларда туркистонлик қардошлари билан елкама-елка туриб, ягона мустақил давлатчилик учун курашлари туркий халқларнинг Туркистон озодлиги йўлида камарбаста бўлганликларини кўрсатади. Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, кейинчалик большевиклар макр-ҳийлалари остида кўплаб татар зиёлилари (Ю. Иброҳимов, О. Клевлеев, С. Абдусатторов, Ю. Алиев ва бошқалар) Туркистонда совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилдилар.

1.3. Туркистон ва Мирсаид Султон-Ғолиев

Татар сиёсий арбоблари орасида турк-мусулмон халқлари истиқболи, сиёсий ва ҳарбий тузилмаси, маданий-маърифий жараёни бўйича, айниқса Туркистонни бу жараёнларда тутган ўрни ва истиқболига бефарқ бўлмаганлардан бири Мирсаид Султон-Ғолиев ҳисобланади. Ҳақли равишда, у турк-мусулмон халқлари орасида ўз қараши, сиёсий савияси ва руҳияти билан ажралиб турадиган шахслардан бири, Россиядаги

турк-мусулмонлари ҳаётида муҳим роль ўйнаган сиёсий арбоб ҳисобланади. У коммунист бўлган ҳолда, ҳатто мазкур партия аъзоларига, балки ишонган ёки умид боғлаган ҳолда, том маънодаги большевик эмас, у ёки бу масалада, хусусан, Шарқ ижтимоий-сиёсий ҳаётида, СССР деб аталмиш давлат тузилмасида республикаларни “автоном” ва “иттифоқчи” каби даражада паст-баландга ажратилишига қарши бош кўтарган биринчи сиёсий раҳбарлардан эди. Албатта, уни тутган позициясига қараб, Шарқ халқлари, хусусан, Туркистонга нисбатан муносабати, унинг истиқболи, сиёсий келажагига қарата қилган саъй-ҳаракатлари муҳим аҳамиятга эга. Айнан у турк-мусулмон сиёсий етакчиларидан биринчи бўлиб, сталинча “мухториятлаштириш” сиёсатиغا очик қарши чиққанлардан ҳисобланади. Ўз навбатида, уни ҳам Туркистон ижтимоий-сиёсий, ҳарбий ҳаётида сезиларли ўрни бўлганлигини инкор этиб бўлмайди.

Мирсаид Султон-Ғолиевни саъй-ҳаракатлари таҳлилига кўра, уни тўла-тўқис “қизиллар”га ёки “оқ”ларга қўшиш қийин ... У миллатлар, аниқроғи туркий халқлар равнақи йўлида жон куйдирганлардан, дастлабки мусулмон ҳарбий қисм тузиш йўлида бош-қош бўлганлардан бири ҳисобланади. У ВКП(б) МҚнинг икки масаладаги позициясига: мустамлака масаласи ҳамда миллий сиёсатига қўшила олмасди. Татар ва бошқирдлардан иборат мусулмон ҳарбий қисмларидан “социалистик инқилоб” йўлида, шунингдек, Туркистон, Бухоро республикаларида фойдаланиш, амалда исломни “социалистик инқилоб” ҳимоясида иттифоқчи сифатида олиб келганига эътибор қаратди. Хусусан, у туркий халқлар ўртасидаги муносабатларда “татарларни фавқулодда тутган ролига”, уларни Шарқда ҳарбий-сиёсий, маданий-маърифий етакчилигига катта аҳамият берди. Хусусан, бу масалада Россиянинг татарлар ғуж яшайдиган Қозон, Оренбург, Астрахань, Самара ва бошқа ҳудудларда татар тилидаги газета ва журналлар чоп этилаётгани, татар адабиёти ва театри вужудга келаётгани, эски тартиб-усулдаги мактаблар ўрнига янги усулдаги мактаблар фаолият олиб бораётганини қайд этди. Шунингдек, хотин-қизлар тенг ҳуқуқчилиги, уларга мактабларда билим

олишига, жамиятни тўлақонли аъзоси бўлиб яшашга, театр билан танишиш ҳамда унда бевосита иштирок этиш имконияти вужудга келганига эътибор қаратади.

Умумлаштириб айтганда, Февраль (1917) инқилобига қадар татарлар орасида миллий уйғониш кўзга ташланиб, бу қадимчилар ва жадиждлар, “инқилобчи” татарлар ва чор Россияси маъмурлари, мўътадил ёки радикал зиёлилар ўртасидаги курашларда ўз аксини топганлигини қайд этади. Маълумки, Февраль (1917) инқилоби ва, айниқса, Октябрь (1917) давлат тўнтаришидан кейин татарларни миллий ҳамда ҳарбий-сиёсий уйғониши, маданий-маърифий йўналишларда етакчилик ҳолатлари яққол кўзга ташланади. Кун тартибига маданий-миллий автономия, ҳудудий автономия масаласи қўйилиб, бу Бутун Россия I мусулмонлар съезди (1917 йил май Москва)да ва кейин II Бутун Россия мусулмонлар съезди (Қозон)да кўзга ташланди. Бунда Россия миллий ишлар халқ комиссарлиги қошида Мулланур Вохитов бошчилигида тузилган Россия ва Сибирь мусулмонлари иши бўйича марказий комиссарлик ҳам муҳим роль ўйнади¹.

Мирсаид Султон-Ғолиев турк-мусулмон халқлари ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ўзига хос хусусиятларига тўхталиб, Волгабўйи, Урал, Сибирь ҳудудларидаги татар руҳонийлари анча-мунча уюшганлиги билан ажралиб туришига эътибор қаратиб, бунга руслар ва младотурклар зиёлиларининг таъсири бўлган деб ҳисоблайди. Боз устига Февраль (1917) инқилобидан кейин татарлар томонидан чақирилган турли мусулмон съездлари ҳам диний қарашларда “демократик руҳиятнинг” шакллана боришига хизмат қила бошлади. Бундан ташқари, татарларни бошқа мусулмон-туркий халқлардан фарқи шуки, экин-тикинга ҳосилдор ерларнинг етишмаслиги, қурғоқчилик ва очарчиликни сурункали давом этиши, маҳаллий саноатнинг ривожланмаганлиги, охир-оқибатда, “татарларни пролетарлаштириш” жараёнининг кучайиши, яъни татар ишчи-

¹ Мирсаид Султан-Ғалиев. Статьи. Выступления. Документы. – Казань: Татарское книжное издательство, 1992. – С. 121–123; Унинг ўзи. Избранные труды. – Казань: Издательство “Гасыр”, 1998. – С. 356–359.

ларини Россиянинг саноати ривожланган ҳудудларига эмиграциясига олиб келди. Озиқ-овқат ва бошқа заруратлар асосида Россиянинг жуда кўп ҳудудларига тарқалиши, охир-оқибатда, татарлар турмуш тарзига ҳам таъсир қилмай қўймади, – деб ҳисоблайди.

Ва яна, Волгабўйи татарлари 1905 йилги инқилоб натижасида, газета¹ ва журналлар чоп этиш, театрларда иштирок этиш, матбуот-матбаа ишларини йўлга қўйишда бошқа турк-мусулмонларига нисбатан анча олдинга ўтишга улгурган эдилар. Ўз навбатида, Туркистон ва Бухоро, тутган ўрни – мавқеига кўра, ўз маърифати, диний билимида ўзига татарларни ром этган бўлса-да, эндиликда бу “вазифа”ни уддалай олмай, ўз ўрнини Константинополь, Байрут ва Қоҳирага беришга улгурган эди².

Мирсаид Султон-Ғолиев ўз қарашларига кўра, Туркистонда: ўзбек, қozoқ, қирғиз ва бошқа туркий халқлар ўртасида иш олиб бориш, айниқса, минтақанинг кўчманчи халқлари ўртасидаги турмуш-тарзи ўзига хос хусусият касб этишига эътибор қаратиб, бу ҳудудларда диний ақидаларга риоя этиш анча-мунча суст деб, “қирғизлар (қozoқлар)га руҳонийлик татарлар орқали сингдирилган”лигини қайд этиб, ҳар йили баҳордан бир қанча татарлардан иборат диний-конфессионал мактабда ўқиётган шогирдлар юборилиб, улардан ислом маърифатпарварлигида фойдаланилган. Аммо шу ерда шуни қайд этиш лозимки, Мирсаид Султон-Ғолиев фикрига кўра, қozoқлар диний маърифатига сафарбарлик ишларида, жойлардаги татар масжидлари “қўриқловчи”лари, қozoқлар юртида “мулла ака” ёки диний-руҳоний раҳбарлик қилардилар.

¹ Адолат юзасидан таъкидлаш жоизки, Россиядаги туркий халқлар ўртасида газета чоп этиш ғояси бўйича бир неча марта уринишлар бўлган. Хусусан, дастлабки уринишлардан бири эски татар ва рус тилларида “Казанские известия” чоп этишга қаратилган. Аммо расман руҳсат берилмаган. Кейинги уринишлардаги “Бахруль-Ахбор”, “Юлдуз” ва “Тонг юлдузи” газеталарини чоп этишга қи линган саъй-ҳаракатлар ҳам бесамар бўлган. 1870 йилдагина Туркистонда “Туркистон вилоятининг газети” чоп этила бошланган. Қаранг: Нодир Давлет. Исмоил Гаспринский. – Казань: Татарское книжное издательство, 2015. – С. 12.

² Мирсаид Султан-Ғалиев. Избранные труды. – Казань: Издательство “Гасыр”, 1998. – С. 368–369.

Аmmo шуни алохида таъкидлаш жоизки, татарлар учун айни пайтда, Шарқда иш олиб бориш маълум қийинчиликларни ҳам ўз ичига олади. Бу ҳудудда дин анча чуқур илдиз отишга эришган бўлса-да, адабиёт, театр, санъат соҳаси эндигина ташкил топаётган бўлиб, Мирсаид Султон-Ғолиев фикрига кўра, “улар ҳали татарлар босиб ўтган тараққиёт босқичини ўтамаганлар, ... татар ва турклар туфайлигина, ... мактаблар (жадид – *муаллифлар*) жорий этилмоқда... Аёллар аҳволи ўша-ўша ўзгармай келмоқда... Туркистон ва Бухорода диний фанатизмга ва маданий қолоқликка қарши курашга татарлар бошчилик қилмоқдалар... Яқинда, 1918 йили Бухоро амири бошчилигидаги руҳонийлар 5 мингдан ортиқ татарларни жадид сифатида “йўқ” қилдилар”, – дейди¹. Албатта, бу ерда Мирсаид Султон-Ғолиев томонидан аниқланмаган “Тарихий далил” келтирилгани кўзга ташланади. Аксинча, Бухоро амирлигида “татарлар” савдосотиқ, кўчмас-мулк ва бошқаларда алохида “имтиёзлар соҳиби” бўлганликлари тарихий ҳақиқат. Яна таъкидлаш жоизки, бу ерда Мирсаид Султон-Ғолиев Туркистон ва Бухородаги аниқ ҳолатдан анча йироқлиги ҳам кўзга ташланади. Хусусан, Туркистон аҳолисига нисбатан “улар ҳали татарлар босиб ўтган тараққиёт босқичини ўтамаганлар” дейиш... ўлка аҳолисининг тарихий тараққиётига эътибор қаратмай, уларни фақат “рус маданияти”га нисбатан солиштириш нотўғри ва, шунингдек, “5 мингдан ортиқ татарларни жадид сифатида “йўқ” қилингани ҳам тарихий ҳақиқатдан йироқ ҳисобланади. Яна у томонидан қўйилган тарихий ноаниқликлардан бири, у ҳам бўлса, дастлаб ўзбек тилидаги газетани 1915 йилда чоп этилди деб, 1871 йилдан бошлаб чоп этилган “Туркистон вилояти газети”ни эътиборга олмаслиги ҳисобланади. Ҳолбуки, илк бор, генерал-губернаторлик нуктаи назарини ёритган бўлса ҳам, “Туркистон вилояти газети” ўзбек тилида чоп этилганини инкор этиш, татар ношири – маърифатпарвари Исмоил Обидов томонидан ўзбек тилида 1906 йилдан “Тараққий” газетаси чоп этилганига

¹ Мирсаид Султон-Ғолиев. Избранные труды. – Казань: Издательство “Гасыр”, 1998. – С. 372–373.

этибор қаратмаслик ҳам Мирсаид Султон-Ғолиев ўлкадаги аҳволдан яхши хабардор эмаслигини кўрсатади.

Мирсаид Султон-Ғолиев турк-мусулмон халқлари ўртасида, большевиклар миллий сиёсатини ҳаётга татбиқ этган, миллий-мустамлака масаларида тан олинган назарийчи ҳисобланган, татарлардан энг обрўлиси бўлиб, унинг фаол сиёсий фаолияти 1918–1923 йилларни ўз ичига олади. Айнан шу кўрсатилган йилларда РСФСР Миллатлар иши бўйича халқ комиссарлиги қошида мусулмон комиссарлиги раиси, Республика Ҳарбий кенгаши сиёсий бошқармаси Шарқ бўлими бошлиғи, РКП(б) МК қошидаги ШХКТ МБ раиси, Ер ишлари бўйича Федерал кўмитаси раиси, РСФСР Миллатлар иши бўйича халқ комиссарлиги коллегия аъзоси (унинг ҳайъати – кичик коллегия) – халқ комиссари ўринбосари лавозимларида Бутун Россия микёсида фаолият олиб борган. У ўз сиёсий фаолияти давомида Миллий Шўро раиси А.Т.Цаликов, Мусулмон социалистлари кўмитаси раиси Мулланур Вохитов, Россия Миллатлар иши бўйича халқ комиссари И.В.Сталин, РСФСР ҳарбий халқ комиссари Л.Д.Троцкий ва миллий-мухтор республикалар раҳбарлари билан турли масалалар муҳокамаси ва ечимида бирга фаолият олиб борган. У ўз фаолияти давомида турк-мусулмон халқларини “социалистик жамият ҳимояси”га катта этибор қаратиб, ҳар қандай янги жамият ўз ҳимоясига муҳтож деб билди. Шу сабабдан ҳам, М.Х.Султон-Ғолиевни дастлабки татарлардан иборат “қизилармиячи” миллий ҳарбий қисмлар ташкилотчиси сифатида қайд этиш мумкин. Унинг ташаббуси билан 1-мусулмон социалистик полки, мусулмон коммунистик отряди ташкил топган¹.

М.Х.Султон-Ғолиев Марказий мусулмон ҳарбий комиссарлиги раиси сифатида татар ва бошқирдлар миллий давлатчилиги масалалари билан ҳам шуғулланиб, Уфа ва Қозон губернияларидаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатлардан келиб чиқиб, татар ва бошқирдларни деярли ягона тиллилиги, умумий маданиятга эга эканлигига этибор қаратиб, татарларни бошқирдлардан,

¹ Мирсаид Султон-Ғолиев. Избранные труды. – Казань: Издательство “Гасыр”, 1998. – С. 9, 11.

бошқирдларни татарлардан ҳеч қанақа зарарларсиз ажратиб бўлмаслиги – чегара тортиш мақсадга мувофиқ эмас деб, ягона РСФСР Миллатлар иши бўйича халқ комиссарлигининг 1918 йил 22 мартдаги декрети асосида “Татар-Бошқирд Совет Республикаси” Низомини ҳаётга татбиқ этиш билан шуғулланган. 1919 йил мартада Бошқирдистон АССР ташкил топгандан кейин ҳам М.Х.Султон-Ғолиев Татар-Бошқирд Республикаси тузиш тўғрисидаги ғоядан чекинмаган эди. Аммо 1919 йил 13 декабрида сиёсий бюро томонидан Татар-Бошқирд Республикаси тузмаслик ва бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормаслик тўғрисида қарор қабул қилгандан сўнг, М.Х.Султон-Ғолиев Татаристон АССР тузиш ишларида фаоллик кўрсатди. 1920 йил 25 майда РСФСР ХКК М.Х.Султон-Ғолиевни Миллатлар иши бўйича халқ комиссарлиги аъзоси этиб тайинлаб, унга “Жизнь национальностей” газетасини бошқаришни ҳам топширган эди. РСФСР ХКК ва РКП(б) МК 1922 йил М.Х.Султон-Ғолиевни Миллатлар иши бўйича халқ комиссарлиги таркибидан чиқариб Кавказортига ишга юборди. Бунга бир нечта, хусусан Татаристон АССР, Туркистон АССР, Бошқирдистон АССР, Чуваш автоном вилояти, Марий автоном вилояти, Қорачаев-Черкеск автоном вилояти ва бошқа миллий ҳудуд вакиллари 1922 йил 7 июлида РКП (б) МКга йўллаган хатларида ўз муносабатларини қуйидагича билдирганлар: “Бизга маълум бўлдики, Миллатлар иши халқ комиссарлиги коллегияси аъзоси Султон-Ғолиев... чекка ҳудудда ишлашга сафарбар қилинган. Биламизки, чеккада ишлаш сўзсиз совет ҳокимияти учун фойдали. Аммо ўйлаймизки, у Марказда ишлаш жараёнида, жойларда ишлагандан кўра, совет ҳокимиятига кўпроқ фойда келтиради... Унинг миллий масаладаги йўлига келсак, бу ҳар вақт унда тўғрилиги, аниқлиги ва қатъиятлилиги билан ажралиб турган. Миллатлар иши бўйича халқ комиссарлигида Султон-Ғолиевга ўхшаган бундай ходимни иштироки, жуда ҳам зарур... ҳозирги пайтда совет ҳокимиятининг миллий сиёсати қачонлардагига нисбатан кўпроқ марказлаштирилаётган бир пайтда... Миллатлар иши бўйича халқ комиссарлигида совет ҳокимиятининг миллий масалага оид сиёсатини юргизишда

анча-мунча қатъиятли, сабр-тоқатли ва мустаҳкам ходимларни зарурияти” кўзга ташланди деб¹, уни яна Москвага, Миллатлар иши бўйича халқ комиссарлиги коллегиясига қайтаришни сўраган. Натижада, 1922 йил сентябрида М.Х.Султон-Ғолиев РКП(б) МК Кавказорти бюросидан чақириб олиб, Миллатлар иши бўйича халқ комиссарлигида ишига тикланган.

Агар М.Х.Султон-Ғолиев назарий қарашлари ва имкони даражасидаги амалий саъй-ҳаракатларининг кўриб чиқилса, унинг учун Шарқ масаласи муҳим аҳамият касб этган. У СССР ни ва бу давлат бирикмасида Россия мустамлакалари бўлмиш Туркистон, Кавказ, Қрим ва бошқа ҳудудлар ҳақида гапириб, федератив бирлашиш (иттифок) оқибатлари ҳақида ўз муносабатини билдирган. Хусусан, у СССР тизимини ва унинг “келажаги” ҳақида фикр юритиб, Туркистонни парчалаш – бу Ўрта Осиё халқларини бирлаштиришга қарши ҳаракат бўлганини, кучли-қудратли ва уюшган давлат тузиш имконияти йўққа чиқарилганига эътибор қаратди. У шунингдек, Татар-Бошқирд Республикаси тузиш бўйича ғояси ҳам партия раҳбарияти хавфсирашига сабаб бўлгани, амалда “Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил” тартиб-қондасига риоя қилингани тўғрисида қайд этган². Яна шуни таъкидлаш жоизки, М.Х.Султон-Ғолиев, ўз пайтида, СССР ташкил этилаётган жараёнда РСФСР ва ЗСФСР таркибидаги автоном республикаларни бевосита, яъни тўғридан-тўғри иттифок таркибига киритиш зарурлигига эътибор қаратган. Шунингдек, бу ерда СССР таркибига РСФСР, ЗСФСР, Украина, Белоруссияни киритиш иши бўйича М.Х.Султон-Ғолиев СССР МИҚ ва ХКҚда автоном республикаларнинг ваколатли вакиллари бўлиши зарурлигини таъкидлаш билан бирга, “миллатларни ҳақиқий ўғил ва ўғайларга ажратиш – бу русумдаги иш эмас”, – дейди³.

¹ Мирсаид Султан-Ғалиев. Избранные труды. – Казань: Издательство “Гасыр”, 1998. – С. 13–14.

² Тагиров И. Освободительное движения существует, прогрессирует и развивается // “Гасырлар авазы – Эхо веков”, №5, 1995. – С. 113–114.

³ Мирсаид Султан-Ғалиев. Избранные труды. – Казань: Издательство “Гасыр”, 1998. – С. 14.

Қайд этиш жоизки, турк-мусулмон халклари ҳамкорлиги, мавжуд муаммолар ечимида биргаликда саъй-ҳаракат зарурати айрим етакчилар томонидан англаб етилган эди. Хусусан, бу борада, миллий масала ечимида Т.Рисқулов ва М.Х.Султон-Ғолиевлар тутган йўл ҳам муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, Т.Рисқулов турк-мусулмон халклари миллий манфаатларини ҳимоя қила олиши, чекка ўлкаларда истиқомат қилаётган халқлар манфаати йўлида фидойилардан бири ҳисобланган. 1920 йилдан Т.Рисқулов ва М.Х.Султон-Ғолиев ўртасида миллий масалада, вужудга келаётган шовинизм хавфига қарши яқинлашиш бошланган. Айниқса, бу СССР тузилмаси таркибида автоном ва иттифоқ республикалари масаласида яққол кўзга ташланади. 1922 йил 26 декабрида М.Х.Султон-Ғолиев томонидан бўлажак иттифоқ МИҚ ва ХКҚда автоном ва вилоятлар, иттифоқ мақомидаги миллатлар ваколати бўйича ўз фикрини изоҳлаб, тўртта республика иттифоқидан СССР ташкил этилган ҳолда, қолган автоном республикалар, вилоятлар Федерал тузилма, яъни РСФСР таркибида бўлиши, ўзаро муносабатларда, муаммо ва масалалар ечимида бевосита эмас, балки ортиқча “кўриб чиқиш”ларни вужудга келтириши, у ёки бу масалага оид ташкилий масалалар ечимида зарар келтириши мумкин, деб қайд этади. У ўз фикрини давом эттириб, Озарбайжон у ёки бу масала ечимида дастлаб Озарбайжон МИҚда, кейин ЗСФСР МИҚда муҳокама қилиниб, охири СССР МИҚда кўрилиши керак бўлади. Дейлик, у ёки бу масала бўйича дастлаб Туркистон АССР МИҚда, кейин РСФСР МИҚда ва охири СССР МИҚда кўриб чиқилиши керак. Бундай кетма-кетлик ХКҚда ҳам шундай тартибда кўзга ташланади. М.Х.Султон-Ғолиевга кўра, Туркистон АССРни РСФСРда тутган ўрни билан Грузияни ЗСФСРда тутган ўрни ўртасидаги фарқи, худуди, аҳоли сони ва қолаверса, стратегик ва сиёсий ўрнига кўра ҳам, ваколат, мақом жиҳатдан фарқ қилиши керак эди. У СССР тузишдаги миллатларни: автоном ва иттифоқ республикалар тартибида ташкил қилмасдан, барча республикалар “тенг ҳуқуқли аъзо сифатида умумий Федерацияни ташкил қилсинлар... Бошқача бўлса, бу

ўйин ва бу ўйиндан, бизнингча, қайтиш вақти келди”, – дейди¹. М.Х. Султон-Ғолиев томонидан Туркистон бўйича келтирилган асосли мисоллар замирида тарихий ҳақиқат ётарди... Зеро, Туркистонга нисбатан “автоном” мақоми берилган ҳолда, бошқа айрим республикаларга нисбатан “иттифоқдош” мақомини бериш... Бу ҳудуди, аҳолиси, тарихий тутган ўрни, ҳарбий-стратегик аҳамияти, ижтимоий-сиёсий истиқболига нисбатан паст назар билан қараш, менсимасликдан бошқа нарса эмасди.

СССР тизимидаги нотенг муносабатлар автоном мақомида қолиб кетган республикалар томонидан очикдан-очик бўлма-са-да, ҳар ҳолда норозилик келтириб чиқаргани рост. Масалан, 1923 йили Туркистон ХКК раиси Т.Рискулов РКП(б) XII съездида М.Х. Султон-Ғолиев билан учрашиб, Иттифоқ ва автоном республикалар мақоми – ваколати, тақдири тўғрисида фикр алмашдилар. Улар СССР таркибига барча миллий республикаларни тенг асосда қабул қилиш талаби билан чиқиш, айрим республикалар федерация таркибида бўлиш ҳуқуқига эга бўлиши тўғрисида келишиб олдилар. Яна Иттифоқ ихтиёрида молия, ҳарбий, ташқи сиёсат қолган ҳолда, сиёсий, иқтисодий ҳаётни ва миллий қизилармиячилар қисмларини тузишни республикалар томонидан бошқариш мумкин, деб ҳисобладилар. Шунингдек, айрим республикалар келишуви асосида ўз ваколатларини федерацияга ўтказиш ҳуқуқидан келиб чиқиб, Турк республикалари федерациясини тузиш ҳам мумкин, деб ҳисобладилар. М.Х. Султон-Ғолиевнинг ташаббуси билан Турк республикалари ва Кавказорти республикаларининг фракцион мажлиси ўтказилди. Мазкур мажлисда миллий масала бўйича М.Х. Султон-Ғолиев сўзга чиқиб, туркий ва бошқа халқлар номидан ўз қарашларини изҳор этди. Хусусан, Иттифоқ миқёсида икки палата тузиш, бу миллий сиёсатдаги барча мунозарали масалаларга чек қўя олмаслигини, палаталардаги вакиллар аҳоли сонига қараб белгиланган тақдирда, кўп сонли миллатлар устуворликка эришишига олиб келиши

¹ Мирсаид Султан-Ғалиев. Избранные труды. – Казань: Издательство “Гасыр”, 1998. – С. 409–410.

мумкинлиги, шу сабабдан иккинчи палата миллатлар сонидан келиб чикмай, тенг сонли ваколатлиларга бўлиниши керак-лигини қайд этди. Шунингдек, у СССР таркибига киритилган субъектлар тўғрисида фикр юритиб, "...бу миллатга автономия бериш мумкин... аммо буниси унга арзимаиди", дейиш мантиқан мутлақо тўғри келмаслигини қайд этди. Федерация тўғрисида сўз юритиб, Кавказорти Федерацияси (ЗСФСР) бўлган ҳолда, нега Кавказ, Шимолий Кавказ, Татаристон ва Бошқирдистон, Туркистон, Қозоғистон ва Бухоролардан иборат Федерация тузиш мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Миллий сиёсатдаги нозик томонларга ҳам тўхталиб, "буюк шовинистликка қарши курашаётиб, бир пайтнинг ўзида маҳаллий миллатчиликка ҳам қарши курашиш зарур. Бу дегани, ҳар қандай миллатчиликка қарши курашиш керак... буюк шовинистликнинг кўриниши аслида катта миллатнинг миллатчилик кўриниши демак... Маҳаллий миллатчилик нима? Бу буюк держава шовинизмга қарши курашнинг намоён бўлиши бўлса, бу миллатчилик эмас, бу буюк держава шовинизмига қарши оддий курашнинг намоён бўлиши", – дейди¹.

Султон-Ғолиев ўз қарашларида Туркистон автоном республикаси эмас, "Турк Совет Республикалари Федерацияси" тузиш, охир-оқибатда, ташқи хавфларга қарши мустаҳкам буфер давлати вазифасини ўтайди, деб ҳисоблаган².

Султон-Ғолиев Шарқдаги инқилобий жараёнларда туркий бирликни муҳим аҳамиятга молик деб ҳисоблаб, бу борада ўзаро ҳамкорликни тезлаштириш, чуқурлаштириш, ривожлантириш, мустаҳкамлаш инқилобий ўзгаришларда асос бўлишини таъкидлаган. У Туркистонни Шарққа ҳужум қилишда плацдарм деб билган. Шу сабабдан ҳам, Туркистонга нисба-

¹ Мирсаид Султан-Ғалиев. Избранные труды. Казань: Издательство "Гасыр", 1998. – С. 435–437; Тагиров И.Т. "Рыскуловское совещание" и противоборство советского и партийного руководства Татарской Республики // "Гасырлар авазы – Эхо веков". №1, 2006. – С. 255.

² Хакимов Р. Политик с планетарным мышлением // Комсомолец, 8 июня, 1990 г.; Литвинов П.П. Антитатарская политика царизма в Средней Азии и Казахстане // Материалы по истории татарского народа. – Казань, 1995, 496 с.

тан “оддий давлатчилик асослари” бериш, хусусан, маҳаллий Қизил Армия тузишга, мустақил давлат бюджетини шакллантиришга имкон яратиш керак деб ҳисоблаган. Бу борада фикр юритиб, “албатта, менга қарши турадилар... бу “пантуркизм”га ва Қирғизистон (Қозоғистон – *муаллифлар*), Қашғар, Хива, Бухоро, Афғонистон ва Форснинг туркийлар қисмидан Туронни тузишга олиб келади... Халқаро ижтимоий инқилоб манфаатлари нуқтаи назаридан олганда бу қўрқинчли эмас”, – дейди ва СССР таркибидаги туркий халқларни Хитой ва Афғонистондаги туркий халқлар билан ягона бўлиб бирлашиши муқаррарлигига, бу тарихий заруратлигига ишонч билдиради¹.

Таъкидлаш жоизки, М.Х.Султон-Ғолиевнинг миллий сиёсат юритишида большевиклар етакчиси И.В.Сталинга қарши тутган позицияси .., унинг бошига битган бало бўлди”. Сталин унга нисбатан партия аппарати ҳамда Давлат сиёсий бошқармаси (ДСБ)ни ишга солиб; уни партия сафидан чиқаришга, барча эгаллаб турган давлат ва партия лавозимларидан озод этишга эришиб, 1923 йил 9–12 июнь кунлари бўлиб ўтган РКП(б) МКнинг миллий республика ва вилоятларнинг масъул ходимлари тўртинчи кенгашидаги энг асосий масала қилиб М.Х.Султон-Ғолиевни муҳокама қилинди².

Мазкур тўртинчи кенгашда, куни кеча М.Х.Султон-Ғолиев билан ҳамфикр, уни очик ёки пинҳона қўллаб-қувватлаганларнинг аксарияти ўз чиқишларида, амалда, Султон-Ғолиевдан ўзларини олиб қочдилар. Бундай ёндашувга “Лубянка шарпаси” ҳам сабаб бўлган, дейиш мумкин. М.Х.Султон-Ғолиев масаласи бўйича асосий маърузани Куйбышев қилиб, унда Туркистон, Татаристон, Қрим, Бошқирдистон раҳбарлари билан яширин тарзда, махфий хат-ёзишмалар олиб борганликда,

¹ Хакимов Р. Политик с планетарным мышлением // Комсомолец, 8 июня, 1990 г.; Закиров Р.З. Татары меняющемся в мире: очерки этнополитической истории в XX – начале XXI вв. – Казань, 2006.

² Кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Тайны национальной политики ЦК РКП. “Четвертое совещание ЦК РКП с ответственными работниками национальных республик и областей в г.Москве. 9–12 июня 1923”. Стенографический отчет. – М.: “Инсан”, 1992.

шунингдек, бундай ёзишмаларни бошқа мусулмон давлатлари, хусусан, Эрон ва Туркия сиёсий арбоблари, Заки Валиди Тўғон билан махфий алоқада бўлганликда айбланди. Туркистон ХКК раиси Т.Рискулов ўз чиқишида М.Х.Султон-Ғолиев билан яқиндан таниш эмаслигини, ундан 1923 йил бошларида битта хат олганини ва ушбу хатда маҳаллий аҳоли манфаатларидан келиб чиқиб биргаликда саъй-ҳаракатга чақирилганини, аммо хатга жавоб бермаганини қайд этади. Т.Рискулов сўзида давом этиб, Султон-Ғолиевни яқиндан билмаслигини, аммо ШХКТ МБ раиси сифатида фаолияти билан таниш эканини уктириб, мазкур ташкилотда “амалда Шарқ вакиллари йўқ эди... Марказий Россиядан фақат татар ходимлари бор эди... Султон-Ғолиев ва ҳақиқий Шарқ ўртасида... ишловчилар ўртасида... ҳеч қанақа умумийлик йўқ эди. Умуман шуни айтиш керакки, Шарқда, айниқса, Туркистонда (бу билан татар ходимлари Шарқда мутлақо обрўга эга эмаслар ёки улар ёмон ходимлар демоқчи эмасман), айтиш мумкинки, қатор татар ходимлари хатога йўл қўйдилар ва агар Бухоро ёки Хоразм аҳолисидан сўралса, ҳамма жойда уларга муносабат салбий. Қачонки, у ёки бу татар ходимини яхши деб биргаликда ишлаш учун тавсия этилса, унга қаршилиқ қилдилар, чунки татар ходимлари Россия муҳитида катта бўлиб, Шарқдаги аҳволни тушунмайдилар ва кўпинча Шарқда ҳеч қачон бўлмаган марказий губерниядаги [ўртоқлардек] йўл тутадилар. Султон-Ғолиевга нисбатан ҳам – у Шарқни яхши билмаган, айниқса, ҳозирги Шарқни”, – дейди¹.

Шундан кейин сўз олган Қрим АССР ХКК раиси Саид-Ғалиев ўз чиқишида “Султан-Ғалиев хатога йўл қўйганини... ўзини тарихда қолдириш учун ҳаракатда бўлган, деб қайд этган бўлса, Ибрагимов уни майда буржуазия руҳияти сингдирилган инсон деб, Султон-Ғолиев фикрига кўра, Шарқ халқларининг барчаси бир хил, ишчилари йўқ. Аммо бунга қўшилиб бўлмайди: агар татарлар орасида шундай сиёсат олиб борилган

¹ Тайны национальной политики ЦК РКП. “Четвертое совещание ЦК РКП с ответственными работниками национальных республик и областей в г.Москве. 9–12 июня 1923”. Стенографический отчет. – М.: “Инсан”, 1992. –С. 23–24.

тақдирда, бундай сиёсатни Туркистондаги миллатларга нисбатан олиб бориш мумкин эмас. Маданий ва иқтисодий жиҳатдан қолоқ, хўрланган Шарқ халқлари бир-биридан фарқ қилади, шунинг учун улар орасида турлича сиёсат олиб бориш зарур – бошқирдлар учун бир хил, туркистонликларга бошқа...”, – деб қайд этади¹.

У ўз сўзида давом этиб, Султон-Ғолиев турк-мусулмон халқлари, хусусан татар-бошқирд аҳолиси ўртасида диний мактаблар, совет мактабларида динни ўқитиш бўйича мусулмон диний муассасалар кенгаши аъзоси Таржимонов билан “бу борада жуда эҳтиёт бўлиб ёндашиш кераклигини уқтириб, аҳоли томонидан қуйидаги мазмунда талабнома берилаётганига эътибор қаратади:

1. Ислом ақидаларини барча ёшдагилар ўрганишига рухсат берилсин, ўқийдиганлар учун мавсум ва сони чегараланмасин.

2. Янги иқтисодий сиёсатдан кейин диний мактаблар биноларини “халққа” қайтарилсин.

3. Россия ва Сибирь мусулмонлар диний бошқармаси фаолияти чекланмасин, муфтий, қози, муллаларни аҳолига диний хизматига оид чекловлар бекор қилинсин.

4. Руҳоний ва масжидлар фаолиятига оид патентлар бекор қилинсин.

5. Мусулмонларнинг 18 ёшдан кичикларига ҳам ўқишга рухсат берилсин.

6. Ислом динига тўла эркинлик берилсин, чунки бу дин мусулмон маданиятини кўтаришга асос ҳисобланади.

7. Айрим диний мактаблар (мактаб ва мадрасалар) тузишга, эътиқодга тўла эркинлик берилсин.

8. Муллаларга қуйидаги диний одатлар бўйича ҳукм чиқариш ҳуқуқи берилсин: а) никоҳ; б) ажралиш; в) марҳум меросини тақсимоти.

9. Руҳонийларни тўла ҳуқуқли фуқаро ва юридик шахс деб тан олинсин.

¹ Тайны национальной политики ЦК РКП. “Четвертое совещание ЦК РКП с ответственными работниками национальных республик и областей в г.Москве. 9–12 июня 1923”. Стенографический отчет. – М.: “Инсан”, 1992. –С. 32–33.

10. Партия ва совет ҳокимияти томонидан ҳар қандай сиқувлар бекор қилинсин.

11. Диний бошқармага, ҳеч бўлмаса, битта эркин матбуот юритишига рухсат берилсин.

12. Диний бошқармани юридик шахс деб тан олинсин”.

Юқорида келтирилган 12 пунктдан иборат талабномада ҳам М.Х.Султон-Ғолиев айбланади¹.

Масъул ходимлар тўртинчи кенгашида сўз олган Шамигулов томонидан Султон-Ғолиевнинг асосий мақсади “ягона мусулмон давлатини тузиш” бўлгани, агар уни ҳибсдан – қамқондан озод қилинса, у эндиликда янада ғайрат билан ҳаракат қилиб, тегишли маълумотларни тарқатиб ва олиб, яширин тарзда, янада чуқурроқ бу борада иш олиб бориши мумкинлигини таъкидлаб, мазкур кенгаш хатога йўл қўймай, унга ва бошқа маслакдошларига нисбатан қатъий чоралар кўришни илгари суради. И.Хидиралиев ўз сўзида Султон-Ғолиевни нафақат партия сафидан чиқариш, балки “қатъий инқилоб қонунларига биноан жазолаб, жойлардагиларга намуна қилиб кўрсатиб қўйиш... Султон-Ғолиевни инқилоб судига бериш керак... уни озодликка чиқариб юборилса, биласизки, унинг орқасида айрим гуруҳлар бор, қайсики... анчадан бери ўзаро яширин ёзишмалар олиб борган” деб, қатъий жазолаш тарафдори эканлигини билдиради. Сўзга чиққан А.Икромов шахсан ҳеч қанақа Султон-Ғолиевни танимаслигини, аммо И.Хидиралиев таклифини қўллаб-қувватлашини билдирган. Шундан кейин сўз олган Ходжанов, Халиков ва бошқалар Султон-Ғолиевни айблаш билан шуғулландилар².

Ушбу масъул ходимлар тўртинчи кенгашида сўз олганлар, амалда миллатлараро муносабатларга, турк-мусулмон халқ-

¹ Тайны национальной политики ЦК РКП. “Четвертое совещание ЦК РКП с ответственными работниками национальных республик и областей в г.Москве. 9–12 июня 1923”. Стенографический отчет. – М.: “Инсан”, 1992. – С. 34.

² Тайны национальной политики ЦК РКП. “Четвертое совещание ЦК РКП с ответственными работниками национальных республик и областей в г.Москве. 9–12 июня 1923”. Стенографический отчет. – М.: “Инсан”, 1992. –С. 35–50.

ларига баҳо берганлар. Асосий эътибор Султон-Ғолиевнинг айбдорлигини эслаб ўтиш ва жойларда истиқомат қилаётган катта-кичик миллатларга сабоқ бериш бўлган. Султон-Ғолиев саъй-ҳаракатига бўлган муносабат орқали жойларда, хусусан, турк-мусулмон халқлари истиқомат қилаётган ҳудудларда, миллий сиёсат қай даражада олиб борилаётганини, муаммо ва масалалар ечимида қандай ишлар амалга оширилганини кўриш мумкин. Барча сўзга чиққанларда РКП(б) МҚ, хусусан, муаммолар туғилиши ва унинг ечимида И.В. Сталин шахсини четлаб ўтиш, миллий сиёсатни Шарқдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратиш, деярли ёппасига “султанҒолиевчилик”ка қарши муносабатлар билдириб, амалда, у ёки бу даражада раҳбарият хоҳиш-иродасига қарши бормаслик, ҳар қандай танқидлардан партия МКни холи кўриш кўзга ташланади. Масъул ходимлар Султон-Ғолиевни қоралаш, унга тамға босиш орқали, амалда ўзларини ҳимоя қилганлар. РКП(б) МҚ ва И.В. Сталинга содик эканликларини, “оғмачилик” йўлидан бормасликларини намоён қилдилар. Ҳатто миллий сиёсатдаги камситишлар, оғриқли нуқталар тўғрисида ҳам таъкидлаб ўтилди.

Турк-мусулмон халқлари, хусусан, Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида М.Х. Султон-Ғолиев бевосита роль ўйнаган дейиш қийин бўлса-да, айнан унинг саъй-ҳаракати билан сиёсий қарашлар, тарихий жараёнларга муносабатлар маълум даражада ўз ифодасини топди. Айнан М.Х. Султон-Ғолиев Туркистон, Бухоро Республикаларига уюштирилган “Қизил Шарқ” тарғибот-йўриқчи поезда¹ тарқибини асосан татарлардан иборат бўлишида, газеталар орқали тарғибот ва ташвиқот юритишда, татар ходимлари орқали жойлардаги ижтимоий-сиёсий аҳволдан, ҳарбий ҳолатдан, аҳолини “инқилоб ғоялари”га муносабатини ўрганишда алоҳида “жонбозлик” кўрсатди. Туркистон раҳбариятини Марказ юритаётган “бир томонлама” сиёсатига қарши туришга, Туркистонни турк-мусулмон халқлари орасида алоҳида ўрнини белгилашга, мақсад йўлида бирлашишга ундади. Аммо Марказ раҳбарияти

¹ Мазкур поезд фаолияти 2.3.да ёритилмоқда.

М.Х.Султон-Ғолиев қарашларига зарба бериб, амалда жойлардаги маҳаллий турк-мусулмон халқлари раҳбариятини “бирлашишга чақириши” ва бу йўлда қилинадиган ҳар қандай саъй-ҳаракат оқибатлари нима билан “тугаши” мумкинлиги бўйича огоҳлантирди. Бу қилинган саъй-ҳаракатлар замирида Марказдаги ва жойлардаги “фаоллиги билан кўзга ташланаётган” татарларни “сиёсий огоҳликка” чақириш ётарди.

2.1. Театр санъати ривожланишида саъй-ҳаракатлар

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонга жадидчилик ғоялари билан бирга, ўлка халқи учун янгилик ҳисобланган европача театр санъати ҳам кириб келди. Театр санъати Туркистон халқлари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Театр санъатининг Туркистон халқи маданий ҳаётига қисқа давр ичида кириб келиши, тараққий этишида ўлка тараққийпарварлари ва татар маърифатпарварлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликлар муҳим аҳамият касб этди.

Туркий халқлар орасида татар профессионал театрининг пайдо бўлиши ва унинг ижодий сафарлари Туркистон ўлкасида қачондан бошланганлиги тўғрисида турли фикрлар мавжуд. Х.Л. Кумисников фикрича, татар профессионал театрининг пайдо бўлиши ва унинг тўла шаклланган даври 1905 йилга тўғри келади. 1906 йил 22 декабрдан эса, бу театр труппаси ўз гастролларини бошлаган¹. Х.Л. Кумисников 1905 йилдаги рус инқилоби Россия империяси худудидаги ғайрирус халқлар маданияти, адабиёти ва санъатининг ривожланиши учун маълум даражада туртки бўлганлигини таъкидлаган.

М. Раҳмонов фикрига кўра, 1905 йилги рус инқилоби таъсирида ҳақиқий татар профессионал театри 1906 йилда ташкил топганлигини қайд этган. 1908 йилда эса А. Қориев қўл остида “Сайёр”, С. Иззатуллина-Волжская раҳнамолигида “Нур” театр труппалари ташкил топган². Тадқиқотчи А. Махмутова ҳам М. Раҳмоновнинг фикрларига ҳамоҳанг тарзда 2006 йилнинг 22 декабрида татар миллий театрининг ташкил топганига 100 йил тўлганлигини қайд этади³.

¹ Кумысников Х. Истоки сценического реализма. Очерк из истории дооктябрьского татарского театра. – Казань: Татарское кн. изд-во, 1982. – С. 3.

² Рахмонов М. Х.Х. Ниёзий ва ўзбек совет театри. – Тошкент: Ўздавнашр, 1959. – Б. 62–63.

³ Махмутова А. И на татарской почве может привиться родное нам и дорогое театральное искусство (первые шаги татарского театра) // “Гасырлар авазы – Эхо веков”, № 1, 2006. – С. 23.

Юқоридагилардан фаркли ўларок, Ш. Ризаев С. Иззатуллина-Волжская раҳбарлигида “Нур” труппаси 1911 йил ташкил топиб, 1912 йилдан Туркистон шаҳарлари бўйлаб ижодий сафарда бўлганини таъкидлайди¹. Фикримизча, М.Раҳмоновнинг келтирган далиллари ҳақиқатга яқинроқ. Чунки 1906 йилда татар профессионал театри ташкил топган бўлса, орадан 5 йил ўтиб театр труппасини ташкил топиши мантиққа тўғри келмайди.

1909–1911 йилларда Қозон ва Уфа каби Россия мусулмонларининг марказий шаҳарларида кўплаб театр труппалари тузилган. Шундай театр труппалардан бири, таникли татар драматурги Илёсбек Кудашев-Ошкозорскийга тегишли эди. Илёсбек Кудашев-Ошкозорскийнинг рафикаси Фахрия Ибатуллоевна Кудашева 1911 йилдан мазкур труппада актриса сифатида меҳнат фаолиятини бошлади. Шу йили труппа Россия шаҳарлари ҳамда Туркистон, Қошғар бўйлаб ижодий сафарда бўлди. Сафардан кўзланган асосий мақсад татар театр санъатини маҳаллий мусулмонларга таништириш ва ўргатиш эди². М.Раҳмоновнинг қайд этишига кўра, Туркистонга биринчи бўлиб татарларнинг мазкур театр труппаси ташриф буюрган. Туркистоннинг йирик шаҳарларида “Бахтсиз куёв”, “Уч хотин билан турмуш”, “Хўжа ва ғулум”, “Уят ёки кўз ёши” каби сахна асарларини қўйган³.

Татар театрида аёлларнинг иштироки ўша давр учун муҳим ҳодиса ҳисобланиб, бошқа туркий халқлар маданий ҳаётида хотин-қизлар орасида бу даражада ижтимоий фаоллик кузатилмаган эди. Фикримизча, татар хотин-қизлари ўртасидаги бундай фаолликнинг ўсишида, уларнинг Европа маданиятига яқинлиги ва бу борада татар драматургларининг ҳам ўзига хос хиссалари бўлган. Ана шундай татар драматургларидан бири Фотих Амирхон бўлиб, унинг ижодидаги асосий гоя – татар аёлларининг тақдири масаласи ҳисобланган. У ўз асарларида татар аёлларининг жамиятдаги ўз ўринларини топишлари ва маъри-

¹ Ризаев Ш. Жадид драмаси. – Тошкент: “Шарқ”, 1997. – Б. 27.

² Гаффарова Г. Автобиографии Фахрии Ибатуллоевны Кудашевой-Арской // “Гасырлар авазы – Эхо веков”, № 2, 2006. – С. 168.

³ Раҳмонов М., Ҳ.Х. Ниёзий ва ўзбек совет театри. – Тошкент: Ўздавнашр, 1959. – Б. 62.

фатли бўлишга ҳақли эканликларини таъкидлаган. Жумладан, у “Ёшлар” номли драмасида бош қахрамон Азизанинг сўзлари билан татар аёлларига қарата шундай дейди: “Янгилик билан эскилик ўртасидаги курашда, сиз татар аёллари, биз янги кишилар томонида (жадид тараққийпарварлари назарда тутилмоқда – *муаллифлар*) бўлишингиз керак. Чунки эски ҳаёт сизларни ўз эркингиздан айириб, эркаклар қўлидаги қўғирчоқ қулларга айлантирди”¹. Бундай чақириқлар бошқа татар маърифатпарварлари томонидан ҳам айтилган эди. Шу боис, татар хотин-қизлари орасида ижтимоий фаоллик юзага келиб, улардан театр актриса ва бошқа соҳа вакилларининг етишиб чиқишига тўртки бўлди.

Туркистонда дастлабки театр куртаклари оилавий спектаклларда кўрина бошлаган. Тошкентда яшовчи истеъфодаги генерал С.Г.Еникеев хонадонида доимий равишда санъат кечалари ўтказиб келинган. 1904 йилнинг 4 апрелида шу хонадонда Навмиқ Камолнинг “Ишқ балоси” спектакли Туркистонда яшовчи татар ҳаваскорлари томонидан намоён қилинган². Мазкур спектакль намоёниши бошланишидан олдин полковник Абубакр Диваев³ сўзга чиқиб, Европа теа-

¹ Гайнуллин М. Фатих Амирхан / Амирхан Ф. Татарка. Избранные произведения. – Москва, 1959. – С. 266.

² Гулям Г. Габдулла Тукай и наш поэт / Слово о Тукае. – Казань: Татарское книжное издательство, 1986. – С. 19–20; Яна қаранг: Турдиев Ш. Среднеазиатские татары: роль и значение в культурной и политической жизни Туркестана первой четверти XX в. / Ислам в татарском мире: история и современность. – Казань, 1997. – С. 175.

³ **Диваев Абубакр (1855–1933)** – бошқирд халқининг атоқли фарзанди. Уфада таваллуд топган. 1876 йили Оренбургдаги кадет корпусини тамомлагач, Туркистонга юборилган. Туркистон ўлкасини бир неча бор айланиб чиққан А. Диваев кўплаб этнографик маълумотлар тўплаган. Ҳозирда Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий кутубхонасида сақланаётган “Туркистон тўплами” 566–569-жилдларида А. Диваевнинг этнографияга оид қимматли маълумотлари ўрин олган. 1906 йили ҳарбий хизматдан озод қилинган, Туркистонда қолиб илмий фаолиятини давом эттирган. 1918–1923 йилларда Туркистон Халқ университетини ташкил этиш ва шакллантиришда қатнашган. А. Диваев 1922 йили ўзбек, қozoқ ва қирғиз халқлариistonларидаги қахрамонлар ҳақида “Ботирлар” номли китобини нашр эттирган. А. Диваев 1933 йили 77 ёшида Тошкентда вафот этган. Қаранг: Исоқбоев А.А. Туркистон ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида ... – Б. 174–175.

трининг ижобий томонлари ҳақида маъруза қилган. Хонадон эгаси С.Г. Еникеев бошқирдистонлик татарлардан эди. Унинг рафикаси Саодат Еникеева¹ Тошкент аёллар гимназиясида таҳсил олган эди. У европача тарбия олган, рояль чалишни биладиган маърифатпарвар аёллардан бўлган². 1909 йили Еникеевлар хонадониди Саодат ташаббуси билан бўлиб ўтган бадий кечада ўзбек тараққийпарвари А. Авлоний ҳам иштирок этган³.

Татар театр труппаларининг таркибида актрисалар ҳам мавжуд бўлиб, бошқа туркий халқлар театр труппаларида аёллар ролини эркаклар ижро этишган. 1913 йил 4 майда Қозон губернияси полиция бошқармаси нозирининг Туркистон район муҳофаза бўлими (ТРМБ) бошлиғига юборган хатида, “Сайёр” театр труппаси Чоржўй, Бухоро, Самарқанд, Андижон, Наманган, Қўқон ва Тошкентда ўз томошаларини беришни мўлжаллаганлиги қайд этилган⁴. Унинг таркибида татар аёли Соҳибжамол Иззатуллина-Волжская ҳам бўлган⁵.

“Нур” труппасининг Бухоро амирлигига қилган гастроли ҳақида С.Иззатуллина-Волжская бундай ёзган эди: “Когонда бир марта, Бухорода икки марта спектакль қўйдик. У чокда ўзбеклар театр деган нарсани бирда кўрмаганлар, билет олув нима эканини билмас эдилар. Шунинг учун ҳам билетларни

¹ Саодат Еникеева – Қўқон хонлигининг Санкт-Петербургдаги элчиси Мирза Ҳаким Парвонанинги кизи бўлган. Россия томонидан Туркистон истило этилгач, Мирза Ҳаким Туркистон генерал-губернатори девонида статс маслаҳатчи бўлиб ишлаган. Ўлкада яшаган европаликлар орасида Карл Карлович Умидов деган ном билан машҳур бўлган. Мирза Ҳаким Парвонани Санкт-Петербургда элчи бўлиб ишлаган йилларда татар кизига уйланиб, ундан икки фарзанд: ўғил ва киз кўрган. Кенгроқ маълумот учун қаранг: Эгамназаров А. Сиз билган Дукчи Эшон. – Тошкент: “Шарқ”, 1994. – Б. 35 ва илова.

² Ризаев Ш.Т. Ўзбек жадид драматургиясининг шаклланиш манбалари. Филология фан. номз ... дисс. – Тошкент, 1995. – Б. 31.

³ Раҳмонов М. Ҳ.Х. Ниёзий ва ўзбек совет театри. – Тошкент: Ўздавнашр, 1959. – Б. 61–62.

⁴ ЎзР МДА, И. 461-фонд, 1-рўйхат, 1314-иш, 37-варақ ва орқаси.

⁵ Раҳмонов М. Ҳ.Х. Ниёзий ва ўзбек совет театри. – Т.: Ўздавнашр, 1959. – Б. 63.

айланиб қўлдан сотишга тўғри келарди ... Шундай қилиб, Бухорода ишимиз огирлик билан борди”¹.

Шу ўринда “Нур” труппасининг раҳбари, қолаверса, татар театрининг Туркистонда шуҳрат қозонишида ўзининг ҳиссасини қўшган С.Иззатуллина-Волжская таржимаи ҳоли ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. У аввал “Сайёр” труппасида А.Қориев, И.Кудашев-Ошкзорский ва М.Ийманский каби ўша давр татар театрининг машҳур актёрлари билан бир қаторда ижод қилган. Театр санъатини янада раванқ топтириш учун тинмай изланган. Фахрия Кудашеванинг ўз таржимаи ҳолида ёзишича, у 1909 йили “Сайёр” труппасига актриса сифатида ишга кирган. Шу йили труппада 3 нафар актриса бор эди, холос. Улар С.Иззатуллина-Волжская, Фахрия Кудашева ва Фахринисо Самитовалар эди. Кейинчалик труппага Уммугулсум Болгарская келиб қўшилган².

С.Иззатуллина-Волжская, саҳнага асрлар давомида сақланиб келган ислом “қонуниятларини” четлаб ўтган ҳолда, театр санъатига бўлган кучли муҳаббати туфайли кириб келди. Театр актрисаси бўлиб етишиш учун бўлган унинг кучли истаги, олдидаги қийинчиликларни енгиб ўтиб, ўз мақсади томон интилишида куч бағишлаб турган. Ислом динининг мутаассиб руҳонийлари театр санъатини қоралаб, нафақат актрисаларни, балки томоша учун кирганларни ҳам катта гуноҳкорликда айблаганлар ва қаттиқ жазолаганлар. С.Иззатуллина-Волжская бу йўлни танлагани учун қанчалар таҳқирланиши ва ҳатто ҳаётига суикасдлар уюштирилишини олдиндан билиб, ўзида журъат топа билиб, саҳнага биринчилардан бўлиб чиқа олган актрисалардан ҳисобланади.

1908 йилда “Сайёр” труппаси Кавказда ижодий сафарда бўлиб, Озарбайжон театр труппаси билан учрашган. Бу труппага Ҳусайн Араблинский бошчилик қилган. У татар театрида

¹ Раҳмонов М. Ҳ.Х. Ниёзий ва ўзбек совет театри. – Т.: Ўздавнашр, 1959. – Б. 64.

² Гаффарова Г. Из автобиографии Фахрии Ибатуллоовны Кудашевой-Арской // “Гасырлар авазы – Эхо веков”, № 2, 2006 – С. 168.

аёлларнинг фаолият кўрсатишига “буюк қахрамонлик” дея юқори баҳо берган эди.

Ўша пайтда Озарбайжон театр труппасида аёллар ролини эркаклар ижро этишган. Ҳ. Араблинский озарбайжон ва татар театрлари ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланишида катта ҳисса қўшган. “Нодир” спектаклида Нодирнинг хотини ролини 16 ёшли С. Иззатуллина-Волжская ўйнаган бўлиб, бу роли унинг ҳаётида ўчмас из қолдирган. Ўша кезлари “Сайёр” труппасида 2 нафар аёл – Соҳибжамол Иззатуллина-Волжская ва Зулайҳо Богдановалар бор эди. 1910 йилнинг ўрталарига келиб, “Сайёр” труппасида актриса аёлларнинг сони бирмунча кўпайиб, уларнинг сафига Гулсум Болгарская, Наима Тажирова, Нафига Арапова, Фотима Ильская ва Сора Байкиналар қўшилган. Уларнинг ўйнаган роллари татар театрининг шуҳратини янада ошишига, қолаверса, мухлислар ёдида бир умрга сақланиб қоладиган образларнинг яратилишига сабаб бўлган. С.Иззатуллина-Волжская “Хўжайин ва ғулом” спектаклида Бибижамол ролини ўйнаган. У ўзини зўрлаб бойга узатмокчи бўлган зулмкор отага қарши чиқа олган қиз ролини ижро қилиб, ундаги журъатлилик, мардлик ва ўз бахти учун курашиш каби қирраларини маҳорат билан очиб бера олган¹.

“Нур” труппасида ўша пайтда профессионал актёрлардан Фахринисо Самитова, Ильяс Казанский, Луиза Сиртлонова, Зулайҳо Богданова ва Фаттоҳ Латиповлар фаолият кўрсатганлар. С.Иззатуллина-Волжская труппа репертуарини бойитишга ҳаракат қилиб, кўплаб драматургларни асарларини сахнага олиб чиқди. Хусусан, Ф.Шиллернинг “Макр ва муҳаббат”, бошқирд драматурги Баранкуловнинг “Ошқозор” ва бошқа пьесалар сахнада қўйилди. Ф.Шиллернинг “Макр ва муҳаббат” трагедиясида С.Иззатуллина-Волжская Луиза ролини ижро қилган. Унга Абдулла Қориев, Муртазин Ийманскийлар шериклик қилишган. С.Иззатуллина-Волжская ҳар бир ролини юксак

¹ Кумысников Х. Истоки сценического реализма. Очерк из истории дооктябрьского татарского театра. – Казань: Татарское книжное издательство. 1982. – С. 91.

махорат билан ижро қилган. У ўзининг хотираларида шундай ёзади: “Мен ўзимнинг ишимни севганлигим учун ролларни эркин ва енгил ижро қилардим. Бунинг учун мен ўз устимда кўп ишлашимга тўғри келарди”¹.

С. Иззатуллина-Волжская фикрича, актёр ҳаётий ҳақиқатни очиб бериши, ҳар бири ўз йўлидан бориб, мавжуд қобилият ва иктидорини тарбиялаб бориши керак. У бошқаларга тақлид қилишни қоралаган ва труппадаги актёрларга буни тақиқлаб, уларга ўз ўғитларини бериб борган. Шунинг учун труппада соғлом муҳит яратилган бўлиб, ҳар бир актёр ўз роли устида сидқидилдан ишлаб, уни моҳирона ижро этган. Бундай ҳолатнинг юзага келиши “Нур” труппасининг мавқеини янада кўтарилишига сабаб бўлган. Театрда татар аёлларининг фаолият кўрсатишлари муҳим аҳамиятга молик ҳодиса бўлиб, кейинчалик маҳаллий аёллар орасидан ҳам илк актрисаларни етишиб чиқиши ҳамда уларда театр санъатига бўлган ҳавасни ортишига сабаб бўлган, дейиш мумкин.

Маълумки, татар аёллари Туркистон маҳаллий хотин-қизларидан фарқли ўларок, юзлари очик ҳолда бўлган. Мазкур ҳолат Россия империяси манфаатларига мос келиб, бу жойларда ҳокимиятни мустаҳкамлаш ишларида маҳаллий миллат аёлларидан ўз тарафдорларини тарбиялашда асқотган. Шу боисдан ҳам, театр труппаларининг ўлкада кенг фаолият олиб боришларига империя ҳукумати шароит яратиб берган. Театр санъатига бўлган кизиқиш туфайли мактаб ўқувчилари ҳам театр кечалари уюштиришган. Кечалардан тушган маблағлар керакли мақсадларга сарф этилиб, уларни ташкиллаштириш ишларида татар аёллари фаол иштирок этганлар.

1913 йили И. Кудашев-Ошкюзорский Тошкентда яна бир доимий фаолият кўрсатувчи татар труппаси тузишга раҳбарлик қилди. Труппа ишини ривожлантириш учун 1914 йилдан таниқли татар режиссёрлари Заки Боязидский ва Мустафо Ман-

¹ Кумысников Х. Истоки сценического реализма. Очерк из истории дооктябрьского татарского театра. – Казань: Татарское книжное издательство, 1982. – С. 102–103.

суров таклиф этилди¹. Улар татар труппасида фаолият кўрсатиш билан бирга, асосан ўзбек ёшларидан тузилган “Турон” театр труппаси² ишларини мувофиқлаштиришга ҳам муносиб хисса қўшганлар. “Турон” театр труппаси 1914 йил декабрда татар режиссёри Муҳаммадёров раҳбарлигида “Истанбул” ва Заки Боязидский режиссёрлигида “Тўй” пьесаларини сахналаштирдилар³.

И. Кудашев-Ошкозорский раҳбарлигидаги “Сайёр” труппасининг 1913 йилдаги Туркистонга иккинчи ташрифи ва Тошкент, Наманган, Когон, Бухоро шаҳарларида спектакллар намойиш этилиши, ўлкада театр санъатининг пайдо бўлиши ҳамда ривожланишига ҳам маънавий, айти чоғда бевосита амалий ёрдам берган⁴.

1913 йили “Сайёр” труппасининг яна бир вакили Абдулла Қориев ўз жамоаси билан Симбирск, Самара, Саратов, Царицын, Астрахань, Боку шаҳарларидан сўнг, Чоржўй, Марв, Бухоро, Самарқанд, Андижон, Наманган, Қўқон, Тошкент, Туркистон, Окмачит, Қозоли каби шаҳарлари бўйлаб сафарда бўлиб спектакллар намойиш этган. Бу ҳол ТРМБ бошлиғи Сизихни жиддий ташвишлантирган. Сизих А. Қориев тўғрисида Қозон губерния жандармерия бошқармаси бошлиғи, подполковник Добродеевдан тегишли маълумот сўраган. Ундан олинган махфий маълумотга қараганда, татар актёри А. Қориев шу йил киш яқинлашиши муносабати билан Нижний Новгороддан Қозонга қайтиб келган. А. Қориев кенг дунёқарашли ва маърифатли киши бўлиб, Қозонда бўлган пайтларида доимий равишда мадраса талабалари билан учрашиб турган. У ўзи сафарда

¹ Махмутов М., Илялова И., Гиззат Б. Октябрьгэ кадэрге татар театры. – Казань: Татарстан китап нэшрияты, 1988. – Б. 158; Қаранг: Илялова И. Межнациональные связи татарского театра. – Казань: Татарское книжное издательство, 1985. – С. 66.

² “Турон” театр труппасига ўзбек маърифатпарвари Абдулла Авлоний томонидан 1913 йил охирларида асос солинган эди. Қаранг: Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Т.: “Маънавият”, 2002. – Б. 247.

³ Ризаев Ш. Саҳна маънавияти. – Т.: “Маънавият”, 2000. – Б. 89.

⁴ Ризаев Ш.Т. Ўзбек жадид драматургиясининг шаклланиш манбалари. Филология фан. номз ... дисс. – Т., 1995. – Б. 32.

бўлган шаҳарларда жойлардаги татарлар билан учрашиб, улар томонидан олиб борилаётган маърифий ишлар тўғрисида қозонлик маърифатпарварларга сўзлаб берган. Қозон губерния жандармерия бошқармаси бошлиғи бу маълумотларни етказиш билан бирга, ТРМБ бошлиғи Сизихга А.Қorieв фаолиятини жиддий назорат остига олиниши фойдадан холи бўлмаслигини маслаҳат берган эди¹. Ўз навбатида, Сизих Тошкент, Туркистон, Перовск, Аральск, Красноводск, Ашхобод, Марв, Мурғоб, Чоржўй, Самарқанд, Черняев, Сирдарё ва Марғилон полиция бошқармаларига йўллаган хатида, А.Қorieв фаолиятини қатъий назоратга олишни буюрган эди².

Таъқиб ва тазйиқларга қарамай, А.Қorieв “Сайёр” труппаси билан 1913 йил 8 июнда Когонда³, 13 июнда Самарқандда спектакллар намойишини ташкил этган⁴.

1913 йил 12 августда Тошкентда мактаб ўқувчилари томонидан “уй спектакли” қўйилиб, ундан тушган 91 сўм миқдоридagi маблағ янги очиладиган мактаб учун Моҳитоб Ёвушевада сақланган. 1917 йили мактаб очилиши ҳақидаги буйруқ олингач, Моҳитоб Ёвушева ўзидаги мавжуд маблағга ўз хисобидан қўшиб, 100 сўм қилиб берган. Мактаблар очилишига маблағ тўплаш мақсадида махсус комиссия тузилиб, унга хазинадор ҳам тайинланган. Ушбу комиссия хайрия қилинган маблағларни жамлаб, уларни керакли мақсадлар учун сарф қилган. Масалан, комиссияга Робия Сутушова 50 сўм, Хусайн Батараков 23 сўм 50 тийин хайрия берганлар⁵. Мазкур маблағлар театр саҳнаси учун зарур бўлган жиҳозларни сотиб олишга сарф қилиниб, уларнинг кейинги фаолиятини ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

Европача театр санъатининг ўлкада тарқалишида татар актрисаларининг хизматлари катта бўлган. Фикримизнинг далили

¹ ЎзР МДА, И.461-фонд, 1-рўйхат, 1314-иш, 31-, 37-варақлар орқаси; Махмутов Х., Илялова И., Гиззат Б. Октябрьгэ кадэрге татар театры (татар тилида). – Казань: Татарстан китап нэшрияты, 1988 – Б. 155.

² ЎзР МДА, И. 461-фонд, 1-рўйхат, 1314-иш, 36-варақ орқаси.

³ ЎзР МДА, И. 461-фонд, 1-рўйхат, 1315-иш, 197-варақ орқаси.

⁴ ЎзР МДА, И. 461-фонд, 1-рўйхат, 1314-иш, 40-варақ орқаси.

⁵ Ёкубова М. Ёён ташаккур // “Улуғ Туркистон”, 1917. 12 август.

сифатида “Сайёр” театр труппасининг актрисаларидан бири бўлган Фотима Ильскаянинг фаолиятини кўрсатиш мумкин. Унинг Туркистондаги фаолияти кўплаб томошабинлар олқишларига сазовор бўлган.

1913 йилнинг 13 сентябрида Тошкентдаги “Колизей” театрида Қозон шахридан келган Фотима Ильская иштирокида татарча театр кечаси бўлиб, унда Фотиҳ Амирхоннинг “Бир соатлик хотун” ва “Тенгсизлар” пьесалари сахнага қўйилган. Театр жуда қизиқарли бўлиб, буни халқ катта олқишлар билан қарши олган. Бундан тушган фойда хайрия ишларига сарф қилинган¹.

Аста-секин маҳаллий аҳолининг ҳам театр санъатига бўлган қизиқиши ортиб борган. 1914 йил 15 январда Самарқанднинг Янги шаҳар қисмида ўзбек ва татар ёш тараққийпарварлари биргаликда ўзбекча “Падаркуш” ва татарча “Олдадук ва олдандук” номли сахна асарларини ижро этганлар. Спектаклларни томоша қилишга келганлар шу қадар кўп бўлган-ки, билетлар аввалдан қиммат нархларда сотилган. 320 кишилик театр залига қўшимча яна элликта жой тайёрланган. Баъзилар ўз билетларини икки баробар қимматига сотиб фойдаланиб қолганлар².

Туркистонга татар театр труппалари билан биргаликда қўшиқчилар ҳам гастролга келганлар. 1913 йили татар хонандаси Муҳаммад Комил Мутъей Тухфатуллин Туркистоннинг кўплаб шаҳарларида бўлиб, концерт дастурлари ташкил этган. Айниқса унинг Самарқанддаги русча, арабча ва туркийча қўшиқлари катта олқишларга сазовор бўлган³. У шундай ижодий сафарини 1914 йилнинг ёзида Фарғона водийси бўйлаб амалга оширган эди⁴. Мана шундай гастроль сафарлари Туркистонда яшовчи татарларни ҳам мусиқа йўналишида фаолият юритишга ундаган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. 1914 йил 5

¹ Муслмонча тиётр // “Улуғ Туркистон”, 1918. 14 июнь.

² Ризаев Ш.Т. Ўзбек жадид драматургиясининг шаклланиш манбалари. Филология фан. номз ... дисс. – Т. 1995. – Б. 64.

³ Тотор хонандаси // Самарқанд, 1913. 23 август.

⁴ Тожибоев Р. “Садои Фарғона” – жадид матбуоти намунаси // Марказий Осиё XX аср бошида: ислохотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш. – Т.: “Маънавият”, 2001. – Б. 77.

июндан Тошкент шаҳрида Мустафо Мансуров бошчилигида татар мусиқа тўгараги иш бошлаган. Бирок, бу тўгарак ривожланиши учун ижтимоий замин етарли бўлмаганлиги сабабли киска вақт ичида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган¹.

Бухоро амирлигида театр ишларини ташкил этиш ҳам асосан татарлар томонидан амалга оширилган. Булар асосан Қозон ва Самарқанддан келган татар труппалари бўлиб, ўз спектаклларига маҳаллий татар, ўзбек ва тожик ҳаваскорларини ҳам ижрочи ёки ташкилотчи сифатида жалб этишга уринганлар. Шу тарика Бухорода яшовчи татарлар томонидан ҳам янги бир труппа ташкил этилиб, татар, озарбайжон ва турк пьесаларини сахналаштира бошлаганлар. Бу труппага татар зиёлиси Хусайн Нажиб бошчилик қилган. Ҳ. Нажиб бу борада Бехбудийга мурожаат этиб, “Падаркуш”ни сахналаштиришга ижозат сўраган. Айни пайтда томошадан тушадиган фойдани фақир талабаларга тарқатилиши хусусида маълумот берган. 1914 йил 5 март куни Бухоронинг “Торикистон” биносида “Падаркуш” драмаси намоиш этилган. Бирок татарлар “Падаркуш”ни маҳорат билан ижро эта олмаган бўлсалар ҳам, шу куни Алиасқар Камолнинг “Биринчи театр” комедиясини намоиш этиб, томошабинларни хушнуд этганлар². Маҳаллий татарлар томонидан уюштирилган кўплаб кўнгилочар тадбирлар ва спектакллар асосан хайрия мақсадларини кўзлаган. “Шаҳрисабзлик” лақабли махфий хизматчи томонидан берилган маълумотда келтирилишича, 1914 йил 6 августда татар ҳаваскор театр тўгараги спектакллар намоишидан тушган маблағни ҳарбий хизматга чакирилган аскарларнинг оила аъзоларига тортиқ қилганлар³.

1915 йил 18 январда бутун мусулмон дунёсининг диний байрами ҳисобланган “Мавлудин набий” кунида Туркистон аҳолисига туфҳа сифатида татар театр труппаси ҳамда татар аёллари томонидан Хива томошахонасида “Болалар эртаси” уюштирилган. Сахнадаги болаларни ўзларини тутишлари-

¹ ЎЗР МДА, И.461-фонд, 1-рўйхат, 1470-иш, 106-варақ орқаси.

² Ризаев Ш.Т. Ўзбек жадид драматургиясининг шаклланиш манбалари Филология фан. номз ... дисс. – Т., 1995. – Б. 102–103.

³ ЎЗР МДА, И.461-фонд, 1-рўйхат, 1470-иш, 106-варақ ва орқаси.

дан Тошкентдаги татар мактабларида яхши тарбия берилганлигини билиб олиш мумкин эди. Саҳнада “Мавлудун набий” томошаси кўрсатилиб, унда энг кичик иштирокчи 5 ёшли бола эди. Кечага туркистонлик татар муаллимлардан бир нечаси ташриф буюрганлар¹.

Татар аёллари театр томошалари қўйиб жамғарилган маблағни хайрия ишлари ҳамда маорифни ривожлантиришга сарф этганлар. Бу эса Биринчи жаҳон уруши (1914–1918) давом этаётган оғир бир шароитда, Туркистонда маориф соҳасининг равнақ топиши учун қилинган дадил қадамлардан бири эди.

1916 йил 8 январь куни Тошкент шаҳридаги “Приказчиклар” клубида “Мавлуд байрами” муносабати билан татар театр труппаси томонидан рус-татар мактабида ўқиётган ўқувчилар учун икки бўлимдан иборат театр кечаси уюштирилган. Биринчи бўлим болаларга, иккинчи бўлим эса катталар учун хос бўлган. Болалар учун бир пардалик пьеса, катталар учун эса 2 пардалик 3. Позднякованинг “Эски турмуш эсартирган” номли комедияси саҳнага қўйилган. Адабиёт бўлимидан кейин татар аёллари томонидан почта ўйини ҳамда чой столи ташкил этилган. Кечага Оренбургдан ташриф буюрган Атоуллоҳ Ҳусайнов ва Темиршоҳ Солаевлар ҳам ташриф буюришган. А. Ҳусайнов кеча сўнгида йиғилган хайрия пулига қўшимча, ўз ҳисобидан ҳам 50 сўм берган. Шу йил январь ойининг охирида татар ёшлари томонидан “Масхараланган хоним” номли саҳна асари қўйилиши режалаштирилган².

Туркистон маҳаллий аҳолисининг татар театр санъатига бўлган қизиқиши, томошаларга аҳолини оммавий равишда йиғилишига олиб келган. Бунда татар актёрлари маҳаллий театр труппалари билан ҳамкорликда асарларни саҳнага қўйишлари муваффақиятнинг гарови бўлган. Масалан, 1916 йил 20 декабрда Тошкент шаҳридаги “Коллизей” театрида маҳаллий “Турон” театр труппаси тарафидан татар артисти Рухуллоҳ Сидқий раҳбарлигида “Лайли ва Мажнун” олти пардали опе-

¹ Тошканд хабарлари // “Садои Туркистон”, 1915. 15 январь.

² Мухбирлардан // “Вақт”, 1916. 20 январь – ушбу манбада болалар учун қўйилган 2 пардалик пьесанинг номи келтирилмаган – муаллифлар.

раси сахнага қўйилган. Мажнун ролини татар артисти Рухуллох Сидқийнинг ўзи ижро қилган. Мақолада операни муваффақиятли чиқишида 50 га яқин актёрнинг иштирок этганлиги, улар орасида 8 нафар татар актрисалари мавжуд бўлганлиги ҳақида қайд этилган¹. Томоша муваффақиятли бўлиб, унда жуда кўп мухлислар йиғилган. Томоша ниҳоясида тушган фойда 2852 сўм миқдоридалиги қайд этилиб, маблағ гимназияда ўқиётган фақир сарт болаларига сарфланиши айтиб ўтилган. Ўз навбатида, бундай томошалар маҳаллий миллат хотин-қизларининг санъатга бўлган қизиқишини орттирган.

1917 йил Февраль инқилобидан сўнг Туркистонда истиқомат қилаётган татарлар томонидан бадний кечалар, спектакллар намойиш этиш кенг кўлам касб этган.

1917 йил 2 апрель куни Тошкентдаги “Колизей” театрида илк бор “Тўқай кечаси” ташкил этилган. Кеча тўрт қисмдан иборат бўлиб, 1, 2, 3-қисмларда Ф. Сутушова, М. Якубова ва Ш. Бойбурова Абдулла Тўқайнинг хотин-қизлар масаласидаги фикрлари, Н. Сайфульмаликов эса Тўқайнинг таржимаи холи, Ф. Султонбек бўлса, Мисиринский ва Тўқайнинг татар миллатига кўрсатган хизматлари ҳақида гапирганлар. Кечада Тўқайнинг шеърларидан намуналар ўқилиб, унинг халқни илм-маърифатга ундашга бағишланган фаолияти ҳақида сахна кўринишлари намойиш этилган².

1917 йил 19 майда Бухорода татар ва Кавказ хаваскор актёрлари томонидан маданий кеча уюштирилган. Унда “Адашув” номли комедия ва Шокир Анбулатнинг “Чингизхон қабрида” номли уч пардали тарихий пьесаси қўйилган. Татар миллий кўшиқлари куйланиб, Кавказ рақслари намойиш этилган. Кечада “Туркистонни бошқариш Муваққат кўмитаси” аъзоларидан С. Мақсудий ҳам иштирок этган ва томоша якунида сўз олиб, халқни бирлик ҳамда иттифокқа даъват этган³. Шу куни татарларнинг миллий театрлари ташкил топганлигига 10 йил тўлиши муносабати билан Астраханда мусулмон ўқитувчилар

¹ Тошканд // “Вақт”, 1917. 17 январь.

² Тўқой кечаси // “Улуғ Туркистон”, 1917. 31 май.

³ Бухорода тотор жамяти // “Улуғ Туркистон”, 1917. 31 май.

жамияти ва ёшлар уюшмаси ташаббуси билан юбилей кечаси ташкил этилган эди¹.

1917 йил 5 майда Янги Бухоро (Когон) шахрида Фитрат ва Камолиддин Нўғай саъй-ҳаракатлари билан “Кўҳна туркба” номли уч пардали драма қўйилган. Мазкур сахна асари аслида Эски Бухорода қўйилиши режалаштирилган эди. Лекин бу ерда бўлиб ўтган сўнги дахшатли воқеалар (1917 йил 8 апрелда “Ёш бухороликлар” намоишининг ўққа тутилиши – *муаллифлар*) муносабати билан уни Янги Бухорода қўйишга қарор қилинган. Спектакль намоиши маҳаллий аҳолида жуда катта қизиқиш уйғотган ва катта олқишларга сазовор бўлган. Шу куни томошадан тушган 786 сўм соф фойда “Шўрои Исломия” жамияти хазинасига берилган².

1917 йил 1 декабрда Тошкентда Фотима Ильская ва Фотих Кабир ташаббуси ҳамда саъй-ҳаракати билан “Сайёр” труппаси ҳамда “Чўлпон” тўгараги аъзолари “Сотошқон қиз” номли тўрт пардали спектакль намоиш қилганлар³.

Тошкентда муқим яшовчи татарлар 1917 йил бошларида Нўширвон Явушевнинг “Чингизхон” номли тарихий пьесасини сахнага олиб чиққанлар⁴. 1917 йил декабрда “Умид” матбааси мазкур бир пардали тарихий пьесани нашр этиб, сотувга чиқарган⁵.

1917 йил 14 декабрда “Мавлуд байрами” муносабати билан Каттакўрғонда татарлар жамияти томонидан “Иттиҳод ва тараққий” жамияти фойдасига кеча ўтказилган. У татар мактабида ўқувчи болалар томонидан уч бўлимдан иборат тарзда ташкил этилган. Биринчи бўлимда шеърхонлик, иккинчи бўлимда мусиқали чиқишлар, учинчи бўлимда “Ийимчилар қурбони” номли бир пардали драма намоиш этилган⁶. 24 декабрда эса,

¹ Тоторларнинг миллий сахналарина ўн йил тўлуви // “Улуғ Туркистон”, 1917. 31 май.

² Туркистон хабарлари // “Улуғ Туркистон”, 1917. 13 май.

³ Тоторча тиётр // “Улуғ Туркистон”, 1917. 13 декабрь.

⁴ Ризаев Ш.Т. Жадид драмаси. – Т.: “Шарқ”, 1997. – Б. 90.

⁵ Янги китоб // “Улуғ Туркистон”, 1917. 13 декабрь.

⁶ Каттакўрғонда қўйилгон кечанинг ҳисоби ва ташаккур // “Улуғ Туркистон”, 1918. 7 январь.

Тошкентда сиёсий аҳвол жиддийлигига қарамай, татарлар томонидан шаҳардаги биринчи татар мактаби фойдасига спектакль намойиши ташкил этилган. Вазият ўта таҳликали бўлса-да, анча кўп томошабин йиғилган. Кўрилган 1300 сўм соф фойда эса татар мактаби ихтиёрига берилган¹.

Большевиклар ҳокимиятни эгаллагандан кейин ҳам татар театри фаолияти давом этган. Ўлкада куролли қаршилик ҳаракати, очарчилик давом этаётган қийин бир шароитда ҳам театр санъати ривожланиб борди. Татар театр труппаси билан маҳаллий ҳаваскорлик труппаларининг ҳамкорликда сахна асарларини намойиш этишлари ўлкада миллий театр санъатининг маълум даражада тараққий этишига омил бўлди. Бундай ижодий ҳамкорликда татар акрисаларининг иштирокини кузатиш мумкин. “Сайёр” труппасининг илк актрисаларидан бўлган Фотима Ильская 1917 йил октябрь ойи Тошкент шаҳридаги ижодий сафардалиқ вақтида, маҳаллий ҳаваскорларнинг “Чўлпон” труппаси билан ҳамкорликда “Сотилган қиз” номли пьесаси сахнага қўйилган². Маҳаллий ҳаваскорлик труппалари билан ҳамкорлик ўзининг ижобий натижаларини берган. Ф.Ильская Туркистонда кўп маротаба бўлган ва мухлислар эътиборига тушган.

Ф.Ильская маҳаллий ҳаваскорлар билан ижодий ҳамкорликни давом эттириб, 1918 йилнинг 21 май куни Қозоли овулида маҳаллий ҳаваскорлар труппаси билан Аёз Исҳокийнинг “Муаллима” драмаси ва “Бир соатлик хотин” пьесаларини сахнага қўйган. Томоша халқ оммаси томонидан қизгин қарши олинган³. Ҳамкорликда қўйилган спектакллардан тушган маблағлар маданий-маърифий ишларни жонлантиришга сарф этилган. Одатда, театр томошалари кўпроқ мусулмонларнинг улуғ байрамлари шарафига уюштирилган.

1918 йил 13 сентябрда Тошкентда Қозондан ташриф буюрган Ф.Ильская иштирокида Фотиҳ Амирхоннинг “Бир соатлик

¹ Тоторча тиётр ва болалар эртаси // “Улуғ Туркистон”, 1917. 31 декабрь.

² Фотима хоним Ильская // “Улуғ Туркистон”, 1917. 26 октябрь.

³ Қозоли // “Улуғ Туркистон”, 1918. 4 июнь.

хотун” пьесаси сахнага кўйилган. Томошадан тушган маблағ мусулмон кироатхонасига тақдим этилган¹.

Шундай ҳамкорлик натижаси ўларок, “Шарқ кечалари” ҳам уюштирилган. Айрим театр томошаларига татар жамиятлари ҳам ҳомийлик қилган. Жумладан, 1918 йил Рамазон ҳайити кунда “Муслималар жамияти” ва “Иттифоқ” жамиятининг ташаббуси билан “Шарқ кечалари” уюштирилган. Кечада татар ёзувчиси Шариф Камолнинг “Уйланиш” номли комедияси татар ва маҳаллий ҳаваскорлик театр труппалари ҳамкорлигида сахнага кўйилиши режалаштирилган². Татар труппаларининг Туркистонга келишлари ва сахна асарларини кўйиб, тез шуҳрат қозонишларида мазкур заминдаги мавжуд қулай маданий муҳит ҳам сабаб бўлган.

Халқ орасида театр санъати ва унда томошабинларнинг тинглаш, томоша қилиш маданияти ҳақида матбуотда мунтазам равишда мақолалар бериб борилган. Жумладан, З. Раҳматнинг “Театруни нечук онгларға” номли мақоласида: “Оврополиклар театрларни ибодатхоналардан ортиқ кўришади. Сахна очилган пайтда ибодат вақтида қандай тартиб-қоидага амал қилсалар, театрда ҳам шундай тартибни сақлаб, сахнадаги кўйилаётган асарнинг мазмунига эътиборларини қаратадилар. Камчиликларини тузатишга ҳаракат қиладилар”³, дея қайд этган. Мақолада муаллиф театр томошаларида туркистонлик мухлисларда шундай томошабин маданияти шаклланишини орзу қилади.

Татар хотин-қизлари ташаббуслари билан ўлкада миллий-маданий кечалар ҳам уюштирилган. Мазкур кечалар ҳам маҳаллий аҳолининг театр санъатига бўлган муҳаббатини ортишига сабаб бўлган. Ана шундай кечалардан бири 1918 йил 4 февраль кунини Қозолидаги Мадрасаи фахриянинг муаллималари Омина Маъмина ва Марям Фахриддиновалар томонидан ташкил этилган. Мактаб биноси кичиклиги учун Садриддин Сайфульмулуковнинг мактаби биноси ижарага олинган. Бу пайтга қадар

¹ Мусулмонча тиётр // “Улуғ Туркистон”, 1918. 13 сентябрь.

² Татарча театр // “Улуғ Туркистон”, 1918. 14 июнь.

³ Раҳмат З. Театруни нечук онгларға // “Иштирокиюн”, 1919. 11 июль.

Қозоли овули хотин-қизлари театр кўрмаганликлари туфайли, томоша уларда катта таассурот қолдирган. “Улуғ Туркистон” газетаси таҳририяти томонидан О. Маъмина ва М. Фахриддиноваларга миннатдорчилик билдирилган¹.

1918 йил 18 октябрда Перовск (Оқмасжид)да татар аёллари томонидан илк маротаба театр қўйилиб, тушган 500 сўм маблағ шу ердаги Шаҳидмозорнинг бузилган кудукларини таъмирлаш ишларига сарфланган².

1918 йил Тошкентда очлар фойдасига татар, ўзбек ва қозок ёшлари ҳамкорлигида театр томошаси ташкил этилган. У тўрт қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда Махмуд Козмуевскийнинг “Не қонар – не қондирар” номли пьесаси сахнага қўйилган. Иккинчи, учинчи ҳамда тўртинчи қисмларда мусика, ўланлар муваффақиятли ўтишида Марям Еникеева, Гавҳар Алиева, Уммулҳаёт Умидова, Марям Бахтиярова ва Шохида Бойбутовалар ташаббус кўрсатганлар. Кечада Эски ва Янги Тошкентнинг зиёли ёшлари иштирок этганлар³.

Ўлкада қўйилган сахна кўринишларидан тушган фойданинг хайрия ишларига сарф қилиниши иқтисодий муаммоларни маълум даражада ҳал этишга ёрдам берган. 1918 йилнинг 6 июнида Тошкентда татар аёллари томонидан маданий кеча ва буфет⁴ уюштирилган. Тушган маблағ очларга ёрдам жамияти фойдасига юборилган⁵. Туркистонда театр санъати ташвиқот ишлари кенг миқёсда олиб борилиб, қироатхоналар мазкур мақсадни амалга оширадиган муҳим маърифат масканларидан бири саналар эди. Даврий матбуот саҳифаларида труппалар томонидан сахналаштирилган спектакллар ҳамда уларнинг намоёиш вақтлари, театр санъатининг тарихи, миллий театр санъатининг шаклланишидаги муаммолар ҳақидаги хабарлар эълон тар-

¹ Қозоли // “Улуғ Туркистон”, 1918. 12 март.

² Перовский // “Улуғ Туркистон”, 1918. 3 ноябрь.

³ Очлар фойдасина тиётр // “Улуғ Туркистон”, 1918. 2 март.

⁴ Енгил-елпи овқатлар, ичимликлар сотадиган кичкина ресторанча. Қаранг: Русча-Ўзбекча лугат. 1-жилд. – Тошкент: Фанлар академияси нашриёти, 1955. – Б. 153.

⁵ Тиётр // “Улуғ Туркистон”, 1918. 8 июнь.

зида мунтазам чоп этиб борилган. Татар маърифатпарварлари хотин-қизлар учун ҳам қироатхоналар ташкил этишга ҳаракат қилганлар.

Туркистонда муқим яшовчи татар маърифатпарварлари томонидан аёлларнинг китоб ва газеталар мутолаа қилиб боришлари учун қироатхона ташкил этилган. Мазкур қироатхонани маблағ билан Тошкент татарларининг “Иттифоқ” жамияти таъминлаган. Кутубхона қурилишига маблағ тўплашда татар аёллари ҳам ёрдам берганлар. Масалан, Фотима Сутушова “Иттифоқ” жамияти идорасига 145 сўм 55 тийин топширган. Кейин маълум бўлишича, у маблағни Қурбон ҳайитида қўйилган татарча театрда яшил ва қизил бўйинбоғлар тайёрлаб, сотиш орқали жамғарган¹.

1918 йил 11 июнда Тошкентда маҳаллий ҳаваскорлик театри ва Лола Уралская бошчилигидаги татар театр труппаси билан ҳамкорликда кеча уюштирилган. Кечада “Масхараланган хоним” ва “Хат бўлгонди” номли комедия ҳамда “Она қабри ёнида” трагедиялари ўйналган. Бунда Лола Уралская ўзининг ролини маҳорат билан ижро қилиб, онаси қабри ёнида мунгли шеърини айтиши, унга скрипка навосининг жўр бўлиши томошабинларда катта таассурот қолдирган. Саҳнада шундай сукунат ҳукмрон эдики, гўё барча ўзини унинг қайғусига шерик бўлгандай ҳис қилиб, трагедия якунида актрисани гулдурас қарсақлар билан олқишлашган².

Татар театр труппалари қўядиган асарларини газета саҳифаларида эълон тарзида бериб борилиши маҳаллий аҳоли орасида уларни муваффақият қозониши ва халқ оммасини кенг жалб этиш омилларидан бири бўлган. Жумладан, “Иштирокиюн” газетасининг 1919 йил 13 октябрь сонида “Колизей” биносида Туркистон ўлка татар театр труппаси томонидан “Хўжайин ва ғулом” номли уч пардадан иборат комедиянинг қўйилиши, унда актрисалар – А. Илфиюнова, Кримская ва Жаъфаровалар ҳамда Алиев, Раҳмонқуловлар роль ўйнашлари билдирилган.

¹ Қироатхона фойдасина // “Улуғ Туркистон”, 1917. 4 октябрь.

² Хўжайин ва ғулом // “Иштирокиюн”, 1919. 31 октябрь.

Мазкур давр газеталарида татар театр труппаларининг фаолиятлари ҳақида чоп этилган мақолалар таҳлили шуни кўрсатадики, уларда ижобий фикрлар билан бирга, танқидий ёндашувлар ҳам кўзга ташланади. Масалан, "Иштирокиюн" газетасидаги "Япун" сарлавҳаси остида чоп этилган мақолада (муаллифи номаълум – *муаллифлар*) татар театр труппаси томонидан қўйилган драма ҳақида танқидий фикрлар билдирилган. Унда бош қахрамон – француз қизи Елена ролини татар актрисаси Моҳитоб Бахтиёрова ўйнаган бўлиб, мақола муаллифи унинг товуши паст даражада эканлиги, ҳатто у кулганида ҳам қийналиб қолганлигини қайд этган¹. Шунингдек, чоп этилган мақолаларда камчиликлар рўй-рост айтилиб, уни бартараф этиш йўллари кўрсатиб ўтилган ва керакли таклифлар берилган.

Татар аёллари орасидан илк драматургларнинг етишиб чиқишини ўрганилаётган даврнинг муҳим ҳодисаларидан бири сифатида баҳолаш мумкин. Мазкур ҳолат эса, кейинчалик ўзбек хотин-қизлар орасидан ҳам дастлабки адибаларнинг етишиб чиқишига туртки бўлган. "Иштирокиюн" газетасининг 1919 йил 6 декабрь сонида татар ёзувчиси Иффатнинг "Сора" номли илк драмаси ҳақидаги танқидий мақола босилган. Мақолада Иффатнинг драма ёзишда йўл қўйган жузъий хатолари устида сўз юритилиб, ундаги камчиликлар кўрсатиб ўтилган. Мақолада ёзувчининг тажрибасизлиги ҳамда асарнинг реалликка мос келмаганлиги танқид остига олинган. Шу билан бирга, "Сора" ролини ижро этган Гавҳар ўз ролини яхши ижро эта олмаганлиги танқид қилиниб, бу ролни тажрибали актрисага бериш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган².

Бундай мазмундаги мақолаларни матбуот саҳифаларида мунтазам бериб борилиши татар театр труппалари репертуарини замон талабига мос асарлар билан бойитилиши ҳамда улар фаолиятининг янада яхшиланишига хизмат этган бўлса, ажаб эмас. Мазкур даврда Туркистондаги нуфузли илм даргоҳи ҳисобланган дорулмуаллимин, яъни Туркистон Халқ дорулфу-

¹ Япун // "Иштирокиюн", 1919. 19 октябрь.

² Сора // "Иштирокиюн", 1919. 6 декабрь.

нуни билан татар мактаблари ҳамкорликда кечалар уюштирилган. Бундай кечаларни ташкил этишда татар аёллари ташаббус кўрсатганлар. Масалан, 1918 йил 24 декабрда Тошкентдаги “Колизей” биносида халқ дорилфунуни ва биринчи татар мактаби томонидан “Болалар эртаси” театр ва мусиқа кечаси уюштирилган. Бу кечани муваффақиятли ўтишида Саодат Еникеева, Моҳитоб Ёвушева, Робия Суғушова ва Шоҳида Бойбуровалар катта ёрдам берганлар. Кечада 2288 сўм 70 тийин маблағ тўпланган¹.

Совет ҳокимиятининг аста-секин мустақамланиб бориши натижасида халқ театр труппалари фаолиятида ҳам мавжуд мафкура манфаатларига мос асарлар қўйиш бошланган. Жумладан, 1920 йил 14 майда Тошкентда “Халқ думаси” биносида “Турмуш ўйини” номли асар маҳаллий татар театр труппаси томонидан сахнага қўйилган. Асарда аввалги даврдаги (Россия империяси мустамлакачилиги даври назарда тутилмоқда – *муаллифлар*) аёлларнинг ачинарли ҳаёти акс эттирилган. И. Хоним (манбада шу тарзда келтирилган – *муаллифлар*) ролини ижро қилган Айножамол Ҳасанова ўз образини маҳорат билан ўйнаган².

Совет ҳокимияти ғайриуслар театр сахналарида мавжуд тузумга қарши бўлган пьесаларнинг қўйилишини олдини олиш мақсадида, 1920 йили театрларни “мусулмонлаштириш” лойиҳасини қабул қилган. Аслида, бу лойиҳада давлат цензура назорати кўзда тутилиб, унга кўра, барча миллат актёрлари халқ маорифи комиссарлиги рўйхатига киритилган ва қўйиладиган барча пьесалар театрлар бирлашмаси қошидаги тегишли комиссия текширувидан ўтган бўлиши лозим эди. Охир-оқибатда мазкур комиссия тасдиғидан ўтган пьесагина сахнага қўйилган³.

1922 йили ёш татар драматурги Бурнаш Патхий туркийларнинг сеvimли халқ оғзаки ижоди “Тоҳир ва Зуҳра”ни совет мафкураси билан суғорилган ҳолда ёзиб тугаллайди. Асар шу

¹ Тиётр // “Улуғ Туркистон”, 1918. 4 январь.

² Турмуш ўйини // “Иштирокиюн”, 1920. 19 май.

³ ЎзР МДА, Р. 34-фонд, 1-рўйхат, 590-иш, 32–33-варақлар.

йили 2 март куни “Колизей” биносида сахнага қўйилган. Кўп ўтмай, “Қизил байроқ” газетасида мазкур асар намоиши билан боғлиқ танқидий мақола ҳам чоп этилади¹. Унда қайд этилишича, Тоҳир ролини К. Тинчурин ва Зухра ролини эса Олма-сова ижро этганлар. Бироқ, улар ўз қахрамонлари ролини маҳорат билан ўйнай олмаганлар. Жумладан, Зухра нафосатли ва ифбатли Шарқ қизи эканлиги, унинг товуши ҳам ўзига яраша нафис бўлиши ҳақидаги фикрлар билдирилиб, сахнада қўйилган асардаги Зухра паст бўйли, овози жуда майин ва европача табиатли бўлиб гавдаланганлиги танқид остига олинган. Мақола муаллифи сахнада қўйилаётган асар қайси миллат урф-одати ва турмуш тарзига хос бўлса, шу тарзда акс эттирилиши лозимлигини таъкидлаган².

“Тоҳир ва Зухра” пьесасининг дастлабки намоиши муваффақиятсизликка учраганидан кейин, бу асар 1923 йил 2 октябрда “Колизей” театри биносида Татаристон театр труппаси (труппанинг номи манбада келтирилмаган – *муаллифлар*) томонидан қайта сахналштириб, мухлислар эътиборига ҳавола этилган. Мазкур намоиш ҳақида “Туркистон” газетасида эълон қилинган мақолада, пьесанинг қайта намоишида анча жойларига ўзгартиришлар киритилганлиги, қолаверса, Зухра ролини Ф. Ильская маромига етказиб ижро этгани муваффақиятнинг гарови бўлганлиги қайд этилган. Томоша сўнгида Ф. Ильскаяни ўлка билим юртларининг ўзбек ва татар талабалари томонидан гулдасталар билан олқишланган.

Ф. Ильская Туркистонда сафардалиқ чоғида бир неча асарларни сахнада қўйилишида бевосита татар театр труппасига раҳбарлик қилган. Хусусан, 1923 йили “Колизей” биносида татар театр труппаси томонидан турк шоири Абдулҳақ Ҳолидининг “Ҳинд қизи” номли пьесаси ҳам сахнага қўйилган. Унда Ҳиндистоннинг гўзал табиати ва аҳолининг диний, миллий ҳаёти акс эттирилади. Асарда инглиз мустамлакачиларининг маҳаллий аҳолига кўрсатган жабр-зулмлари ўз аксини топган

¹ Тоҳир ва Зухра // “Қизил байроқ”, 1922. 14 март.

² Башир З. Тоҳир-Зухра // “Туркистон”, 1923. 10 октябрь.

эди. Асарнинг муваффақиятли намоишида Ф.Ильскаянинг ўрни катта бўлган. У бош роль – ҳинд қизини ўзи ўйнаган¹.

1924 йил 10 ноябрда татар ёзувчиси З.Баширнинг “Зулхабира” номли пьесаси “Колизей” биносида татар театр труппаси томонидан сахнага қўйилган. Асардан подшо ҳукумати-нинг татарларни зўрлаб чўқинтириш сиёсати манзаралари ўрин олган. Зулхабира ролини Гулсум Болгарская маҳорат билан ижро этган².

Мазкур даврдаги маҳаллий матбуот саҳифаларининг аксарият қисмида татар театр труппаларининг фаолиятига ижобий тасниф берилган мақолалар мавжуд. Фикримизча, бунинг сабаби татар театр труппалари маҳаллий аҳолининг талаби ва ўша давр руҳиятига мос спектаклларни сахналаштириб, намоиш этганида эди.

1924 йил 18 ноябрида “Юсуф ва Зулайҳо” қиссаси Тошкентдаги “Халқ думаси” биносида Туркистонда сафарда юрган татар театр труппаси (труппа номи манбада келтирилмаган – *муаллифлар*) томонидан қўйилган. Зулайҳо ролини Гулсум Болгарская ижро қилиб, Тохир ролини эса Алиасқар Камол ўйнаган. Ролларни муваффақиятли ижро этганлиги учун татар-бошқирд ёрдам қўмитаси³ Гулсум Болгарскаяни олтин медальон ва Алиасқар Камолни кумуш портсигар билан тақдирлаган⁴.

Ўлкада театр санъати билан бир қаторда кино санъати ҳам вужудга кела бошлади. Ўзбек киноматографиясининг шаклланиши ва ривожланишида татар аёлларининг ўзига хос ҳиссалари бор. Масалан, Лолахон Сайфуллина асарлари асосида кўплаб фильмлар яратилган. Унинг “Қулаётган минора”, “Ҳикоялар” гўплами, “Олтин ҳарфлар”, “Ўзбек қизи”, “Қон ва сув” ва “Янги ҳаёт сари” ҳикоялари машҳур бўлган. “Ўзбекдавлаткино” трестининг “Шарқ юлдузи” номли кино-фабрикаси

¹ Башир З. Ҳинд қизи // “Туркистон”, 1923. 25 февраль.

² “Колизей” тиётрида Зулхабира // “Туркистон”, 1924. 12 ноябрь.

³ Мазкур қўмита Туркистонда истиқомат қилаётган татар ва бошқирд миллатлари вакилларига ижтимоий ва маданий ёрдам кўрсатиб келган – *муаллифлар*.

⁴ Эрмат. Юсуф ва Зулайҳо // “Туркистон”, 1924. 24 ноябрь.

чиқарган “Иккинчи хотин” фильмининг сценарийси ҳам Л. Сайфуллина томонидан ёзилган эди¹. 1921 йил 15 сентябрда Туркистон Халқ маорифи комиссарлиги қошидаги Театр бўлими томонидан татар аёли Якушевага берилган гувоҳномада, у фото-кино бўлимида лента ўровчи вазифасида хизмат қилиши қайд этилган².

Татар драматург аёллари таъсирида ўзбек хотин-қизлари орасидан ҳам Манзура Собирова³ (тахаллуси Ойдин) каби илқ ижодкорлар етишиб чиқди. Ойдин 1925 йили ўзининг “Янгилик йўли” номли дастлабки пьесасини эълон қилди. У нафақат ўзбек аёллари орасидан етишиб чиққан дастлабки драматург, балки ҳикоянависликка асос солган адибалардан бири ҳам эди⁴.

Қийинчиликларга қарамасдан, ўзбек аёллари ҳам кино санъатига кириб келганлар. Масалан, 1925 йили яратилган “Мусулмон аёл” фильмида бош ролни Ольга Трятикова, эпизодик ролни Рисолат Саидалиева ўйнаган. 1926 йили суратга олинган “Бахт” фильмида эса бош қаҳрамон Жамила ролини ўзбек актрисаси Турсуной Жаъфарова ижро этган⁵.

1924 йилда Москва шаҳрида ўзбек актёрлари учун махсус студия ташкил этилиб, унда қобилиятли, иқтидорли ўзбек ёшлари санъат асарларини ўрганишга киришдилар. Ёш актрисалар Сора Эшонтўраева, Замира Ҳидоятвалар биринчилардан бўлиб, ушбу студияда таълим олганлар⁶.

¹ Нишонбоева Қ. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини ҳал этишнинг маданий жиҳатлари (20–30 йиллар тажриба ва оқибатлар): тарих фан. номз. дисс... – Тошкент, 1998. – Б. 144.

² ЎзР МДА, Р.34-фонд, 1-рўйхат, 449^А-иш, 114-варақ.

³ У ҳақда тўла маълумот учун қаранг: Эрмат. Ўзбек хотун-қизлари билим юрти тарихидан // “Туркистон”, 1923. 14 октябрь.

⁴ Нишонбоева Қ. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини ҳал этишнинг маданий жиҳатлари (20–30 йиллар тажриба ва оқибатлар): тарих фан. номз. дисс. – Тошкент, 1998. – Б. 142–143.

⁵ Нишонбоева Қ. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини ҳал этишнинг маданий жиҳатлари (20–30 йиллар тажриба ва оқибатлар): тарих фан. номз. дисс. – Тошкент, 1998 – Б. 144.

⁶ Нишонбоева Қ. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини ҳал этишнинг маданий жиҳатлари (20–30 йиллар тажриба ва оқибатлар): тарих фан. номз. дисс. – Тошкент, 1998. – Б. 141.

Совет ҳокимияти маҳаллий аҳолида театр санъатига бўлган кизиқишдан ижтимоий тузумни мустаҳкамлаш учун фойдаланган. Ана шу мақсадда жойларда “Театрсеварлар жамияти” ташкил этиш ишлари жадал суръатлар билан бошлаб юборилган. Жумладан, 1925 йилда Урганчда “Театрсеварлар жамияти” ташкил этилиши натижасида клублар ва театр тўғарақларининг ишларига алоҳида эътибор берила бошлаган. Бундай клуб ва тўғарақлар аъзоларининг асосий қисми хотин-қизлардан иборат бўлган. 1925 йил 13 мартда хотин-қизлар ташаббуси билан берилган концерт ва томоша балидан 463 сўм жамғарилган. Шу йили Хива шаҳрида ҳукумат театридан ташқари марказий клуб, хотин-қизлар клуби ишлаб турган. Хотин-қизлар клубида татар аёллари Зухра Сафарова, Марям Ваисова, Рухина Тагирова, ўзбек қизлари Саодат Ёкубова, Онабиби Сафаевалар фаолият кўрсатган. Клубда спектакль ва концертлар ташкил этилиб, мазкур йилда унинг аъзолари сони 500 кишига етган. Шундан 302 нафари ўзбек, 180 нафари татар, 18 нафари рус хотин-қизлари эди¹.

Турк-татар билим юрти муаллими А. Алпаров маҳаллий миллат аёллари орасида маданий-маърифий ишларнинг олиб борилишида кўпроқ татар хотин-қизларининг иштирок этганликларини қайд этган. Ўтган давр мобайнида уларнинг ташаббуси билан маҳаллий аёллар билан бир неча йиғилишлар ўтказилиб, Тошкентнинг Эски шаҳрида бир қатор концертлар берилган. Татар хотин-қизлари тўғарақлар, театр ва бадий кечаларнинг уюштирилишида фаол иштирок этганлар².

1925 йили Маориф сиёсий бошқармаси (Главполитпросвет) қошида дастлабки Ўзбек драма театри ташкил топган. Унинг таркибида 2 нафар ўзбек аёли – Зарифа Амирова ва Гавҳар Ғаффоровалар бор эди³. Театр труппаларида татар аёлларининг

¹ Собиров О. Хоразм воҳаси театрлари. – Тошкент: Ғафур Фулом номидаги нашриёт. 1991. – Б. 81–82.

² Алпаров А. Среди девчат татинпроса. За пять лет. Сборник по вопросам работы Коммунистической партии среди женщин Средней Азии. – Москва, 1925. – С. 81–83.

³ ЎзР МДА, Р. 34-фонд, 1-рўйхат, 2602-иш, 221-варак.

иштироки натижасида ўзбек хотин-қизларининг ҳам мазкур соҳада фаолият кўрсатиши учун замин ҳозирланган. Маориф сиёсий бошқармаси 1925 йил 27 сентябрда Ўзбек драма театрини ривожлантириш мақсадида, маҳаллий солиқлар ҳамда Самарқанд шаҳридаги “Озодлик уйи”дан фойдаланиш учун тўлайдиган ижара пулидан озод этган¹.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш жоизки, Туркистон ўлкасига замонавий европача театр санъатининг кириб келиши ва кенг миқёсда тарқалишида татар актёрлари билан бир қаторда актрисаларининг ҳам маълум даражада ҳиссалари бор. Театр санъатининг ўлкага кенг тарқалишида татар актёрлари ва маҳаллий ҳаваскорлик труппалари билан ҳамкорликлар алоҳида аҳамият касб этган. Мазкур ҳолат маҳаллий ҳаваскорлик труппаларининг маълум даражада тажрибаларининг ошиши ва тараққий этишида асосий мезонлардан бири бўлган. Шу билан бирга, ўзбек хотин-қизлари орасидан театр санъатининг усталари бўлган Маъсума Қориева, Лутфихоним Саримсоқова, Сора Эшонтўраева, Турсуной Жаъфарова, Замира Ҳидоятова каби актрисаларнинг етишиб чиқишига туртки берди. Қолаверса, татар аёллари дастлабки ўзбек кино санъатининг вужудга келиши ва ривожланишига ҳам салмоқли ҳисса қўшганлар. Совет ҳокимияти халқнинг онги ва қалбини эгаллашда маданий-маърифий ишларни кучайтиришни энг асосий омил деб билгани ҳолда, театр ва адабий-бадиий кечаларни кўпроқ ўтказиш, хотин-қизлар клубларини ташкил этишга эътибор қаратган эди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ҳам татар актрисалари ўз фаолиятларини давом эттириб, халққа манзур бўлган спектаклларни сахнага олиб чиқдилар. Бу ҳолат ўлкада театр санъатининг мавжуд тузум тазйикларига қарамай, ўзига хос тарзда тараққий этишига олиб келди.

¹ ЎЗР МДА, Р.34-фонд, 1-рўйхат, 2602-иш, 272-варақ.

2.2. Вақтли матбуот, матбаа ишларининг йўлга қўйилиши

Туркистонда маҳаллий вақтли матбуот ва матбаа ишларини вужудга келишини, ҳақли равишда, татар маърифатпарварлари иштирокисиз тасаввур қилиш қийин. Агар ўлкада вақтли матбуотни чоп этиш тарихига назар солинса, бу 1869 йилга бориб тақалади. Хусусан, Туркистонда вақтли матбуотни чоп этиш масаласида 1869 йили Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман Россия ҳарбий вазири Д.А. Малютинга қилган мурожаатида, Тошкентда генерал-губернаторлик органи сифатида “Туркестанские ведомости” газетасини чоп этишга рухсат сўраб, Санкт-Петербурдан шу мақсадни амалга ошириш учун махсус полиграфия анжомлари, матбаачи-мутахассисларни жалб қилишга, газета нашри учун босмаҳона ташкил этишга рухсат сўрайди. Шу тариқа, Марказий Осиёда янги соҳа – полиграфия саноатига, нашр ишларига тамал тоши қўйилган эди. Аммо бу рус тилидаги вақтли матбуотни назарда тутиб, Туркистон ҳарбий округ штаби матбаасида асосан ҳарбий руслар ишлаганидан далолат беради. Орадан кўп ўтмай, ўлкада ерли аҳоли тилида ҳам вақтли матбуоти зарурлиги аён бўлиб қолади ва бу борада қуйидаги сатрлар кўзга ташланади: “...Жаноби олийлари, буйруғингизга биноан Туркистон ҳарбий округининг штаби босмаҳонасига татар тилида харф терувчи (дастлабки даврда маҳаллий халқ тилидаги турли босма маҳсулотни чоп этиш татарлар иштирокида ва ёрдамида бажарилганлиги учун кўпгина тарихий ҳужжатларда Марказий Осиё халқларига мансуб мутахассислар татарлар, туземлар, сартлар, осиеликлар деб юритилган) этиб хизматга олинган деҳқонлар бўлими Абдуманноф Бойназаров ва Муҳаммадшариф Муҳаммадраҳимовлар билан ўзингиз олдиндан танишиб чиққан ва кейинчалик киритган шартларингизни инобатга олиб тузилган икки шартнома эътиборингизга хурмат ила ҳавола қилинади”¹.

¹ Бобохонов А.Х. Асрдан ошган зиё масканлари. – Т.: “O‘zbekiston”, 2011. – Б. 52–53.

Демак, таъкидлаш жоизки, Туркистонда вақтли матбуот ва матбаа ишларининг шаклланиши бевосита Россия империяси истилосидан кейин юз берди. Россия ва унинг мустамлака ўлкаларида XIX аср охири ва XX аср бошларида ижтимоий-сиёсий аҳвол мураккаблаша бошлади. Шу муносабат билан Туркистонга подшо маъмуриятининг сиёсий муҳожирларни юбориши кучайди. Улар бошқа соҳалар қатори газета, китоб босишни ҳам тўла назорат остига олдилар. Рус инкилобчилари ўзларининг чақириқ ва варақаларини нафақат рус, балки ўзбек, туркман, козоқ ва бошқа тилларида ҳам тарқатар эдилар. Инкилобий руҳдаги мақолалар, шиорлар, чақириқлар яширин босмаҳоналарда чоп этилар эди. Инкилобчилар ўз мақсадларини амалга ошириш учун “Рабочий”, “Солдатский листок”, “Правда”, “Ташкентский рабочий”, “Наша газета” каби рус тилларидаги газеталар билан бир қаторда “Тараққий”, “Хуршид”, “Тужжор”, “Самарқанд”, “Улуғ Туркистон”, “Турк сўзи”, “Ал-Ислоҳ”, “Кенгаш” каби газеталарни ҳам чоп этган.

1870 йилдан бошлаб Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман буйруғига асосан “Туркестанские ведомости” газетасига илова тариқасида “Туркистон вилоятининг газети” ҳам чоп этила бошланди. Мазкур газетани нашр этиш учун К.П. фон Кауфман Петербургдан мусулмон (араб) шрифти¹ келтиришни илтимос қилди. Орадан 6–7 ой ўтгач, Тошкентга туяларда (бу вақтда ҳали темир йўллар қурилмаган эди – *муаллифлар*) мусулмон шрифтлари билан татар мутахассис ҳарф терувчилари – Шахингирей Бекқулов, Абдулатиф Явушев ва Али Бектемиров келганлар ва биринчи ўзбек тилидаги газетанинг нашр этилишига бош қўшганлар. Шу ўринда, биринчи ўзбек матбуотчилари қаторига Сирожиддин Хўжаев,

¹ XIX аср ва XX асрнинг 30 йилларига қадар араб имлосидаги ёзувга нисбатан: араб, мусулмон, шарқ, татар, турк, Осиё шрифти номлари қўлланган. Бу ерда араб графикаси асосида яратилган шрифт назарда тутилган. Мазкур шрифтлар татар усталари томонидан тайёрланган. Қаранг: Каримуллин А. Становление и развитие татарской советской книги (1917–1932). – Казань: Татарское книжное издательство, 1989. – С. 63.

Ҳамид Хўжаев ва Абдурахмон Хўжаевларни ҳам киритиш мумкин¹.

“Туркистон вилоятининг газети”ни ташкил этиш ва ривожлантиришда Туркистон генерал-губернатори таржимони Ш.Иброҳимов ва генерал-губернаторлик девонхонаси таржимони М.Чанишевлар жонбозлик кўрсатдилар. Мазкур газетага 1872 йилдан Ш.Иброҳимов, 1883 йилдан бошлаб қисқа муддат М.Чанишев муҳаррирлик қилдилар². Мазкур газета 1883 йил охиридан 1917 йилгача Н.П.Остроумов муҳаррирлигида босилган³. 1872 йил 18 январдаги маълумотга кўра, Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонаси ва “Туркистон вилоятининг газети” таҳририятида Абдулла Яушев ва Муҳаммад Курмишев ҳарф терувчи бўлиб ишлаганлар⁴.

Шу ўринда, татар маърифатпарвари бўлмиш, 1871–1883-йилларда Туркистон генерал-губернаторининг таржимони лавозимида фаолият олиб борган Шоҳимардон Иброҳимов тўғрисида алоҳида тўхтаб ўтиш мақсадга мувофиқ. У ўлкада чоп этилган дастлабки “Туркистон вилоятининг газети” муҳаррири бўлган. Мазкур газета дастлаб “Туркестанкие ведомости”га “Илова” тарикасида чоп этилган бўлса-да, 1871 йилдан у кичик ҳажмда ойига тўрт марта: икки марта ўзбек тилида ва икки марта қирғиз (қозок) тилида чиқа бошлаган. Охир-оқибатда, 1883 йил 30 январда Туркистон генерал-губернатори Черняевнинг 29-сонли буйруғига кўра, бу “Илова”лар “Туркистон вилоятининг газети”га айлантилди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, “Туркистон вилоятининг газети” ўзбек тилида чоп этилган материаллари чор Россияси манфаатларига хизмат қилган бўлса-да, аини пайтда мақола ва хабарлар рангбаранглиги: ўзбек санъати ва таракқиёти, археология, этногра-

¹ Эрназаров Т., Акбаров А. История печати Туркестана (1870–1925 гг.). – Т.: “Ўқитувчи”, 1976. – С. 18.

² Эрназаров Т., Акбаров А. История печати Туркестана (1870–1925 гг.). – Т.: “Ўқитувчи”, 1976. – С. 19.

³ Жалолов А., Ўзганбоев Х. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг таракқиётида вақтли матбуотнинг ўрни. – Т.: “Фан”, 1993. – Б. 18.

⁴ ЎзР МДА, И. 1-фонд, 20-рўйхат, 4280-иш, 13-варақ.

фия, нумизматикага оидлиги билан муҳим аҳамият касб этган. Бунда, албатта, 1870 йилдан чоп этила бошлаган “Туркистон вилоятининг газети” муҳаррири, татар миллатига мансуб бўлмиш Шоҳимардон Иброҳимовни ва кейинчалик яна татар миллатига мансуб, газета муҳаррири Муҳаммадхасан Чанишевларнинг ҳиссаси катта. Чунки улар ўзбек тилини яхши билганлиги ҳамда ўзбеклар тарихи, адабиёти, урф-одатлари, маданиятидан яхши бохабар бўлганликлари, маҳаллий халқ дини, рухиятини яхши англаганликлари, газета материаллари ранг-баранглигида муҳим аҳамият касб этган. Газета саҳифаларида нафақат Туркистон ҳаётига оид, балки Европа фан-техника ютуқлари, адабиёти ва санъати ва шунингдек, юнон олимлари ҳамда файласуфларининг таржимаи ҳоллари, ижодий фаолиятлари, уларнинг ҳаёти билан боғлиқ қизиқарли, таҳсинга сазовор одамлар ҳақида ҳам маълумотлар бериб борилган¹.

“Туркистон вилоятининг газети”нинг бир саҳифаси 1885–1901 йилларида рус тилида чоп этила бошланди. Бундан мақсад шу эдики, у ўз ўқувчиларини Россиянинг бошқа минтақалари: хусусан, Қозонда, Бокчасаройда, Москвада, Омскда, Петербургда ва бошқа шаҳарларда ҳам топган. Газета саҳифаларида нафақат маҳаллий маъмурият кўрсатмалари, балки ўлка тарихи, маданияти, этнографияси, географияси тўғрисидаги маълумотлар, Фуркат, Сатторхон Абдуғаффоров, Исҳоқхон Ибрат, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мулла Олим Абдулқосимов, Ибн Яминбек Худоёрхонов (Кўқон хони Худоёрхон ўғли) ва бошқалар иштироки муҳим аҳамият касб этган².

Шу ўринда қайд этиш лозимки, Ш. Иброҳимов Туркистонда фаолият юритган татарлар ичида нафақат биринчи ўзбек тилида чоп этилган газета муҳаррири, балки илк ўзбек таквими – календарининг тузувчиси ҳам ҳисобланади. Мазкур миҳ босма китоб – таквими тўғрисида “Туркестанские ведомости” газета-

¹ Каримуллин А. Татарская книга пореформенной России. – Казань: Татарское книжное издательство, 1983. – С. 229; Туркистон матбуоти тарихи (1870–1917). – Т.: “Академия”, 2000. – Б. 35–36.

² Шодмонова С. “Туркистон вилоятининг газети” и её авторы / IV Востоковедческие чтения памяти Н.П. Остроумова. – Т., 2014. – С. 83.

сининг 1870 йил 10 май сониди “... маҳаллий халқ учун 500 нусхада нашр этилган биринчи ўзбек мих босма китоб – таквими икки кунда сотилиб бўлганлиги”ни хабар қилади. Айтиш мумкинки, чоп этилган 500 нусха таквим аҳоли эҳтиёжини қондирмади ва шу сабабдан 1871 йили янада қайтадан чоп этилган. 1871 йилда қайта чоп этилган ўзбек тилидаги китоб – таквим 187 бетдан иборат бўлиб, рус китобига нисбатан анчагина мукаммал, замон талабига мос эди¹.

Мазкур таквим Россия империяси ва Туркистон генерал-губернаторлигига оид қимматли манба-маълумотлар мажмуаси ўз аксини топганлиги билан муҳим аҳамиятга эга эди. Ш. Иброҳимов яна Туркистонда элшунос олим, 1880–1881 йилларда эса Россиянинг Бухородаги элчиси вазифасида ҳам фаолият юритган. У тутган ўрни ва мавқеига кўра Россия империяси вакили бўлса-да, ич-ичидан маданиятли, кенг қамровли салоҳият эгаси, нафақат татар, ўзбек ва рус тилларида ҳам яхши гапира олиши, ўлка аҳолиси истак-умидларига хайрихоҳлик асосида қараши билан ажралиб турган. Аммо унинг юқорида қайд этилган фазилатлари чоризм амалдорларига ёқмаган, билъакс, уни у ёки бу лавозимларга тавсия этилганда қаршилик қиладиганлар ҳам етарли эди. Масалан, ўз қарашларига кўра, ўта миллатчи бўлган Н.И. Ильминский Шохимардон Иброҳимовни ўлкадаги маориф соҳасида масъул лавозимга ўтказиш ҳақида Туркистон генерал-губернатори фикрига қарши чиқиб, Муқаддас Синод оберпрокурори бўлмиш К.Н. Победносцевга ёзган хатида: “Бизга русча гапирганда тутилиб-тутилиб, қизарадиган, русча хатни чаласаводларча ёзадиган, фақат губернатордангина эмас, балки ҳар қандай амалдорлардан хайиқиб, кўл қовуштириб турадиган номзодлар маъқул” (таъкид бизники – *муаллифлар*), – дейди ва уни юқори лавозимга кўтариш хавfli деб ҳисоблайди. Айни пайтда Н.И. Ильминский Шохимардон Иброҳимовга хос фазилатлар тўғрисида ҳам рўйи-рост қуйидагича баён этади: “Баланд бўйли, келиш-

¹ Бобохонов А.Х. Асрдан ошган зиё масканлари. – Т.: “O‘zbekiston”, 2011. – Б. 53.

ган, хушмуомала, маърифатли ва жуда ажойиб одам... бийрон гапиради... Туркистон бошқармаси марказида узоқ вақт хизмат қилган. Ақлли ва кузатувчан киши сифатида мусулмон мамлакатлари, халқлари ва ҳукуматларини авра-астаригача яхши билади; ер юзидаги барча мусулмон дунёси феъли атвори унга беш бармоқдек аён; у Россия ва Ўрта Осиёдаги кўпгина кишилар билан шахсан таниш; ... русчани сувдек билади, гапиради, ёзади, илғор фикрларга, керагида либерал ғояларга молик: ўзини тутиши, муомаласи билан киборларга ўхшайди; дадил ва ширинсухан. Ўз кадрини тушунган. “Аmmo, айнан юкоридаги яшириб бўлмайдиган эътирофлар, Шоҳимардон Иброҳимовга хос фазилатлар Н.И. Ильминскийнинг ғашига тегадиган омиллар сифатида кўзга ташланиб, шу сабабдан унинг номзодига қарши чиқишига туртки берган. Н.И. Ильминскийни фикрича, Ш. Иброҳимов “олий мартабали амалдорларни ва бошқа жанобларни ўзига мафтун этиши турган гап. Тевкелев [Оренбург муфтийси] унинг олдида бўм-бўш бир қоп”¹.

Аmmo, Ш. Иброҳимовни “Туркистон вилояти газети”даги муҳаррирлик фаолияти маҳаллий маърифатпарварлар томонидан ҳам бир хил қабул қилинмаган. Хусусан, Абдулла Авлоний ушбу газета ҳақида, “... дастлабки чиқишида Иброҳимов деган бу тоторнинг, ундан кейин Новиков, Остроумов, Ибн Яминбеклар муҳаррирлиги остида чиқиб келди. Бу газета... ерлик халқни разолат, сафолатга бошлагон тарихий бир қора гуруҳ газетаси эди”, – деган бўлса, Зиё Саид томонидан “муҳаррир Шоҳимардон Иброҳимов ... ерли халқнинг ҳолати руҳияси билан яқиндан таниш бир одам бўлгонликдан “Алф Лайло” (“Минг бир кеча”) ҳикоясини газетанинг тутган маслағига мувофиқроқ тарзда олиб бериб турди”, – дейди. “Туркистон вилоятининг газети”га Чўлпон томонидан берилган баҳода “Туркистонни руслар истило ва гасб этганларидан бир неча йил сўнг чиққан бу газетанинг у вақтдаги муҳаррири тотор чиновниги, рус генераллари ила бирликда Туркистонни

¹ Қаранг: Туркистон матбуоти тарихи (1870–1917) – Т.: “Академия”, 2000. – Б. 36–37.

фатҳ этишга келган тотор фотиҳларидан Иброҳимўф эди. Ғоят бузуқ ва англашилмас бир лисон ила ёзилган бу газета бир неча сана сўнгра Иброҳимўфдан машҳур миссионер Николай ўгли Остраумўфга қолди”, – дейилади¹. Ш.Иброҳимов шахсига, у муҳаррирлик қилган газетага муносабатларнинг хилма-хиллиги давр ҳамда қарашлардан келиб чиқиб, танқидий ёндашувга тўхталганда ҳам... Туркистонда ерли халқлар тилида матбуотни дунё юзини кўриши муҳим аҳамият қасб этганлигини таъкидлаш лозим. Зеро, тарихга назар ташласак, Туркистон жаҳон тараққиётининг маданий меросида ўзининг салмоқли ўрнига эга ҳудуд ҳисобланади. Юртимиздан чиққан буюк олим ва фузалолар, шоир ва ёзувчилар дунё миқёсида ўчмас из қолдиришга эришганлар. Тарих бунга тасдиқлайди. Аммо Туркистон маданий ҳаётидаги барча ютуқлар бардавом бўлмай, катта ютуқлар билан бирга тушқунлик даврлари, дунё ҳамжамиятидан узилиб қолиш ҳолатлари ҳам кўзга ташланади. Бундай “маданий тараққиёт”даги узилишлар, охир-оқибатда, Туркистонни жаҳон ҳамжамиятидан нафақат иқтисодий, сиёсий, ҳарбий жиҳатдан, балки маданий жиҳатдан ҳам қолоқ бир ҳудудга айлантирди. Ўз навбатида, Туркистонни Россия империяси томонидан босиб олиниши натижасида маданий-маърифий йўналишлар салтанат манфаатларига хизмат қиладиган бўлди. Хусусан, юкорида қайд этилганидек, Россия империясининг ҳарбий-истилочилик, иқтисодий, сиёсий манфаатларини тарғиб қиладиган, керак жойда салтанат манфаатларига хизмат қиладиган дастлабки ўзбек тилидаги матбуот “Туркистон вилояти газети” номида 1870 йилдан чоп этила бошланди.

Яна ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, чор Россияси ва ҳатто совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистон, Бухоро, Хивадаги даврий матбуот, босмаҳона ташкилотчиларининг аксарияти татар маърифатпарварлари эди. Татарлар ўлка маданий ҳаётида, хусусан, матбуот нашрларини, босмаҳоналарни ташкил этишда муҳим роль ўйнаганлар. Агар

¹ Туркистон матбуоти тарихи (1870–1917). – Т.: “Академия”, 2000. – Б. 38–39.

бу борада тарихий далилларга мурожаат қиладиган бўлсак, 1905–1906 йилларда Қозон бадий мактабида ўқиган Исмоил Обидовнинг фаолиятига тўхталиш мумкин. У 1906 йили Тошкентда “Тараққий” газетасини ташкил қилган. Мазкур газета 1906 йил 27 июндан 1906 йил 20 августига қадар чоп этилган. Газета тўғрисида: “Тараққий” – тараққийпарвар бир газета бўлиб, муҳаррири ички Русия тоторларидан Исмоил Обидий Йўлдош эди”, – дейилади. Абдулла Авлоний “Тараққий” газетасига нисбатан: “... газета тез фурсатда шундай шуҳрат қозондики, ҳатто газета муҳаррири бўлган Исмоил Обидийга Тараққий исми берилди. Ҳозиргача халқ Исмоил Обидийнинг исмини Тараққий деб юритадур... Бу газета ўша замон газеталари ичида энг сўли бўлиб, ҳукумат ва унинг маъмурларига қарши ҳужум очди... Истибдод ҳукуматининг фавқулодда сақлаш (Чрезвычайный орган) қўли билан бу газета ўлдирилди. Халқ озиксиз қолиб, узоқ вақт жимжитлик ҳукм сурди”, – дейди¹.

“Тараққий” газетаси ўзининг дастлабки сонидан бошлаб Россияда содир бўлаётган йирик воқеаларга асосий мавзу сифатида қараб, уларни кенг меҳнаткаш халқ нуқтаи назаридан ёритишга ҳаракат қилди. “Тараққий” саҳифаларида подшо маъмуриятнинг Туркистонда юритаётган мустамлакачилик ва зўравонлик сиёсати, ижтимоий ҳақсизликларни очиқ ташлашга қаратилган мақолалар эълон қилинган. Жумладан, унинг 1906 йил 30 июль сонидаги “Дунё йиғувчилари ва меҳнат қилувчилари хусусида” номли мақолада меҳнаткаш аҳолининг хор-зорликда, юқори табақа вакилларининг эса роҳат-фароҳатда яшаётганликлари аччиқ сатрларда исботлаб берилган².

“Тараққий” газетаси ҳафтасига икки марта чоп этилиб, унинг саҳифаларида шарқшунос В.Наливкин, ёзувчи ва таржимонлар И.Алиев, Ш.Мухторов, ўзбек маърифатпарварлари

¹ Туркистон матбуоти тарихи (1870–1917). – Т.: “Академия”, 2000. – Б. 69–70.

² Жалолов А., Ўзганбоев Х. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг ўрни. – Т.: “Фан”, 1993 – Б. 64.

М. Бехбудий, М. Абдурашидхонов, Нозимахоним ва бошқалар ўзларининг ўша давр ижтимоий-сиёсий воқеаларига бағишланган мақолалари ҳамда илмий ижод намуналари билан қатнашиб турдилар¹.

Маърифатпарварлик ва озодлик ғояларини ўзига байроқ қилиб олган “Тараққий” газетасига сунъий равишда маҳаллий уламолар томонидан бўхтон ва тухматлар уюштирилган. Тез орада маъмурият томонидан таъкиб остига олинган ушбу матбуот нашри мусодара этилган. Мухаррири И. Обидов эса камоққа олинган². “Тараққий” газетаси атиги 72 кун умр кўрган бўлса-да³, унинг атиги 20 та сони нашр этилди ва Туркистонда миллий матбуотнинг юзага келишида муҳим аҳамият касб этди. Ўрни келганда яна шуни таъкидлаш лозимки, XX аср бошларида чоп этилган газеталарда кўплаб татар маърифатпарварлари фаолият юритгани боис бўлса керак, матбуот саҳифаларидаги “тили ҳам бошқа ерли газеталар каби татарча, туркча, арабча сўзлари аралашмасидан иборат бўлиб, бу сўзлар ўзбек тилига мослаштирилган шаклда қўлланилган”⁴.

“Тараққий” газетаси ўз саҳифаларида аҳолининг турмуш тарзи, янги усул мактаблари, диний удумлар топталаётгани тўғрисида жасорат билан ёритар, бу эса чоризмнинг нафрати – норозилигига сабаб бўларди. Шу сабабдан бўлса керак, газетанинг атиги 20 та сони чиқиб, шу қисқа муддат оралиғида ҳукуматга қарши материаллар босгани учун 4 марта жавобгарликка тортилган⁵.

Орадан кўп ўтмай, шу 1906 йилнинг 6 сентябридан Мунавварқорининг “Хуршид”, 1907 йил 1 декабрдан А. Авлонийнинг “Шухрат” газеталари чиқа бошлади.

¹ Турдиев Ш. Среднеазиатские татары: роль и значение в культурной и политической жизни Туркестана первой четверти XX в. / Ислам в татарском мире: история и современность. – Казань, 1997. – С. 173.

² Жалолов А., Ўзганбоев Х. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг ўрни. – Т.: “Фан”, 1993. – Б. 62.

³ Расулов А., Исоқбоев А. Зиё тарқатиш йўлида / Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари. – Наманган, 2002. – Б. 80.

⁴ Туркистон матбуоти тарихи (1870–1917). – Т.: “Академия”, 2000. – Б. 71.

⁵ Туркистон матбуоти тарихи (1870–1917). – Т.: “Академия”, 2000. – Б. 71.

“Тараққий” газетаси ёпиб қўйилгандан сўнг орадан икки йил ўтиб, 1908 йил апрелдан яна бир татар маърифатпарвари А. Бектемиров муҳаррирлигида “Осиё” газетаси нашр этила бошланди. Таниқли ўзбек маърифатпарвари А. Авлоний ҳам мазкур газета ташкил этилишида жонбозлик кўрсатган¹. Газетанинг бешта сони чиққандан сўнг подшо маъмурлари томонидан ёпилди. Газета саҳифаларида А. Ибрагимовнинг туркчилик ва исломчилик масалаларига бағишланган, бошқа жаҳид зиёлиларининг Туркистонда маориф тизимини ислоҳ этиш бўйича мақолалари босилган эди².

И. Обидов ва А. Бектемиров газеталари ҳукуматга қарши руҳда деган айблов асосида ёпилган бўлишига қарамай, туркистонлик татарлар маҳаллий газеталар билан ҳамкорликни давом эттираверганлар. Абдурауф Музаффар, Нўширавон Яушев, Абдулла Беги, Маҳмуд Будаили ва бошқалар Туркистондаги бошқа миллий газеталарда ўз мақолалари билан фаол иштирок этганлар³. Татар таржимони Нурмуҳаммад Гарифиулович Усмонов “Садои Фарғона” газетаси таҳририятида фаолият кўрсатди⁴. Машҳур татар сиёсат арбоби И. Шоаҳмедов (Шагиаҳмедов) “Туркестанский край” газетасининг муҳаррири сифатида фаолият кўрсатган⁵.

“Шўрои Исломия” газетаси 1917 йил 16 майдан Туркистон Марказий “Шўрои Исломия” жамияти томонидан чиқарилган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий газета бўлиб, унинг муҳаррири татар А. Баттол эди. Мазкур газета олдида турган мақсадлар қаторида ўлка мусулмонлари сиёсий савиясини кўтариш, аҳоли

¹ Авлоний А. Танланган асарлар. 1-жилд. – Т.: “Маънавият”, 1998. – Б. 9.

² Турдиев Ш. Среднеазиатские татары: роль и значение в культурной и политической жизни Туркестана первой четверти XX в. / Ислам в татарском мире: история и современность. – Казань, 1997. – С. 174.

³ Турдиев Ш. Среднеазиатские татары: роль и значение в культурной и политической жизни Туркестана первой четверти XX в. // Ислам в татарском мире: история и современность. – Казань, 1997. – С. 174.

⁴ ЎЗР МДА, И. 461-фонд, 1-рўйхат, 1315-иш, 346-варақ.

⁵ Исхаков С.М. Русская революция 1917 года и тюрки Центральной Азии/
<http://www.tuad.nsk.ru/~history/Author/Russ/I/Ishakov.S.M/revolution.html>.

ўртасида ижтимоий-сиёсий масалаларга тушунчалар бериб бориш, ички Россиядаги турк-муслмонлар ҳаёти, турмуш тарзи билан ҳамда ўзаро муносабатлар тўғрисида маълумот бериб бориш, муслмон дунёсидаги мактаб ва мадрасаларнинг ислоҳ қилиш йўлларини кўрсатиш каби масалаларини илгари сурди. Ушбу газетада Исмоил Обидий, Нушервон Ёвушев, Мунаввар Қори Абдурашидов, Шокиржон Раҳимий, Бурҳон Ҳабиб ва бошқа зиёлиларнинг мақола ҳамда шеърлари мунтазам равишда босилиб турган¹.

“Эл байроғи” газетаси Қўқон шаҳрида Пўлат Солиев² муҳаррирлиги остида 1917 йил сентябрь ойидан нашр этила бошланди. Газета “Ғайрат” ширкатида Туркистон Муваққат ҳукумати босмаҳонасида нашр қилинган. Мазкур газета аввалига Қўқон миллий зиёлиларининг тарғибот органи бўлса-да, кейинчалик Туркистон Мухторият ҳукуматининг нашри бўлиб қолди. Ушбу газета билан Ашурали Зоҳирий, Нушервон Ёвушев, Тешабой, Исмоил Обидий, Ҳожи Ҳофиз Нурмухамедов,

¹ Қаранг: Мингнарлов А. Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг миллий матбуотда ёритилиши (1917–1918 йиллар). – Т.: “Истиқлол нури”, 2013. – Б. 23.

² Пўлат (Бекпўлат) Мажидович Солиев (1882–1937) Астраҳанда татар оиласида таваллуд топган. Унинг отаси Бухородан бўлган. Қозондаги Мадрасаи Муҳаммадия ва Уфадаги Мадрасаи Ғолияни тугатади. 1909 йилда Туркистонга келади ва Тошкент, Қўқон мактабларида тарих, арифметика, она тилидан дарс беради. Тошкент вилояти, Оққўрғон туманида биринчи бўлиб янги усул мактабини очади. Жиззах ва Мирзачўлда ҳам мактаб очади. 1913 йилда Тошкентда биринчи рус-татар мактабини очади. 1917 йил Туркистон Мухториятини ташкил этишда фаол иштирок этади. 1918 йилда Скобелев шаҳрида қишлоқ мактаблари учун ўқитувчилар тайёрлаш курсини ташкил этади. 1919 йил 2-ярмидан Тошкентда биринчи турк-татар маориф курсларини ташкил этиб, директор сифатида иш олиб боради. 1922 йилдан “Инқилоб” журнали муҳаррири ўринбосари, “Тонг” журналы муҳаррири. 1927 йилда доцент, 1930 йилда профессор илмий унвонига сазовор бўлди. 1927 йилдан Самарқанд олий педагогика институтида “Шарқ тарихи” кафедраси мудири. 1935 йилдан Ўзбекистон Давлат университети “Ўрта Осиё тарихи” кафедраси мудири. П.Солиев илмий фаолиятидаги муҳим тўмонларидан бири илк бор умумлашган “Ўзбекистон тарихи”ни яратди. 1937 йили совет ҳокимияти томонидан миллатчиликда айбланиб қамоққа олинди ва отиб ташланди. Қаранг: Темиров Ф. Пўлат Солиев. – Т.: “ABU MATBUOT-KONSALT”, 2011. – Б. 6–ii.

Рауф Ёкубов, Шокиржон Раҳимий, Юнусхон Оғалиқов ва бошқалар алоқа ўрнатиб, мақолалар чоп этишган¹.

“Улуғ Туркистон” газетаси Тошкент татарларининг нашри бўлиб, 1917 йил 25 апрель кунидан бошлаб, Тошкент шаҳрида чоп этила бошлаган. Мазкур газетанинг 8-сонига қадар Содиқ Абдусатторов муҳаррирлик қилган бўлса, 9-сонидан 115-сонига қадар Кабир Бакиров муҳаррирлик қилган. Муҳаррирликка дастлаб Татаристондан А.Баттол чақирилган. Ундан жавоб бўлмагандан кейин, “Иттифоқ” ҳукуматига вакил бўлиб келган Кабир Бакиров муҳаррирлик қилган. Газета 41-сонигача “Туркестанские ведомости” матбаасида, 42-сонидан кейин эса “Умид” матбаасида чоп қилинган. 137-сонидан бошлаб ҳар бир сонининг охириги саҳифаси русча берилган².

Келтирилган тарихий маълумотлар таҳлили шундан далолат берадики, татар маърифатпарварлари томонидан Туркистонда йўлга қўйилган вақтли матбуот саҳифаларида ўлкадаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, маданий-маърифий ҳаёт ёритиб берилган. Таъкидлаш жоизки, ўлкада миллий матбуотни йўлга қўйишда турк-мусулмон халқлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар муҳим аҳамият касб этгани аниқ. Бу борада турк-мусулмон оламидаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, хусусан, миллий зиёлилар, тараққийпарварларнинг саъй-ҳаракатлари, Россия ички мусулмонларининг маънавий отаси деб эътироф этилган Исмоил Гаспиралининг жадидчилик ғояларини Туркистонга ёйилиши катта аҳамият касб этди. Жадидчилик ғоялари маълум бир қаршилиқларга, чекловларга қарамай, Россия империясининг турк-мусулмон халқлари ғуж бўлиб истиқомат қиладиган минтақаларга дастлаб матбуот орқали ёйила бошлаган. Хусусан, “Таржимон” (Боқчасарой), “Вақт”

¹ Қаранг: Мингнарлов А. Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг миллий матбуотда ёритилиши (1917–1918 йиллар). – Т.: “Истиқлол нури”, 2013. – Б. 24.

² Қаранг: Мингнарлов А. Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг миллий матбуотда ёритилиши (1917–1918 йиллар). – Т.: “Истиқлол нури”, 2013. – Б. 24. Мазкур газета тўғрисида кенгроқ маълумот кейинги саҳифаларда берилган.

(Уфа), “Юлдуз” (Қозон), “Мулла Насриддин” (Тифлис), “Сиротил мустақим” (Туркия), “Сирож ул-ахбор” (Афғонистон), “Ҳабул ватан” (Ҳиндистон) каби матбуот органлари бу фикрга асос бўла олади. Туркий халқлар бирлигига йўналтирилган газеталардан бири “Кенгаш” бўлиб, бу 1917 йил 25 июндан нашр этила бошлаган. Мазкур газета Туркистон мусулмон Марказий шўросининг нашри ҳисобланиб, унга аввалига Аҳмад Заки Валиди Тўғон (1890–1970) муҳаррирлик (8-сонига қадар) қилган бўлса, кейинчалик газетага Мунавварқори Абдурашидхонов муҳаррирлик қилган. Ушбу газета кўпроқ эътиборни Таъсис мажлисига қаратиш, жойларда тузилган ва тузилаётган миллий жамият ҳамда тўғарақларни бир марказ атрофида бирлаштиришга қаратди ҳамда Туркистон мусулмонларини бир мақсад сари ҳаракат қилишга чорлади. Газета “Бирликда қувват кўпдир” шиорига амал қилди¹.

Татар ва ўзбек маърифатпарварларининг ўзаро ҳамкорлиги натижасида 1917 йил июль ойидан “Чаён” журнали чоп этилиб, мазкур журнал “Ғуломия” матбаасидаги тошбосмада босилган. Журналнинг 12 сони 1917 йили чоп этилган бўлса, 1918 йилда журналнинг 18 та сони чиқиб, уни Туркистон Халқ комиссарлигининг миллий ишлар секцияси томонидан тўхтатилган. Журналга Халиф Тўлаков ва Иброҳим Тохирийлар муҳаррирлик қилган².

Туркистонда чоп этилаётган газета-журналларда татарлар нафақат муҳаррир, ташкилотчи, ҳарф терувчи сифатида, балки матбуот саҳифаларини даврнинг долзарб мақолалари билан тўлдирувчи-журналисти, публицисти бўлиб ҳам хизмат қилдилар. Масалан, ўз пайтида татарларнинг китоб-матбаа тарихи бўйича йирик тадқиқотчиси А. Каримуллин татар Шоҳимардон Бекқуловни “биринчи ўзбек ҳарф терувчиси деб эътироф этган” ва унинг Ўрта Осиёда китоб нашр этиш соҳасидаги

¹ Қаранг: Мингнарлов А. Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг миллий матбуотда ёритилиши (1917–1918 йиллар). – Т.: “Истиклол нури”, 2013. – Б. 22.

² Қаранг: Мингнарлов А. Туркистондаги ижтимоий-сиёсий миллий матбуотда ёритилиши (1917–1918 йиллар). – Т.: “Истиклол нури”, 2013. – Б. 25.

хизматини И. Гуттенбергнинг жаҳонда китоб чоп қилишда тутган ўрнига тенглаштирган¹.

Туркистон маданий ҳаётида ўчмас из қолдирганлар қаторида татар миллатига мансуб бўлган Рауф Музаффаров (Рауф Музаффарзода)ни ҳам қайд этиш мумкин. У 1889 йилда Россиянинг Симбирск губерниясидаги Сенчилевск уезди Старо-Тимашкина қишлоғида туғилган бўлиб, тақдир тақозосига кўра, 1914 йилнинг бошларида Туркистонга келиб, ўлкадан паноҳ топган. У Туркистонда “Садои Туркистон” газетасида ишлай бошлади. У ёш бўлишига қарамай, мазкур газета таҳририяти котиби вазифасини бажариш билан бирга, газета саҳифаларида журналист сифатида ҳам қатнаша бошлаган. Таъкидлаш жоизки, Рауф Музаффаров (Музаффарзода)ни “Садои Туркистон”да журналист сифатида 40 дан ортиқ мақолалари чоп этилган. Мазкур мақолалар таҳлили шуни кўрсатадики, Рауф Музаффаров (Музаффарзода) журналист сифатида газета саҳифаларида долзарб муаммоларни ўртага қўяр, ўткир зехни, салоҳияти, эътиқоди кучлилиги билан ажралиб турган. У ўз мақолаларида Туркистон халқи маданиятини ривожлантириш, аҳоли маърифатини юксалтириш, юрт тақдирига бефарқ бўлмаслик, ёшлар истиқболига, муаммоларига эътибор қаратган. “Садои Туркистон” газетасининг деярли ҳар бир сониди “Рауф Музаффарзода”, “А. Музаффаров” имзолари остида мақолалари чоп этилган. У ўз мақолаларида Туркистон халқини таназзулдан чиқариш, дунёнинг илғор халқлари қаторида кўриш, жаҳондаги етакчи маданиятга эга давлатлар қаторидан ўрин олиш, ўзининг миллий маданиятини дунё оммасига яқиндан танитиш ғояларини илгари сурган. Рауф Музаффарзодага кўра, Туркистон халқининг миллийлигини сақлаган ҳолда, турмуш тарзини замонавийлаштиришни маданиятлилигининг бир белгиси деб ҳисоблаган. Хусусан, “Миллат нима кутар?”, “Миллий ҳаёт ва Туркистон мусулмонлари”, “Маданият ва биз”, “Маданий жараён ва миллий тарихимиз”, “Дин, миллат, миллият ила қо-

¹ Мирзараҳимов Аббос. Тошбосма тарихи: чалкашликми ёки хато? // “Тафаккур”, №2, 2007.

йимдир”, “Тил ва имло масаласи” каби сарлавҳалар остидаги мақолалари бунга мисол бўла олади. Унинг қарашлари, фикр-мулоҳазаларидаги асосий ғоя Туркистон мусулмон маданиятининг тараққиёт йўллари, бу борада мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш лозимлигига қаратилиб, бу борада ўлка маърифатпарварлари бўлмиш Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхонов қарашлари билан ҳамоҳанг бўлган ҳолда, унинг фикр-мулоҳазалари аксарият ҳолларда Европа мушоҳадасига мойил бўлиб, тараққиёт бобида Туркистон халқи ҳам ривожланган мамлакатлар сафидан ўрин олишини хоҳларди. У туркистонликларга қарата: “Қани бизда илм, қани руҳоният, маданият қани? Биз буларнинг исмларинигина бўлса ҳам яхшилаб билмаймиз ва тушунмаймиз. Ҳатто, тушунмакни хоҳламаймиз. Демак, биз бу тариқа маҳзи илм, маҳзи маданиятдан иборат исломиятни бир тарафга қолдируб, дин ва инсоният душмани бўлган жоҳил, ғафлат ва маданиятсизликни қабул қиламиз”, – деб ёзади¹.

Рауф Музаффаров (Музаффарзода) ўзининг “Маданият нардбони” номли мақоласида маданиятнинг тадрижий ва ўзига хос ривожига эга эканлигига таъриф бериб: “Дунёда ҳеч бир миллат бутун йигирманчи аср маданиятидан биргина мартаба кўли ила ҳовучлаб олмаган, ҳар бири тадрижий тараққий эткан. Миллатларнинг тараққий ва тамаддун даврлари ўнлабгина эмас, юзлаб ҳисобланадурлар”, – деган бўлса, Туркистонда матбуотни ривожлантириш зарурлигига, газета ва журналларга истеъдодли соҳа мутахассисларини жалб этиш орқали ривожлантиришга, кучли калам соҳибларини кўпайтиришга қаратилган “Миллий ҳаёт ва Туркистон мусулмонлари” мақоласида ёшларни ўрни катта бўлиши зарур бўлган ҳолда, аммо уларнинг ижтимоий-маданий жараёнларга бефарқчилигига қарата қуюниб: “Ҳозирча Туркистон ёшлари шул қадар фикрсиз ва руҳсиздирларки, буларнинг орзулари ҳам боболарининг орзу-

¹ Мустафаева Н. Рауф Музаффарзоданинг “Садои Туркистон” саҳифаларидаги маданий тараққиётга оид мақолалари / Миллий матбуотимизнинг икки дурдонаси. – Тошкент: “Mumtoz so‘z”, 2015. – Б. 58–59.

лари ила баробардур. Миллатни тил, миллий адабиёт ва матбуот ҳаваскорлари ёшлардан бир оз бўлса ҳам йўқ масобасида оздир. Буларни ҳақинча тақдир этувчилар ҳар юз мингтадан биргина киши бўлса ҳам, Туркистон мусулмонларининг ҳоллари бир оз умидли бўлур эди”, – дейди¹.

Туркистонда фаолият олиб бораётган татарлар усули жадид, матбуот, босмаҳона, нашриёт ишларида фаолият юритар эканлар, ўлкадаги маданий-маърифий аҳволдан бевосита хабардор эдилар. Масалан, Рауф Музаффаров (Музаффарзода)га кўра, Туркистондаги “миллатнинг маданиятлилик даражасига эришишнинг муҳим зинапоялари... илм-маориф, матбуот, театр, жамиятлар, нашриёт ширкатлари ва энг асосийси тарихга мурожаат масаласи” дейиш билан бирга, тарих фанининг ўрни инсоннинг камол топишида ва жамиятнинг бошқарувида бекиёслигини таъкидлаб, “маданият тарихини у миллат ва жамият тарихи билан боғлиқликда кўради”².

Туркистонда вақтли матбуот, матбаа соҳасида из қолдирган татар маърифатпарварларидан бири татар Ҳусаин Мақаев эди. У Фарғона маданий ҳаётида педагог, ношир, матбуотчи бўлганлар қаторида алоҳида ўрин тутади. У ўз пайтида Қозондаги педагогик мактабни тугатиб, янги усулдаги мактабда ўқитувчилик билан шуғуллана бошлайди. Аммо шароит тақозоси билан 1903 йили Туркистонга келишга мажбур бўлади. У Скобелев (Фарғона) шаҳрида педагогик фаолиятини давом эттириб, мактаб ташкил этади. Мактабдаги янги тартиб, илғор тажриба, жадидчилик ғояларини сингдириш ҳокимият “талабларига” жавоб бермайди. Охир-оқибатда, бу мактаб ҳокимият томонидан беркитилади. Шундан сўнг, Ҳ. Мақаев Наманганга келишга мажбур бўлади ва бу ерда ҳам жадид мактаби очиб, ўзбек ва татар болаларини ўқита бошлайди. У педагогик фаолиятни олиб

¹ Мустафаева Н.Рауф Музаффарзоданинг “Садои Туркистон” саҳифаларидаги маданий тараққиётга оид мақолалари / Миллий матбуотимизнинг икки дурдонаси. – Тошкент: “Mumtoz so‘z”, 2015. – Б. 60–61.

² Мустафаева Н.Рауф Музаффарзоданинг “Садои Туркистон” саҳифаларидаги маданий тараққиётга оид мақолалари / Миллий матбуотимизнинг икки дурдонаси. – Тошкент: “Mumtoz so‘z”, 2015. – Б. 61.

бориш жараёнида Исҳоқхон Ибрат билан танишди. Наманганнинг Тўрақўрғонида “Усули жадид” мактабини ташкил қилган Исҳоқхон Ибрат таълим-тарбия учун татар маърифатпарварларидан бўлмиш Хусаин Макаевга унинг миллатдоши, маърифатпарвар Абдулрауф Шахидий (Абдулрауф Шагидуллинов, Шагидуллин)ни таклиф қилади¹. Татар маърифатпарварлари иштирокида фаолият юрита бошлаган Исҳоқхон Ибрат мактабида таълимнинг илғор усуллари қўллана бошлайди. Хусусан, мазкур мактабда ҳафталик дарс жадвалининг жорий этилиши, илк бор бадан тарбия дарсларининг киритилиши ва бу ҳаракатлар ўйини сифатида олиб борилиши муҳим аҳамият касб этди².

Таълим-тарбиядаги илғор тажрибаларнинг қўлланиши, тажриба алмашиш зарурати ўлароқ, Мунавварқорининг таклифига биноан Исҳоқхон тўра Ибрат ва Хусаин Макаев ҳамда Мулла Искандар домла Абдуваҳоб ўғли 1907 йили бир неча ой Тошкентда бўлиб, “Усули савтия” мактабларидаги жорий имтиҳонларда иштирок этиб, ўзаро фикр алмашишга олиб келди. Маърифатпарварлик йўлидаги изланишлар, ўқув-тарбия соҳасида дарслик ва қўлланмалар зарурияти, боз устига бу дарслик ва қўлланмаларни ўзбек тилида, кўп сонли нусхаларда чоп этиш истаги Исҳоқхон тўра Ибратни 1908 йили Уфа, Оренбург шаҳарларига ноширлик асбоб-ускуналарини харид қилиш учун йўллади. Натижада, Оренбургда Кауфман деган матбаачидан³ пулини ўн йил мобайнида тўлаш шарти билан 1901

¹ Мазкур татар маърифатпарвари архив ҳужжатларида, тарихий адабиётларда Абдулрауф Шахидий, Шагидуллин ёки Шагидуллинов, У. Долимов рисоласида Охунзода Шахидий ва Ш. Ризаев тадқиқотида эса, Абдурауф Саматов-Шахидий тарзида берилган. Қаранг: ЎЗР МДА, И. 1-фонд, 31-рўйхат, 540-иш, 181-182-варақлар; Долимов У. Исҳоқхон Ибрат... – Б. 82; Ризаев Ш. Жадид драмаси... – Б. 126; 127. Бу исм-шарифларнинг барчаси маърифатпарвар Исҳоқхон Ибрат билан ҳамкорликда фаолият кўрсатган А. Шагидуллиновга тегишлидир. Бундан кейин матнда мазкур шахс Абдулрауф Шахидий тарзида берилади – муаллифлар.

² Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари. – Т.: “Университет”, 2006. – Б. 41.

³ Вохидова К.А. Исҳоқхон Жунайдуллохўжа ўғли Ибрат ва унинг тарихий-илмий мероси (XIX аср охири – XX аср бошлари). – Наманган: “Наманган” нашриёти, 2018. – Б. 56.

йили чиққан литография¹ машина сотиб олди. Литография машинаси асбоб-ускуналарини Оренбургдан Қўқонга поездда, Қўқондан Тўрақўрғонга эса туяларда олиб келди. 1908 йили “Матбаи Исҳоқия” номли босмаҳонани матбаа ишларидан хабардор бўлган Ҳусайн Мақаев билан ишга тушириб, бу борада улар ёнма-ён фаолият юрита бошлади. 1908 йили “Матбаи Исҳоқия”да илк бор “Санъати Ибрат, қалами Мирражаб Бандий” асари нашр этилиб, бу ҳақда 1908–1909 йилларда литографияга мудирлик қилган Охунзода Абдурауф Шаҳидий қуйидагиларни ёзади: “Қобилият ва салоҳиятлари қавий, заковат ва фатонатлари жойида бўлган ғайратлик талабалар ва ёш муаллимларимиз бирон қитъаи ҳолхат намунасига ноил бўлсунлар. Боқий дуо умид қилиб, янги ва эски усул мактаб ва мадрасаларимиз ва аҳли китобат ва хаттотларимизга таълим ва таълими китобат хусусидаги биринчи ҳадямизни ожизона тақдим айладик”².

Бу китоб, юқорида таъкидланганидек, хуснихат ва хат-савод чиқаришга бағишланган эди. Бундан ташқари, мазкур литографияда “Илми Ибрат”, “Жомеъ-ул-хутут” асарлари ва Абдурауф Самадов (Абдурауф Шоҳидий)нинг Туркистонда биринчи “Маҳрамлар” драмаси ҳам чоп этилди. Наманганда чоп этилган бу асар, ҳатто 1915 йилда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий труппасида қўйила бошлаган³.

Яна шуни қайд этиш лозимки, мазкур “Матбаи Исҳоқия” босмаҳонасида бошқа татар миллатига мансуб кишилар ҳам фаолият олиб борганлар. Хусусан, 1909 йили босмаҳона Наманганга кўчирилиб, матбаа ишлари қамрови кенгайиб бориши муносабати билан тегишли кадрларга эҳтиёж ортиб борган... Масалан, 1913 йилдан бошлаб М. Абдусаттаровнинг раҳбарлигида босмаҳонанинг моддий базаси кучаяди... 1916 йили бос-

¹ Литография – тошбосма усулида чоп этиш. Қаранг: Ўзбек тилининг изохли луғати. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 501.

² Исҳоқхон тўра Ибрат. Танланган асарлар // – Т.: “Маънавият”, 2005. – Б. 37–38.

³ Долимов У. Исҳоқхон тўра Ибрат. – Т.: “Шарқ”, 1994. – Б. 63.

махонада фаолият кўрсатаётган ёшлар қаторига Россиядан ёш ҳарф терувчи, татар Ҳасан Бурнашев ҳам келиб қўшилган. Босмахонада маҳаллий жадидлар Дадамирза қорининг 1912 йилда “Мифтоғ-ул аввал” дарслиги ва 1913 йилда Хусаин Мақаевнинг болаларни ўқитишга бағишланган “Илми хол” асарлари чоп этилган¹.

Воқеалар ривожини таҳлили шуни кўрсатадики, Исҳоқхон тўра Ибрат Оренбург, Уфадаги матбаачилар билан ҳамкорлик қилиши натижасида китоблар чиқариш билангина чекланмай, аҳоли саводхонлигини ошириш, маданият тарғиботи, халқ онгининг шаклланишида газетанинг катта аҳамиятга молик эканлигини тушуниб етган. Хусусан, бу борада Исҳоқхон Ибрат 1913 йили “Матбаи Исҳоқия” қошида “Ат-тижор ал-Наманган” номидаги газета чиқаришга ҳаракат қилиб, ҳукуматга ариза ҳам берган. Бу ҳақда Оренбургда чиқадиган “Вақт” газетаси катта мамнуният билан қуйидагиларни ёзади: “Наманган, Мўътабар андин Исҳоқ кози ҳазратлари “Ат-тижор ал-Наманган” исминда бир газета чиқарарга сўраб ариза берди. Бу зот 1908 йилда Наманганда бир матбаа очган эди. “Кутубхонаи Исҳоқия” исминда кутубхона очиб, турк, татар, ўзбек тилларинда бўлгон адабиёт китоблари олдирди. Ҳозир газета чиқармоқ ҳаддиндадур. Чин кўнгулдан муваффақият тилаймиз”. Афсуски, Исҳоқхон тўра Ибрат бу газетани нашр этишга муваффақ бўлмаса-да, қайд этилган “Кутубхонаи Исҳоқия”ни ўз уйида ташкил этди. Кутубхонада ўзбек, рус, турк, татар, форс-тожик тилларидаги кўплаб китоблардан ташқари “Туркистон вилоятининг газети”, “Туркестанские ведомости”, “Таржумон” ва бошқа Россияда чиқадиган газета ҳамда журналлари бойламлари бўлган².

Ўзаро ҳамкорлик муносабатлар асосида ўз фаолиятини бошлаган “Матбаи Исҳоқия” литографияси 1910 йили Наманган

¹ Мансуров У. 1917–1924 йилларда Наманган шаҳрида халқ таълими ва маданий ҳаёт. / Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда 2-Республика илмий анжумани, 2012. – Б. 302–303.

² Исҳоқхон тўра Ибрат. Танланган асарлар. –Т.: “Маънавият”, 2005. – Б. 38–39.

шаҳрига кўчирилди ва типолитографияга айлантирилди. 1910–1913 йилларда матбаа мудирини бўлиб Хусаин Мақаев, 1913–1917 йилларда эса матбаага М.Н. Абдусатторов раҳбарлик қилди. Оренбургдан олиб келинган литография, татарлар бошқарган матбаа 1917 йилга қадар турли дарслик ва қўлланмаларни чоп этиш йўлида хизмат қилган бўлса, кейинчалик совет ҳокимияти тасарруфига ўтказилиб, “Народная газета”, “Эркинлик”, “Ишчилар қалқони”, “Совдеп”, “Роста” каби газеталар ўзбек ва рус тилларида шу матбаада нашр этилди¹.

Матбаа соҳасида фаолият олиб боришда орттирилган кўникма ва тажрибалардан келиб чиқиб, Ҳ.Мақаев томонидан 1917 йил март ойидан Наманганда “Фарғона саҳифаси” газетаси ўзбек тилида нашр этила бошлади. Аммо мазкур газета умри узокқа чўзилмай, атиги 40 тагина сони дунё юзини кўрди. Мавжуд маълумотларга кўра, Намангандаги босма-хоналар ривожини ҳамда маданий-маърифий ишлар тараққиёти йўлида Ҳ.Мақаев 1917 йил охирида Қозонга келади. Мазкур сафардан асосий мақсад Наманган босмахонасига араб (мусулмон) шрифти харид қилиш эди. Уни Қозонга келиб араб (мусулмон) шрифти харид қилгани тўғрисида архив манбалари гувоҳлик беради. Хусусан, у бир пайтлар Қозонда таҳсил олгани, ҳаммиллат татар маърифатпарварлари билан ўзаро муносабатлари сақланиб қолгани, Туркистондаги матбаачиликка, матбуотга қизиқиш ортиб бораётганидан келиб чиқиб, 1918 йил 10 январда Ҳ.Мақаев М.Идрисов босмахонасидан 71 пуд араб (мусулмон) шрифтини Наманган босмахонаси учун харид қилади². Уни Қозонда М.Идрисов босмахонасидан араб (мусулмон) шрифти харид қилганини А.Каримуллин китобида ҳам қайд этилади: “1917 йил 1 сентябридан 1918 йил августигача... 638 пуд 12 фунт шрифт тайёрланиб,.. “Онғ”,.. “Миллат” (Қозон), “Шарқ босма” (Москва), Бирск хайрия жамияти (Бошқирдистон), “Янги вақт” газетаси (Оренбург), 12-армия

¹ Исҳоқхон тўра Ибрат. Танланган асарлар. – Т.: “Маънавият”, 2005. – Б. 36.

² Rasulov A. Turkistan ve idili – Ural halklari arasindaki ilishkiler (1917–1924). – Ankara, 2017. – B. 220–221.

штаби, Еттисув мусулмон сиёсий бўлими (Верний), 10-армия штаби, Намангандаги Мақаев босмаҳонаси, Екатеринбург комиссарлиги”га тайёрлаб берилган¹.

Ҳ. Мақаев Қозондан қайтгандан сўнг, 1918 йилдан Наманганда ўзбек тилида чоп этиладиган “Ишчилар қалқони” газетаси ташкилотчиларидан бири бўлди. Миллати татар бўлса-да, ўзбек тилини яхши ўрганиб, йиллар давомида Фарғона, Наманганда яшаб, ерли аҳолининг тили, тарихи, маданияти, урф-одати, анъаналари, қишлоқ хўжалиги ва саноати, руҳиятини яхши ўзлаштирди. 1921–1928 йиллари Наманган давлат босмаҳонасини бошқарди. Шундан кейин, 1937 йил катағон қурбони бўлгунга қадар, педагогик фаолият билан шуғулланди. Ҳ. Мақаевнинг Намангандаги педагогик, матбаачилик-нашриётчилик фаолиятида, маҳаллий хотин-қизларни маданий-маърифий ишларга жалб қилишда, уларнинг саводини чиқаришда унинг хотини Фотиҳа Мақаева яқиндан ёрдам берган².

Татар маърифатпарварлари Ҳ. Мақаев ва Ф. Мақаева тўғрисида бошқа маълумотларга қараганда, улар, яъни эр-хотин икковлари “Матбаа ишларида мавлоно Ибротга яқиндан ёрдамчи эдилар. Типография қошида иқтидорли ёшларнинг драм-труппаси тузилиб, унинг ташкилотчиси ва режиссёри Ҳ. Мақаев 1910 йили “Чолборсиз” номли спектакль намоиш қилади. Бош ролларни ўзи ва Фотиҳа ижро этарди”³.

Татар маърифатпарвари бўлмиш Ҳ. Мақаевни 3434-сонли жинойт ишида: “62 ёшда, татар мулласи, Наманганда хусусий типография очган. Ҳ. Мақаев ҳибсга олинганда (1937 йили 12 сентябрда) мактаб ўқитувчиси эди. Ўн йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазони ўташ муддати 12 сентябрдан ҳисобланади. “Жамияти ислом” ташкилоти ташаббускори,

¹ Қаранг: Каримуллин А. Становление и развитие татарской советской книги (1917–1932). – Казань: Татарское книжное издательство, 1989. – С. 59.

² Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлар ўртасидаги муносабатлар (1917–1924 йиллар). – Тошкент. “Университет”, 2005. – Б. 80.

³ Умматов Р., Парпиев М. Наманганнинг сарқотиби. – Т.: “Voriz-Nashriyot”, 2019. – Б. 45.

мағлубиятчилик тарафдори. Ҳукумат қарорига асосан бўладиган тадбирларга қарши ўқитувчиларнинг аксилпартиявий намоишини уюштирганликда ва доимий равишда аксилинкилобий ташвиқот юритишда айбланади...”, – дейилади¹.

Ҳ.Макаев сафдоши – ҳамкасби Абдулрауф Шоҳидий ҳам Исҳоқхон Ибрат матбаасини юритишда фаол фаолият олиб борган. Хусусан, Ҳ.Макаевнинг яқин сафдоши, қозонлик татар Абдулрауф Шоҳидий литография ишини юритиш билан бирга, шу ерда ташкил этилган янги усул мактабида ўқитувчилик ҳам қилган².

Абдулрауф Шоҳидий кейинчалик ўз юртига қайтиб кетиб, 1918 йил май ойида Симбирскда “Овул” номли журнал чиқаришни йўлга қўйган. Журнал содда туркий тилда бўлиб, жойларда жамоаларга бирлашиб ишлаш, суд ишлари, дўконлар очиш, майда жамиятлар тузиш каби масалалар ҳақида маълумотлар бериб бориш билан шуғулланар эди³.

Татар зиёлилари матбаа ишларидан ташқари, Туркистонда янги руҳдаги китоблар, газеталар савдоси ва кутубхоналар ташкил этиш билан ҳам шуғулланганлар. Масалан, 1909 йил 18 августда Исҳоқ Шарипов Фарғона вилояти ҳарбий губернатори номига илтимоснома ёзиб, Қўқон шаҳрида “Кашшофия” номли китоб дўкони очишга руҳсат сўраган. Илтимосномада ёзилишича, дўконда китоблардан ташқари газеталар сотилиши ҳам кўзда тутилган эди. И.Шарипов ўз илтимосномасида Қўқон шаҳрида 1895 йилдан бери яшаётганлиги, 5 йил ҳарбий хизматни ҳам ўтаб келганлигини қайд этган эди⁴. Фарғона вилояти ҳарбий губернатори, ўз навбатида, Қўқон уезди бошлиғидан И. Шарипов шахси ҳақида маълумот сўраган. Қўқон уезди бошлиғи И. Шариповни “ўта панисломист” эканлиги, китоб дўкони очишдан мақсад эса диний ақидапарастлик руҳидаги китоблар

¹ Умматов Р., Парпиев М. Наманганнинг саркотибни. – Т.: “Voris-Nash-riyot”, 2019. – Б. 45.

² ЎзР МДА, И. 1-фонд, 31-рўйхат, 540-иш, 181-182 varaқлар.

³ Овул журнали // “Халқ дорулфунуни”, 1918. 31 май.

⁴ ЎзР МДА, И. 19-фонд, 1-рўйхат, 28921-иш, 22-varaқ ва орқаси.

савдосини йўлга қўйиши мумкинлигидан чўчиётганлигини билдирган¹.

1909 йил маълумотларига кўра, Чустда 2 та, Андижонда 18 та, Наманганда 20 та, Қўқонда 32 та китоб дўконлари бор эди². Бу китоб дўконларида Бомбей, Истанбул, Қозон, Тошкент ва Қўқонда нашр этилган 100 дан ортиқ номдаги китоблар сотиларди³.

1913 йилга келиб, Туркистон ўлкаси аҳолиси ўртасида Оренбургда чоп этилаётган “Вақт” газетаси⁴ ўқувчилари сони кескин ортди. Шу муносабат билан маҳаллий татарлар мазкур газетани Туркистонда кўчириб босишни ташкил этишга ҳаракат қилиб кўрдилар. Бироқ ҳукуматдан рухсат олинмагач, бу уриниш тўхтаб қолди⁵.

1917 йил Февраль инқилобидан сўнг, Туркистон жадидларининг татар маърифатпарварлари билан матбуот соҳасидаги ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди. Ўз миллатинигина эмас, балки барча турк-мусулмон дунёси қайгуси билан ёнган Аҳмад Заки Валидий Тўғон, Пўлат Солиев, Кабир Бакир, Мухтор Бакир ва бошқа татар-бошқирд халқлари фарзандлари Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш билан биргаликда, ўзларининг қуйидаги газеталарини ҳам нашр эттирганлар:

1. “Улуғ Туркистон” газетаси – Тошкентда Кабир Бакир ва С. Абдусатторов⁶ муҳаррирлигида 1917 йил 25 апрелдан 1918 йил 30 ноябрга қадар татар тилида чоп этилган. Газета Туркис-

¹ ЎзР МДА, И. 19-фонд, 1-рўйхат, 28921-иш, 21-варақ ва орқаси.

² ЎзР МДА, И. 1-фонд, 31-рўйхат, 540-иш, 180-варақ орқаси.

³ ЎзР МДА, И. 1-фонд, 31-рўйхат, 540-иш, 181-варақ ва унинг орқаси.

⁴ “Вақт” газетаси 1906 йил 21 февралдан 1918 йил 26 январгача Оренбургда таниқли татар маърифатпарвари Фотиҳ Каримов муҳаррирлигида чоп этилган. Қаранг: Қосимов Б. Миллий тикланиш... – Б. 51.

⁵ ЎзР МДА, И. 4 61-фонд, 1-рўйхат, 1315-иш, 112-варақ орқаси.

⁶ Туркистон матбуоти фидойиларидан бири бўлган Содик Абдусатторов 1919 йил май ойдан октябрга қадар Туркистон АССР Халқ маорифи комиссари лавозимида ишлаган. Қаранг: ЎзР МДА, Р-34-фонд, 1-рўйхат, 132-иш, 485-488-варақлар.

тон татарларининг марказий шўроси ва Тошкент татарларининг “Иттифок” жамияти нашри ҳисобланган¹.

2. “Эл байроғи” газетаси – Қўқонда Пўлат Солиев ва Ашурали Зоҳирий муҳаррирлигида 1917 йил 8 сентябрдан 1918 йил бошларига қадар Туркистон Мухторияти ҳукуматининг нашри сифатида ўзбек тилида чоп этилган².

3. “Фарғона саҳифаси” газетаси – 1917 йил 15 мартдан Наманганда таниқли татар матбаачиси Ҳусайн Мақаев томонидан ўзбек тилида нашр этилган. Газетанинг 19 та сони³ чиққан холос⁴.

4. “Кенгаш” газетаси – Тошкентда Аҳмад Заки Валидий Тўғон ва Мунаввар Қори муҳаррирлигида 1917 йил 25 июндан 1917 йил октябрга қадар Туркистон мусулмон марказий шўросининг нашри сифатида чоп этилган.

5. “Шўрои Ислом” газетаси – Тошкентда А. Баттол муҳаррирлигида 1917 йил 16 майдан 1917 йил июнга қадар “Шўрои Исломия” ташкилоти нашри сифатида ўзбек тилида чоп этилган⁵.

6. “Чаён” журнали – Тошкентда Халиф Тулаков ва Иброҳим Тоҳирий муҳаррирлигида 1917 йил июндан 1918 йил августга

¹ Ш. Турдиев ўз тадқиқотида “Улуғ Туркистон” газетаси 1917 йил Февраль инқилобидан сўнг А. Баттол муҳаррирлигида нашр этила бошланган дея нотўғри маълумот келтирган. Қаранг: Турдиев Ш. Среднеазиатские татары: роль и значение в культурной и политической жизни Туркестана первой четверти XX в. / Ислам в татарском мире: история и современность. – Казань, 1997. – С. 177.

² Мингнарлов А.Т. Туркистонда миллий озодлик масалалари давр миллий матбуотида (1917 йил февраль – 1918 йил ўрталари): тарих фан. номз. ... дисс. – Т., 2000, – Б. 24; Қаранг: Германов В.А. Профессор Пулат Салиев и его время. – Т.: “Фан”, 2002. – С. 15,16.

³ А. Расулов ўз тадқиқотида “Фарғона саҳифаси” газетасининг 40 та сони чиққанлигини қайд этган. Қаранг: Расулов А.Н. Интернациональная помощь партийных организаций, трудящихся Средневолжского региона народам Туркестана (1918–1924 гг.): дисс.канд. истор. наук. – Казань, 1990. – С. 205.

⁴ Жалолов А., Ўзганбоев Ҳ. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг... – Б. 15.

⁵ Турдиев Ш. Среднеазиатские татары: роль и значение в культурной и политической жизни Туркестана первой четверти XX в. / Ислам в татарском мире: история и современность. – Казань, 1997. – С. 177.

кадар Туркистон миллий ишчилар секциясининг наشري сифатида татар тилида чоп этилган.

7. “Чўл чаён” журнали – Тошкентда Иброҳим Тоҳирий муҳаррирлигида 1918–1919 йилларда татар тилида нашр этилган¹.

8. “Халқ дорулфунуни” – Тошкентда Мухтор Бакир (Бакиров) муҳаррирлигида 1918 йил 31 майдан бошлаб Туркистон халқ университетининг наشري сифатида чоп этила бошлаган².

Мазкур газета ва журналлар орасида машҳур татар маърифатпарвари Кабир Бакир (Бакиров) муҳаррирлигида нашр этилган “Улуғ Туркистон”³ газетаси алоҳида ўрин тутади.

К.Бакир (1880–1938) журналистлик фаолиятини 1905 йил 2 сентябрдан Петербургда татар тилида Атаулло Боязидов муҳаррирлигида чика бошлаган “Нур” газетасида бошлаган эди. Кейинчалик, у “Вақт” ва бошқа газеталар муҳбири бўлиб ишлаган пайтда кўп маротаба Туркистонда бўлиб, бу ердаги ҳамкасблари билан дўстлик ришталарини боғлаган. 1917 йил Февраль инқилобидан сўнг Тошкентга келиб, “Улуғ Туркистон” газетасининг ташкилотчиси ва муҳаррири бўлган. “Улуғ Туркистон” газетасининг биринчи сони “Туркестанские ведомости” босмахонасида 1917 йил 25 апрель куни чикқан. Обуна учун “газитанинг баҳоси йиллик 7 сўм, олти ойлик 4 сўм, уч ойлик 2 сўм 25 тийин” нарх белгиланган. Газета 4 саҳифадан иборат бўлиб, унинг биринчи бети юқори қисмида эълон (реклама – *муаллифлар*) ундан сўнг куннинг энг муҳим воқеаси баён этилиб, кейинги саҳифаларда “Телеграф хабарлари”, “Сиёсий аҳвол”, “Адабиёт”, “Доҳилия хабарлари”, “Туркистон хабарлари”, “Тошканд хабарлари” ва яна охирида эълонлар ўрин олган. “Улуғ Туркистон” газетасини чикариш йўлидаги иқтисодий масалалар тошкентлик Раҳим Туминов, Латиф Явушев, Халил Ширинский, Сафарали Сутушов ва Муборакшо Эшимбоев сингари татарлар томонидан ҳал этилган⁴. Тош-

¹ Мингнарлов А.Т. Туркистонда миллий озодлик масалалари ... – Б. 23–29.

² “Халқ дорулфунуни”, 1918. 31 май.

³ “Улуғ Туркистон” газетаси Туркистон татарларининг Марказий бюроси наشري ҳисобланган.

⁴ Тошкандда мусулмон матбааси // “Улуғ Туркистон”, 1917. 31 май.

кентда машхур бўлган Яушевлар оиласи ҳам газетанинг ташкилотчиларидан бири эди¹.

Дастлабки пайтларда “Улуғ Туркистон” газетаси ўз босмахонасига эга бўлмаганлиги туфайли, унинг доимий чиқиш туришига салбий таъсир кўрсатган. 1917 йил декабрдан бошлаб, газета ўз матбаасига эга бўлгандан сўнг унинг ҳафтада 3–4 марта босилишига имконият туғилган².

Иқтисодий муаммоларнинг кучайиб бориши, ўз навбатида, газета сотувига ҳам салбий таъсир кўрсатган. Бу омил газетани кенг миқёсда сотилишини тақозо этарди. Шу сабабга кўра, 1918 йил бошларидан “Улуғ Туркистон” газетасини Тошкент темир йўлининг йирик станцияларида ҳам сотиш йўлга қўйилган³.

“Улуғ Туркистон” газетасида босилган мақолаларни ўрганиш жараёнида унинг ўз олдига қўйган мақсади Россия ҳудудида яшовчи “турк-мусулмон халқи”ни ягона мухториятга бирлаштириш, уларни (ўзбек, қозоқ, татар-бошқирд – *муаллифлар*) алоҳида-алоҳида мухторият тузишларига йўл қўймаслик ғоялари тарғиб этилганини кўриш мумкин. Хусусан, газетанинг 1917 йил сонларидан бирида: “Хуррият эълон қилинган (1917 йил Февраль инқилоби назарда тутилмоқда – *муаллифлар*) Тошканддаги нўғойлар масжидида тотор, сартия ва қозоқлардин иборат уч-дўрт минг кишилик бир митинг ёсолди. Хуррият ва эрклик ҳурматиға ғоят таъсирли нутқлар сўйланди. Охирида бир овоздин “Битсун тоторлик, сартиялик, қозоқлик! Яшасун мусулмонлик ва турклик!” дея фотиҳа қилинди. Мундин сўнг ҳеч бир вақт сартия, қозоқ, тотор дея турк болаларини турли исминда юрутуб айирма ёсомасқа қарор берилди...” дея хабар берилган⁴.

“Улуғ Туркистон” газетасининг асосий мавзуларидан бири Туркистон ўлкасида яшовчи татарларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий фаолиятларини кенг ёритиб боришдан иборат

¹ Менгер Эҳметвели. Имтиязли боҳаралылар // “Ғасырлар авазы – Эҳо веков”, – № 3/4, 1996. – С. 118.

² “Улуғ Туркистон”, 1917. 24 декабрь.

³ Ғазита ўқувчиларға // “Улуғ Туркистон”, 1918. 24 январь.

⁴ “Улуғ Туркистон”, 1917. 30 апрель.

эди. Газетанинг деярли ҳар бир сонида Тошкентдаги Марказий татар Шўроси, “Иттифок” жамияти, “Муслималар нашри маориф жамияти”, Қўқон, Каттакўрғон, Самарқанд, Бухоро, Андижон ва Намангандаги татар жамиятларининг ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштироки ҳақидаги хабарлар чиқиб турарди.

1917 йил 3 апрелда ташкил этилган “Иттифок” жамияти Тошкент шаҳрида яшовчи татарлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан биргаликда ўлка сиёсий ҳаётида ҳам фаол ҳаракат олиб борган.

1917 йил Февраль инкилобидан сўнг Янги Бухоро (Когон) да яшовчи татарлар ҳам ўз жамиятларини тузганлар ва мактаб куриш учун пул жамғарганлар. Бухоро амири Саид Олимхондан мактаб учун ер сўраганлар. Амир уларга яхши бир бино ҳадя этиш билан бирга, шу бинони таъмирлаш учун 20 минг сўм пул ҳам берган. Бу воқеа Бухорода яшовчи татарларнинг чексиз қувончига сабаб бўлган. Мана шу вақтдан эътиборан Эски Бухорода ҳам татар жамиятининг шуъбасини очиш учун ҳаракатлар бошлаб юборилган¹.

1917 йил май ойи бошларида Қозондан А. Баттол ва Исмоил Абзи Туркистонда матбаа ишларига ёрдам бериш учун келганлар. “Улуғ Туркистон” газетаси таҳририяти томонидан “... Қозон мусулмонларининг шундайин муҳим замонда Туркистондаги мусулмон қардошларин эсларина олиб кўрсатган бу зўр ёрдамлари” учун миннатдорчилик билдирилган. А. Баттол ва Исмоил Абзи “Шўрои Исломия” ташкилотига аъзоликка қабул қилинганлар. Уларнинг келиши билан “Турон” газетаси чиқарилиши тўхтатилиб, янги “Шўрои Исломия” газетасини чиқаришга қарор қилинган².

“Умид” (“Улуғ Туркистон”) матбаа ширкати томонидан 1917 йилда кўрилган фойдадан 20 минг сўмни ўқитувчилар тайёрлаш мактабига топширилган. Ширкат Низомига кўра, йиллик кўрилган соф фойданинг 20 фоизи идора аъзоларига берилиши керак эди. Бироқ идора аъзолари Раҳим Туминов, Муҳаммаджон

¹ Бухорода тотор жамияти // “Улуғ Туркистон”, 1917. 31 май.

² Тошканд хабарлари, Мусофирлар // “Улуғ Туркистон”, 1917. 13 май.

Ўразаев, Алисафар Сутушов, Жалолиддин Тожиддинов, Мухтор Бакир ва Кабир Бакирлар ўз улушларини олмай Марказий татар бюроси ва “Иттифок” жамияти томонидан таъсис этилган ўқитувчилар тайёрлаш мактабига беришни лозим топганлар¹.

“Улуғ Туркистон” газетасининг 1917 йил 24 декабрдаги 46-сонидан бошлаб, сарлавҳада “Яшасун Туркистон Мухторияти” шиори пайдо бўлган. Туркистон Мухторияти тор-мор келтирилгандан кейин (1918 йил 18–19 февраль), 21 мартдан эътиборан бу шиор бошқа шаклда ўзгартирилган². Албатта, бу Туркистонда вужудга келган ижтимоий-сиёсий ҳолатдаги ўзгаришлар билан боғлиқ эди.

1917 йил Октябрь тўнтаришидан кейин ҳокимиятни қўлга киритган большевиклар ҳам ўз сиёсий, иқтисодий манфаатларидан келиб чиқиб, Туркистонда маданий-маърифий ишларни, даврий матбуот ва нашриётларни жорий этишни, хотин-қизларни янги “коммунистик тузум”га тарафдорлар тариқасида жалб этишни йўлга қўйдилар. Эндиликда совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун нафақат курул, балки тарғибот ва ташвиқот, аҳоли ўртасида большевиклар ғоясини сингдириш вазифалари турарди. Шунинг учун ҳам даврий матбуот ва нашриётларни “замон руҳи”га мослаштириш ва уларнинг сонини мумкин қадар маҳаллий тилларда кўпайтириш муҳим эди. Албатта, маҳаллий газета ва журналлар, адабиётларни чоп этишда, босмаҳоналарни керакли дастгоҳлар билан таъминлашда, ташкилотчи-журналистлар, тарғиботчилар билан таъминлашда Қозон, Уфа, Боку, Пенза, Оренбург, Самара ва бошқа худудлардан келган татар, бошқирд, озарбайжон матбаачилари катта ёрдам кўрсатдилар. Ўзбеклардан дастлабки матбаачилар қаторида ҳақли равишда Отажон Абдалов, Ҳасан Орифжонов, Юнус Юсуповни келтириш мумкин³.

¹ “Умид” ширкатининг ҳиммати // “Улуғ Туркистон”, 1918. 24 январь.

² Газетанинг 1918 йил 21 март сонидан бошлаб бу “Яшасун Миллатлар Мухторияти” шиори билан алмаштирилган.

³ Дастлабки матбаачилар тўғрисида кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Пидаев Т. Матбуот – миллат чироғи. – Тошкент, 1990; “Хуррият”, 1998 йил 24 июнь.

“Улуғ Туркистон” газетаси таҳририяти ходимлари 1918 йил 23 февралдан махсус журнал чиқаришни режалаштирганлар. Бу журналдан келадиган фойда очликдан азоб чекаётганларга ёрдам кўрсатишга сарфланиши кўзда тутилган. Журнални чиқаришга тошкентлик бойлар томонидан қоғоз учун, муҳаррир ва ҳарф терувчилар эса ёзув билан ёрдам кўрсатишлари кўзда тутилган¹.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Туркистон татарлари ҳар қандай таҳликали ҳолатларда ҳам ўлка халқлари билан елкама-елка туриб, сабот билан кураш олиб борганликларини тасдиқлайди. Большевиклар режими ўрнатилиб, миллий тараққийпарварларга нисбатан тазйиқлар кучайиши, молиявий ҳолат ёмонлигига қарамасдан, “Улуғ Туркистон” газетасини нашр этиш давом этган.

1918 йил 28 апрелда Тошкентдаги барча нашриётлар совет ҳукумати кўлига ўтганлиги эълон қилинди. Шу жумладан, “Улуғ Туркистон” газетасининг “Умид” матбааси ҳам барча асбоб-ускуналари билан ҳукумат томонидан тортиб олинган. Мазкур матбаа марказий татар бюроси ташаббуси билан ташкил этилиб, унинг учун алоҳида ширкат ҳам тузилган эди. Бу ширкатга бутун Туркистон ўлкасидан юзга яқин киши аъзо бўлиб, уларнинг аксариятини муаллимлар, муҳаррирлар, ҳарф терувчи ва бошқалар ташкил этарди².

1918 йил охирларига келиб, оғир иқтисодий ҳолат ва тазйиқлар остида газетанинг нашр этилиши ўз поёнига етди. Марказдан “Миллий ишлар секцияси”га расмий ва фавқулодда комиссар ваколати билан келган Ориф Клевлеев секция мажлисида “Улуғ Туркистон” газетасини бутунлай тўхтатиб, унинг ўрнига “Янги Улуғ Туркистон” номли большевиклар сиёсатига мос бошқа бир газета чиқаришни таклиф қилган. Бу фикр дастлаб қўллаб-қувватланмаган бўлса-да, секциянинг сўнгги мажлисида “Иштирокиюн” номли газета чиқаришга қарор қилинган. Шунингдек, маҳаллий аҳоли устидан назорат олиб бориш ва

¹ Қардош кўмаги // “Улуғ Туркистон”, 1918. 23 февраль.

² “Умид” матбааси олинди // “Улуғ Туркистон”, 1918. 30 апрель.

муҳаррирлар фаолиятини муайян йўлга солиш учун хусусий матбаа дастгоҳларини йиғиш, матбуот билан шуғулланадиган барча мусулмон жамоасини бир ерга жамлаб, мусулмон органларини тузишга қарор қилинган. Бу тадбирларни амалга ошириш вазифаси матбуот ходими Абдулҳамид Бекқулов зиммасига юклатилган¹.

Шундай бўлишига қарамасдан, қарийб икки йил давомида нашр этилган “Улуғ Туркистон” газетаси Туркистон ўлкаси матбуотчилиги тараққиётида муҳим ва сезиларли из қолдирди.

1917 йил декабрдан Наманганда татар жамияти томонидан Ҳ.Макаев муҳаррирлигида “Фарғона саҳифаси” номли янги газета чиқа бошлаган. Газетанинг тез-тез чиқиб туриши ва энг сўнгги маълумотларни мукамал етказиб бериши билан бошқа газеталардан фарқланар эди².

1917 йил сентябрь ойдан бошлаб, Перовск шаҳрида Туркистонда илк марта болалар учун Ҳамза Газизов томонидан “Болалар товуши” номли газета нашр этила бошланган³.

1917 йилги Октябрь тўнтаришидан кейин большевиклар олдида янги тузумни ҳимоя қилиш ва унинг тарғиботидек мураккаб вазифа турарди. Шунинг учун бўлса керак, 1918 йили Туркистон Халқ комиссарлигининг миллий масала бўйича органига қарашли ўзбек тилидаги “Иштирокиюн” газетаси чоп этила бошланди. Бу газетанинг дастлабки муҳаррирлари ҳам татарлар эди. Биринчи муҳаррир О.Клевлеев бўлган бўлса, унинг вафотидан кейин муҳаррирликни Аҳмад Донской бажарди. Бу газетага яна Ш.Г.Ахмадиев ҳам муҳаррирлик қилган эди⁴. Шундай қилиб, 1918 йилдан кейин “Қизил байроқ”, “Ишчилар қалқони”, “Меҳнаткашлар овози”, “Меҳнат байроғи”, “Туркистон”, “Фарғона”, “Бухоро ахбори” каби партия-совет матбуоти

¹ Мингнарлов А.Т. Туркистонда миллий озодлик масалалари давр миллий матбуотида (1917 йил февраль – 1918 йил ўрталари): тарих фан. номз. ... дисс. – Т., 2000. – Б. 32.

² Фарғона нидоси // “Улуғ Туркистон”, 1917. 31 декабрь.

³ “Улуғ Туркистон”, 1918. 11 январь.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президент Девони архиви (ЎЗР ПДА), 60-фонд, 1-рўйхат, 988-иш, 47-варақ; 991-иш, 26-варақ; ЎЗР МДА, 34-фонд, 1-рўйхат, 804-иш, 7–8-варақлар ва орқаси; НА РТ, ф.4034, оп.5, д.69, л.296.

нашр этила бошланди. Аммо ўша “инқилобий рух”даги гоёни илгари сурадиган маҳаллий тилларда чиқадиган газеталар учун қоғоз, мусулмон шрифти, таржимонлар, ҳарф терувчилар, журналистлар, муҳаррирлар етишмасди. Боз устига Туркистондаги мавжуд босмахоналар ҳам янгиланишга муҳтож эди¹.

Туркистон Республикаси раҳбарияти бир неча марта Шарқ халқлари коммунистик ташкилоти марказий бюроси (ШХКТ МБ), Марказий мусулмон ҳарбий комиссарлиги (ММХК), Қозон губернияси раҳбариятига босмахона муаммоларини йўлга қўйишда ёрдам сўраб мурожаат қилишган. Масалан, 1918 йил охиридаги мурожаатлардан бирида Туркистонга 15 нафар журналистни юбориш зарурлиги ва улар вилоят, уезд газеталарини чиқаришда зарурлигини уқтирилади ҳамда яна “Туркистонга мусулмонлар (туркий халқлар – *муаллифлар*) тилларини яхши биладиганлардан имкон қадар кўпроқ юборишни” сўралади².

Туркистон халқларини маҳаллий тиллардаги газета ва журналлар, рисола ва китоблар билан таъминлашда Татар-Бошқирд Марказий комиссарлиги ҳам катта роль ўйнаган. Масалан, фақатгина 1918 йил январидан ноябрига қадар Татар-Бошқирд Марказий комиссарлиги орқали Туркистон халқлари учун ўзбек, татар, қозоқ ва туркман тилларида 4 млн нусхадан ортик газета, рисола ва турли варақалар чоп этилган эди³.

1919 йил 27 февралда Туркистондан РСФСР Халқ маорифи комиссарлигига қилинган мурожаатда ўқув қўлланмалари ва 400 минг варақ қоғоз, 10 та тошбосма юборишлари сўралган⁴.

¹ Российский Государственный архив социально-политической истории (РГАСПИ), ф.17, оп.1, д.863, л.2 об.

² РГАСПИ, ф.17, оп.1, д.863, л.2 об.

³ Жизнь национальностей, 9 марта 1919 г; Афсуски айрим тадқиқотларда юқорида келтирган манбага ёндашишда ноаникликка йўл қўйиб, ўша адабиётлар ШХКТ МБ томонидан чоп этилган дейилади. Қаранг: Интернациональное единство трудящихся в защите завоеваний Октября в Средней Азии. – Т.: “Фан”, 1988. – С. 149. Ҳолбуки, ўша ШХКТ МБ 1918 йил ноябрида ташкил топган эди. Шунинг учун ҳам Р.Г.Хайрутдиновнинг адабиётлар Татар-Бошқирд Марказий комиссарлиги томонидан чоп этилган деган фикрига қўшилиш мақсадга мувофиқ. Хайрутдинов Р.Г. На путях к советской автономии... – С. 131–132.

⁴ ЎЗР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 192-иш, 77-варақ ва орқаси.

Хоразмда 1920 йили Хива хонлиги ўрнида совет андозасига мос республика ташкил топиши муносабати билан маълум мафкура тарғиботи ва янги тузум ҳимояси учун “Инкилоб куёши” газетаси ташкил қилинди. Бу газетанинг ташкилотчиси ва муҳаррири А.М.Тагиров эди¹. 1921 йили қозонлик З.Ш.Баширов Тошкентда уйғур тилидаги “Камбағала аувази” газетасида муҳаррирлик қилади. Туркистон ўлкасидаги газеталарга муҳаррирлик қилишга Қозондан Тошкентга юборилганлар қаторида С.Г.Купер ҳам бор эди. У Тошкентда рус тилида нашр этилаётган “Известия ТуркЦИКа” газетасига муҳаррирлик қилган².

Туркистонда курулли кураш билан бирга, ғоявий, маданий-маърифий кураш ҳам энг муҳим вазифалардан бири эди. 1919 йили Турккомиссия аъзоси Я.Э.Рудзутак томонидан Москвага берилган телеграммада, Қозон ва Петрограддан зудлик билан мусулмон шрифти юборишни сўрайди. 1919 йил охирида Россиядан 2 минг пуд қогоз олинади ва Қозондан Туркистонда маданий-маърифий йўналишидаги кутубхона ташкил қилиш билан бирга битта тажрибали босмахона ташкилотчиси, таржимонлар, босмахонада ишлайдиган ходимлар ва “Умид” номли корхонадан мусулмон шрифтини олишга ҳамда турли адабиётларни харид қилишга киришилади³. Айнан 1919 йилда Қозондан “ёш бухороликлар”га 45 пуд мусулмон шрифти ва 5 нафар ҳарф терувчилар ҳамда 1920 йил сентябрида уларга А.Измайлов орқали яна 105 пуд мусулмон шрифти юборилган эди⁴.

Туркистондаги босмахоналарнинг тўлақонли ишга тушишидан Турккомиссия ҳам манфаатдор эди. Шунинг учун ҳам

¹ РГАСПИ, ф.17, оп.61, д.122, л.119; д.188, л.л.145–146. ЎЗР ПДА қошидаги СВБ, 31-фонд, 1^а-рўйхат, 223-иш, 85-варақ.

² ЎЗР ПДА 60-фонд, 2-рўйхат, 52-иш, 130, 134–135-варақлар; 60-фонд, 2-рўйхат, 717-иш, 39-варақ; 98-иш, 18-варақ; НА РТ, 868-фонд, 1-рўйхат, 4-иш, 25-варақ; 56-иш, 90-варақ.

³ РГАСПИ, ф.17, оп.60, д.863, л.3; Культурное строительство в Туркестанской АССР (сборник документов). – Т.: “Узбекистан”, 1973. – С. 452.

⁴ Каримуллин А. Татарское государственное издательство и татарская книга России (1917–1932). – Казань: Татарское книжное издательство, 1999. – С. 146; НА РТ, ф.Р-828, оп.1, д.55, л.л. 213, 225.

1920 йил ноябрида Турккомиссия ўлкадаги босмаҳоналар ускуналарини янгилаш ва нашриётларга малакали, мутахассис кадрларни жалб этиш учун махсус комиссия тузди. Ушбу комиссия аъзолари В.М. Свешник бошчилигидаги олти босмаҳона мутахассисларига Москва, Петроград, Қозон ва бошқа шаҳарлардан Туркистон АССР, БХСР, ХХСР учун қоғоз, мусулмон ва рус шрифтларини харид қилиш вазифасига юклатилган эди. Комиссия таркибидаги Г.А. Сагидов ўз пайтида Қозон босмаҳоналарида ишлаган эди. Г.А. Сагидовга берилган гувоҳномада Туркистонга зарур босмаҳона ускуналарини харид қилиш ва юборишда ёрдам беришини сўраш билан бирга унга “босмаҳоналарда ишлашга мутахассис ва ходимларни ёллашга рухсат берилади...”, – дейилади¹. Комиссия саъй-ҳаракати туфайли Туркистонга Москва, Петроград, Қозондан 32 та босмаҳона, тош босмаҳона ва бошқа ускуналар, 400 пуд турли босмаҳонага керакли бўёқлар, 5000 пуд қоғоз, 500 пуд рус шрифти, 1300 пуд мусулмон шрифти олиб келинган. 1921 йил баҳорида Қозондан 300 пуд мусулмон шрифти ва озгина ўтиб яна 5 та тош босмаҳона, 200 пуд мусулмон шрифти келтирилган эди². 1921 йил май ойида Қозонда яна Туркистон учун 300 пуд мусулмон шрифти тайёрланиб, Тошкентга юборишга тайёрланган эди³.

Волгабўйи, Уралолди худудларини Туркистонда даврий матбуот ва нашриётларни йўлга қўйишдаги иштироки натижасида аҳвол бир мунча яхшиланди. Аммо мутахассис кадрлар, босмаҳона ускуналари бўйича аҳволни яхшилаш борасида яна бир қанча ташкилий тадбирларни ечиш мақсадга мувофиқ эди. Ўрта Осиё республикалари ва Татаристон Республикасидаги архив манбалари бу тўғрида маълумот беради. Масалан, ХХСР Нозирлар Кенгаши раиси томонидан 1921 йил охирида Қозондаги 1-сонли давлат шрифт тайёрлаш корхонасига

¹ РГАСПИ, ф.122, оп.1, д.57, л.65,139; д.292, л.л.5, 7–8; РГВА, ф.17, оп.1, д.132, л.194.

² РГАСПИ, ф.122, оп.1, д.69, л.л.22–24; “Пролетарий” (Самарқанд), 24 апреля 1921 г.

³ “Правда” (“Верный”), 5 мая 1921 г.

килинган мурожаатда, мусулмон шрифти йўқлиги аҳволни янада мушкуллаштираётганлиги сабабли ёрдам беришлари сўралган¹. 1921 йил августида Татаристон Республикасидан БХСРга 58 пуд мусулмон шрифти ва ҳарф терувчилар ҳам юборилган². 1922 йил июлидаги маълумотларга қараганда, “Татаристон маркази Қозондан Бухорога 13 нафар мусулмон ҳарф терувчилари келди. Ҳарф терувчиларнинг деярли ҳаммаси... тажрибали, ўз ишининг устаси... Яқин кунларда 400 пуд мусулмон шрифти келади ва шундан кейин Бухорода нашриёт ишларини кенгайтириш мумкин бўлади”, – дейилади³.

1922 йил октябрь ойининг бошларида БХСРга Қозондан яна 770 пуд мусулмон шрифтини қабул қилиб олинган⁴. Мусулмон шрифтини Қозондан таъминлаш кейинги йилларда ҳам давом этган. Масалан, 1923 йил январиди 319 пуд мусулмон шрифтини Қозондан харид қилиш бўйича Туркистон МИҚ қарори чиққан⁵. Туркистонга мусулмон шрифти, босмахона асбоб-ускуналарини келтириш товар алмаштиришга ҳам асосланган эди. Масалан, 1920 йил январиди Петроград ва Москвадаги марказий босмахона ходимлари учун Туркистондан 6 пуд гуруч, 2 пуд қуритилган мева юборилган бўлса, 1921 йил майида Қозондаги босмахона ходимларига 60 пуд ун ва гуруч юборилган эди⁶. Татаристондан Туркистонга матбуотчи кадрлар, керакли асбоб-ускуналар юборилишидан ташқари Қозон нашриётларида ўзбек, қозок, қирғиз тилларида ҳам дарсликлар чоп этилган. Айрим дарсликлар ҳатто татар тилида ҳам Туркистонга юборилган, чунки татар тилидаги китобларни ўқиш, тушуниш ўлкадаги туркий халқлар учун жуда катта қийинчилик туғдирмас эди⁷. Татаристон давлат нашриёти БХСР учун

¹ НА РТ, ф.828, оп.1, д.158, л.260.

² НА РТ, ф.828, оп.1, д.158, л.218.

³ “Туркестанская правда” (Ташкент), 21 июля 1922 г.

⁴ “Известия” (Бухара), 7 октября 1922 г.

⁵ ЎЗР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 324-иш, 5-варақ.

⁶ ЎЗР ПДА, 14-фонд, 1-рўйхат, 85-иш, 87, 98-варақлар; ЎЗР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 1068-иш, 25-варақ; Р-25 фонд, 1-рўйхат, 665-иш, 52-54-варақлар.

⁷ РГАСПИ, ф.583, оп.1, д.55, 47, л.216; РГВА, ф. 17, оп.1, д.86, л.37

Қозонда 1924 йил февралда 110 номдаги китобларни ўзбек ва тожик тилларида чоп этган¹.

Таъкидлаш жоизки, татар матбуоти ва Туркистондаги яшовчи татар маърифатпарварлари Россия империяси ҳамда совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ўлкада миллий матбуот ва матбаа ишларини ташкил этиш ва ривожлантиришда катта хизмат қилдилар. Шу билан бирга, манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ишларида татар маърифатпарварлари ўлкада матбуотни шакллантиришлари натижасида маҳаллий аҳоли ўртасида совет ғояларини кенг тарғиботи учун имкониятлари эшиги очилди ва туркистонлик тараккийпарварларнинг матбуот билан танишишларида муҳим ўрин туганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз².

2.3. Тарғибот-ташвиқотда татарлар

Совет ҳокимияти раҳбарияти олдида Шарқда, хусусан, Туркистонда “социалистик” жамиятни куриш, фаровон, тенгликка асосланган давлат барпо этиш, адолат ўрнатиш, “йўқсиллар манфаатига” бўйсундирилган алоҳида мамлакат куришдек, юксак орзу-хаёлларни ўз ичига олган большевиклар учун Россия марказий губернияларидагина эмас, анъанаси, ишлаб чиқариши, хўжалиги, маданияти ва маънавияти, тили, диний эътиқоди, руҳияти тубдан фарқ қиладиган ўлкада ҳам “социализм барпо” этишдек мақсад бўлиб, шу борада муҳим ва зиддиятли, қийин вазифанинг ечимига киришдилар. Эзгу ниятлар, маданий-маърифий тадбирлар, жойларда социалистик жамиятни куришдек мураккаб, зиддиятли, айрим ҳолларда пуч орзу-хаваслар оғушидаги саъй-ҳаракатларда турк-мусулмон халқларидан татарлар танланди... “Марказдаги большевиклар раҳбарияти нуқтаи назари”дан қараганда ва ҳатто айрим татар

¹ Эрназаров Т. Расцвет народной печати в Узбекистане. – Т.: “Узбекистан”, 1968. – С. 62.

² Қаранг: Кодирий Ҳ. Отам ҳақида (Хотиралар). – Т.: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – Б. 16; Муин Ҳ. Танланган асарлар – Т.: “Маънавият”, 2005. – Б. 6, 29.

“инкилоб яловбардорлари”нинг фикрига кўра ҳам татарлар турк-мусулмонлар ичида “энг етакчи” ҳисобланиб, Шарқда “социализм байроғи”ни юқорига кўтара оларди. Бу “илғорлик” тағ-замирида большевистик ғояларга “содиклик”, миллий ҳарбий-сиёсий кадрлар тайёрлашдаги етакчилик муҳим аҳамият касб этган. Совет ҳокимияти мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий, ҳарбий-сиёсий аҳволдан келиб чиқиб, янги ҳукумат афзалликларини намоён қилиш, “аксилинкилобчи” кучларга зарба бериш каби вазифаларни бажаришда, жойларда совет ҳокимияти тузилишини мустаҳкамлашда энг асосий масалалар қаторида тарғибот ва ташвиқот деб ҳисоблади. Айнан шу тарғибот ва ташвиқот масаласида татарлардан Туркистонда фойдаланиш энг муҳим аҳамиятга молик вазифалар қаторида деб белгиланди. Татарлардан Туркистонда “саводсизликка барҳам бериш”, миллий ва айни пайтда большевиклар манфаатига хизмат қиладиган матбуот ва нашриётни йўлга қўйишда, ғоявий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлашда, “социалистик жамият” қуриш ва унинг ҳимоясида фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Большевиклар совет ҳокимиятини Туркистонда мустаҳкамлаш йўлида янги тузум ғоясини аҳолига сингдириш учун ғоявий-сиёсий тарғиботни кучайтириш ва бунинг учун ўзини Шарқда “инкилоб яловбардорлари” деб билган татар ва бошқирдлардан “унумли” фойдаланишга эришдилар¹.

Шу мақсадни амалга ошириш учун 1919 йил мартда Туркистон ўлка партия кўмитаси раиси А.Ф.Солькин Марказга юборган телеграммасида Туркистонда совет ҳокимияти манфаати йўлида ғоявий-сиёсий ишларни юритиш учун тарғиботчи-ўриқчи поезди юборишни сўраган². А.Ф.Солькинга Москвадан юборилган жавоб телеграммасида “Оренбург тикини”³

¹ Қаранг: Мирсаид Султон-Галиев. Статъи. Выступления. Документы. – Казань: Татарское книжное изд-во, 1992. – С. 150–172.

² РГАСПИ, ф.17, оп.65, д.92, л.4; Қаранг: “Известия” (Наманган), 28 марта 1919 г.

³ Оренбург тикини – 1917 ноябридан 1918 йил январигача, 1918 йил апрелидан 1919 йил сентябригача давом этган.

очилиши билан тарғибот поездини тегишли йўриқчи ходимлар ва адабиётлар билан юбориш чора-тадбирларини амалга оширилажаги қайд этилган¹. Дарҳақиқат, “Оренбург тикини”га барҳам берилгандан кейин Туркфронт инқилобий кўшинлар кўмондонлиги билан ҳамкорликда, Самара губерниясининг фаол иштирокида 1919 йил кузида темир йўл ёқаларидаги аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш учун М.В. Фрунзе номидаги “Қизил Туркистон” поезди юборилган. Ушбу поездга тарғиботчи-йўриқчиларнинг аксарият қисми Волгабўйи, Уралолди худудларида истиқомат қиладиган татарлардан иборат эди. Поезд таркибида тарғиботчи-йўриқчиликка Самара, Симбирск, Қозон, Уфа ва бошқа губерниялардан сафарбар қилинган бўлса, поезддаги туркий тиллардаги адабиётлар билан Қозон губернияси таъминлаган. Поездда газета ва адабиётлардан ташқари кўчма кино, оркестр, кутубхона ҳам бор эди. Поезд нафақат темир йўл ёқасидаги аҳолига, балки Туркфронт таркибидаги ва Туркистондаги ҳарбий миллий қисмларда ҳам “инқилоб манфаат”лари йўлида хизмат қилиши керак эди. Туркистоннинг асосий аҳолиси рус тилини билмагани сабабли тарғибот учун кўпроқ бадий ва кўрғазмали куруллардан фойдаланиш афзал кўрилган².

“Қизил Туркистон” тарғибот-йўриқчи поезди таркибини тузиш, уни тегишли кўрғазмали куруллар, чакириқлар, адабиётлар билан таъминлаш билан боғлиқ ташкилий масалалар билан Марказий мусулмонлар ҳарбий комиссарлиги (ММХК) шуғулланиб, Қозондан тарғибот-йўриқчи поездига адабиётлар қисмига мудир этиб А.И. Якубов ва тарғиботчи-ташкilotчи этиб С. Гиззатулинни юборган эди³.

“Қизил Туркистон” тарғибот-йўриқчи поезди фаолиятида орттирилган тажрибалардан ва Туркистондаги ижтимоий-сиёсий, ҳарбий аҳволдан келиб чиқиб, Марказ томонидан ўлкада

¹ Қаранг: “Известия” (Наманган), 28 марта 1919 г.

² “Коммуна” (Самара), 5 декабра 1921 г.

³ ЎЗР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 3281-иш, 224-варақ; Самарский областной государственной архив социально-политической истории (СОГАСПИ) Ф.15. оп.1, д.128, л.л.267-268; Ўша жойда. д.359. л.266.

совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, ерли аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, миллий сиёсатни тушунтириш учун РКП(б) МҚ, БМИҚ, ШХКТ МБ, халқ миллий комиссарлиги (Наркомнац), Касаба уюшмаси (ВЦСПС), РКП(б) МҚ аёллар бўлими, маориф, соғлиқни сақлаш, молия, ички ишлар халқ комиссарликлари, ХКК қошидаги давлат назорати ва шикоят ва аризалар бюрolari, нашриёт ва бошқаларлардан иборат вакилларида “Қизил Шарқ” тарғибот-йўриқчи поезди ташкил этилиб, уни ташаббускори ва ташкилотчиси ШХКТ МБ бўлди¹. ШХКТ МБ томонидан 1919 йил 24 сентябрида шундай тарғибот-йўриқчи поезди ташкил этиш бўйича мулоҳаза билдириб, Туркистонда совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш, ғоявий жиҳатдан олға интилиши учун имконият даражасида тарғибот олиб бориш имкониятини қўллаш зарурлигига эътибор қаратди. “Қизил Шарқ” тарғибот-йўриқчи поезди таркибидаги ходимлар олдида Туркистон аҳолиси турмуш тарзини, ерли халқ билим даражасини, диндорлар таъсир доирасини аниқлаши лозим каби вазифалар турар эди ва бунда татарлардан фойдаланиш керак эди². Шунингдек, тарғиботчи-йўриқчи поезди ходимлари бўлмиш татарлар томонидан Туркистон фронти сиёсий ходимларини ўзбек тилини ўрганиш бўйича махсус курсларга ҳам жалб қилинган. Аммо бу етарли эмасди. Туркистон фронти қўмондонлиги учун сиёсий ходимларни ўзбек тилига ўргатишдан кўра, тили ва дини, руҳияти билан яқин бўлган татарлардан, хусусан, “Туркистонга боришни хоҳлайдиганлардан... эҳтиётлик билан ишчанлиги ва сиёсий [қарашига кўра] танлаш” маъқул деб топилган³.

Юқоридаги талаблардан келиб чиқиб, “Қизил Шарқ” тарғибот-йўриқчи поездини ташкил қилишга Москва, Петроград ва Волгабўйи, Уралолди худудларидан татарларни сафарбар қилинган. Айниқса, бу борада Қозон губернияси ва бу ерда жойлашган ММХК поездда фаолият кўрсатиш учун ташвиқотчи,

¹ РГАСПИ, ф.17, оп.65, д.249, л.142–142 об.

² РГАСПИ, ф.17, оп.65, д.249, л.142–142 об.; ф.583, оп.1, д.44, л.59.

³ “Коммуна” (Самара), 5 декабра 1919 г.

сиёсий ходим, йўриқчи, муҳаррирларни сафарбар қилишда алоҳида ўрин тутган. ММХК яна тарғибот поездини босмахона, ҳарф терувчилар, техник ходимлар ва туркий халқлар адабиёти билан таъминлашда ҳам фаол қатнашган. Масалан, “Қизил Шарқ” тарғиботчи-йўриқчи поездини Туркистонга юборишга тайёргарлик муносабати билан 1919 йил октябридан Марказ топшириғига мувофиқ, Қозондаги босмахоналарда мавжуд “инкилобий руҳда”ги китоб ва рисоаларни ўзбек ва қирғиз (қозок) тилларига таржима қилишга киришилган. 1919 йил 15 ноябрига келганда “Қизил Шарқ” тарғиботчи-йўриқчи поезди учун туркий тиллардаги китоб ва рисоалар чоп этиб бўлинган эди¹.

Москва, Қозон, Самара, Симбирск ҳамда бошқа шаҳарлардаги давлат ва жамоат ташкилотлари (собиқ партия – *муаллифлар*) архивлари ҳужжатларининг тахлили шуни кўрсатадики, Марказ ўзининг жойларда, хусусан, Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларида совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш йўлидаги сиёсатини ўтказишда татардан унумли фойдаланган. Ўз навбатида, ўзларини “Шарқда инкилоб яловбардорлари” деб ҳисоблайдиган татарлар большевиклар сиёсатидаги “адолат ва ҳақиқат”га ишонганлар ҳамда бу сиёсатнинг фаол тарғиботчилари бўлиб хизмат қилганлар². Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Шарқда “инкилоб жарчиси” тариқасида жонбозлик кўрсатган М.Х. Султон-Ғолиев³ 1919 йил 15 ва 17 декабрь кунлари ШХКТ МБ раисининг ўринбосари тариқасида

¹ РГАСПИ, ф.583, оп.1, д.44, л.157.

² Фақат айримларгина туркий халқлар, хусусан, Туркистон халқларига “социалистик инклуб” ҳеч қандай наф келтирмаслигини, билъақ зарар келтиришини очиқ-ойдин баён этганлар. Бу тўғрида кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Заки Валиди Тоған. Воспоминания (борьба народов Туркестана и других восточных мусульман-тюрок за национальное бытие и сохранение культуры. Книга I, II. – Уфа: “Китап”, 1994, 1998; Ахметзаки Валиди Тоған. Не сочтите за пророчество... – Уфа: “Китап”, 1998; Юлдашбаев А.М. Известный и неизвестный Заки Валиди. – Уфа: “Китап”, 2000.

³ Қаранг: Мирсаид Султан-Ғалиев. Статьи. Выступления Документы. – Казань: Татарское книжное издательство, 1992. – С. 193–198; Мирсаид Султан-Ғалиев. Избранные труды. – Казань: “Гасыр”, 1998. – С. 215–222.

Қозон губкомига қилган муурожаатида, “Қизил Шарқ” тарғибот поездига зудлик билан беш кишини сафарбар қилишни ва туркий тилларда адабиётлар ҳамда араб шрифти харид қилиш учун “Шарқ адабиёти” босмахоноси ихтиёрига 300 минг рубль ўтказишни сўрайди¹. Қозонда истиқомат қилувчи татар маърифатпарварлари “Қизил Шарқ” поездининг Туркистонга “инқилоб гоъ”ларини тарғибот қилиш учун бориши тўғрисидаги хабарни ўзига хос хурсандлик билан кутиб олдилар. Қозон губерниясидаги турли анжуманларда туркий халқлар ичида татарларнинг Туркистондаги тарихий вазифасига тўхталиш билан бирга, “Қизил Шарқ” поезди “ёруғ кунлар ва тўғри йўлни очиб беради”, – деб умид қилдилар². Марказ талабига мувофиқ, дастлабки сафарбар қилинувчилар қаторидан Будаилов, Шагит Ахмадиев, Мухитдинов, Султанбек ва бошқалар ўрин олган эди. Туркистонга жўнаш олдидан 6 декабрда ўтказилган 1919 йил мажлисида ташвиқот поезди ходими Ялимов берган маълумотларга кўра, фақатгина “... сиёсий бўлимда 13 нафар мусулмон ходимлари бўлиб, уларнинг кўпчилиги татарлардан иборат эди. Мусулмон тилларидаги (туркий тилларни назарда тутилган – *муаллифлар*) адабиётларнинг аксарияти Қозонда чоп этилган”³. “Қизил Шарқ” поезди 1920 йил 13 мартда Тошкентга етиб келган. Поезднинг ходимлари Самарқанд, Фарғона, Сирдарё вилоятлари ҳамда республиканинг бошқа шаҳарларида бўлдилар ва жойларда аҳоли орасида сиёсий-тарбиявий, тарғибот ишларини олиб борадилар. Поезддаги босмахонада ўзбек, қирғиз (қозок), туркман, тожик, татар ва рус тилларида “Қизил Шарқ” газетаси чоп этила бошланди. Бу босмахонада бир кунда 5–6 минг нусха газета чиқариш ва турли мавзуларда варақалар чоп этиш имконияти бор эди. Газета ва варақаларнинг поезд босмахоносида чоп этилишида Вақиф Жалол, Абдулла Гайсин, Низомидинов,

¹ РГАСПИ, ф.583, оп.1, д.45, л.3; ЦГА ИПДРТ, ф.868, оп.1, д.218, л.337; Акрамов А. Братская помощь русского народа в строительстве социализма в Узбекистане. – Т.: “Узбекистан”, 1982. – С. 84–85.

² ЦГА ИПДРТ, ф.868, оп.1, д.88^а, л.133.

³ ЦГА ИПДРТ, ф.868, оп.1, д.229, л.62; д.547, л.2; СОГАСПИ, ф.1, оп.1, д.74^а, л.10; ГАРФ, ф.Р-1252, оп.1, д.136, л.13.

Аюпов, С. Мухамадиев, Хисматуллин, Шамсутдинов, Сагдеев-лар катта роль ўйнаган¹.

Қозондан 1920 йили “Қизил Шарк” тарғибот поездиди Туркистонга келганлар қаторида Ш.Г. Ахмадиев ҳам бор эди². У поезддаги босмахонада ўзбек, қирғиз (козок), туркман, тожик, татар ва рус тилларида чоп этиладиган “Қизил Шарк” газетасининг муҳаррири эди³. Ш.Г. Ахмадиев учун газета муҳаррирлиги янгилик эмас эди. Чунки у 1918 йил Қозондаги биринчи совет газетаси бўлмиш “Эш” (“Меҳнат”) да ва “Қизил Шарк” поездига сафарбар қилингунга қадар ММХКнинг органи бўлмиш “Қизил Армия” газетасида муҳаррирлик қилиб, маълум бир тажрибага эга эди⁴. У расман тарғибот поездиди газетаси муҳаррири бўлганига қарамасдан, Туркистонда чоп этилаётган газеталар билан ҳам ҳамкорлик қилган. Шунингдек, маҳаллий аҳоли орасида маданий-маърифий ишларини олиб бориш, ҳатто масжидларда ҳам тарғибот ва ташвиқот ишлари билан шуғулланган. Маҳаллий аҳоли томонидан бой-бадавлат кишиларнинг ўтказаетган зуғумига қарши чора-тадбирлар кўришда ҳам катта фаоллик кўрсатган. Ш.Г. Ахмадиев кейинчалик Туркистон Республикаси Халқ маорифи комиссари ва шунингдек, “Иштирокиюн” газетасининг муҳаррири бўлиб ҳам ишлаган. Ш.Г. Ахмадиевнинг фаолияти тахлили шуни кўрсатдики, у оддий халқ манфаати ва туркий халқлар ҳамкорлиги йўлида жонкуярлик хислатларига эга бўлган⁵. У Туркистон Халқ мао-

¹ ГАРФ, ф.Р-1252, оп.1, д.136; д.163, л.7; л.35 об; РГАСПИ, ф.122, оп.1, д.115, л.390; ф.583, оп.1, д.10, л.л.510–52; д.33; л.72; д.45, л.36; РГВА, ф.17, оп.1, д.109, л.229.

² Ш.Г. Ахмадиев Туркистонга биринчи марта 1920 йил бошларида келган. Аммо Тавфиқ Айди уни 1918 йил Тошкентда Татар ўқув юрти ташкил қилган деб ноаниқликка йўл қўйган. Қаранг: Тэуфикь Эйди. Тўлсымли коч. Очерклар. – Қозон: Татарстан китап нэшрияты, 1987. –Б. 133.

³ Турсунов Х.Т. Национальная политика Коммунистической партии в Туркестане. – Т.: “Ўзбекистан”, 1971. – С. 226.

⁴ Мухарямов М.К. Труженник революций. – Казань: Таткнигоиздат: 1988. – С. 53; ЦГА ИПДРТ, ф.868, оп.1, д.242, л.252.

⁵ ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 785-иш, 37-варақ; 1717-иш, 9-варақ; ЦГА ИПДРТ, ф.868, оп.1, д.242, л.л.206, 251; Қаранг: “Известия” (ТуркЦИК), 5 марта 1920 г.

рифига 1920 йилдан Қозон, Уфа, Оренбург, Самара ва бошқа худудлардан ўқитувчиларни, маданий-маърифий йўналишларда ишловчиларни жалб қилишга ҳамда ўлкадаги босмахоналарга мусулмон шрифтини, асбоб-ускуналарни келтиришга ўз ҳиссасини қўшган. Шунингдек, Ш.Г. Ахмадиев ўз фаолиятида БХСР инқилобий қўмитасининг аъзоси тариқасида ҳам маданий-маърифий ишларни йўлга қўйишда фаолият олиб борган¹.

Асосан Қозон, Уфа, Самара, Симбирск губернияларининг татар миллатига оид тарғиботчиларини ўз ичига олган “Қизил Шарқ” поезда 1920 йил январидан июнига қадар Туркистонга қилган биринчи сафарбарлигида 5 та вилоят, 31 та шаҳар ва уезд маркази, 95 та қишлоқ ва овул, 49 та волостларда бўлиб, омма орасида ўлкадаги ғоявий-сиёсий ишларни йўлга қўйиш бўйича 394 та митинг ўтказган. Ушбу митингда 123 мингдан ортиқ маҳаллий аҳоли қатнашган. Поезд босмахонасида Туркистон халқлари ва рус тилларида 37 минг нусха деворий газета, 187 нусха варақалар ўтказилган. Шунингдек, 68 та маъруза ўқилиб, унда 37485 киши қатнашган, 30тадан ортиқ мажлис волостларда ўтказилган ва бунда 153 минг киши қатнашган, 178 та киносеанс қўйилган. Поезддан турли ташкилот ва одамларга 3078 та тарғибот кутубхоналари, 186 мингта ҳар хил китоблар, 58 мингта варақа, 5500 та плакатлар берилган².

1920 йилнинг 15 июлида “Қизил Шарқ” тарғибот поезда Туркистондан Москвага қайтди. Марказга берилган ҳисоботдан большевиклар раҳбарияти ушбу поездни яна қайтадан совет ҳокимияти манфаатлари йўлида Туркистонга қайтаришни мақсадга мувофиқ деб топди. Эндиликда тарғибот поезда ходим-

¹ Кенгроқ маълумот учун қаранг: ЎЗР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 691-иш, 86-варақ; 980-иш, 44, 50-варақлар; 984-иш, 211-варақ; 1163-иш, 22-24-варақлар ва орқаси; 1516-иш, 43-варақ; 1686-иш, 30-варақ; 1691-иш, 16-варақ; 1717-иш, 9-10-варақлар; ЎЗР ПДА қошидаги Тошкент вилоят бўлими, 18-фонд, 1-рўйхат, 424-иш, 20-варақ; ЎЗР МДА, 25-фонд, 1-рўйхат, 419-иш, 1-варақ; РГАСПИ, ф.61, оп.1, л.л.4, 13, 35; д.51, л.10; ф.583, оп.1, д.45, л.6; ЦГА ИПДРТ, ф.15, оп.1, д.348, л.45; ф.868, оп.1, д.242, л.252.

² Меженина Е.М. Агитпоезд “Красный Восток”. – Т.: Госиздат УзССР, 1962. – С. 46.

ларида Туркистондаги ижтимоий-сиёсий аҳвол тўғрисида назарий тушунчалар амалиёт билан тўлдирилган эди. Поезд ходимлари бўлмиш татар ва бошқирдлардан иборат сиёсий ходимлар, йўриқчилар Туркистондаги ғоявий-сиёсий, маданий-маърифий фаолиятни кучайтириш учун нималарга эътибор бериш тўғрисида илгарига нисбатан яққолроқ тушунчага эга эдилар. Шунинг учун ҳам “Қизил Шарқ” поездини иккинчи марта Туркистонга жўнатишдан аввал поезд ходимлари Волгабўйи, Уралолди худудларига ташриф буюриб, тарғибот поездида, Туркистондаги вилоятларда ишлаш учун малакали кадрларни ва адабиётларни, мусулмон шрифти, босмахона ускуналарини харид қилишга киришганлар. Масалан, ШХКТ МБ томонидан “Қизил Шарқ” тарғибот поезди ходимлари Ш.Г. Ахмадиев ва М.К. Будаиловларга берилган гувоҳномада “... шошилич равишда Қозон, Чистополь, Мамадиш, Самара, Уфага шарқий адабиётлар, шрифт, босмахона ускуналарини харид қилиш ва Турккомиссияда ишлаш учун лойиқ кадрларни топиш учун сафарбар қилинади”, – дейилади¹.

“Қизил Шарқ” тарғибот поездида ишлаш учун кадрларни жалб қилишда қозонлик В.С. Шафигуллин ҳам фаол иштирок этди. У Қозон губерниясида чоп этилаётган “Эш” (“Меҳнат”) ва ШХКТ МБ органи бўлган “Қизил Шарқ” газеталарининг муҳаррири, таниқли журналист сифатида нашриёт билан боглик ишларни, ҳарф терувчиларни ва ўз ҳамкасабаларини яхши билгани учун ҳам тарғибот поездини тайёрлашда фаол қатнашди ҳамда ўзи ҳам кейин поезд йўриқчиси тариқасида Туркистонда фаолият кўрсатди².

“Қизил Шарқ” тарғибот поездида шикоят ва ариза бўлими бюросининг мудирини лавозимида Ф.Ф. Султанбеков ишлаган. У Қозон губерниясининг Мамадиш уездидан сафарбар қилинган эди. Ушбу бўлим вазифасига маҳаллий совет ҳокимияти ва партия, совет ходимларининг аҳолига нибатан ноҳақ фаолиятларини ўрганиш (амалда тафтиш) кирар эди. Ф.Ф. Султанбеков

¹ РГАСПИ, ф.583, оп.1, д.185, л.л.205–206.

² РГАСПИ, ф.583, оп.1, д.10, л.л.51–52; д.44, л.156; ЦГА ИПДРТ, ф.868, оп.1, д.242, л.л.153, 170, 206.

бошчилигидаги бўлим аъзолари қишлоқ ва овулларда, уезд-шаҳарларда бўлиб, совет ҳокимияти органлари ва партия, совет ходимлари томонидан олиб борилаётган ноҳақликларни аниқлаш иши билан шуғулланганлар. Масалан, Самарқанд вилоятидаги 15 кунлик фаолият давомида шикоят ва ариза бюроси бўлимига 394 та шикоят тушди. Натижада ушбу шикоятларнинг асосли бўлганлари ўз жойида ҳал этилган. Тушган ариза ва шикоятларни “адолатли” ечимида шикоят ва ариза бўлими мудирини Ш.Х. Муратовнинг ҳам “хизмати” катта бўлган. Кейинчалик у Андижон уезди партия кўмитасида йўриқчи бўлиб хизматга жалб қилинган¹. Лекин шуни қайд этиш лозимки, ушбу тарғибот поезди ҳамма вақт ҳам ўз фаолиятини маълум бир тартиб-қоида доирасида олиб бормаган. Масалан, “Қизил Шарқ” тарғибот поезди ходимлари томонидан биргина Андижоннинг 64 раҳбар ходими хибсга олиниб, Тошкентга келтирилади. Натижада Андижон уезд-шаҳар партия ва совет идоралари янгиланади. Бундан кўриниб турибдики, ушбу поезд ходимлари томонидан олиб борилган “фаолият” маҳаллий раҳбар кадрларни бадном қилинишига ҳам олиб келган. “Қизил Шарқ” тарғибот поезди амалда маълум даражада “қатағон поезди” вазифасини ҳам ўтаган².

“Қизил Шарқ” тарғибот поезди 1920 йил 18 сентябрида БХСРга келди. Поезднинг сиёсий ходимлари, йўриқчилари аҳоли ўртасида асосий эътиборни Бухорода амирлик ўрнига келган янги халқ демократик тузумининг афзалликларини тушунтиришга қаратдилар. Яқиндагина эълон қилинган БХСРнинг партия ва совет органларини шакллантиришда тарғибот поезди ходимлари фаол қатнашдилар. БХСРга малакали мутахассислар, ўқитувчилар, муҳандислар, хотин-қизлар ичида ишлашга аёллар, журналистлар, партия ва совет ходимлари етишмасди.

¹ РГАСПИ, ф.583, оп.1, д.33, л.7; д.45, л.7; д.61, оп.1, л.17; д.93, л.578; ЎЗР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1704-иш, 172-варақ; НА РТ, ф.868, оп.1, д.226, л.123; Андижон вилоят давлат архиви (АВДА), 90-фонд, 1-рўйхат, 99-иш, 20-варақ ва орқаси; Борцы за счастье народов. – Казань: Таткнигоиздат, 1988. – С. 314–318.

² Кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Шамсутдинов Р.Т. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар... – Б. 35–38, 42, 44–46, 89, 165–166, 183.

Масалан, БХСР Халқ маорифи ноизири илтимосига кўра, “Қизил Шарқ” тарғибот поезди ходимлари Ориф Алпаров, Ходи Файзий, Биккуловлар жойларда маданий-маърифий ишларга ва маориф нозирлигига жалб қилинган эди. Ш.Г.Ахмадиев, Х.Чанишев, Ф.Ф.Султонбековлар БКП ва БХСР Ички ишлар нозирлигига жалб қилинган бўлса, М.К.Будаилов, Хабибуллинлар эса Бухорода давлат нашриётини ишга туширишга сафарбар қилинган эди. Шу ерда тарғибот поездининг “Қизил Шарқ” газетаси котиби ва поезднинг ҳарбий бўлим йўриқчиси М.К.Будаиловнинг БХСРда нашриётни йўлга қўйишдаги фаолиятига кенгроқ тўхталиш жоиз¹.

М.К.Будаилов асли Мамадиш уездидан бўлиб, она тили бўлмиш татар тилидан ташқари ўзбек, қирғиз (қозоқ), араб, рус тилларини яхши билиши муносабати билан маҳаллий ва русийзабон аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб боришда қийналмади. У Бухорода янги матбуот ва давлат босмахонасини йўлга қўйиши керак эди. Аммо керакли мутахассислар ва босмахона асбоб-ускуналари, ҳарф терувчилар, ташкилотчи-журналистлар, мусулмон шрифти йўқлиги сабабли давлат босмахонаси фаолият кўрсатмасди². М.К.Будаилов ва бир нечта

¹ М.Д.Будаилов Туркистон шарт-шароити билан яқиндан таниш эди. Айна пайтда босмахона билан боғлиқ муаммоларни ечимида унинг 1912–1915 йиллари Троицкдаги “Энергия” босмахонасида дастлаб ҳарф терувчи, кейин шу ерда чоп этилаётган “Оқмулла” журнали ҳамда Тошкентда чоп этилаётган “Садои Туркистон” газетаси билан ҳамкорлик қилган, шунингдек, 1914 йилдан Тошкентда “Оқмулла” журнали муҳбири бўлиб ишлагани қўл келди. Кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Гарифуллин Д. Мэхмут Бодэйли // “Гасырлар авазы – Эхо веков”. №1/3, 2003. – С. 147–149.

² Бухорода илк матбуот нашриёти “Бухоройи шариф” номли форсча газета бўлиб, унинг 1-сони 1912 йил 11 мартидан ва шу йилнинг 14 июлидан эътиборан ушбу газета идораси қошида “Турон” номли ўзбекча газета ҳафтада 3 мартадан чиқарилган. Ҳар икки газета 1913 йилнинг 2 январига қадар фаолият кўрсатган. Бухородаги рус элчихонаси назорати остида нашр қилинган бу газеталар Янги Бухорода – Когонда босилиб, амирлик ҳудуди, шунингдек, қўшни Туркистон ўлкасининг айрим шаҳарларида ҳам тарқалган. Амирнинг фармойиши билан “Бухоройи шариф”, “Турон” газеталари олиб борган ислохотчилик тарғиботига кўра чоп этилиши тўхтатилди. Кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Пидаев Т. Матбуот – миллат чироғи. – Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат нашриёти, 1999. – Б. 45–47.

харф терувчилар “Қизил Шарқ” поездидан Бухорода нашриётни йўлга қўйиш учун қолдирилди. Уларнинг қилган саъйи ҳаракати туфайли, 1920 йилнинг сентябриданок “Ахбори Бухоро” номидаги газета М.К.Будаилов муҳаррирлигида чоп этила бошланди. Бундан ташқари, айна вақтда рус тилидаги “Известия Бухары” газетаси ҳам чиқа бошлади. Кейинчалик М.Д.Будаилов чиқарилаётган газета ва чақирик, варақа, плакатларга мунтазамлик бериш учун Бухоро амири боғига ташлаб қўйилган босмахона анжомларини тузатиб ишга солди. Аммо эндиликда босмахона бўлишига қарамасдан, харф терувчилар, тош босмахонаси мутахассислари, мусулмон шрифти йўқ эди. М.Д.Будаиловнинг ташаббуси орқали Қозондан тегишли мутахассислар ва мусулмон шрифти келтирилди. Шундай қилиб, М.К.Будаилов БХСРнинг биринчи давлат нашриёти раҳбари бўлиб ишлади¹. Кейинги йилларда у Туркистон ва ХХСРлардаги турли лавозимларда ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий йўналишларда фаолият кўрсатган².

“Қизил Шарқ” тарғибот поезди иккинчи марта Туркистонда 1920 йил августидан 1921 йил февралига қадар бўлди. Бу гал поезд тарғиботчилари ўз фаолиятларини Қўқон, Наманган, Хўжанд, Андижон, Скобелев уездларида хотин-қизлар, ёшлар ташкилотларини тузишда, ғоявий-сиёсий ишларни амалга оширишда қатнашишдан бошладилар. Шунингдек, “Қизил Шарқ” поезди Каспийорти, Самарқанд вилоятлари ҳамда БХСРда ҳам партия ва совет органларида ғоявий-сиёсий ишларни мустаҳкамлаш бўйича иш олиб борди. Аҳоли ўртасида эса сиёсий-тар-

¹ ЎЗР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1090-иш, 47;-варақ. 60-фонд, 2-рўйхат, 69-иш, 42-43-варақлар ва орқаси, 46-варақ; РГАСПИ, ф.17, оп12., д.570, л.л.15-16; ф.122, оп.1, д.66, л.109; д.67, л.10А; ф.583, оп.1, д.74, л.58; ЦГА ИПДРТ, ф.15, оп.1, д.226, л.123; д.229, л.62; ГАРФ, ф.Р-1252, оп.1, д.163, л.7.

² БХСРдаги фаолиятдан кейин 1921 йилдан дастлаб Туркистон МИК қошидаги Қирғиз бўлимида масъул котиб ва кейин РСФСРнинг ХХСРдаги ваколатхонасида ўринбосар бўлиб ишлаган. Қаранг: РГАСПИ, ф.61, оп.1, д.93, л.л.76-77; д.10, л.71; ЎЗР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 1681-иш, 64-варақ; Шунингдек, Бухоро КП МҚ йўриқчиси ҳамда матбуот бўйича халқ комиссари лавозимида ҳам фаолият кўрсатган. Қаранг: Гарифуллин Д. Мэхмут Бодэйли // “Гасырлар авазы – Эхо веков”. №1/3, 2003. – С. 148.

биявий ишларни йўлга қўйиш ҳамда ҳокимиятни мустаҳкамлаш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб борди¹.

“Қизил Шарк” тарғибот поездеи ходимлари Туркистон АССР ва БХСРдаги аҳоли орасида янги “инкилобий ҳукумат”ни мустаҳкамлаш йўлида, маданий-маърифий ишларни йўлга қўйишда фаолият кўрсатдилар. Ушбу тарғибот-йўриқчи поездини сиёсий ходимлар, харф терувчилар, йўриқчилар билан таъминлашда Волгабўйи, Уралолдидаги губернияларда истиқомат қилувчи татарлардан фойдаланилди. Ана шулар қаторида: Ш.Г.Ахмадиев, В.С.Шафигуллин, М.М.Муштарий, Ф.Ф.Султанбеков, А.Алпаров, М.К.Будаилов, Х.А.Чанишев, К.Хуснитдинов, А.Хуснитдинов, Г.С.Латипов, Б.Д.Белоусов, И.Х.Муратов ва бошқалар бор эди. “Қизил Шарк” тарғибот поездининг кўплаб ходимлари Туркистон АССР ва БХСР раҳбарияти илтимосига биноан Ўрта Осиё республикаларида ижтимоий-сиёсий аҳволни барқарорлаштириш, маданий-маърифий ишларни йўлга қўйиш ишларида кейинги йилларда ҳам қатнашганлар².

Кўриниб турибдики, Туркистонда татарлар маданий-маърифий жараёнларда фаол қатнашганлар. Айнан большевиклар янги тузум ғояларини кенг ёйишда Россиянинг марказий губерниялари билан Туркистон ўртасида ғоявий-сиёсий, маданий-маърифий алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор эдилар. Масалан, 1920 йил ёзида Туркистон коммунистик партияси (ТКП) МҚ томонидан Россиянинг марказий губерниялари партия кўмиталарига ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш таклифини киритди. Шу муносабат билан Самара губкомига юборилган ҳужжатда: “Туркистон КП СИЗларга информатсион ва йўриқномаларга оид материаллар билан ўзаро алмаштириш алоқаларини юритишни таклиф қилади.... умид қиламизки, [муносабатларни йўлга қўйишда] даврий матбуотларни ўзаро

¹ Қаранг: ААП Рес. Турк., ф., 4 оп.1, д.146, л.126.

² ГАРФ, ф.Р-1252, оп.1, д.163, л.6; РГАСПИ, ф.17, оп.12, д.670, л.л.15-16; ф.17, оп.60, д.17, л.8; ф.583, оп.1, д.220, л.129; ЎзР ПДА қошидаги СББ, 31-фонд, 1^А-рўйхат, 188-иш, 78-варақ; АВДА, 90-фонд, 1-рўйхат, 99-иш, 20-21-варақлар ва орқаси.

алмаштириб туриш ҳам ёрдам беради”, – дейилади¹. Ўз навбатида, Самара губкоми 1920 йил 1 июлидан губернияда чоп этиладиган даврий матбуот материаллари ва йўриқномаларни Туркистон юбориб турган². Ўзаро алоқалардан нафақат Туркистон Республикаси, балки Россиянинг марказий губерниялари, хусусан, Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги татарлар ғуж яшайдиган губерниялар ҳам манфаатдор бўлган. Мавжуд архив манбалари бизга Пенза, Оренбург, Самара, Қозон губернияларидан Туркистон Республикаси ҳамда бевосита Самарканд, Фарғона, Каспийорти (Туркман) вилоятларининг раҳбариятига жойлардаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, маданий-маърифий аҳвол тўғрисида тўлароқ маълумотларга эга бўлиш учун ахборотлар, матбуот материаллари юбориб туришларини сўраб қилган мурожаатлари тўғрисида гувоҳлик беради³.

Кейинчалик Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари орқали даврий матбуотлар алоқаси янада кенг тус олган. Туркистон бу йўналишда Москва, Петроград, Қозон, Уфа, Боку, Пенза, Самара ва бошқа ҳудудлар билан узвий алоқаларни йўлга қўйган. Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари билан даврий матбуот алоқаларининг чуқур илдиз отишига сабаблардан бири шу эдики, кўплаб татар миллатига мансуб партия, совет ходимлари, ҳарбийлар, маданий-маърифий ходимлар ўша ҳудудлардан сафарбар қилиниб, Туркистонда “инқилоб ҳимояси”га жалб этилган эди. Масалан, 1921 йили ТКП Каспийорти вилоят партия кўмитаси Пенза губкомига қилган мурожаатида доимий равишда пензаликлар учун “Красное Знамя” газетаси ва бошқа даврий матбуот материалларидан юбориб турилишини сўраган⁴. Ўзаро даврий матбуот алоқалари Симбирск, Екате-

¹ ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 689-иш, 4-варақ ва орқаси.

² СОГАСПИ, ф.1, оп.1, д.257, л.л.23–24.

³ Қаранг: ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 689-иш, 1, 4-варақлар ва орқаси; 61-фонд, 1-рўйхат, 34-иш, 170–171-варақлар; ЎзР ПДА қошидаги СБВ, 31-фонд, 1^а-рўйхат, 578-иш, 49-варақ; ААП Рес. Туркм.: ф.4, оп.1, д.118, л.60; ЦГА ИПДРТ, ф.80, оп.1, д.24, л.50; СОГАСПИ, ф.1, оп.1, д.257, л.л.23–24; д.526, л.л. 4,21.

⁴ ААП Рес. Туркм.: ф.4, оп.1, д.118, л.л.60, 194; д.344, л.244; СОГАСПИ, ф.1, оп.1, д.526, л.4.

ринбург губерниялари ва Татаристон республикаси билан ҳам ўрнатилган¹.

Туркистоннинг Волгабўйи, Уралолди худудлари билан халқ таълими йўналишларида ҳам алоқалари ривожланди. Совет ҳукумати олдида Туркистондаги маориф тизимини тубдан ўзгартириш вазифаси турарди. Ўлкадаги саводсизликка барҳам бериш билан большевиклар маҳаллий халқ орасида ўзлари юритаётган сиёсат афзалликларини янада чуқурроқ етказиш имкониятига эга бўлардилар. Аммо муаллимлар етишмас эди. Бор ўқитувчилар ҳам “инқилоб манфаатлари”ни мустаҳкамлаш учун партия ва совет ишларига жалб қилинган эди. Боз устига янги очилган мактабларда дарсликлар етишмас эди. 1918 йил майдан Туркистонда ҳамма учун бир хил мактаблар ташкил қилишга киришилганига қарамасдан, ўқитувчилар, дарсликлар етишмасди². Мавжуд аҳволни яхшилаш учун “Туркфронт”да хизмат қилаётган татар ва бошқирд миллатига мансуб ўқитувчиларни ҳам халқ таълими ишларига жалб қилинган. Бундан ташқари Волгабўйи, Уралолди худудларидан Туркистонга ўқитувчилар сафарбарлиги кўпайиб борди. Масалан, Ю.И. Кириш 1919 йилгача Сизранда халқ таълими бошқаруви мудирини бўлиб ишлаган бўлса, 1920 йилдан Фарғона вилоятидаги халқ таълимида бошқарув мудирини бўлиб фаолият кўрсатган. 1921 йилга келганда уни Туркистон Халқ маорифи комиссари ўринбосари лавозимига тайинлаб Тошкентга ўтказишган³.

Ўқитувчи кадрларнинг етишмаслиги натижасида Татаристон, Бошқирдистон Республикалари, Оренбург ва бошқа губерниялардаги татар, бошқирдларни жалб этиш ҳисобига муаммолар ечимини бўлган. Масалан, 1920 йил августида Д.Г. Бахтияров

¹ ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 298-иш, 86-варақ; РГАСПИ, ф.61, оп.1, д.34, л.л.170-171; ЦДНИ УО, ф.43, оп.1, д.74, л.л.3, 50, 52-53, 77.

² ЎзР МДА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 1070-иш, 410-варақ ва орқаси; Каранг: РГАСПИ, ф.122, оп.1, д.103, л.7.

³ ЎзР ПДА, 60-фонд, 1-рўйхат, 2403-иш, 113-варақ; 2578-иш, 80-варақ ва орқаси; 60-фонд, 2-рўйхат, 160-иш, 14-20, 23-30, 35, 37-39-варақлар; ЎзР МДА, 34-фонд, 1-рўйхат, 809-иш, 1-2-варақлар ва орқаси, 7-варақ; ЎзР ПДА қошидаги ФВБ, 1-фонд, 1^а-рўйхат, 15-иш, 193-варақ; 191-иш, 1-варақ; РГАСПИ, ф.61, оп.1, д.92, л.16; ЦДНИ УО, ф.1, оп.1, д.148, л.л.85, 95.

ва унинг хотини Татаристоннинг Спасск уездидан Туркистонга ўқитувчи тариқасида юборилган. Бахтияровлар оиласи Тошкентга келиб, эри Фарғона вилоятида ташкилотчи-ўқитувчилик билан шуғулланган бўлса, хотини вилоят хотин-қизлар бўлимида ишлаган. Д.Г.Бахтияров ўқитувчилик фаолиятини юргизар экан, ўз кўзи билан ўқув қуроллари етишмаслигини кўрди. Ўз навбатида, тегишли дарсликлар, ўқув қўлланмаларисиз аҳоли ўртасида саводхонликни жорий этиб бўлмас эди. Шунинг учун, у Туркистон Республикаси раҳбариятидан туркий халқлар тилларидаги адабиётларни харид қилиш учун 100 минг рубль ажратилишига эришади ва 1920 йил ноябрь ойида Қозонга келиб, тегишли адабиётларни харид қилади. 1920 йил 1 декабрида Тошкентга қайтиб, яна Фарғона вилоятида педагогик фаолиятини давом эттиради¹.

Туркистонни керакли ўқитувчи кадрлар билан таъминлашда ШХКТ МБ, ММХК ва Қозон губернияси раҳбарияти катта ташкилий вазифаларни бажарган. Масалан, ШХКТ МБ томонидан 1920 йил 13 апрелида И.Алимбеков, У.Габиқов, Стаковларга берилган ҳужжатда уларни ўқитувчи сифатида Туркистонга сафарбар қилинаётгани қайд этилган². Айрим татар ўқитувчилар ўзлари яшайдиган губерния халқ маорифи бўлими (ХМБ)га ариза бериб, Туркистонга мутахассисликлари бўйича сафарбар қилинишларини сўраганлар. Масалан, Вятск губерниясидан Г.Шарафитдинов ММХКга 1920 йил мартада берган аризасида, ўзини Туркистонга саводсизликни тугатиш бўйича сафарбар қилишларини сўраган. ММХК томонидан Туркистонга сафарбарлик муносабати билан унга берилган ҳужжатда, Г.Шарафутдинов 1918–1920 йиллари халқ таълими йўналишида ишлаганлиги ҳам қайд этилган³. Шундай мазмундаги ариза билан ММХКга 1920 йил мартада Н.Халиуллин, Н.Абдурахманов, Н.Бахтияров ҳам мурожаат қилишган эди⁴. Яна шуниси борки,

¹ ЎзР ПДА, 10-фонд, 2-рўйхат, 52-иш, 64, 68–72-варақлар; ЦГА ИПДРТ, ф.868, оп.1, д.360, л.5; ЎзР ПДА қошидаги ФВБ, 1-фонд, 1^а-рўйхат, 205-иш, 37–38-варақлар.

² РГАСПИ, ф.583, оп.1, д.185, л.54.

³ РГАСПИ, ф.17, оп.1, д.61, л.л.144–145.

⁴ РГАСПИ, ф.17, оп.1, д.61, л.л.141–143.

кўплаб татар муаллимларини халқ маорифи тарғиботи, жойлардаги, мактабларга жалб қилинишига сабаблар қаторида, хусусан, 1921–1923 йиллардаги очарчилик кўплаб ўқитувчиларни Туркистонга келиб қолишига сабаб бўлди. Натижада Волгабўйи, Уралолди худудларидан келган татар, бошқирд ўқитувчилар маҳаллий аҳоли фарзандларини ўқитишга жалб қилинган¹. Келган ўқитувчилар учун ўқитишга ўқув қўлланмалари етишмас эди. Шу сабабдан айрим ўқитувчилар ўзлари Қозон, Уфа, Самара, Оренбург каби губерниялардан дарсликлар, ўқув қўлланмаларни (асосан татар тилида – *муаллифлар*) олиб келишарди. Масалан, 1920 йил августида Туркистондан Назиров Қозонга керакли ўқув қўлланмалари учун бориб, 75 та татар тилидаги китоб олиб келишга муваффақ бўлади². Аммо бундай йўл билан Туркистонни ўқув қўлланмалари билан таъминлаш мутлақо етарли эмас эди. Шунинг учун ҳам Туркистон марказий нашриёти 1921 йили Москвадан рус тилида нашр этилаётган ҳамма китобларнинг 5 фоизини, мусулмон тилларида (татар, бошқирд, озарбайжон тилларидагилар назарда тутилади – *муаллифлар*) 40 фоизини Туркистонга юборишини сўрайди. Шунингдек, Қозонда нашр этилаётган татар тилидаги адабиётлардан 20 фоизини Туркистонга ажратилишини ва айни пайтда, бундан ташқари, БХСР ва ХХСР таъминоти ҳам алоҳида бўлишлигига эътиборни қаратади³.

Ўз навбатида, БХСР ва ХХСРдан ҳам Татаристон Республикаси билан маданий-маърифий йўналишлардаги муносабатлар йўлга қўйилган эди. Масалан, 1920 йил 10 феввалида ХХСР сиёсий бошқармаси бошлиғи Мусаев Татаристон вилоят партия кўмитасига юборган телеграммасида “Кўп маротаба Хивага мусулмон ходимларни юбориш тўғрисида қилган мурожаатимизга қарамасдан, ҳеч қандай натижа йўқ. Бешта ўқитувчи, иккита лектор, ўнта масъул ходимларни сиёсий бошқарма ихтиёрига юборишингизни сўраймиз”, – дейилади⁴.

¹ ЎзР МДА, Р-25 фонд, 1-рўйхат, 718-иш, 502-варақ.

² ЎзР МДА, Р-34 фонд, 1-рўйхат, 606-иш, 8-варақ.

³ ЎзР МДА, Р-34 фонд, 1-рўйхат, 606-иш, 40-варақ оққаси.

⁴ РГАСПИ, ф.17, оп.65, д.377, л.л.44–44 об.

Совет ҳокимияти Туркистонда татарлардан маҳаллий шарт-шароитни яхши билишини, ерли аҳолининг тили, дини билан муштараклигини ҳисобга олди. Айниқса, бу хотин-қизлар ўрта-сида олиб борилиши кўзда тутилаётган тарғибот-ташвиқот жараёнида ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Большевиклар ҳукмронлигининг дастлабки йиллариданок, маҳаллий хотин-қизлардан совет ҳокимиятини қўллаб-қувватловчи тарафдорларни тайёрлаш кўзда тутилган эди. Мазкур мақсадни амалга оширишда маҳаллий аёллар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борувчи хотин-қизлар бўлимлари ташкил этилди. Бу бўлимлар фаолиятининг асосий йўналиши хотин-қизлар орасида тарғибот ишларини олиб бориш орқали тезроқ уларнинг “юзларни очиш”, хотин-қизлар ижтимоий фаолликларини оширишни назарда тутар эди. Ҳукмрон сиёсий фирқа маҳаллий миллатнинг маданий мероси ва миллий қадриятларини эътиборга олмаган ҳолда, халқ онгида янги – пролетар маданиятни шакллантириш учун кураш олиб борди. Пролетар маданиятини шакллантириш йўлида йўриқчилик курслари ташкил этилди.

1918 йил 6 сентябрида Туркистон Халқ маорифи комиссарлиги кенгаши йиғилишида аҳолига йўриқчилик маданий ёрдам кўрсатиш курсларини ташкил этиш лойиҳаси тасдиқланди¹. Туркистон Халқ маорифи комиссарлигининг 1919 йил 2 январдаги “Ишчи-деҳқонларга маданий ёрдам йўриқчи курслари очиш тўғрисида”ги Низомига кўра, мазкур санадан бошлаб, комиссарлик қошида 3 ойлик пролетариатга маданий ёрдам кўрсатиш йўриқчилик курслари очилди. Бу курсларнинг асосий мақсади, жойлардаги маданий-маърифий муассасаларда иш олиб борувчи малакали йўриқчиларни тайёрлашдан иборат эди. Курсларга ўқитувчилар ва 18 ёшдан кам бўлмаган ўрта маълумотга эга бўлган фуқаролар қабул қилинди. Низомга кўра курсни тамомлаганлар вилоят, туман ва шаҳарларда 1 йил муддатгача мажбурий йўриқчи вазифасини бажаришлари лозим

¹ ЎзР МДА, Р. 34-фонд, 1-рўйхат, 103-иш, 3-варақ.

эди. Курсга қабул қилинган тингловчилар Туркистон Халқ маорифи комиссарлиги томонидан 850 сўм миқдордаги маблағ билан таъминланган¹.

1920 йилдан жойлардаги янги совет мактабларда ўқув ишларини ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида *мактаб йўриқчи курслари* (курсив бизники – *муаллифлар*) ҳам ташкил этилган. Мазкур курслар тингловчиларининг асосий қисмини татар хотин-қизлари ташкил этганлигини куйидаги далилдан ҳам кўриш мумкин. Масалан, 1920 йили мактаб йўриқчи курсларини тамомлаган 353 нафар тингловчининг 210 нафарини татар аёллари ташкил этган. Мактаб йўриқчи курсларини тамомлаганлар Туркистон Халқ маорифи комиссарлигининг йўлланмаси билан турли ҳудудларга юборилган. Жумладан, Афифа Бурнашева Фарғона вилояти, Андижон уездига, Хадича Қурманбаева Етгисув вилояти, Верний уездига мактаб йўриқчиси сифатида жўнатилган². Туркистон Халқ маорифи комиссарлиги томонидан йўриқчи курслари талабаларини моддий таъминланиши мазкур курсларга татар хотин-қизларининг келиб ўқишларига сабаб бўлди. Мазкур ҳолат эса, ҳукмрон фирқа мақсадларини амалга оширишда кўл келган.

Хотин-қизлар орасида тарғибот ишларини олиб боришда йўриқчилар кўплаб ишларни амалга оширганлар. Тарғиботчи-йўриқчиларни тайёрлашда Марказ Туркистонга малакали кадрларни юборишни ташкил этди. Дастлабки даврда йўриқчилар рус миллатига мансуб ёки европали хотин-қизлардан иборат бўлган. 1919 йил кузида Туркистонда И.Финкельштейн раҳбарлигида йўриқчи хотин-қизлар бўлими ташкил топди. Унда биринчи йўриқчи этиб Л.Шумилова тайинланди. 1919 йил охири ва 1920 йил бошида дастлаб Закаспий ва Самарқанд вилоятларига хотин-қизлар бўлимларини ташкил этиш ҳамда уларга амалий ёрдам бериш мақсадида, йўриқчилар юборилди. Л.Шумилова 1919 йил декабрь ойида мазкур ҳудудга сафарбар қилинди. У қисқа муддатда Туркистон аёллари орасида юқори

¹ ЎзР МДА, Р. 34-фонд, 1-рўйхат, 103-иш, 21-варақ ва орқаси.

² ЎзР МДА, Р. 34-фонд, 1-рўйхат, 523-иш, 43-варақ ва орқаси.

обрўга эга бўлди. Буни турли худудлардан хотин-қизлар орасида тарғибот ишларини юритишда амалий ёрдам кўрсатиш учун юборишларини сўраб ёзилган телеграмма ва хатлардан ҳам кўриш мумкин¹.

Хотин-қизлар бўлимининг дастлабки ходималаридан бўлган Т. Бендецкаянинг хотираларида хотин-қизлар бўлимининг дастлабки жамоасини ўзбеклардан Содиқова ҳамда татарлардан Зухра Сафарова, Фотиха Редкина, З. Бурнашевалардан иборат бўлганлиги қайд этилган². Мазкур аёллар 1920 йил апрелда Туркистон ишчи аёлларининг биринчи съездини ўтказишда ҳам жонбозлик кўрсатганлар³.

1919 йил декабрда хотин-қизлар бўлимининг филиали Тошкент шаҳрида ҳам очилди. Бўлим фаолиятида татар аёллари – М. Юсупова, З. Бурнашева, Хусанбаева, Ш. Каримовалар фаол хизмат кўрсатишди. Хотин-қизлар бўлимининг фаолияти маҳаллий “Иштирокиюн”, “Қизил Байроқ”, “Туркистон”, “Озод Бухоро”, “Маориф”, “Инқилоб куёши” ва бошқа бир қатор газеталар саҳифаларида ёритиб борилган⁴.

Хотин-қизлар бўлимининг асосий ваколатига маҳаллий аёллар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, хотин-қизларни совет давлати курилишига жалб этишдан иборат эди. Хотин-қизлар бўлимининг таркибига мудир, йўриқчи, касаба уюшмаси, комсомол ташкилоти, партия кўмитаси ва “Кўшчи иттифоқи”дан вакиллар киритилган. Хотин-қизлар бўлимида вакил аёллар ҳам фаолият кўрсатиб, улар ваколатига махсус бирлашмалар ташкил этиш, жамоат ишлари, умумий йиғилишлар уюштириш, махсус мавсумий ишлар, “Кўчма қизил ўтовлар”да ишлаш, кўшхотинликка қарши эркаклар ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш, “Кўшчи иттифоқи” аъзолари

¹ Шукурова Х.С. Социализм и женщина Узбекистана. – Т.: “Узбекистан”. – С. 73–74.

² Финкельштейн И., Шукурова Х. Пробуждённые Великим Октябрем. Сборник очерков и воспоминаний. – Ташкент: Госиздат, 1961. – С. 13.

³ Первый Туркестанский съезд // “Известия”, 1920. 6 апрель.

⁴ Алимова Д.А. Решение женского вопроса в Узбекистане. – Ташкент: “Фан”, 1987. – С. 14–15.

орасида саводсизликни тугатиш, амалиётчи вакил аёллар, фаоллар орқали иш олиб бориш кабиларни ташкил этган¹.

Вакила аёллар давлат ташкилотларида фаолият юритиш билан бир қаторда жамоат ишларида ҳам фаоллик кўрсатганлар. Россиянинг Волгабўйи ва Уралолди худудларидан келтирилган очларга ёрдам кўрсатиш, жойларда шанбаликлар уюштириш, болалар уйлари ва интернатларда оммавий хашар ишларини ташкил этишда ташаббус кўрсатганлар. Янги Бухородаги ана шундай дастлабки вакила аёллар сифатида татар ва рус хотин-қизлари фаолият кўрсатганлар. Улар жумласига М. Васильева, Макрюкова, М. Бабушкина ва М. Шарафутдиноваларни кири-тиш мумкин².

XX асрнинг 20 йиллар бошида Туркистондаги хотин-қизлар бўлимларининг фаоллиги яққол кўзга ташлана бошлади. Таъкидлаш жоизки, хотин-қизлар бўлимлари ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий соҳада мустақил сиёсат юритмаган. Мазкур жараёнда хотин-қизлар бўлимлари сиёсий ҳукмрон партиянинг манфаати ва сиёсатига мутаносиб равишда иш олиб борганлар³.

Ўрни келганда қайд этиш жоизки, дастлабки йўриқчилар асосан эркаклардан иборат бўлиб, аёллар фақатгина уларга ёрдамчи вазифасида фаолият кўрсатганлар. Л. Шумилова хотин-қизлар орасида тарғибот ишларини олиб борган дастлабки йўриқчи аёллардан эди. Хотин-қизлар орасида олиб борилган ишлар ҳақида у ўз хотираларида шундай ёзган эди: “1919 йили Марказдан Тошкентдаги партия ташкилотига хотин-қизлар орасида иш олиб бориш учун махсус бир кишини ажратиш тўғрисида буйруқ келгандан кейин мазкур вазифага дастлаб Якоменко қўйилди. Унга ёрдамчи сифатида мен тайинландим. 1919 йили И. Финкельштейн маҳаллий аёллар иштирокида митинглар уюштирар ва уларда нутқ сўзларди. Шундай митинглардан бирида илк маротаба

¹ Абдуллаева Я. XIX аср охири ва XX асрда Қорақалпоғистонда хотин-қизлар масаласи (ижтимоий-сиёсий аспект): тарих фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2005. – Б. 109.

² Аминова Р. Октябрь и решение женского вопроса в Узбекистане. – Ташкент: “Фан”, 1975. – С. 120.

³ Нишонбоева К. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини ҳал этишнинг маданий жиҳатлари (20–30 йиллар, тажриба ва оқибатлар): тарих фан. ном. дисс. – Тошкент, 1998. – Б. 72.

нутқ сўзлаш менга топширилди. Митингда 200 нафардан ортик хотин-қизлар йиғилган бўлиб, нутқ сўзлаб бўлганимдан кейин улар билан зиёлиларнинг ҳозирда ва ўтмишдаги тутган ўрнилари ҳақида суҳбат олиб бордим”¹.

Туркистон хотин-қизлари орасида тарғибот ишларини олиб борувчиларнинг дастлабки вакилларини асосан европа ва рус миллатига мансуб аёллар ташкил этган. Табиийки, маҳаллий миллат тилини билмаганликлари улар фаолияти учун ноқулайликни юзага келтирган. Дастлабки йўриқчилардан бири Г. Марченконинг таъкидлашича, маҳаллий миллат хотин-қизлари орасида тарғибот ишларини олиб боришда уларга татар ва бошқирд аёллари катта ёрдам берганлар. Дастлаб улар сафига қўшилган татар аёли М. Юсупова маҳаллий миллат хотин-қизлари аҳволи ҳақида сўзлаб, уларнинг кадриятлари ва урф-одатларини батафсил тушунтириб берган. Кейинчалик тарғибот гуруҳига Хусанбаева, Фотиха Редкина, Ш. Каримова каби татар аёллари келиб қўшилганлар².

Маҳаллий хотин-қизлар ўртасида тарғибот ишларини олиб бораётган рус аёлларига ташвиқот ишларида бошқирд аёллари ҳам катта кўмак берганлар. Бошқирд аёллари ўзбек маҳаллаларида юриб хонадонларда бўладиган аёлларнинг маросимларида ўзбек аёллари билан бирга қатнашганлар, шундай пайтларда ўзбек аёллари орасида ташвиқот ишларини ҳам олиб борганлар³.

Ўрта Осиёдаги хотин-қизлар орасида тарғибот ишлари фаолларидан бири бўлган Л.А. Отмарштейн Бухородаги хотин-қизлар бўлимининг иш фаолиятида татар аёлларининг алоҳида ўрин тутиб, маҳаллий миллат тили ва урф-одатларини билишлари улар ўртасида олиб борилган ташвиқот муваффақият гарови бўлганлигини қайд этган⁴.

¹ За пять лет. Сборник по вопросам работы Коммунистической партии среди женщин Средней Азии. – Москва, 1925. – С. 109.

² За пять лет. Сборник по вопросам работы Коммунистической партии среди женщин Средней Азии. – Москва, 1925. – С. 118.

³ Финкельштейн И., Шукурова Х. Пробуждённые Великим Октябрем. Сборник очерков и воспоминаний. – Ташкент: Госиздат, 1961. – С. 77.

⁴ Расулов А.Н. Интернациональная помощь партийных организаций, трудящихся Средневолжского региона народам Туркестана (1918–1924 гг.): дисс... канд. истор. наук, – Казань, 1990. – С. 221.

Кейинчалик маҳаллий хотин-қизлар орасида тарғибот-ташвиқот ишларининг самарали кечаётганидан воқиф бўлган ҳукумат, ташаббусни маълум даражада татар аёллари қўлига топширган. Татар-бошқирд аёллари маҳаллий миллат хотин-қизлари билан мулоқотда бўлиш ва уларга большевиклар ҳукуматнинг сиёсатини тушунтириш ишларини олиб борганлар. Хотин-қизлар бўлимларининг дастлабкиларидан бири Наманганда ташкил этилиб, 1919 йил 21 июлда мазкур бўлим ташаббуси билан 200 нафарга яқин маҳаллий хотин-қизлар иштирок этган йиғилиш ўтказилган. Йиғилишда сўзга чиққан хотин-қизлар бўлими аъзолари мусулмон хотин-қизларининг европалик аёллардан маданий ва маърифий соҳада маълум даражада орқада эканликлари ҳақида тушунтириш ишларини олиб борганлар. Сўз олганлар ўз чиқишларини яқунлагач, тингловчиларга туғилган саволлар бўйича сўзга чиқиш имконияти берилган. Дастлаб сукунат сақланиб, кейин сўзга чиқувчи ва савол берувчиларнинг сони ортиб кетган. Мажлисида тўрт кишидан иборат ҳайъат тузилиб, хотин-қизлар бўлимига раис этиб татар аёли Н. Оғунова сайланган. Йиғилишда тез орада Намангандаги каби Туркистоннинг барча ҳудудларида шундай бўлимлар ташкил этилиб, иш бошлашига умид боғланади. Шунингдек, мусулмон хотин-қизларининг ҳам ижтимоий фаолликларини ошириб, жамиятда ўз ўринларини эгаллашлари муқаррар эканлиги таъкидланади¹.

Туркистон Халқ маорифи комиссарлиги қошидаги хотин-қизлар бўлимида маълум вақтдан кейин вакилларнинг сони ортиб борган. Кадрлар сонининг ортиши натижасида янги “Ишчи-деҳқон” бўлими ташкил этилиб, унинг қошида мусулмон секцияси фаолият юрита бошлаган. Дастлаб мазкур секцияга татар аёли Марям Бахтиярова раҳбарлик қилган². 1920 йил августида М. Бахтиярова Татаристоннинг Спасск уездидан Туркистонга ўқитувчи тариқасида юборилган эди. М. Бахтиярованинг маълумоти ўрта бўлиб, 1922–1925 йиллари маданият

¹ Хотин-қиз дунёсида // “Иштирокиюн”, 1919. 21 июль.

² За пять лет. Сборник по вопросам работы Коммунистической партии среди женщин Средней Азии. – Москва, 1925 – С. 122.

ходимлари уюшмасининг Тошкентдаги Эски шаҳар бўлими бошқармаси котибаси вазифасида фаолият юритган¹.

1919 йил ноябрь ойидан бошлаб жойлардаги партия кўмиталари қошида хотин-қизлар секциялари ташкил топган. Мазкур секциялар ишини ташкил этиш, маҳаллий хотин-қизлар орасида ташвиқот ишларини олиб боришда турли хил йўл ва услубларни ишлаб чиққан татар аёллари Зоҳида Бурнашева ҳамда Зухра Баимбетовалар катта жонбозлик кўрсатганлар². Маҳаллий аёллар орасида тарғибот ишларини олиб боришда ва дастлабки муаллималарни тарбиялашда уларнинг хизматларини алоҳида эътироф этиш зарур. Жумладан, З. Бурнашева раҳбарлигида хотин-қизлар учун марказий ва маҳаллий газеталарда махсус рукн ташкил этишга эришилган³.

Ўзбекистондаги аёллар масаласи билан шуғулланган Х.С. Шукурова хотин-қизлар бўлими ходимларининг дастлабки фаолияти ҳақида шундай қайд этади: “Хотин-қизлар бўлими ишчилари паранжиларни кийиб олган ҳолда, меҳмонлар кўринишида қишлоқ ва шаҳарларда маҳаллий аёллар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борганлар. Улар суҳбатларида... маҳаллий хотин-қизларни янги ҳукуматга бўлган муҳаббатини оширишда асосий роль ўйнаганлар. Ташвиқотчилар аввал маҳаллий аёллар орасидан ўзларига содиқ кишиларни тайёрлаб, уларни ёрдамчи қилиб олганлар. Ёрдамчи аёллар бошқа маҳаллий аёлларни тўплаш ва уларга тушунтириш ишларини олиб боришда хотин-қизлар бўлими ишчиларга кўмак беришган. Шу тариқа ташвиқот ишлари олиб борилган⁴.”

Татар аёлларининг маҳаллий хотин-қизлар орасида тарғибот ишлари олиб боришлари ҳамма вақт ҳам муваффақиятли кечмаган. Асрлар давомида шаклланиб келган урф-одатлардан бир

¹ Ўз РМДА, Р. 792-фонд, 1-рўйхат, 47-иш, 175-варақ.

² Биктемирова Т., Хамитбаева Н. Татарки просветительницы. Актуальное национально-культурное обозрение. “Анко”. 2001. <http://www.tataroved.ru>.

³ За пять лет. Сборник по вопросам работы Коммунистической партии среди женщин Средней Азии. – Москва. 1925. – С. 122.

⁴ Шукурова Х.С. Социализм и женщина Узбекистана. – Ташкент: “Ўзбекистан”, 1970. – С. 124.

йўла воз кечиб, “европача” турмуш тарзига ўтиш, Туркистон хотин-қизлари учун катта “жасорат”ни талаб этар эди. Шу боисдан ҳам мазкур жараён катта қийинчилик ва қурбонлар эвазига амалга оширилди. Масалан, хотин-қизлар орасидаги тарғибот-ташвиқот ишлари фаолларидан бири бўлган татар муаллимаси Омина Валиева хотираларида шундай ёзади: “... мутаассиб [руҳоний]лар томонидан тарғиботчиларни тошбўрон қилинган, итларга талатилган ва ўлдирилган... 15 ёшида Россиянинг Чистополь педагогика техникумини тамомлаб, Туркистонга мактабда ишлаш учун юборилган 16 ёшли татар муаллимаси Жамила Юмаева Лағмон қишлоғида ваҳшиёна ўлдирилган¹.

Фарғона водийсида руҳонийларнинг жиддий қаршилигига қарамай, татар аёллари маҳаллий хотин-қизлар орасида ташвиқот ишларини олиб борганлар. Хотин-қизлар бўлимнинг фаоллари П. Хўжаева ва Р. Муҳамедовалар Қорасув қишлоғида ташвиқот ишларини тамомлаб қайтаётганларида ваҳшийларча ўлдирилган. Таналарининг қисмлари эса, гўшт бозоридаги рас-таларга осиб қўйилган².

Ўрта Осиёдаги хотин-қизларни “Озодлик” ҳаракати фаолларидан бири бўлган татар аёли Марям Шарафутдинова Янги Бухоро шаҳар кўмитаси қошидаги хотин-қизлар бўлимида фаолият юритган. Бухородаги қишлоқлардан бирига аёллар орасида ташвиқот ишларини олиб бораётган пайтда мутаассиб руҳонийлар томонидан ўлдирилган³.

Туркистон Марказий Ижроия Кўмитасининг наشري ҳисобланган “Известия” газетасининг 1919 йил 3 декабрдаги сонидан бошлаб “Ишчи аёл саҳифаси” номли руқн ташкил этилиб, унда хотин-қизлар бўлимлари фаолияти, ҳисоботлари мунтазам бериб борилган. Марказий хотин-қизлар бўлими томони

¹ Биктемирова Т., Хамитбаева Н. Татарки просветительницы Актуальное национально-культурное обозрение. “Анко”. 2001. [http:// www.tataroved.ru](http://www.tataroved.ru). – С. 4.

² Расулов А. Интернациональная помощь партийных организаций, трудящихся Средневожского региона народам Туркестана (1918–24 гг.): дисс... канд. истор. наук, – Казань, 1990. – С. 224.

³ Палванова Б. Эмансипация мусулманки. – Москва: “Наука”, 1982. – С. 58–59.

дан Туркистон аёлларига “Известия” ва “Иштирокиюн” газеталари тахририятига ўзларининг турмуш тарзлари акс эттирилган ҳамда паранжи ташлаш ҳаракатига бағишланган мақолалар ёзиб юбориш таклифи билдирилган мурожаатномалар билан чиққан¹.

Марказий хотин-қизлар бўлими мусулмон секциясида мутахассис аёлларнинг сони камлиги сабабли, дастлабки пайтларда унинг фаолияти суст борган. Мусулмон секциясига татар аёли М. Сафарованинг келиши билан иш фаолияти жонлана бошлаган. М. Сафарова раҳбарлигида маҳаллий хотин-қизлар учун оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида жойларда “Оналар уйи”ни ташкил этиш ишлари бошлаб юборилган². “Оналар уйи”да туғиш ёшидаги аёлларга тиббий хизматлар кўрсатиш билан бир қаторда, зарур маслаҳатлар ҳам бериб борилган. Мазкур пайтда маҳаллий аёллар орасида туғиш жараёни билан боғлиқ ўлим кўплиги боис уларга замонавий тиббий хизмат кўрсатиш энг долзарб масалалардан бири эди.

Туркистон хотин-қизларига малакали тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида ҳамширалик ва акушерлик курсларини очишда ҳам дастлаб татар аёллари ташаббус кўрсатдилар. Масалан, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида медицина ходимларининг камлигини ҳисобга олиб, Марям Якубова ташаббуси билан ҳамшира ва акушерлар тайёрлаш курслари очилган³.

Туркистон Марказий Ижроия Кўмитаси таркибидаги “Ишчи аёл” бўлими съездлар ўтказиш ва унинг қарорларини ҳаётга татбиқ этишда етакчи ташкилотлардан ҳисобланган. Мазкур съездларни ташкил этиш ва ўтказиш ишларида татар аёлларининг катта ҳиссалари бўлган. Масалан, 1920 йил 15 майда ўз иштини бошлаган Туркистон ишчи аёлларининг биринчи съезди ташкилотчилари бўлган рус аёллари Берта Бендецкая, Павла

¹ Любимова С.Т. 50 летие международного женского дня. – Москва: “Знание”, 1960. – С. 18.

² За пять лет. Сборник по вопросам работы Коммунистической партии среди женщин Средней Азии. – Москва, 1925. – С. 122.

³ Шукурова Х.С. Социализм и женщина Узбекистана. – Ташкент: “Узбекистан”, 1970. – С. 76.

Волкова қаторида татар аёли Зоҳида Бурнашева ҳам бўлган. Мазкур съездда иштирок этган 120 нафар делегатнинг 88 нафарини рус, 15 нафарини татар, 3 нафарини қирғиз (қозоқ) ва 1 нафарини туркман аёллари ташкил этган. Съезд кун тартибида Туркистон аёллари орасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларини янада жонлантириш, бу борада маҳаллий хотин-қизларни ҳам кенг қўламда жалб этиш асосий масала эканлиги таъкидланган¹.

Марказий қўмита қошидаги хотин-қизлар бўлимининг мусулмон секцияси фаолиятида татар аёллари муҳим роль ўйнаганлар. Уларнинг маҳаллий аёллар орасида олиб борган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида маҳаллий миллат хотин-қизларининг ижтимоий фаолликлари ошиб борган. Масалан, 1921 йил январда жойлардаги хотин-қизлар бўлимлари раҳбарлари ва мусулмон секциялари қошидаги ишчи ва деҳқон аёллари бўлимлари раҳбарларининг биринчи ўлка йиғилиши бўлиб ўтган. Йиғилишда 89 нафар иштирокчи қатнашиб, уларнинг 30 нафарини мусулмон аёллари ташкил этган. Мусулмон аёллари орасида 16 нафар ўзбек, 5 нафар татар, 5 нафар форс, шунингдек, 5 нафар Бухоро яҳудийси ва 1 нафар осетин аёллари бўлган. Йиғилишда маҳаллий аёллар орасида маданий-оқартув ишларини янада яхшилаш ҳамда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масалалари кўрилган².

Хотин-қизлар бўлимлари қошидаги маҳаллий аёллар учун очилган ёзги қисқа муддатли ва бир йиллик курсларни ташкил этиш учун кўплаб татар аёллари сафарбар этилган. Улар қаторига Марям Бахтиёрова, Муршида Исмоилова, Зоҳида Бурнашева, Анвара, Сарвар ва Зайнаб Яушевалар, Салима Ахтамова, Шарифа Халиуллина, Иззанур Муҳаммедова, Гавҳар Алиева, Саодат Еникеева, Омина Алимбекларни киритиш мумкин. Юқорида номлари қайд этилган татар зиёли аёллари жойларда

¹ Шукурова Х.С. Социализм и женщина Узбекистана. – Ташкент: “Узбекистан”, 1970. – С. 84.

² Шукурова Х.С. Социализм и женщина Узбекистана. – Ташкент: “Узбекистан”, 1970. – С. 97.

махаллий хотин-қизлар иштирокида йиғилишлар, конференциялар ўтказиб, аёллар ҳуқуқларига оид совет қонунчилигини тарғиб этиш ва уларга амал қилинишига эришишда жонбозлик кўрсатганлар¹.

1920 йил ёз ойларидан бошлаб, Туркистон МИҚ қошидаги хотин-қизлари бўлимнинг ишлари бутун ўлка бўйлаб жонлана бошлади. Жумладан, жойлардаги хотин-қизлар бўлимларининг ташаббуси ва бевосита иштирокида ҳудудларда хотин-қизлар клублари ташкил этилди. Мазкур клублар маҳаллий аёллар оммавий тўпланадиган ва уларнинг маданий савиясини янада оширишга хизмат қилувчи, айти пайтда уларнинг сиёсий билимларини ҳам бойитишга кўмаклашувчи маскан бўлиши кўзда тутилган эди. Жойларда фаолият кўрсатган хотин-қизлар бўлимлари аёлларни ижтимоий-маданий ҳаётга жалб этишнинг турли йўллари ишлаб чиқиш, мавжуд тажрибаларни умумлаштиришга маълум даражада аҳамият бердилар².

Хотин-қизлар клубларида амалга оширилган сиёсий-оммавий ишларнинг мазмуни уларнинг тарғибот-ташвиқот бора-сидаги фаолиятида, саводсизликни тугатишда, оммавий-сиёсий тадбирларда ва миллий байрамларни тайёрлаш ҳамда ўтказишдаги иштирокида ўз ифодасини топди. Клублар ташкил этилиб, улар фаолияти жонланиши биланоқ, ўз олдига сиёсий мақсадлар қўйилди. Туркистонда хотин-қизлар клубларини очиш масаласи 1920 йил сентябрь ойида Боку шаҳрида бўлиб ўтган Шарк халқларининг биринчи курултойида кўрилган эди. Туркистон АССРдан 55 делегат иштирок этган ушбу анжуманда республикада ҳам кечиктирмасдан хотин-қизлар клубларини очишга келишиб олинган эди³.

¹ Биктемирова Т., Хамитбаева Н. Татарки просветительницы. Актуальное национально-культурное обозрение. "Анко". 2001. [http:// www. tataroved.ru](http://www.tataroved.ru). – С. 5.

² Нишонбоева Қ.В. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини ҳал этишнинг маданий жиҳатлари (20–30 йиллар, тажриба ва оқибатлар): тарих фан. ном. дисс... – Тошкент, 1998. – Б. 73.

³ Нишонбоева Қ.В. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини ҳал этишнинг маданий жиҳатлари (20–30 йиллар, тажриба ва оқибатлар): тарих фан. ном. дисс... – Тошкент, 1998. – Б. 73–74.

XX асрнинг 20 йиллари бошида Туркистондаги хотин-қизлар клублари ўз фаолиятларида, аввало, аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид ишларни тарғибот қилиш билан шуғулланган. Жумладан, уларнинг диққат марказида қалин пули олиш, кўп хотинликка қарши кураш ишлари турган. Айти пайтда маданий-оқартув ишларини кенгайтириш масалалари билан ҳам шуғулланилган. Хотин-қизлар клублари қошида саводсизликни тугатиш мактаблари ва улар қошида курслар ҳам ташкил этилган. Мазкур мактаб ва курсларнинг муаллималари таркибида татар аёллари ҳам бўлиб, уларнинг олиб борган тарғибот ишлари натижасида маҳаллий аёллар ҳам шундай мактаб ва курсларга жалб этилган. 1920 йили Тошкентнинг Янги шаҳар қисмидаги шундай мактабни 40 нафар ўзбек, қозоқ ва татар қизлари тамомлашган. 1923 йилдан хотин-қизлар учун мактаблар очилишига катта эътибор берилган. Бироқ, маблағнинг етарли даражада эмаслиги мазкур мактабларнинг эркин фаолият юритишига тўсқинлик қилган. Шу йилнинг охирида хотин-қизлар мактабларида 275 нафар маҳаллий миллат аёллари таълим олган, холос¹.

Хотин-қизлар бўлимларининг фаолиятида ишчи аёллар анжуманлари катта ўрин тутган. Кўп ҳолларда мазкур анжуманларга совет маъмурлари томонидан хорижлик “инқилобчилар” ҳам таклиф этилган. Масалан, 1920 йил 20 июлда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ишчи аёллар анжуманига ҳинд “инқилобчилари” ташриф буюришган. Улар Туркистон аёллари орасида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишганлар. Ҳинд “инқилобчилари” саҳнада кўринишлари билан мусулмон аёллари юзларидаги паранжиларини ташлаб олганлар. Ҳинд инқилобчиларидан бўлган Пашль Туркистон аёлларининг паранжи кийишларини мутаассиб муллалар ўзлари ўйлаб топган хурофот эканлиги, унга қарши курашиш лозимлиги ҳақида сўз юритиб, Туркистон мусулмонларига нисбатан тараққиётга эришган мусулмон татарлар ўз аёлларига “ўхшаб”

¹ Туркистон хотин-қизлари орасида нима ишланди // “Туркистон”, 1923. 16 ноябрь.

паранжи кийишларга йўл қўймасликлари ҳақида гапирган. Ҳинд “инқилобчилари” чақирғига бир неча мусулмон аёллари хайрихоҳ бўлиб, Туркистон аёллари учун ҳам озодлик, ҳурлик даври келганлигини таъкидлаганлар. Анжуманда сўз олган рус аёли (исм-шарифи келтирилмаган – *муаллифлар*) паранжини аста-секинлик билан ташлаш ҳақида сўзлаган. Қрим фронтидан келган татар аёли Н. Исмаилова аёллар эркаклар билан бир қаторда чет эл интервентларига қарши кураш олиб бораётганликларини айтиб, Туркистон аёлларини ҳам дадиллик ва курашувчанликка чақирган¹.

Туркистон МИҚ қошидаги “Ишчи ва деҳкон” бўлими доимо тарғибот ишлари юзасидан муҳим қарорлар қабул қилган ва уларнинг бажарилишини назорат этган. 1921 йил октябрь ойида “инқилоб”нинг 4 йиллиги байрами муносабати билан “Турон” театрида бўлиб ўтган тантанали йиғилишда, ўтган йиллар мобайнида мусулмон аёллари орасида олиб борилган ишлар ва истикболдаги вазифалар ҳақида маърузалар қилинган. Мазкур тантанада сўз олган Туркистон МИҚ қошидаги хотин-қизлар бўлими раҳбари З. Бурнашева маҳаллий хотин-қизларга совет ҳукуматининг олиб бораётган сиёсати, берилаётган имкониятлар ҳақида тушунча берган².

1922 йилдан Туркистоннинг деярли барча ҳудудларида хотин-қизлар бўлимлари ташкил этилган. 1923 йилдан хотин-қизлар бўлимлари маҳаллий миллат аёлларини ўқув юртларига жалб этишда эътиборга молик ишларни амалга оширган. Масалан, 1923 йилнинг ўзида жойлардаги хотин-қизлар бўлимлари орқали Тошкентдаги маориф институтлари, ишчи факультетлари, фельдшерлик ва акушерлик курсларига 400 нафар маҳаллий миллат аёллари ўқишга юборилган. Туркистон бўйлаб маҳаллий миллат аёллари учун 12та саводсизликни тугатиш мактаблари очилган³.

¹ Индийские революционеры на конференции // “Известия”, 1920. 22 июль.

² Шукурова Х.С. Социализм и женщина Узбекистана. – Ташкент: “Узбекистан”, 1970. – С. 98.

³ 8 марта и наши задачи // “Туркестанская правда”, 1924. 23 февраль.

Жойларда ташкил этилган хотин-қизлар клублари сонига унинг аъзолари сони номутаносиб равишда бўлган. Жумладан, 1925 йилда хотин-қизлар клубларида 1395 киши фаолият юритган. Бу республикадаги мавжуд хотин-қизлар клублари томонидан маҳаллий аёлларни ўз сафига муваффақиятли бириктира олмаганидан далолат беради. Айни пайтда айрим шаҳар ва туманларда ташкил этилган хотин-қизлар клубларида иш жараёнининг ташкил этилиши ҳамда фаолияти жуда суст борган. Масалан, Наманган шаҳридаги хотин-қизлар клубида 2–3 ойлаб бирорта ҳам тадбир ўтказилмаган¹.

Хотин-қизлар орасида тарғибот ишларининг олиб борилишида “Қизил чойхона”лар ҳам алоҳида ўрин тутган. Уларда йиғилишлар ўтказилиб, ташвиқот ишлари олиб борилган. Масалан, БХСР хотин-қизлар бўлимининг раҳбари, татар аёли Зухра Баимбетованинг таъкидлашича, “Қизил чойхона”ларда хотин-қизлар 10 кунда бир марта йиғилиб, сиёсий ўқиш, китоблар мутолаа қилиш ва радио эшитиш билан машғул бўлганлар. Айни пайтда хотин-қизлар учун алоҳида чойхоналар ҳам очилиб, унинг қошида сиёсий тўғарак ва саводсизликни тугатиш мактаблари ташкил этилган².

Олиб борилган саъй-ҳаракатлар ва саводсизликни тугатиш мактабларининг самарали фаолияти натижаси ўлароқ, ўзбек хотин-қизлари орасидан ҳам етишиб чиққан муаллималар мактабларда фаолият юритган. Масалан, 1924 йил маълумотига кўра, Туркистондаги 2000 ортиқ қизлар мактабларида 342 нафар ёш ўзбек муаллималари фаолият кўрсатганлар³.

Совет ҳокимияти хотин-қизлари бўлимлари фаолиятини ташкил этиш жараёнида бу масалага жуда кам маблағ ажратган. Аксарият ҳолларда клуб ходимлари жамоатчилик асосида фаолият юритганлар. Шу боисдан бу масала хотин-қизлар

¹ Нишонбоева Қ.В. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини ҳал этишнинг маданий жиҳатлари (20–30 йиллар, тажриба ва оқибатлар): тарих фан. ном. дисс... – Тошкент, 1998. – Б. 83.

² Биктемирова Т., Ҳамитбаева Н. Татарки просветительницы Актуальное национально-культурное обозрение. “Анко”. 2001. <http://www.tataroved.ru>. – С. 12.

³ Насырова Х. Женщины Узбекистана в борьбе за мир. – Т.: Госиздат, 1954. – С. 30.

бўлимларининг фаолиятига салбий таъсир кўрсатган. Масалан, 1923 йили ушбу мақсадлар учун атиги 1500 сўм ажратилган эди, холос. Бу масала 1923 йили бўлиб ўтган Бутун Туркистон хотин-қизлар бўлимларининг V кенгашида ҳам кўриб чиқилиши натижасида сезиларли ўзгаришлар юзага келган. Кенгаш асосий эътиборни хотин-қизлар орасида маданий-оқартув муассасалари ишини яхшилаш, аёллар клублари сонини ошириш ва уларни моддий жиҳатдан таъминлашга қаратди. 1924 йилдан бошлаб, янги клублар қурилишига давлат томонидан маблағ ажратиш йўлга қўйилди¹.

1924 йилга келиб, жойлардаги хотин-қизлар бўлимларининг меҳнатлари самараси ўлароқ қизлар мактабларининг сони анча ортди. Тарғибот ишларининг олиб борилиши натижасида маҳаллий хотин-қизлардан ҳам дастлабки раҳбар аёллар етишиб чиқди. 1924 йили Хивада 40 ўринли қизлар мактаби очилди. Айни пайтда катта ёшдаги аёллар учун ҳам кечки мактаб ташкил этилди. Хонқа, Гурлан ва Янги Урганчдаги комсомол ячейкасига 20 нафар қизлар аъзо эди. Хоразмдан 2 нафар ўзбек аёли Туркистон ишчи-деҳқон депутатларининг 4-қурултойида делегат сифатида иштирок этдилар. Улардан бири Н. Абдусаломова ХХСР Марказий Ижроия Кўмитасининг аъзоси этиб сайланган эди. Хоразмлик Г. Сафарова ва Н. Отажоновалар дастлабки илғор ўзбек аёлларидан эди. 1924 йили январда улар Тошкентга келиб, ўлка хотин-қизлар бўлимлари раҳбарларининг кенгашида Хоразмдаги аёллар орасидаги амалга оширилган ишлар ҳақида нутқ сўзлаган эдилар².

БХСРда хотин-қизлар орасида ташвиқот ишларини олиб боришда татар аёли Л. Тухватова ҳам фаол иштирок этган. У 1920 йили турмуш ўртоғи С. Тухватов билан маданий оқартув ишларни ташкил этишга Бухорога юборилган эди. Л. Тухватова тожик тилини ўрганиб, маҳаллий аёлларни саводсизликни тугатиш мактабларига жалб этиш ишлари билан шуғулланган. У

¹ Нишонбоева Қ.В. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини ҳал этишнинг маданий жиҳатлари (20–30 йиллар, тажриба ва оқибатлар): тарих фан. ном. дисс... – Тошкент, 1998. – Б. 78.

² Любимова С.Т. Женщины в Хорезме // “Туркестанская правда”, 1924. 7 март.

маҳаллий миллат хотин-қизлари билан маҳаллаларда суҳбатлар ўтказиб, уларни хотин-қизлар клубларига ва саводсизликни тугатиш мактабларига жалб этишда муваффақиятга эришган¹.

Ашхободда 1925 йил 8 мартда туркман хотин-қизлари орасида тарғибот ишларини олиб бориш мақсадида “Дехкон аёл уйи” очилган. “Дехкон аёл уйи”нинг кўчиб юрувчи ишчи гуруҳи ҳам бўлиб, унинг таркиби хотин-қизлар бўлимининг ходими, ҳуқуқшунос ва шифокордан иборат бўлган. Улар туркман овулларда мунтазам ташвиқот ишларини олиб борганлар. Мазкур гуруҳ таркибида татар аёли З.Бурнашева ҳам бўлиб, у туркман хотин-қизлари орасида ташвиқот ишларини олиб боришда фаол қатнашган².

1925 йил маълумотларига кўра, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги биринчи хотин-қизлар клубида 578 нафар аъзо бўлиб, улардан 405 нафарини ўзбек, 96 нафарини татар, 49 нафарини Бухоро яҳудий аёллари, 13 нафарини рус, 6 нафарини уйғур хотин-қизлари ташкил этган. 1925 йил якунига кўра, клуб қошидаги саводсизликни тугатиш мактабида битирувчилар Тошкент сиёсий маориф бошқармасининг вакиллари олдида муваффақиятли имтиҳон топширганлар³.

Туркистон МИК қошидаги хотин-қизлар бўлимининг маҳаллий хотин-қизлар орасида муваффақиятли фаолият кўрсатишида мазкур бўлимнинг наشري бўлган “Янги йўл” газетаси катта аҳамият касб этган. Хотин-қизлар ҳаракатини ёритиб борган “Янги йўл” газетаси, 1919–1934 йилларда Ўзбекистондаги нуфузли матбуот нашрларидан бири ҳисобланган. Унда хотин қизлар орасида маданий-маърифий ишларнинг олиб борилишига оид мақолалар чоп этиб борилган⁴. 1924 йилдан мазкур газетага талабнинг ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб, Туркистон

¹ Расулов А.Н. Интернациональная помощь партийных организаций, трудящихся Средневолжского региона народам Туркестана (1918–24 гг.): дисс... канд. истор. наук. – Казань, 1990. – С. 234.

² Палванова Б. Эмансипация мусулманки. – Москва: “Наука”, 1982. – С. 68–69.

³ ЎзР МДА, Р. 94-фонд, 1-рўйхат, 226-иш, 41–43-варақлар.

⁴ Алимова Д.А. Женский вопрос в советской историографии Средней Азии (20–80-годы): дисс... докт. истор. наук. – Т.: 1991. – С. 40.

МИҚ қошидаги хотин-қизлар бўлимнинг раҳбари С. Любимова шу йил 3 мартда Туркистон Коммунистик партияси қошидаги босмахонага ёзган билдиришномасида, “Янги йўл” газетаси тиражларини кўшимча босиш учун рухсат сўраган¹.

1924 йилдан хотин-қизлар орасида ташвиқот ишларини олиб бориш қизгин тусга кирган. Хотин-қизлар клублари томонидан “Қизил бурчак”лар² очиш кенг тус олган. Бундан кўзланган мақсад, партия талабларига асосан маҳаллий хотин-қизларни тезроқ “очиш” ва уларни ишлаб чиқаришга жалб этишдан иборат бўлган. Марказий Ижроия Қўмитаси қошидаги хотин-қизлар бўлимнинг раҳбари С. Любимова 1924 йил 5 июлда Туркистон Маориф сиёсий бошқармасига йўллаган хатида, маҳаллий хотин-қизлар орасида маданий-оқартув ишларини олиб бориш учун вилоятларда кўшимча 5 та клуб ва 50 та “Қизил бурчак”лар ташкил этиш таклифи билан чиққан³.

1925 йил 29 октябрида С. Любимова раислигида Ўрта Осиё республикалари хотин-қизлар бўлимлари раисларининг йиғилиши бўлиб ўтган. Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитаси қошидаги хотин-қизлар бўлимнинг раҳбарлари билан бирга Киров вилоят қўмитаси РКП(б) хотин-қизлар бўлимнинг йўриқчиси, татар аёли Каримова, Тошкент уезди хотин-қизлар бўлимнинг раҳбари Тўхта Биби ҳамда мазкур уезд йўриқчиси Аксентович, Тошкентнинг Эски шаҳар хотин-қизлар бўлими раҳбари Жалилова ва бошқалар қатнашганлар. Йиғилишда Ўрта Осиёда хотин-қизлар ўртасидаги ташвиқот ишларини услуб ва шакллари, ишчи ходималарни тайёрлаш, маҳаллий хотин-қизларни ишлаб чиқаришга жалб этиш каби масалалар кўриб чиқилган⁴.

1925 йилдан саводсизликка қарши кураш ишлари авж олдирилгандан сўнг, жойлардаги хотин-қизлар бўлимлари ҳам мазкур жараёнга тортилган. Хотин-қизлар бўлимлари Тошкентдан

¹ ЎзР МДА, Р. 34-фонд, 1-рўйхат, 2639-иш, 77-варақ.

² Ташвиқот усулларида бири ҳисобланиб, ҳар бир клуб қошида мавжуд бўлган. Унда тарғибот-ташвиқот ишларига оид китоб ва газеталар ҳамда деворий газеталар жамланиб, клуб аъзолари мутолаа қилишлари учун ташкил этилган – муаллифлар.

³ ЎзР МДА, Р. 34-фонд, 1-рўйхат, 2575-иш, 361-варақ.

⁴ ЎзР МДА, Р. 86-фонд, 1-рўйхат, 3620-иш, 9-10 варақ.

юборилган ўқитувчиларни иш билан таъминлаш, ўқитиш ишларини назорат қилиш билан ҳам шуғулланган. Ўрта Осиё бюроси (Средазбюро) қошидаги хотин-қизлар бўлими “Саводсизликни тугатиш жамияти”га 1925 йил 22 майда шундай мактаблар ва ўқитувчилар тайёрлаш курсларига 567 сўмдан 2936 сўмгача миқдордаги маблағ билан таъминлаш бўйича кўрсатма берган¹.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш лозимки, Туркистон маданий ҳаётида, хусусан, халқ таълимининг ривожланишида, ўлканинг матбуот, даврий нашриётларини жорий этишда Татаристон полиграфия саноати, татар мутахассислари муҳим роль ўйнаган. Аммо айни пайтда Марказ татарлардан Туркистонда янги тузум манфаатлари йўлида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш учун ҳам “унумли” фойдаланган. Совет мафкурасига асосланган хотин-қизлар маорифини шакллантиришда ҳам ҳукумат маҳаллий миллат билан тили, дини ва маданияти муштарақ бўлган татар хотин-қизларидан саводсизликни тугатиш мактаблари, маориф институтларида муаллималар сифатида фойдаланди. Совет ҳукумати қурилишида большевикларнинг хотин-қизлар маорифига катта эътибор қаратиш билан бирга, улар орасида янги ҳукуматга бўлган хайрихоҳликни орттириш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга кучли эътибор қаратган. Тарғибот-ташвиқот ишларини самарали олиб бориш мақсадида хотин-қизлар бўлимлари, клублар, “Қизил чойхона”лар, “Қизил бурчак”лар ташкил этилди. Мазкур уюшмалар шаклан маданий-маърифий кўринишга эга бўлса-да, аслида улар олдига соф сиёсий мақсадлар қўйилди.

Хотин-қизлар бўлимлари ходимлари таркибида рус миллатига мансуб аёллар билан биргаликда, аксарият ҳолларда татар аёллари ҳам фаолият юритганлар. Хусусан, Россия империяси мустамлакачилиги даврида европача билим даргоҳларида таҳсил олган зиёли татар аёллари совет ҳокимияти қурилишида большевикларга “жуда қўл келган”. Маҳаллий миллат хотин-қизларини ижтимоий ҳаётга жалб этиш ва уларни “озодликка чиқариш” режасини муваффақиятли амалга оширилишида татар

¹ ЎзР МДА, Р. 34-фонд, 1-рўйхат, 2581-иш, 36-варақ.

аёлларининг йўриқчи, ташвиқотчилар сифатидаги фаолияти муҳим омил бўлган эди. Йўриқчи ва ташвиқотчиларни ҳукумат томонидан тақдирлаб борилгани татар хотин-қизларини “садоқат билан” хизмат қилишларига сабаб бўлган.

Жаҳон цивилизациясида ўзининг салмоқли ўрнига эга бўлган Туркистон минтақаси XIX асрнинг охири – XX асрнинг биринчи чорагида ўз тарихий босқичининг муҳим, ижтимоий-сиёсий, маданий ўзгаришларни ўз ичига олган даврини бошидан ўтказган. Бу давр Туркистон минтақасини Россия империяси тасарруфига ўтиши, миллий-озодлик кўзғолонлари-ю, Биринчи жаҳон уруши (1914–1918) йилларида фронт таъминотида сафарбар этилиши, Февраль (1917) инқилобидан кейинги демократик жараёнларда фаол қатнашуви, Октябрь (1917) давлат тўнтаришидан кейин барча саъй-ҳаракатлар ва уларнинг барчаси... Марказ большевиклари манфаатларига бўйсундирилиши билан кўзга ташланади.

Россия подшолиги тасарруфига ўтиш Туркистон халқининг ўн йиллар, юз йиллар давомида анъанавий турмуш тарзини нафақат моддий-иқтисодий, балки маънавий томонларига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Эндиликда анъанавий турмуш тарзида, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда, ишлаб чиқариш – саноат маҳсулотлари билан яқиндан танишишда жиддий ўзгаришлар бўла бошлади. Албатта, Туркистондаги барча ўзгаришлар таг-замирида метрополия манфаатлари ётар, чор Россияси бу борада ўлка халқ хўжалигидаги “ислоҳот”ларда ўз “қизиқишлари”ни олдинги ўринга қўяр эди.

Россия подшолиги манфаатлари, уни олиб бораётган сиёсатини Туркистоннинг ерли аҳолиси ўртасида ёйиш, тушунтириш йўлида миллий матбуотнинг вужудга келиши, матбаачиликнинг йўлга қўйилиши, театр санъати билан таништириш, охир-оқибатда, ўлкадаги аҳоли дунёқарашига ўз таъсирини кўрсатди. Ўлка аҳолиси ижтимоий-сиёсий онги, маданий тараққиётида нафақат диний, балки дунёвий ўзгаришлар ҳам фаол тарзда тарғиб қилинди. Бу борада, яъни Туркистон халқининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий қарашлари ривожда муҳим роль ўйнаганлар қаторида, ҳақли равишда, татарлар турарди.

Татарлар Ўрта Осиё хонликларига дастлаб савдо-сотик ишлари билан ташриф буюрган бўлсалар, кейинроқ Россия подшолиги улардан Туркистонни забт этишда таржимон ва ҳарбий зобитлар сифатида фойдаланди. Чунки татарлар Туркистонни ерли аҳолиси бўлмиш ўзбек, қозок, қирғиз, туркман, қорақалпоқ халқларининг тили, урф-одати, маданияти билан яқиндан таниш бўлиб, уларнинг дини ва руҳиятига муштарак эдилар.

Татарларнинг Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки 1917 йил Февраль инқилобидан кейин янада яққол кўзга ташлана бошлади. Бунга Россиянинг Волгабўйи, Урал-олди ҳудудларидаги, марказий губернияларидаги фаоллиги туртки бериб, татарлар Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда, йиллар давомида мустамлака зулмида яшаб келаётган турк-мусулмон халқлари бирлиги йўлида саъй-ҳаракатга тушдилар. Татарлар Февраль инқилоби (1917) натижасида вужудга келган “тарихий имкониятидан” фойдаланиб, собиқ Россия империяси таркибига “хохиший-мажбурий” киритилган турк-мусулмон халқларини ўз ҳақ-ҳуқуқи, миллий давлатчилиги, сиёсий тафаккурининг ўсиши, маданий тараққиёти йўлида бир-бирини қўллаб-қувватлашга, баҳамжиҳат фаолият юритишга чақирди. Албатта, бу саъй-ҳаракатларда татарлар “пешволикни, яловбардорлик”ни ўз зиммаларига олдилар. Турк-мусулмон халқлари орасида татарларни “яловбардорлик, сиёсий етакчилик” ҳиссиёти тағ-замирида, холисона ният: турк-мусулмон халқлари ҳам бирлашиб, ҳарбий-сиёсий, иқтисодий, маданий равақ сари илғор мамлакатлар қатори ўз “тарихий ўрни”ни муносиб эгаллаши ётар эди.

Буни татарлар томонидан Туркистон ижтимоий-сиёсий жараёнларида фаол иштироки, хусусан, Туркистон Мухторияти миллий давлат тузилмасида фаол иштироки ҳамда уни қўллаб-қувватлаши, демократик сиёсий ташкилотлар тузиш ва унинг фаолиятида ўлка бошқарув тизимини шакллантиришда фаоллиги билан изоҳлаш мумкин.

Татарларнинг Россия турк-мусулмонлари орасида “етакчилик – яловбардорлик” хислати большевиклар учун муҳим аҳа-

мият касб этган. Аниқроғи, Марказ ва жойлардаги большевиклар раҳбарияти ўз ҳокимиятларини мустаҳкамлаш, “йўқсиллар жамияти”ни барпо этиш ғояларини ҳаётга татбиқ этишда, ўзларининг “ишончли ҳамкори” этиб татарлардан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб топдилар. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Марказ ва жойлардаги большевиклар ўз мақсадларини амалга ошириш: социалистик жамият қуриш, жаҳон инқилоби йўлидаги, “орзулари рўёбга чиқиши мумкин бўлган тузум” барпо этишда татарларни “ўз қуролига” айлантирадilar. Айни пайтда татарлар бу “мавҳум ғоя”ларга ўзлари ҳам чиндан ишониб,.. бошқа турк-мусулмон халқларини ҳам ишонтиришга астойдил ҳаракат қилдилар ва курашдилар. Татарлар ўзлари билиб-билмаган ҳолда... Марказни жойлардаги, аниқроғи турк-мусулмон халқлари ғуж бўлиб яшайдиган ҳудудлардаги “назарий ва амалий қуроли”га, “социалистик жамият” тарғиботчисига айландилар. Албатта, татарларнинг айримлари, хусусан, Мирсаид Султон-Ғолиевга ўхшаган раҳнаmolари дастлаб жон-дилдан “социалистик жамият” қуриш, бу йўлда “турк-мусулмон бирлиги”ни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган бўлсалар-да,.. орадан кўп ўтмай, XX асрнинг 20 йиллари бошларидан большевиклар олиб бораётган “миллатларни ўз тақдирини ўзи белгилаш”, “миллий тенглик”, “адолатли жамият” каби ғоялар амалда “шиор” бўлиб қолаётганини англаб етдилар. Аммо бу англаб етганлар жуда озчиликни ташкил этиб,.. большевиклар турк-мусулмон халқлари етакчиликларини ўз “назорати”га олишга, Мирсаид Султон-Ғолиев, Аҳмад Заки Валидий Тўғон, Турор Рискулов, Акмал Икромов, Иномжон Хидиралиев, Саид Галиев ва бошқалар ўртасида “тушунмовчиликлар келтириб чиқариш”га, бир-бирини қўллаб-қувватлашда... “ўта эҳтиёткор бўлишига” замин яратган эдилар. Татарлар томонидан “турк-мусулмон халқлари бирлиги” ғояси большевиклар томонидан амалга оширилган “сиёсий ўйин”лар қурбони бўлиб, бу амалда татар етакчилари орзу қилган “бирлик”ка барҳам берди.

Аммо, яна шуни таъкидлаш жоизки, татарларнинг Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки ўлка халқининг демократик жараёнларда – ҳаракатларда бирлашиши, ўз сиёсий ҳақ-хукуқини фаолроқ идрок этишида муҳим роль ўйнади. Шунингдек, татарлар томонидан Туркистонда театр санъатининг ёйилиши, ўлкада даврий матбуот, босмахона, нашриётнинг йўлга қўйилишидаги саъй-ҳаракатлар муҳим аҳамият касб этган.

Умуман олганда, XX аср бошларида татарларнинг Туркистон ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётидаги ўрни: турк-муслмон халқлари ўртасидаги муносабатларда, ўзаро ҳамкорлик алоқаларида, ижтимоий-сиёсий жараёнларда, маданий-маърифий муносабатларда муҳим аҳамиятга эга. Тўғри, айрим жиҳатдан қараганда Туркистондаги “татарлар фаоллиги”... ўлка халқлари ҳаётига таъсири бўйича ўйлантирадиган, мулоҳазага чорлайдиган, баҳс-мунозарага олиб келадиган, зиддиятли томонлари ҳам бордир... Аммо бу “баҳо”ни бугун бераётганда... ўша XX аср бошларида: Россия империяси, совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистондаги ҳарбий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий аҳволни тўлиқ тасаввур қилиб, ундан кейингина қатъий муносабатни билдириш мақсадга мувофиқ... Зеро, татарларни Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда, маданий ҳаётдаги салмоқли таъсирини, бу саъй-ҳаракатлар хато ва камчиликлардан холи бўлмаса-да, ўз ижобий оқибатларини эътироф этмаслик мумкин эмас.

АТАМА ВА ҚИСҚАРТМАЛАР ИЗОҲИ

1. РММБ – Россия мусулмонлари муваққат марказий бюроси.
2. Россия Давлат думаси – Россияда 1906–1917 йилларда қонун чиқарувчи ваколатли муассаса. 1905 йил 17 октябрь Манифести билан таъсис қилинган. 1917 йил 19 октябрда Муваққат ҳукумат томонидан тарқатиб юборилган.
3. Федералистлар – Россиянинг Туркистон, Қирғизистон (Қозоғистон), Кавказ, Қрим ва бошқа ҳудудларидан келган вакиллари федератив республика тарафдори бўлганликлари учун ўзларини “федералистлар” деб атадилар.
4. Унитаристлар – Россиянинг ички губерниялари, Волгабўйи мусулмонлари вакиллари эса унитар (бир бутун, қўшма) республика тарафдори бўлгани учун ўзларини “унитаристлар” деб атадилар.
5. “Шўрои Исломи” – 1917 йил март ва апрель ойларида Туркистон тараққийпарварлари томонидан тузилган ижтимоий-сиёсий жамият.
6. “Шўрои уламо” – жаидчилик ҳаракатининг сўл партияси бўлиб, Туркистон уламолари жамияти. 1917 йил июнда “Шўрои исломия” жамиятидан ажралиб чиққан.
7. Татар-Бошқирд Марказий Комиссарлиги – дастлаб, яъни 1918 йил 17 январда Ички Россия мусулмонлар иши бўйича комиссарлик деб ташкил топган эди. Татар-Бошқирд Марказий комиссарлиги зиммасида Россиянинг ҳўрланган халқларига “социалистик жамият қуриш”да ёрдам кўрсатиш бор эди.
8. РСФСР ХКК – Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси Халқ Комиссарлари Кенгаши.
9. БМИҚ – Бутун Россия Марказий Ижроия Кўмитаси.
10. Туркистон МИҚ – Туркистон Марказий Ижроия кўмитаси.
11. РКП(б) МК – Россия коммунистик партияси Марказий Кўмитаси.
12. “Алаш” – қозоқ халқи зиёлиларининг сиёсий партияси.
13. “Иттифок” – 1917 йил 4 апрелда Тошкентдаги рус-та-

тар мактаби биносида бўлган йиғилишда татар зиёлиларининг Туркистонда фуқаролик мавқеларини кўтариш мақсадида “Иттифоқ” жамияти тузилди.

14. Туркистон Мухторияти – 1917 йилнинг 26–28 ноябрида Қўқонда Бутун Туркистон мусулмонларининг фавқулудда IV курултойи бўлди ва Туркистон Мухторияти ҳукумати ташкил топган. 1918 йил 22 февралда Туркистон Мухторияти ҳукумати Қизил аскарлар ва арман дашноқлари томонидан тор-мор этилди.

15. Туркистон ХКК – Туркистон Халқ Комиссарлар Кенгаши.

16. ШХКТБ МБ – Шарқ халқлари коммунистик ташкилоти Марказий бюроси.

17. “Оренбург тиқини” – 1917 ноябридан 1918 йил январигача, 1918 йил апрелидан 1919 йил сентябригача Туркистон ва Россия ўртасидаги темир йўл алоқасида узилиш бўлган.

18. БХСР – Бухоро Халқ Совет Республикаси.

19. ХХСР – Хоразм Халқ Совет Республикаси.

20. ТАССР – Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси.

Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида фаолият кўрсатган татарлар ҳақида маълумот

Зоҳида Бурнашева 1895 йил 6 октябрда туғилган. 6 синфли гимназияни тамомлаган. З. Бурнашева Туркистонда хотин-қизлар бўлими ва маорифининг ташкилотчиларидан бири ҳисобланган. Москва шаҳридаги хотин-қизлар педагогик курсларида ўқиган. Октябрь (1917) давлат тўнтаришига қадар Москвадаги татар мактабида ишлаган. У Октябрь инқилоби (1917)дан кейин, Россиядан Туркистонга келган. 1918 йилда у аввал Самарқанд шаҳрида “Меҳнатқашлар товуши” номли газетанинг муҳаррири бўлиб ишлаган. 1918 йил кузидан З. Бурнашева Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон қишлоғида яшаган пайтлар эди. У Каттақўрғонда халқ маорифи бўлими мудири ўринбосари лавозимида 1919 йилгача ишлаган.

Ундаги ташкилотчилик қобилияти эътиборга олиниб, Тошкентга Марказий хотин-қизлар бўлимига ишга таклиф этилади. 1919 йил июль ойида Туркистон Халқ маорифи комиссарлиги унга ҳамда 2 нафар татар муаллималари Ахтамова Салима ва Иззанур Муҳамедоваларга Тошкентдаги ўлка хотин-қизлар педагогик курсларининг ташкилий ишларини тартибга солиш юклатилади. 1920 йил мазкур муаллималарнинг саъй-ҳаракатлари билан педагогик курслар хотин-қизлар институтида қайта ташкил этилган. Мазкур курсларга З.Х. Бурнашева раҳбарлик қилган. Хотин-қизлар институтини Жаҳон Обидова ва Тожихон Шодиева каби дастлабки ўзбек зиёли аёллари тамомлаганлар.

1919 йил сентябрдан Наманган шаҳрида ҳам хотин-қизлар педагогика билим юрти очилиб, мазкур билим юртига Тошкентдан таниқли муаллима Зоҳида Бурнашева ўқитувчи сифатида юборилган. 1919 йил ноябрь ойдан бошлаб, жойлардаги партия кўмиталари қошида хотин-қизлар секциялари ташкил топган. Мазкур секциялар ишини ташкил этиш, маҳаллий хотин-қизлар орасида ташвиқот ишларини олиб боришда турли хил йўл ва

услугларни ишлаб чиққан татар аёллари Зоҳида Бурнашева ҳамда Зуҳра Баимбетовалар катта жонбозлик кўрсатганлар.

1919 йил декабрда хотин-қизлар бўлимининг филиали Тошкент шаҳрида ҳам очилди. Бўлим фаолиятида татар аёллари – Юсупова, Бурнашева, Ҳусанбаева, Каримовалар фаол хизмат кўрсатишди. Хотин-қизлар бўлимининг фаолияти маҳаллий “Иштирокиюн”, “Қизил Байроқ”, “Туркистон”, “Озод Бухоро”, “Маориф”, “Инқилоб куёши” ва бошқа бир қатор газеталар саҳифаларида ёритиб борилган.

Хотин-қизлар бўлимлари қошидаги маҳаллий аёллар учун очилган ёзги қисқа муддатли ва бир йиллик курсларни ташкил этиш учун кўплаб татар аёллари сафарбар этилган. Улар қаторига Марям Бахтиёрова, Муршида Исмоилова, Зоҳида Бурнашева, Анвара, Сарвар ва Зайнаб Яушевалар, Салима Ахтамова, Шарифа Халиуллина, Иззанур Муҳаммедова, Гавҳар Алиева, Саодат Еникеева, Омина Алимбекларни киритиш мумкин. Юқорида номлари қайд этилган татар зиёли аёллари жойларда маҳаллий хотин-қизлар иштирокида йиғилишлар, конференциялар ўтказиб, аёллар ҳуқуқларига оид совет қонунчилигини тарғиб қилиш ва уларга амал қилинишига эришишда жонбозлик кўрсатганлар. З.Х. Бурнашева татар тилидан ташқари Туркистон халқларининг барча тилларини яхши билган. 1933 йилдан 1951 йилгача у Қирғизистон партия ташкилотларидаги юқори лавозимларда ишлаган¹.

Саодат Еникеева. Саодат Еникеева Кўкон хонлигининг Санкт-Петербургдаги элчиси бўлган Мирза Ҳаким Парвоначининг кизи бўлган. Туркистонни Россия истило этгач, Мирза Ҳаким Парвоначи Туркистон Бош ҳарбий губернатори девонида

¹ ЎзРМДА, Р. 34-фонд, 1-рўйхат, 315-иш, 2-3-варақлар. Расулов А. Интернациональная помощь партийных организаций, трудящихся Средневолжского региона народам Туркестана (1918–1924 гг.): дисс... канд. истор. наук. – Казань, 1990. – С. 23–32; Пальванова Б. Эмансипация мусульманки. – М., “Наука”, 1982, – С. 60–61, ЎзРМДА, Р. 34-фонд, 1-рўйхат, 114-иш, 151–152-варақлар; Биктемирова Т., Хамитбаева Н. Татарки просветительницы Актуальное национально-культурное обозрение. “Анко”. 2001. <http://www.tataroved.ru>. – С. 5. Алимова Д. Решение женского вопроса в Узбекистане. – Т.: “Фан”, 1987. – С. 14–15.

статс маслаҳатчи бўлиб ишлаган. Ўлкада яшаган европаликлар орасида Карл Карлович Умидов деган ном билан машҳур бўлган. Мирза Ҳаким Парвоначи Санкт-Петербургда элчи бўлиб ишлаган йилларда татар қизига уйланиб, ундан икки фарзанд: ўғил ва киз кўрган. Катта фарзанди профессор, тиббиёт фанлари доктори Зулфия Умидованинг отаси Мирза Иброҳим бўлган. У 1924 йилда Кременчуг шаҳрида безгак касалидан вафот этган. Мирза Ҳаким Парвоначининг иккинчи фарзанди Саодат ҳам европача тарбия кўриб, Тошкентдаги қизлар гимназиясини тамомлайди ва рояль чалиш санъатини эгаллайди.

Тошкентда яшовчи истеъфодаги генерал С.Г. Еникеев хонадонидо доимий равишда санъат кечалари ўтказиб келинган. 1904 йилнинг 4 апрелида шу хонадонда Навмиқ Камолнинг “Ишқ балоси” спектакли Туркистонда яшовчи татар ҳаваскорлари томонидан намоиш этилган. Мазкур спектакль намоиши бошланишидан олдин полковник Абубакр Диваев сўзга чиқиб, Европа театрининг ижобий томонлари ҳақида маъруза қилган. Хонадон эгаси С.Г. Еникеев бошқирдистонлик татарлардан эди. Унинг турмуш ўртоғи Саодатхоним Еникеева санъатга қизиққан, маърифатпарвар аёллардан бўлган. 1909 йили Еникеевлар хонадонидо Саодатнинг ташаббуси билан бўлиб ўтган бадиий кечада ўзбек тараққийпарвари А. Авлоний ҳам иштирок этган.

1918 йилда Саодат Еникеева ўлкада татар аёллари томонидан ташкил этилган ва муваффақиятли фаолият юритган “Муслималар маориф жамияти”нинг раиси лавозимида фаолият юритган. 1919 йил 22 апрелда Туркистон халқ консерваторияси таркибида махсус мусиқа синфи очилиб, дарс бериш учун С. Еникеевани муаллима этиб тайинлаган.

С. Еникеева 1923 йилдан ўзбек хотин-қизлар институтига раҳбарлик қилган ва ўзбек санъаткор аёлларининг биринчи авлоди тарбиясига ҳисса қўшган. Ўзбек хотин-қизлар институтининг директори С. Еникееванинг 1923 йил 3 декабрдаги йил якуни бўйича ҳисоботида келтирилишича, институт таркиби 3 та тайёрлов, 1 та асосий, 8–12 ёшгача қизларни ўқитишга мўлжалланган кичик синфдан иборат бўлган. Институт қошида

2 та сиёсий ва адабий клублар ташкил этилиб, иштирокчилар катта кизиқиш билан клубларга қатнашаётганликлари қайд этилган. 1923 йил сентябрда очилган ёшлар ячейкасининг 20 дан ортиқ аъзолари бўлиб, улар “Қизил кўнғироқ” номли газета нашр эттирганлар. Бу аёлни Йўлдош Охунбобоев ва Файзулла Хўжаевлар яхши билишар ҳамда ҳурмат қилишарди¹.

Ханифа Пантошева. Ханифа Пантошева 14 ёшида Волгабўйидан Когон шахрига ота-онаси билан бирга кўчиб келган. У Волгабўйида яшаган чоғида 2 йиллик ўқитувчиларни тайёрлаш курсларида ўқиган бўлиб, Октябрь тўнтариши (1917)дан кейин Когон шахридаги саводсизликни тугатиш қизлар мактабида икки йил давомида муаллималик қилган. 1922 йилда у Чоржўй шахридаги муаллималарни тайёрлаш 3 ойлик курсларида ўқиб, диплом олган. Шу йили Бухорода яна 2 нафар хотин-қизлар шундай диплом олганлар. 1924 йили Х.Пантошева Ғиждувонда мактаб ташкил этган. У 1930 йилгача муаллимлик қилган. Х.Пантошева саводсизликни тугатиш мактабларида муаллималик қилиш билан бирга Бухородаги хотин-қизлар бўлимининг фаол ходималаридан бири саналган².

Соҳибжамол Иззатуллина-Волжская Туркистонда миллий театр санъатининг вужудга келиши ва таракқий этишида хизмат кўрсатган дастлабки татар актрисаларидан бири ҳисобланади. 1908 йилда А.Қориевнинг кўл остида “Сайёр”, С.И. Волжская-

¹ Алиназар Эгамназаров. Сиз билган Дукчи Эшон. – Т.: “Шарқ”, 1994, – Б. 35, Гулям Г. Габдулла Тукай и наш поэт // Слово о Тукае. – Казань: Татарское книжное издательство, 1986. – С. 19–20; Яна қаранг: Турдиев Ш. Среднеазийские татары: роль и значение в культурной и политической жизни Туркестана первой четверти XX в. // Ислам в татарском мире: история и современность. – Казань, 1997. – С. 175; Ризаев Ш.Т. Ўзбек жаҳид драматургиясининг шаклланиш манбалари. Филология фан. номз ... дисс. – Т., 1995. – Б. 31; Раҳмонов М. Ҳ.Ҳ. Ниёзий ва ўзбек совет театри... – Б. 61–62; Исмоилова М. Хонимлар йиғилиши // “Улуғ Туркистон”, 1918. 24 январь, ЎзРМДА, Р. 34-фонд, 1-рўйхат, 132-иш, 542-варақ, ЎзРМДА, Р. 34-фонд, 1-рўйхат, 1333-иш, 199-варақ ва орқаси.

² Расулов А. Интернациональная помощь партийных организаций, трудящихся Средневолжского региона народам Туркестана (1918–1924 гг.): дисс... канд. истор. наук. – Казань, 1990. – С. 222–221; Стрельцова А. Они были первыми. – Т.: Госиздат-во худож. Литер. 1960, –С. 16–24.

нинг “Нур” театр труппалари ташкил топган. С.И.Волжская аввал “Сайёр” труппасида А. Қориев, И. Қудашев-Ошкозорский ва М. Ийманский каби ўша давр татар театрининг машхур актёрлари билан бир қаторда ижод қилган. Театр санъатини янада раванқ топтириш учун тинмай изланган. Фахрия Қудашеванинг ўз таржимаи ҳолида ёзишича, у 1909 йили “Сайёр” труппасига актриса сифатида ишга кирган. Шу йили труппада 3 нафар актриса бор эди, холос. Улар С.Иззатуллина-Волжская, Фахрия Қудашева ва Фахринисо Самитовалар эди. Кейинчалик труппага Уммигулсум Болгарская келиб қўшилган. 1908 йилда “Сайёр” труппаси Кавказда ижодий сафарда бўлиб, Озарбайжон театр труппаси билан учрашган. Бу труппага Ҳусайн Араблинский бошчилик қилган. У татар театрида аёлларнинг фаолият кўрсатишига “буюк қахрамонлик” дея юқори баҳо берган эди.

Ўша пайтда Озарбайжон театр труппасида аёллар ролини эркаклар ижро этишган. Ҳ. Араблинский Озарбайжон ва татар театрлари ўртасидаги ҳамкорлик ривожланишида катта ҳисса қўшган. “Нодир” спектаклида Нодирнинг хотини ролини 16 ёшли С.Иззатуллина-Волжская ўйнаган бўлиб, бу роли унинг ҳаётида ўчмас из қолдирган. Ўша кезлари “Сайёр” труппасида 2 нафар аёл – Соҳибжамол Иззатуллина-Волжская ва Зулайҳо Богдановалар бор эди. 1910 йилнинг ўрталарига келиб, “Сайёр” труппасида актриса аёлларнинг сони бирмунча кўпайиб, Гулсум Болгарская, Наима Тажирова, Нафига Арапова, Фотима Ильская ва Сора Байкина қўшилганлар. Уларнинг ўйнаган роллари татар театрининг шухратининг янада ошишига, қолаверса, мухлислар ёдида бир умрга сақланиб қоладиган образларни яратилишига сабаб бўлган. С.Иззатуллина-Волжская “Хўжайин ва ғулом” спектаклида Бибижамол ролини ўйнаган. У ўзини зўрлаб бойга узатмоқчи бўлган зулмкор отага қарши чиқа олган қиз ролини ижро қилиб, ундаги журъатлилик, мардлик ва ўз бахти учун курашиш каби қирраларини маҳорат билан очиб бера олган¹.

¹ Раҳмонов М. Ҳ.Ҳ. Ниёзий ва ўзбек совет театри... – Б. 64; Кумысников Х.Л. Истоки сценического реализма. Очерк из истории дооктябрьского татарского театра. – Казань: Татарское кн. изд-во, 1982. – С. 91.

Марям Султонмуродова жадидларнинг “Кўмак” ташкилоти ёшларни хорижий давлатларга ўқишга юборишни йўлга қўйишга эришди. Германияга жўнатилган ёшлар орасида хоразмлик татар кизи Марям Султонмуродова ҳам бўлган. У 1919 йилдан Тошкентга келиб, “Татар ўқитувчилар тайёрлаш институти”да таълим олди. 1921 йилдан “Ўзбек хотин-қизлар институти”да муаллима ва тарбиячи вазифаларида ишлади. 1922 йили М. Султонмуродова туркистонлик ва бухоролик ёшлар қаторида Германияга юборилди. У 1923 йилгача Берлинда таълим олади ва немис тилини ўрганди. 1928 йили Тошкентга қайтиб, дастлаб Эски шаҳардаги кечки “Коммунистик университети”да ўқув бўлими мудираси, 1935 йилдан эса “Гулистон” журналида ўз фаолиятини давом эттирди¹.

Обидов Исмоил Шарафиддинович (Обидий, Габитов) – 1880 йилда Шарқий Туркистоннинг Фулжа шаҳрида татар зиёлиси оиласида туғилган. Отаси Шарафиддин Обидов Россия империясининг Фулжадаги элчихонаси хизматчиларидан эди. И. Обидов илм олишга қизиқиб, араб, форс ва рус тилларини мукамал ўрганган. И. Обидов отаси вафотидан сўнг, 1887 йилда онаси Афифахоним ва оила аъзолари билан Қозонга қайтганлар. И. Обидов шу ерда реал билим юртида таҳсил олган. У 1903–1905 йилларда Москвада ўқишни давом эттириш билан бирга инқилобий ҳаракатларда ҳам иштирок этган. Мана шу фаолияти учун ҳибсга олиниб, Туркистонга сургун қилинган.

И. Обидов Тошкентда М.В. Морозов, унинг рафиқаси В.В. Худаш, Н.В. Болотин, П.В. Поздняков ҳамда Абдулла Бадрий, Мирмуҳсин Шермуҳаммедов, Музаффарзода ва Абдулла Авлоний сингари маҳаллий зиёлилар билан танишган. Уларнинг маслаҳатлари ва ёрдамлари билан 1906 йил 14 июнда “Тараққий” газетасини нашр эттира бошлаган. Абдулла Қодирий ўз таржимаи ҳолида ёзишича, И. Обидов 1917 йил октябрь воқеаларидан сўнг, масъул идораларда (Доҳилия ишлари комиссари ёрдамчиси бўлиб) хизмат қилган. И. Обидов XX асрнинг 30 йил-

¹ ЎЗР МДА, Р. 34-фонд, 1-рўйхат, 791-иш, 101, 229-варақлар. Нишонбоева Қ. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини.. – Б. 148–149.

ларида асосан ижодий фаолият билан шуғулланган ва А. Қодирийнинг “Обид кетмон” қиссасини рус тилига таржима қилган¹.

Ахтамов Мирмуҳаммад Мавдуд Фаттахетдинович – 1861 йил 15 февралда Симбирск губернияси, Курмиш уезди Петряксин волости, Қизилорол қишлоғида туғилган. Дастлабки маълумотни маҳаллий татар мактабида, кейинчалик Петропавловск шаҳрида олган. 1879 йилда Бухорога келиб, мадрасада 7 йил таҳсил олган. 1886 йили Тошкентга келиб, татар олий мактабига ўқишга кирган. Мазкур мактабни якунлагандан сўнг, Тошкентдаги Якшанба бозори ёнидаги татар масжидида имомлик қилган².

1898 йил 9 февраль маълумотларига кўра, М. Ахтамов масжид қошида мактаб очиб, 40–50 нафар татар болаларини ўқитган³. 1918 йил 26 январда Тошкент татарлари “Иттифок” жамияти аъзолигига сайланган⁴.

Кабир Бакир (Бакиров) (1880–1938) ўзининг журналистлик фаолиятини 1905 йил 2 сентябрдан Петербургда татар тилида Атаулло Боязидов муҳаррирлигида чиқа бошлаган “Нур” газетасида бошлаган. Кейинчалик у “Вақт” ва бошқа газеталарнинг муҳбири бўлиб ишлаган пайтда кўп маротаба Туркистонда бўлиб, бу ердаги ҳамкасблари билан дўстлик ришталарини боғлаган. 1917 йил Февраль инқилобидан сўнг Тошкентга келиб, “Улуғ Туркистон” газетасининг ташкилотчиси ва муҳаррири бўлган. Кабир Бакир 1917–1918 йилларда Туркистон татарлари Марказий бюроси раиси сифатида ҳам фаолият кўрсатган.

Будайли Маҳмуд (Будаилов) 1895 йил 3 апрелда Қозон губернияси, Мамадиш уезди, Эски Махсум овулида туғилган. 1912 йилда Троицкдаги “Энергия” типографиясига ҳарф терувчи бўлиб ишга кирган. Шу ерда нашр этилаётган ҳажвий “Акмулла” журнаliga мақолалар ёза бошлаган. 1914 йилда

¹ Жалолов А., Ўзганбоев Ҳ. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг ўрни. – Т.: “Фан”, 1993. – Б. 60–61.

² ЎзР МДА, И.461-фонд, 1-рўйхат, 1168-иш, 290-варақ орқаси.

³ ЎзР МДА, И. 17-фонд, 1-рўйхат, 15374-иш, 6-варақ.

⁴ “Иттифок” шўросина сайловларнинг натижаси // “Улуғ Туркистон”, 1918. 31 январь.

Туркистонга ушбу журналнинг мухбири сифатида ишга юборилган. “Садои Туркистон” газетасида мақолалар чоп эттирган. У “Садои Туркистон” газетасидаги “Мусулмонлар турмушидан бир лавҳа” номли танқидий мақоласи учун империя маъмурлари томонидан хибсга олинган. Туркистонлик ҳамкасбларининг аралашуви билан жазодан қутулиб қолган. Бироқ, Тошкентдан Туркистон шахрига кетиб, “Кашфизода” тахаллуси билан ўз фаолиятини давом эттирган.

М.Будайли 1915 йили 11-армия таркибида Биринчи жаҳон урушида иштирок этиб, оғир яраланганлиги оқибатида ўз овулига қайтган.

1918 йилда М.Будайли коммунистик партия сафига кирган. Советларнинг VII съездида В.И. Лениннинг эътиборига тушган. Ўз она тилидан ташқари рус, қозоқ, ўзбек ва араб тилларини яхши билганлиги учун Бутун Россия Марказий Ижроия Қўмитаси (БМИК) томонидан ташкил этилаётган “Қизил Шарқ” поезди таркибига киритилган. М.Будайли ушбу тарғибот поездида комиссар ёрдамчиси сифатида фаолият кўрсатиш билан бирга ўзбек, қозоқ, татар тилларида чиқадиган “Қизил Шарқ” газетасига муҳаррирлик қилган.

У 1920 йил октябрда В.Куйбышев билан бирга Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР)га юборилган. М.Будайли 1920–1921 йилларда БХСР Матбуот халқ нозири, 1921 йилда РСФСРнинг Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР)даги элчиси ўринбосари, 1922 йилда Туркистон Автоном Совет Республикасида Миллатлар ишлари халқ комиссари ўринбосари лавозимларида ишлаган. У Бухорода ишлаган вақтларида “Бухоро ахбори” газетасини чиқаришга бошчилик қилган. 1922 йилда РКП(б) Ижроия Қўмитаси қарори билан Татаристонга ишга юборилган¹.

Қамчиёнбек Абдулла (Гайнуллин) – 1898 йилда Сирдарё вилоятининг Чиноз қишлоғида туғилган. 1917 йилда “Шўрои Исломия” ташкилотининг Қўқон шахридаги бўлимида котиб,

¹ Расулов А.Н. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар тарихи. Тарих фан. докт... дисс. – Б. 298–301; Гарифуллин Д. Махмуд Будайли // “Гасырлар авазы – Эхо веков”, № 3/4, 2003. – С. 147–148.

сўнгра Туркистон Мухторияти ҳарбий бўлимида иш юритувчи бўлиб ишлаган. Туркистон Мухторияти зўрлик йўли билан ағдариб ташлангач, 1918 йили большевиклар партиясига кирган. 1921 йилда ХХСР ва БХСРда инқилобий кўмита котиби вазифасида фаолият кўрсатган. 1922–1924 йилларда Москвада таҳсил олган. “Қизил Ўзбекистон” газетаси муҳаррири бўлиб ишлаган. 1925 йилдан ЎзССР МИҚ Раиси Й. Охунбобоевга котиблик қилган. 1930 йилда Москвада “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси сифатида қамоққа олиниб, 10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилган. 1939 йилда қамоқдан озод этилгач, Чинозга қайтган ва туман марказий шифохонасида хўжалик ишлари бошқарувчиси бўлиб ишлаган¹.

¹ Убайдуллаев Ў.Қ. Ўзбекистонда 20–30 йилларда мустабид тузумга қарши миллий муҳолифат ҳаракати (маҳаллий зиёлилар фаолияти мисолида): тарих фан. номз. ... дисс. – Андижон, 2004. – Б. 62.

**ТУРКИСТОН ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ,
МАДАНИЙ ҲАЁТИГА ОИД...**



1-расм. Театр сахнасининг дастлабки кўриниши



2-расм. 1911 йилда “Нур” номли татар театр труппасини ташкил этган ва шу йили Туркистонга ташриф буюриб, сахна кўринишларини намойиш этишда фаоллик кўрсатган татар актрисаси Соҳибжамол Иззатуллина-Волжская

لالەخان سەيفۇللىيىنە - نارسالانۇزا

ئىچكىرى

ئۈزبېك خاتىن قىزلىرى تۈرمۈشىدىن ئالغان
ساچما شەئەرلەر.

ئۈزبېكچەگە مۇتەرجىمى. چولپان.

ئۈزبېكىستان دەۋلىتى نەشرىياتى.
سەمەرقەند - 1926 - تاشكەنت.

3-расм. Татар ёзувчиси Лола Сайфуллананинг
“Ичкири” номли асарى. Машхур ўзбек адиби А. Чўлпон ушбу
асарни ўзбек тилига таржима қилган. Мазкур асар асосида
1926 йили “Иккинчи хотин” номли дастлабки
ўзбек фильми суратга олинган



5-расм. Совет ҳокимияти қурилиши йилларида Ўзбекистонда маориф соҳасида фаолият юритган дастлабки маърифатпарварлардан бири Саодат Еникеева турмуш ўртоғи Асака ноиб Соҳиб Гиреевич Еникеев билан



6-расм. Ўз даврининг машҳур билим юртларидан бўлган “Ўзбек хотин-қизлар билим юрти” директори Саодат Еникеева битирувчилар билан. Тошкент. 1925 йил. “Қизил Ўзбекистон” газетаси



7-расм. Татар аёллари ўз мақолалари билан мунтазам иштирок этган “Садон Туркистон” (1914–1915), “Вақт” (1916–1917) газеталари



7-а расм. Татар аёллари ўз мақолалари билан мунтазам иштирок этган “Иштирокиюн” (1919–1920), “Қизил Байроқ” (1922) газеталари



8-расм. “Турон” труппаси томонидан 1914 йилда “Лайли ва Мажнун” спектакли саҳнага қўйилган. Мазкур труппа таркибида 8 нафар татар актрисаси бўлган



9-расм. Татар “Сайёр” театр труппаси асосчиларидан
Илёс Ошкзорский-Кудашев ва
Фахрия Кудашева-Арскаялар онласи



10-расм. “Сайёр” театр труппаси артистлари.
Ўтирганлар, ўнгдан: В. Муртазин-Ийманский, Б. Болгарский,
С. Иззатуллина-Волжкая, Ахматова, Ф. Самитова.
Турганлар: Н. Сакаев, А. Қориев. 1908 йил

Абдулла РАСУЛОВ
Алишер ИСОҚБОЕВ
Дилфуза НАСРЕТДИНОВА

**ТУРКИСТОН ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ,
МАДАНИЙ ҲАЁТИДА
ТАТАРЛАР**

Илмий нашр

Тошкент – “Turon-Iqbol” – 2019
100011. Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30^А.
Телефон/факс: (+71) 244-25-58.

Муҳаррир *А. Тиллахўжаев*
Бадий муҳаррир *К. Бойхўжаев*
Техник муҳаррир *А. Юлдашева*
Мусахҳих Ҳ. Закирова
Саҳифаловчи *А. Бойхон*

Нашр лицензияси АИ № 223, 16.11.2012.
Босишга 15.10.2019 йилда рухсат этилди. Бичими 60×84^{1/16}.
“Times New Roman” гарнитурасида офсет босма усулида босилди.
Шартли б.т. 11,16. Нашр ҳисоб т. 12,0.
Адади 100 нусха. Буюртма № 68.

“Turon-Matbaa” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент, Олмазор тумани, Талабалар кўчаси, 2-уй.



**Расулов Абдулла Нуритдинович,
тарих фанлари доктори, профессор**

1959 йили Наманган шаҳрида туғилган. 1985 йили Тошкент давлат университети (ЎЗМУ)ни тамомлаган. 1990 йили Қозон давлат университети аспирантурасини ва 1999 йил Ўзбекистон Миллий университети (ТошДУ) докторантурасини тугатган.

1985 йилдан Наманган давлат университетидида педагогик фаолият олиб боради. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг биринчи чорагида Туркистон ва Россия ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, маданий-маърифий муносабатлар илмий-тадқиқотининг асосини ташкил этади. 160 дан ортиқ илмий мақола ва ўқув-услубий қўлланмалар ҳамда «Туркистон ва Волгабуйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар» (Тошкент: «Университет», 2005), «Туркистон халқи бағрикенглиги» (Тошкент: «Yangi Nashr», 2011), «Туркистонда очларга ёрдам кўрсатиш комиссияси фаолияти (ҳаммуаллифликда)» (Фарғона, 2012), «Туркистон ва Россия халқлари ўртасидаги муносабатлар» (Тошкент: «Tugon-Iqbol», 2017), «Türkiстан ve İdlı-Ural halkları arasındaki İlişkiler (1917–1924)» (Ankara, 2017) монографиялари муаллифи.



**Исоқбоев Алишер Аҳмаджонович,
тарих фанлари номзоди, доцент**

1978 йили Наманган вилояти, Чортоқ туманида туғилган. 1999 йили Наманган давлат университети «Тарих» факультети бакалавриатини тугатиб, 2002 йилда Ўзбекистон тарихи мутахассислиги бўйича магистратурани тамомлаган.

2002 йилдан шу пайтга қадар Наманган давлат университетидида педагогик фаолият юритиб келмоқда.

2008 йили «Туркистон ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида татар-бошқирд маърифатпаварларининг фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари)» мавзусидаги тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

Педагогик фаолияти давомида 50 дан ортиқ илмий мақола, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар чоп этган. Илмий-тадқиқотининг асосини миллатлараро муносабатлар, турк-мусулмон халқлари ўртасидаги ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий муносабатлар ташкил қилади.



**Насретдинова Дилфуза Мухаммадиновна,
тарих фанлари номзоди, доцент**

1976 йил Наманган шаҳрида, зиёли оиласида туғилган. 1998 йили Наманган давлат университети «Тарих» факультетини тугатиб, 2011 йилда «Туркистоннинг маданий ҳаётида татар-бошқирд аёлларининг тутган ўрни (XIX аср охири – XX асрнинг биринчи чораги)» мавзусидаги тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. «Туркистоннинг маданий ҳаётида татар аёллари» номли монографияси нашр этилган (Тошкент: «Yangi nashr», 2015).

Наманган муҳандислик-технология институтида педагогик фаолият олиб боради. Ўз фаолияти давомида 40 га яқин илмий мақола ва ўқув-услубий қўлланмалар чоп этган. Илмий-тадқиқотининг асосини туркий халқлар ўртасидаги муносабатлар, татар-бошқирд аёлларининг Туркистондаги маданий-маърифий фаолияти ташкил қилади.

ISBN 978-9943-14-643-3



9 789943 146433